

**АЛИШЕР НАВОИЙ**

**САБЪАИ  
САЙЁР**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЕТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЯТИ  
Тошкент — 1977**

Ўз  
Н 14

**Насрга айлангирувчи  
Иноят Махсум**

Н  $\frac{70403-141}{352(06)-77}$  1-77

© Гафур Гулом номндаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 й.

## VIII

*Бу етти жаннатосо гулшан ва етти осмонсифат қаср наққошлигининг сабаби ва меъморлигининг кайфияти ва иморатининг тархини — лойиҳасини ўзгартиришлар билан гўзаллаштирмоқ ва биносининг нуқсонларини тузатишлар билан дилкашроқ қилмоқ ва адабсизликлар учун узр айтмоқ ва ўзбошимчаликлар учун маъзират сўрамоқ.*

Бу кеча найрангбоз фалак олам аҳлига лўттибозликлар кўрсатди. У нилгун осмоннинг кенг фазосига жуда кўп ажойиб мунчоқларни (юлдузларни) териб ташлади. У мунчоқлар гуногун хосиятга эга бўлиб, худди буқаламундек ҳар онда турланиб турар эди. Уларнинг ҳар бири ўз табиатига яраша юз хил найранг кўрсатар, бир нарсани пайдо қилса, иккинчисини йўқ қилар; ҳар бири бир жаҳон фитнани юзага келтирар эди. Улардан (юлдузлардан) бирининг табиатида наҳслик — хосиятсизлик мавжуд бўлса, иккинчисида бахт-саодат машғалли порлар эди. Булардан қай бирининг тақдири нима билан боғланган бўлса бу оламга ҳам унинг таъсири ёйилади. Буларни кўзбўямачи, найрангбоз эмас, гўзал раққоса деса бўлади. Юз туман ой юзли гўзал, йўқ, ой юзли эмас, кумушдек оқ ниқобу кумуш бадан ўйинчи дейиш керак. Уларнинг барчаси юз хил ноз билан жилваланади; ҳуснининг гўзаллиги билан кишини ўзига мафтун этади. Уларнинг баъзилари гарда билан ўроғлиғу баъзиларининг пардаси бўлгани ҳолда, юзи кўриниб ҳам туради. Бу таажжуб ҳолат ақлни лол қилиб, ҳар нафасда кишини ўзга бир хаёлга олиб боради. Мен буларни кўриб, гоҳ ваҳимага тушиб, гоҳ фикрга толиб, дам-бадам ҳайрат устига ҳайратланаман. Кўнглим уйида ақлнинг қарори йўқ, ақлим ҳам, кўнглим ҳам бу ҳолатга ҳайрон ва маҳлиёдир. Ақлим буларнинг ҳақиқатини фаҳм этолмагани каби, фикрим буларнинг азму қарорини идрок қилолмамай қолди. Қайғу кўнглини азобга солавергач, кўз уйини уйқу қоронғилиғи босди. Шу пайт, хаёл суратлари бўлмиш туш — фикр уйида ҳар хил ва гуногун суратларни намойиш қилади. Тушимда ўзимни ажойиб бир водийда айланиб юрган ҳолатда кўрдим. Бу водий шу даражада кенг бўлиб, унинг ичида еттита жуда мустаҳкам ва баланд гумбаз бор эди. У гумбазларнинг ҳар бирида ўти-

риш — дам олиш мумкин бўлган жойлар бор эди-ю, аммо мен бир жойда бир нафас тўхтамас ва ором олмас эдим. Уларнинг ҳаммаси осмон гумбази сингари доира шаклида бўлиб, бири бири атрофида айланар эди. Ҳар бир гумбазнинг ранги ўзига хос бўлиб, четдан қараган кишига худди бир ибодатхонадек туюларди. Еттига гумбаз ичида еттига мутасаддий одам бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос нодир сифатга эга эди. Улар кийган тўн ҳам ўз гумбазнинг рангига монанд бўлиб, ҳар бири ўз гумбазнинг иши билан машғул эди. Биринчи гумбазнинг туси қора бўлгани каби, ундаги одамнинг афт-ангори ҳам қора эди. Иккинчисида зарҳал кийим кийган одам, зар рангли уй ичида сап-сарик бўлиб юрар эди. Учинчисининг мақоми яшил ранг гумбазда-ю, тўни ҳам яшил, юзи ҳам сабза ранг эди. Тўртинчисининг либоси гулфом бўлиб, у гул рангли уйда ором оларди. Бешинчиси кўк кийимли, доно одам эди, у кўк гумбазли хонада истиқомат қиларди. Олтинчисининг тўни жигар рангга мойил бўлиб, шу рангдаги кошонада турарди. Еттинчисининг либоси оқ кофурий эди-ю, унинг обод хонаси ҳам шу тусда эди. Ҳафтанинг ҳар бир куни шу хонадонларнинг бирига хос бўлиб, ўша куни шу жойда ичкилик, ўйин-кулги, раққосалар базми бўлар эди. Бу кошоналарнинг ҳар бирининг ичини бир иқлим деб билаверинг. Буларнинг ичида умидвор — хурсанд одамлар ҳам, хафалар ҳам бор. Мен бу ерда истиқомат қилувчи одамлар орасида етти кун юриб, ҳаммасига назар қилар эканман, ҳар уйнинг доно эгаси менга бир афсона айтиб берди. Бу афсоналар ҳар кимнинг ўзи турган уйда бўлиб ўтган, ўз кўзи билан кўрган воқеаларнинг ҳикояти экан. Бу афсоналарнинг ҳар бирида ғаройиботлар, ғаройиботларнинг ҳар қайсисида ажойиботлар кўп. Мен бу афсоналарни ёдлаб, жоним саҳифаларига ёзиб қўйдим. Қачонки буларни қалам билан таҳрир этишга киришар эканман, ҳузуримга хизрваш бир мўйсафид келиб, деди:

«Эй, чарх гумбазларида қуёшдек жилваланиб сайр қилувчи одам! Етти уй ичида сенга майл кўрсатган одамларнинг не ҳайл эканини англадингми? Етти гумбаздаги номуқаррар ранглар лутф билан ҳар хил тусга кириб туради. Ундаги етти уйда маскан қилиб, ҳар қайси бир уйни ватан қилиб олган одамларнинг тўни ҳам, уйлари сингари, ҳар лаҳзада бир тусдан иккинчи тусга киради. У одамларнинг сенга айтган етти афсонасини то айтиб бўлгунларича сен ёдлаб олдинг. Сен бу ажойиб сафаринг мавридида ғаройиботларга назар солар экансан, бу ердаги кайфиятни не деб фаҳмладинг ушнинг асл ҳақиқатига қандай тушундинг?»

Мен бу саволни берувчининг салобатидан юз хил истиҳолага тушганим ҳолда, ҳурмат билан тубандагича жавоб бердим:

«Эй, ҳумоюн руҳу гўзал рухсорга эга бўлган, юзидан бутун инсоният ақли нури порлаб турган зот! Мен бу ғурбатхонада айланиб юрган бир ғарибу ўз муродини изловчи бир фақир мусофирман. Мен бу ерда кўринган ажойиб ва ғаройиб нарсаларнинг нималигини билмадим; «мусофир — кўрдай бўлади», деганларидек, ҳеч нарсанинг ҳақиқатига тушунмадим. Буларнинг сирри-пинҳони сенга маълум бўлса айт ва баён қил!»

Табаррук фариштасифат руҳоний шундай деди:

«Эй, бу пинҳоний сирлардан насибаси бор одам! Хушхабар — мужда бўлсинким, ложувард ранг билан қопланган чарх, сенинг юлдузингни саодатли қилиб яратган экан. Низомий Ганжавий кўп меҳнат қилиб, жаҳонга беш ганж — беш хазина, яъни «Хамса»ни ёзиб берган эди. Шу билан бирга, ҳинд сеҳргари бўлмиш Хисрав Деҳлавий ҳам у билан баҳслашиб, шундай бир хазинани, яъни ўз «Хамса»сини юзага чиқарган эди. Сен эса, икки йил машаққат чекиб, улар айтганидан ортиқ бўлса бору, аммо кам бўлмаган уч дostonни ёзган эдинг. Мана энди, вақти соати етгач, яна қалам тебратиб, тўртинчи номани, яъни, «Хамса»нинг тўртинчи дostonи бўлмиш «Сабъаи сайёр»ни ҳам ёзадиган бўлдинг. Сен тўрт гавҳарга пардоз бериб, тўрт унсурни таркиб топдирадиган бўлдинг. Сенга бахту иқбол ва давлат ёрлик қилиб, ер юзига таниладиган бўлдинг. Низомий «Хамса»сининг тўртинчи дostonи бўлмиш «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») мушк ҳидидек муаттарлиги билан ҳамма ёққа тарқалган, Хисрав Деҳлавийнинг тўртинчи дostonи «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат») ўз гўзаллиги билан жаҳон ақлини ҳайратга солган эди. Энди сен ҳам кенг баҳаво жой топиб, улар қаршисида баланд ва азамат бир бино бунёд этгайсан. Улар сенга неки кўргузган бўлсалар, мен бошдан-оёқ таъбирини баён айлай: уларнинг ҳар биридан сенга башорат бор, шудли — зеҳли одамга бу сўздан ишорат бор. Сенга етти баланд гумбаз бўлиб кўринган нарса ва унинг ичидаги етти офтобжамол гўё етти қават осмондаги етти қуёшдек улуғ устозлардир. Сенга бу қиссадан ишорат шулки, аввал бунёд этилган қасрларнинг қусурларини битириб, етти қаср ичига етти ҳур ўтқазиб қўйгайсан. Аввалгилариники қанчалик ранг-ранг товланиб турган бўлса, сенинг қасрларинг ҳам худди ўшаларга ўхшаб, алвон-алвон товланиб — жилваланиб тургай. Кўрганинг етти афсона устига яна етти турфа афсона

қўшгайсен. Улар ўз лаофати билан элга жон бергай, киши вужудига руҳ бағишлагай. Ақлнинг оғзини кулги билан тўлдириб, руҳнинг кўзини уйқу билан маст айлагай. Сенинг сўзинг билан яралган қасрларнинг ҳар бири юз гаройибот билан тўлиб, беҳисоб ажойиботлар билан жилвалангай. Сен бу ташаббусда шодликка етгайсан, дostonингни сўз билан безашда муваффақиятларга эришгайсан!»

Сўзи тугагач, ер ўлиб у пирга таъзим қилдим. Ҳамда шу пайт, хурсанд ҳолда, сесканиб уйғондим. Кўрганларимнинг барчаси хотирамда қолгани ҳолда, пир билан унинг тушимга берган таъбирини унутган эдим. Асли ҳеч ким тушимга таъбир бергани йўқ, балки хотиримда шу каби ўзгаришлар юз берган эди, холос. Бинобарин, ҳар бир туш ва ҳодисага таъбир берадиган, юқори камолот эгаси бўлмиш таъбирчини чорлаб, жаҳоннинг бу доно кишисига тушимни бошдан-оёқ айтиб бердим. У кишига, эсимдан чиққанидан бўлак, хотиримда қолган ҳамма гапни бир-бир баён этдим. Нукталарга маъно ва пардоз берувчи муаббир, менинг розимни эшитгач, дарҳол уни шарҳлашга киришди. У зот оқшом тушимга кирган пирдан тортиб ҳамма кўрганларимни таъбир айлади. Тушимнинг таъбирини эшитар эканман, тушимдаги пир ҳам эсимга тушди. Мен у кишидан нимаики гаплар эшитган бўлсам, ҳаммаси хаёлимда қайта жилваланди. Бу икки пирнинг сўзи бир хил бўлиб, иккаласиники ҳам сидқидилдан айтилган сўзлар эди. Тушимдаги фаришта қандай нукталарни баён айлаган бўлса, бу ҳам худди ўша фариштамисол гапларни айтди. Мен шу икки далилга эга бўлгач, дostonни ёзиш ишига шошилишч киришдим. Ва жазм қилдимки, холиқи азалнинг (худонинг) ҳукми қатъий ва ўзгармасдир. У, менга бу мулкни (ижод мулкни) фатҳ этиб — эгаллашни насиб этмиш. Агар, тангри бировга бирор нарсани насиб айлаган бўлса, бу бобда дунёнинг сўз ва сссининг аҳамияти йўқдир. Бу нарса насиб бўлган одамнинг қанчалик узрли юмуши бўлса ҳам, барибир, шу ишга киришмай иложи йўқдир. Буни ёзиш учун, таъбирнинг рағбати зўр бўлишига қарамай, лекин жуда эҳтиёткорлик зарур эди. Ахир, мендан аввал қалам тебратган зотлар ҳам ниҳоятда кўп саъй-ҳаракат билан шундай дoston ёзган эдилар. Уларнинг нукталари бошдан-оёқ гўзал маъноларга эга ва ҳар қайси дoston Чиннинг суратхонасига ўхшаган ажойиб бўлиб, бутун олам эли уни жони дилидан қабул этгани ҳақида менинг таъриф-тавсиф қилиб ўтиришга ҳаддим ҳам йўқ. Улардек васф-тавсиф қилишга менда ҳад ва имконият йўқ. Улар қимматбаҳо маънолар сандигини очиб, олам аҳлига дурри-гавҳарларни

сочиб қўйганлар. У маънолар сандиғини бебаҳо жавоҳирлари сочилиб ётган денгиз ва кон деса бўлади. Лекин карам-саховат эгалари гавҳар сочганда, бир тарафга кўп, иккинчи тарафга кам тушиши табиий. Ҳамма ёққа бир хилда кам-кўстсиз дур сочиш, бу, ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб этади. Ерга сув сепадиган одамлар жуда кўп, аммо атир сепадиганлар эса онда-сонда. Агар жавоҳир тошларни йўнувчи заргар бепарвороқ бўлса, кўп хатоларга ва зарарга йўл қўяди. Кўпгина тезкор ва шошмашошар усталар чала-чулпа ишлашни ўзларига одат қилиб олган бўладилар. Улар ўзларининг тезкорликларини маҳорат деб ғурурланишлари туфайли, ишларида катта-катта пуқсон ва камчиликлар юз беришини фаҳмламайдилар. Лекин шогирдлар устозларининг таънасига қолишдан қўрқиб, ўз ишларида камчиликка йўл қўймай, туну кун эҳтиёткорлик билан ишлашлари натижасида, хатолари камроқ бўлади.

Низомий Ганжавий билан Хисрав Деҳлавийнинг икковлари ҳам моҳир устозлардан бўлиб, маҳоратда ҳаммадан устунликлари барчага аёнدير. Улар ўз асарларини қанчалик маҳорат билан ёзган бўлсалар, шунчалик эҳтиёткорлик билан иш тутганлар. Мен, улар ҳеч қандай саҳв қилмаганлар, демайман, йўқ, балки улар хато қилган бўлсалар ҳам, ўзлари билмаганлар. Улар ўз китобларига бошдан-оёқ минг хил зеб-зийнат бериб, кишиларни сеҳрлаганлар. Лекин, афсуски, улар афсоналарни яратар эканлар, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни қўлдан берган жойлари ҳам йўқ эмас. Гапимга қулоқ соладиган бўлсангиз, тубанда мен уларни муқаррар кўрсатиб бераман. Бири шуки, улар дард-ғамга унча аҳамият бермаганлар, яъни ишқни дарддан ажратиб ташлаганлар. Масалан, кимки бировнинг меҳр-муҳаббатидан холи бўлса, у осмон қуёши бўлса ҳам аҳамият бермаганлар. Агар уларга бир тарих матлуб ва мақбул бўлиб қолса, улар бу тарих қанчалик тўғри ва нотўғрилиги ҳақида ҳеч фикр юритмаганлар. Ишқ деган нарса, ни сўз билан безантириш ҳамма учун ҳам хушдир. Ишқ ўти кимнинг кўнглига асар қилса, жонига ўт солиши табиийдир. Ёлгон сўз айтиш жиноятдир, хусусан, ёлгончилик одат ҳукмига кирса, одам учун дунёда бундан бемаънилик йўқдир. Ахир, ишқдан сўз очганда, ёлгон-яшигу аҳамиятсиз сўзлар ҳам ошиққа ўтдек таъсир қилаверади. Иккинчидан, у асарларда баъзи номуносиб гаплар ҳам йўқ эмас. Масалан, шоҳ Баҳром айш-ишрат қилиш учун етти қаср бино қилдирган, деган гапни олайлик. У қасрларга етти мамлакат шоҳининг ҳар бири латофат ва ҳуснда тенгсиз етти қизини келтириб қўйиб,

ҳар куни шу қизларнинг биттаси билан ўша қиз турган кошонада маишат қилгани ёзилган. Шунингдек, Баҳром ичкиликка берилган бўлиб, эртадан оқшомгача май ичиш билан маст бўлган. Кечқурун уйқу маст қилганда эса, у шўх гўзаллардан афсона айтишни талаб қилган. Ажабланарлиги шундаким, улар қиссахон бахши қиз бўлмасалар ҳам, афсоналар айтар эканлар. Шоҳ эса, тонгдан оқшомгача пайдар-пай қадаҳлар тўла май ичар экан. Аслида унинг одати гафлат бўлган экан, уйқудалиги вақтида унга афсона айтишнинг не ҳожати бор? Бундай ҳолатда афсона айтишни ақл ман этмайдими? Ёки ёш қизлардан бўлак қисса айтувчи бахши топилмайдими? Ахир ҳарамнинг бир қанча нозанинларини, шоҳ ҳарамхонасида эҳтиром билан асраш лозим бўлган жононларни қиссахонга чиқазиш тўғрими? Ахир, уларнинг ғамзаси кишиларни сеҳрлайди-ку, бир қиё боқиши юз туман кўзларнинг уйқусини қочириб юборади-ку. Уларнинг лаблари одамларни қатл этиш учун шаробга олуда қилинган; кўзлари эса, ноз-ишва билан уйқуга омихта қилинган эмасми? Шоҳ эса, буларга: «Афсона айт, ҳеч узр ва баҳона кўрсатмай қисса айт!» — деб ҳукм қилса! — «Сиз уйғоқлик билан ҳориб-чарчанг, мен ухлаб дам слайин!» — деган таклифни қилса! Одабийлиги бор кимса шундай сўзни айтадими? Фараз қилайлик, шундай таажжубланарли иш ҳам бўлсин. Ҳали бундан ҳам ғалатиروғи бор. Масалан, ўз замонасининг иккита ягона кишиси бўлмиш Низомий билан Хисрав Деҳлавий нодонлар учун бу каби мақтовнома-лар ёзиб, ўзларини ўшандай тубан кишиларнинг маддоҳига айлантиришлари жуда ажабланарли. Улар бу мадҳни ҳаддан ошириб, жуда узундан-узоқ қилиб китоб ёзганлар. Бу назмларни ёзишда уларнинг ҳар бири жуда кўп ранж-машаққат чекканлари ҳолда, ўз «Панж ганж»ларидан бир ганж, яъни «Беш хазина»ларидан бир хазина яратганлар («Хамса»нинг бир достонини ёзганлар). Оллоҳ-оллоҳ! Бу қандай ганж бўлди? Йўқ, бу ганж эмас, элга сарбасар ранж бўлди! Агар у икки устоз давр ягонаси бўлганларида эди, бу ишлар шу таврда бўлмас эди. Шунини унутмаслик керакки, улар комил устоз эдилар, аммо ўз ишларига қаттиқ берилиб — ғурурланиб кетганлари учун, ўз хатоларидан ғофил бўлиб қолдилар. Кимки бир ишда кибр-ҳавога йўл қўйса, унинг кўнглида кўпгина маънолар ўзидан яшириниб қолади. Мен уларнинг жуда фақир ва бибизоат шогирдиман ва ўзимнинг риёзатимда уларга итбаткор — мутеман. Доимо бир хато юз бериб қолишидан, тасодифан бошимга бир кулфат тушишидан ваҳимадаман. Мен ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш қилмоқчиман, ишнинг



арқоқ-ўришини билиб, ўрнига қўйиш ниятидаман. Мен шу ишни муродимдагидек қилиб бажарсам, устозларимнинг руҳидан мадад олган бўламан. Шу ишни қилиш орзуси кўнглимга тушгандан бери, эҳтиёт бўлиш лозимлиги ҳақида ўйлайман. Шу сабабдан бўлса керак, доим бу гўзал афсонанинг, балки хуш наво таронанинг хаёли билан яшайман. Аммо бу бирор ерда ҳеч қандай тағйир-ўзгариш бўлиши мумкин эмас, деган гап эмас, камчиликсиз иш қилишнинг ҳеч бир тадбир ва чораси йўқ. Бу ҳақда гапириб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Ҳали бошланиб, охирига етганда ишнинг сифати ҳам англашилиб қолар.

Ёраб, иш бағоят мушкул, мен бечора эса хаста ва кучсизман; пашшадек жоним билан филнинг ишини устимга оляпман. Бу худди осмон томига нарвону қуёш шамига шамдон ясайман, дегандек гап. Бу, аждаҳони тутиш учун, ўргимчак ипидан каманд қилмоқчи бўлган одамнинг ишига ўхшайди. Бу иш ниҳоятда оғир ва душвор бўлишига қарамай, мен худди маст ва телба кишилардек беҳушлик билан, бажараман, деб бел боғлаб ўтирибман. Аммо, эй тангрим, бундай оғир ишга қўл урар эканман, сенинг лутфу марҳаматингдан умидворман! Иш қанчалик беадад ва машаққатли бўлмасин, агар сен илтифот қилиб, мадад берсанг, охири хайрли бўлур. Сен ёр бўлсанг, заррага қуёшни пинҳону қатрага денгизни макон айлашимга ишончим бор. Қаламим учидан тезюрар кема ясаб, олам ичра ғала-ғовур солиб юборсам, ажаб эмас. Қоғозни қаламим билан алвон рангларга бўяб, ажойиб ва ҳайратомиз асар яратсам, ажаб эмас. Қаламим билан олам ичра офатлар, балки қиёматлар солсам, ажаб эмас...

## XI

*Шоҳ Баҳром достонига шуруғ қилишдан бурун бир неча сўз айтмоқ ва ўтган достонларга тузатиш ва ўзгаришлар киритилганининг узрини қилмоқ ва ҳар бир ганж-хазинага бир уй макон бўлгандек, ҳар достонни бир байтда ниҳон айламоқ.*

Сўз тилсимидан хазина очган кишининг табиати гавҳар тортувчининг тарозусига ўхшайди. Тарозу тайёрлаган киши ўз жавоҳирларини тубандагича тақсимлади. Коинот бозорининг

тархини (лойиҳасини) тузган меъмор ўз биносини шундай бунёд этдики, бу бозорда эл бошига турли-туман савдолар ва гавғолар тушди. Ақл сарфловчи заршунос, бу гала-говурга қарамай, шу бозор ичидан дўкон очди ва дўконининг ҳар ёнига тоза гавҳарларни ва олов ранг лаъл-ёқутларни териб ташлади. У ўз жавоҳирларининг баҳосини чиқариб, қимматини англагач, уларнинг сиридан бозор аҳлини шундай хабардор қилди:

Жаҳон денгизи ичида бўлмиш ҳар бир лаъл-жавоҳирни баланд ҳароратда тоблаб эритса, асл тошми-йўқми экани билингани каби, ҳар ким ўзининг зотан бир қатра сувдан пайдо бўлганини фаҳм этса бўлади. Утдек тобланувчи лаъл ҳам, ёқут ҳам — ҳаммаси аслида тошдан пайдо бўлган. Қандай бир бебаҳо жавоҳир бўлмасин, кон унинг онаси, тош унинг отаси. Харсангга қанча шиддат билан зарб урманг, парчаламанг, барибир унинг ичидаги жавоҳирга ҳеч қандай зиён ва шикаст етмайди. Киши роса фаҳм-фаросат билан идрок этса, одам ҳам худди шу тоза жавоҳирлар каби аслдир. Ота дуну (нокас, тубан) ўғил шарафли ёки ота латифу ўғил касиф (касофатли) бўлиши мумкин ва табиий. Масалан, Озар ўғли Халилуллоҳ бутларни синдирган, бутпарастликка қарши курашган киши бўлишига қарамай, унинг ўғли бут ясовчи бўлиб чиқди. Язджирд билан Баҳром ҳам худди шу сифатдаги одамлар эди. Баҳромнинг отаси садаф каби паст эди-ю, боласи худди садаф ичидаги гавҳар каби порлоқ эди. Бу ажабланарли ҳол эмас. Буниси ниманики бузди, униси борин қайтадан тузди. Бу кимники ўлдирди ва мажруҳ қилди, у малҳам қўйиб, уларнинг жисмига руҳ берди. Қоронғи туннинг зулмати кетиб, қоронғилиқдан қуёш балқиб, оламни ёритгани каби, бу қуёш ҳам шундай нурафшон бўлдики, бутун жаҳонни равшан ва мунавар қилиб юборди. Худди меҳр-мунир жомдек бўлиб, ҳамма ёққа ўз зарралари билан умид нурларини сочгандек эди. Қуёш салтанат тахтига чиқиб ўтираркан, ўз нури билан қандай буюкликни кўрса, уни паст этади. Лекин Баҳром гарчи саркашлик қилганларни ўз зарби билан тубан қилса ҳам, пастда ётганларни осмони фалакка кўтарди ҳам. Ким қуюн сингари ҳаммани тўзғитган бўлса, тез орада уни жиловлаб, тупроққа қорди. Агар бирон гавҳар оёқ остида ётган бўлса, уни тож қилиб бошларга кўтарди. Мамлакат боғини адолат баҳори билан беади ва ҳаёт жўйбори билан суғорди. У, мамлакатни шундай кўм-кўк майсазорга айлантирдики, дунё худди жаннатдек гўзаллашиб кетди. Нимаики зулм бедодлик билан вайрон қилинган бўлса, доду адолат билан барчасини обод айлади. У комронлигидан, шоҳлар ичра паҳлавонлигидан шу

ишларни қилди. Унинг тенгини одамзод даврининг ҳеч бир тарихидан тополмайсиэ. Бундай гаплар эшитилганда ҳам ақл ҳеч бовар қилмайди.

Аввалги қалам тебратган зотлар ҳам ўз номаларида шуларни баён этганлар. Улар бу тарихларни элга аён этганлар. Улар бу ишларни узоқ гапириб камолига етказган эканлар, мен нима учун яна буни чўзишим керак? Бир айтилган гапни иккинчи марта айтиш, бир сўзни ҳадеб такрорлаш ёқимсиз-ку ахир. Аввало, бунақа айтилган гапларни айтгим йўқ, айтганда ҳам уларчалик айтолмайман. Лекин бу гаплар устида озмоз бўлса ҳам тўхтаб ўтмасам, ижод аҳллари мени маъзур тутмаслар. Модомики шундай экан, бу ҳақдаги гапларимни қисқагина айтиш билан кифояланганим аълодир, яъни, дostonда нимаики айтиб ўтилган бўлса, бу ерда бир байт билан ўшани эслатиб ўтгумдир. У ҳақдаги сўзни қисқагина қилиб тугатгач, ўз мақсадимнинг тафсилотига киришгумдир:

Шоҳ Баҳром шундай улуг шоҳ эдики, бутун осмон остидаги ер унинг даргоҳи эди. У бошлаб Суҳайл юлдузидек толега эга бўлгач, Яман мамлакати устида ярқираб кўринди. Яман унинг нурига гарқу тупроғи мушкдек муаттар, ҳар бир тоши ҳақиқдек жилвадор бўлган кунларда шоҳ Нуъмон унга отабеклик қилиб, оталардек шафқат-марҳамат айлади. Мунзир деган одам Баҳромга ўртоқ, ҳамсуҳбат, ажралмас дўст ва ҳамроз-сирдош эди. Каъбада Аҳмади Мурсал, яъни Муҳаммад пайгамбар қандай мақом тутган бўлса, Мунзир ҳам араблар ичида шундай обрўга эга эди. У ажамда ҳам арабдагидек мақомга эга бўлиб, араб билан ажам ўртасида борди-келди қилиб турар эди. Унинг даврида Яман ғоят равнақ топиб кетди, унинг бу ердаги афсонага айланган қасрини эса, Ҳаворнақ дейилар эди. Уша замонда бу қасрни бунёд этмиш меъмор Симнор номли зот бўлиб, у осмон меъмори (архитектори)дек ақл бовар қилмас даражада санъаткор эди. Баҳром доим ов қилиш ва қадаҳ-қадаҳ май ичиш билан овора; ўтирганда жом кўтариш, юрган-турганда ов қилиш билангина банд эди. У ов кунларида ҳам май, мусиқа, қўшиқ, айшу ишратни қўймас эди. У, гарчи дам-бадам ичса ҳам, ҳеч қачон адолат қонунидан четга чиқмас эди. Унинг овида шер гўрга (кулонга) ҳамла қиларкан, Баҳром йиртқич шер уясини гўрга айлантирар эди. У, бошлаб, иккита шердек шоҳнинг бошидан тожини олиб, ўз отасининг мамлакатини озод қилди ва улардан хирож оладиган бўлди. Шерларнинг бошидан кулоҳларини олишдан ташқари, бир қанча «шерман» деб ҳамма ёққа дағдаға солиб юрганларни тулкига айлантириб қўйди. Ранж машаққатлар

билан кураш қилиб, аждарларни ҳалок айлаб, бу меҳнатлари эвазига қанчадан-қанча хазиналарни қўлга киритди. У, талон-торож қилувчи золимлардан ўз кишварини тозалаш билан баравар, халқни етти йиллик хирождан озод қилди. Кимки элнинг бошини етти йиллик кулфатдан озод қилса, тангридан унга ганж-хазиналар инъом этилиши ажабланарли эмас-ку! Худди шундай бўлди: қўшинлари уни осмон сингари бошларига кўтариб юрадиган бўлдилар, унинг душманларига қарши бирлашдилар-жиқслашдилар. Бир вақтлар, у ҳали йўқ пайтида, бир неча юз минг аскар билан Хитой хоқони унинг кишварини босиб олган бўлса, энди бу неча юзгина кимса билан кечалари шубохун уриб, унга қақшатқич зарбалар берди. Ниҳоят, Баҳром шундай хоқонни тор-мор этиб, бу дунёдан у дунёга қочиб қолишга мажбур қилди. На хоқондану ва на унинг сипоҳидан (аскаридан) бу дунёда асар қолмади. Бу каби ғалабалар ўтмишда Баҳрому кейин Хисрави Ғози, яъни султон Ҳусайн Бойқародан ўзга ҳеч кимга насиб қилмаган. Ўз хасмидан шу каби курашлар билан қутулгач, мамлакат халқига кўпдан-кўп адолату марҳаматлар айлади. Ниҳоят, шоҳ Баҳром адолати соясида етти иқлим саккиз биҳишт каби обод бўлиб, ноз-неъматларга тўлиб-тошди.

Мен бу дostonларни шунчалик қисқа баён қилдимки, сўзларим орасида бирорта ҳам баҳса сабаб бўладиган, тушунилмайдиган ўрни йўқ. Айтишим мумкинки, бу сўзларнинг ҳаммаси рост, ҳаммаси ҳам дилдан айтилган ва самимийдир. Аввалги икки дostonчининг ўзлари ҳам фақат ростини айтган бўлиб, у икковлари каби ростгўйнинг бўлиши ажабланарлиқдир. Уларга нисбатан бирон иштибоҳли сўзни орага киритсам, мен учун гуноҳдир. Тасодифан, бир чалкаш гап айтиб қўйиб, ишимда бирон нуқсон юз беришидан қўрқаман, албатта. Воқеаларнинг тарихида ихтилоfli ўринлари йўқ эмас, лекин бу каби хилоф — зиддиятлар аслида тарихчилар айби билан юзага келгандир.

Эндиги мен тасвирлайдиган воқеалар у замондаги мусанифу муаллифларга манзур бўлмаган бўлса керак. Ёзилиши менга насиб этган тарихлар худди муддаойимдаги тарихлардир. Кошки шу тарихлар бошлаб Баҳромгўр қиссасини ёзиш устозларимга ҳам насиб қилган бўлса эди! Улар бу ҳақда жуда ҳам ғаройиб афсоналар яратган бўлур эдилар. Шукрлар бўлсинки, бу дафтарни ёзиш менга рўзи бўлгану зиёфат боғининг бу етти бўстонини («Сабъаи сайёр»ни) яратиш менгагинага насиб қилган экан.

Энг аълоси шуким, шод-хуррамлик билан тангрига шукр

қилгайман. Тангридан ижодимга кушоду муваффақият тиланган ҳолда, дostonни ёзишга киришгайман. Иш бошлашдан аввал шу гапларни айтиб ўтишни муддао қилган эдим, айтиб тугатдим.

Эй Навоий, не бўлса гуфторинг, айла бунёдким, худо ёринг.

## XII

*Дostonнинг бошланиши ва шоҳ Баҳромнинг сайдга (овга) парвози ва суратгар Монийдек бир гаройиб зотни сайд қилгани, балки ўзи унга сайд бўлиб қолгани ва ҳийлагар фалак Монийси ажиб сурат кўргузганидек, у Дилоромнинг дилрабо суратини кўрсатгани ва у сурат Баҳромнинг тоқат ипини узгани*

Ўтган замон донишмандлари Эрон подшоҳлари ҳақида кўп нарсаларни ёзиб қолдирдилар. Жумладан, шоҳ Баҳромнинг қилган ишлари ҳақида тарих саҳифаларига тубандаги гаплар ёзилган: баланд осмон Баҳромнинг жоҳи салтанатини фалакка пайванд қилди. Унинг салтанатини ойдан ойга, йилдан йилга кенгайтириб, то Рум ва Чин-Хитой ўлкалари ҳам; Чиннинг хоқони-ю, Румнинг Қайсаригача унинг ҳукми остига ўтди. Бугина эмас, унинг давлат шамъини фалак шундай ёритдики, бутун рубъи маскун (ер юзи) унинг қўл остига кирди. Энг қайсар эллар ҳам унга итоат қиладиган бўлди; етти иқлимнинг барча шоҳ-султонлари ҳам унинг бандасига айланди. У тождорларга бож, шоҳларга хирож тайин этди. Баҳром қўл остидаги мамлакатларда шундай дастур туздики, хоҳ ҳинд ройи (подшоси) ва хоҳ Чин фағфури (Хитой шоҳи) бўлсин, ким қанча хирож беришни бўйнига олса, шунинг ҳаммасини ҳар йили, ўз вақтида, пойтахт хазинасига юбориб туришлари керак эди. Бу қоидадан бутун шоҳлар мамнуният билан қабул қилдилар ва унга сўзсиз амал қилдилар. Бундан ташқари, шоҳлар ҳар хил қимматли безак-зийнат асбобларини ҳам Баҳромга туҳфа қилиб турардилар. Қайси мамлакатда нима нарса ишланса ва қандай ҳосил унса, улардан ҳам кера-

гича хазинага келиб тушар эди. Молларнинг озми-кўплиги, ҳар бирининг қиммати ҳисобга олинар эди. Шоҳ Баҳром айш-ишратни давом эттирар, унинг мақсади доим мусиқа ва ашула эшитиш эди. Унинг хизматида моҳир созанда-ю, базмларида жонфизо ҳофизлар кўп эди. Баҳром ўз одамлари билан қарда бўлса, созанда-хонандалари ҳам шу ерда ҳозирю нэзир эдилар. У шундай шавқ-завққа берилган бўлиб, бу ўйин-кулгисиз сира ҳам қарори йўқ эди. У овсиз туролмас, сайд билан банд вақтларида ҳам мусиқа ва қўшиқ янграшини истар эди. Баҳром сайдга ўқ отаркан, ҳар қандай сайд ҳам яраланмай қочиб қутулолмас эди. Бир тарафдан, пайдар-пай овнинг қонини тўкар, иккинчидан, сайд қонига ҳамранг қизил майни тинмай сипқарар эди. Сайд овлаб юрган пайтларида, ногаҳон, бир гўзал манзил кўнглига ёқиб қолса, ўша ерга қўниб, шу ерда айш-ишрат базмини қурар, қадаҳларда май ичиб, фараҳ топар — ҳузур қилар эди. Ҳар ёндан чангу рубобларнинг ёқимли овозлари эшитилар, бир ёнда ов гўшtidан кабоблар пишириллар эди. Шундай шикор (ов) қилиб юрган пайтида бир баланд тепаликка бориб қолди. Унинг ҳавоси ғоят жонфизо-ю, саҳни ниҳоятда дилкушо, оромбахш эди. Базм асбобларини шу ерга тушириб, ўзи ҳам шу ерда бода ичишга киришди. Муғаннийлар ашуласининг авжи фалакка етди, бир-бирига уриштирилган қадаҳларнинг жаранг-журунги ҳам кўкка етди. Бу майдонда ичилган майнинг шод-хуррамлиги шоҳнинг хаёлини ҳар дам бир ўзга оламга тортар эди. Баҳром ўзини бутун олам ичра шоҳ, олам аҳлига қиблагоҳ ҳис этарди. Бир тарафдан димоғини май-бода хуш қилаётган бўлса, иккинчидан, нағмаларнинг дилкаш садоси завқ бағишлар эди. Бинобарин, у ўзининг улуғ мартабаси ҳақида ўйлаб, кўнглидан шу каби хаёлларни кечирди:

«Оллоҳга шукрлар бўлсинки, мени бутун олам аҳлига шоҳ қилди. Мен халойиқни бахт-саодатга йўллашим, уларга нисбатан инсоф-адолат қонунларини жорий қилишим керак. Қийналган элнинг муродини ҳосил, бенаволарни хушдил қилишим лозим».

У ўз ишини шу тартиб билан олиб боришни ўйлаган ҳолда, ҳамма ёққа назар ташлар эди. У ўзича шундай ишларни ўйлаб турган пайтида, узоқ даштда кўзига бир одам чалинди. У одам шундай шошиб-пишиб борар эдики, ҳар лаҳзада қадамини тезлатарди. Бунини кўраркан, шоҳнинг хаёлидан: «Яёв ҳолда бу каби тезлик билан ҳовлиқиб кетаётган одам, албатта

бечора — бахтсиз киши бўлса керак», деган андиша ўтди. Бинобарин, шоҳнинг бутун хаёли ўша одамда бўлиб, риюят айлаб, унинг ҳоли аҳволини сўрашга қарор қилди. Шундан сўнг, ўзининг бир мулозимини чақириб: «Тезда отингга мин, яна битта отни ҳам етакла, дарҳол бориб ўша кетаётган мусофирни отга миндиргилу хизматимга еткургил!» — деб буюрди. Ҳалиги элчи эпчиллик билан отга миниб, ўша томонга чопиб кетди ва шоҳ айтганидек қилиб у мусофирни олиб келди. Шоҳ лутф-марҳамат билан мусофирдан ҳол-аҳвол сўради. Биёбонни кезиб кетаётган бечора аввал шоҳга таъзим қилиб ер ўпди, сўнгра ўрнидан туриб, ҳурмат ва тавозе билан, фасоҳат ва малоҳат тўла маъноли сўз бошлади. У сўзини шундай афсунсоз бошлаб, охирини шоҳга мадҳ-сано билан тугатдики, гапини эшитганлар унга қойил қолиб, офарин ўқидилар; унинг пок қалбидан чиққан гапларига, сидқи дилдан айтилган дуоларига оқ дур деб баҳо бердилар. Шоҳ унинг кетишини истамай, ўз ёнидан жой кўрсатиб, шу ерда қолишни илгимос қилди. Унинг олдига гуно-гун таомлар тортдилар, жомлар тўла май билан меҳмон қилдилар. Майнинг кайфи мусофирнинг бошини қиздирар, шоҳ эса, ундан кетма-кет ва пайдарпай гап сўрар, савол-жавоб қилар эди. Шоҳ унга нималарни хитоб қилмасин, у шундай жавоб қайтарар эдики, шоҳдан тортиб ўтирганларнинг ҳаммаси таҳсин ўқир эди. Шунда шоҳ бу дашт кезувчи одамнинг жаҳонгашта ва доно эканлигини пайқади. Ундан кўп ажойиб гаплар эшитиш мумкинлигини пайқаб, тубандагича бир гаройиб сўзни сўради:

«Эй, жаҳондаги ҳамма жойларни қадам-бақадам кезиб чиққан, балки бу жаҳондан қўлини ювиб — тарки дунё қилган зот! Савол-жавоблардаги каломингдан, унинг устига, сарсари шамол каби юришингдан маълум бўлиб турибдики, сен кўпгина илмлардан хабардорсан, дунёнинг ҳамма ерида бўлгансан ва кўп нарсаларни кўргансан. Илтимос қиламан, ўзинг кимсану ҳол-аҳволинг қанақалигини баён эт ҳамда кўрган-кечирганларингни бизга аён эт. Сен, шубҳасиз, бутун умрингни мусофирликда кечиргансан, шаҳарларни сайр-томоша қилгансан, биёбонларни кезгансан. Сўзсиз, сен бағоят ажойиб ҳодисаларни кўргаксан, сафар вақтларида кўп нарсалар диққатингни ўзига тортган, сенга манзур бўлган. Кўрганларинг ичида дунёда шундан ҳам гаройиб ва ажойиб нарса йўқ, деб ўйлаганларинг ҳам бордир. Ўзингга бизни соҳиб асрор эт, ул ниҳон нуктадин хабардор эт. Сен бизнинг замонамизда яшган кишиларнинг энг гаройиби экансан, жаҳон ичидаги бор ажойиботлар сенга маълум экан. Киши ҳаётида икки турфа

қолат бўлади, аммо иккаласи ҳам жуда мушкулдир. Шуларнинг иккаласидан бизни хабардор қил ва биз шу икки нодир нарсадан баҳраманд бўлайлик».

Жаҳонгашта йўловчи ер ўпгач, шундай деди:

«Эй, ўз лутф-карами билан мурод-мақсадига етган шоҳ! Гарчи сен сўраган гапларни ҳеч зотга ҳаргиз айтмас эрдиму, аммо сенга айтмасликка иложим йўқ. Ҳа, менинг ниҳоятда махфий сақлаб юрган ривоятларим, бағоят ажойиб ҳикоятларим бор: мен бу даштда раҳнавардиман (йўловчиман), ўз ишимда замона фардиман. Ҳеч ким менга улфат ва ҳамнафас бўлмади, ўзим ҳам ҳеч кимсага сир ва розимни айтмадим. Розимнигина эмас, ўзимни ҳам кўпинча одамлардан яшириб юрдим. Югуриб-елиб, бутун дашт-биёбонларни жаҳд-жадаллик билан кезишдан мақсадим шуки, мен осмони фалакни чангу ғуборхона қилиб олган жаҳон шоҳи Баҳромнинг даргоҳига етсам, унинг тупроғига юзларимни суртсам, деган умид билан яшайман. Ўзимнинг кимлигимни унга айтсаму юрагимда сақлаб юрган махфий гапларимни унга баён қилсам, дейман. Сен эса, унинг даргоҳига етмасимдан бу сўзни мендан сўрадинг, бу таажжубланарли ишни менга буюрдинг. Айтмайин десам, сен мени жуда хурсанд қилдинг, айтсам, ўз мақсадимга хилоф иш тутган бўламан. Сен ҳам улуғ ва шарафли, олам аҳлига шоҳ бўлишга арзийдиган кишига ўхшайсан. Сен шоҳ Баҳром бўлмасанг ҳам, мақому мартабанг ундан камга ўхшамайди. Сен у бўлмасанг ҳам, худди ўшанга ўхшаш одам кўринасан, гарчи унинг тенги бўлмасанг ҳам, худди ўшанинг ўзига монандсан. Сен ҳаддан зиёда одамгарчилигинг билан мен каби ғалати, ҳушёр қушни ром қилиб, ўз тузоғингга илинтириб олдинг. Лекин мақсадим тамом бошқача бўлиб, бутун гап-сўзимни бошқа одамга (Баҳромга) айтиш ниятида эдим. Кўнглимга иккита ғамнинг аламини солдинг: айтмасам ҳам ёмон, айтсам ундан баттарроқ...»

Шоҳ Баҳром бу гапларни эшитаркан, боғ каби яшнаб, гул каби очилиб кетди. Шундан сўнг, тилини чироғ шуъласидек қилиб деди: «Эй, даштларни шитоб билан кезиб юрган одам, билгилки, «ахтарган — топади» деган мақол бор. Сенинг бахтинг юлдузи ком-мақсадингни юзага чиқазибди, муродингга етганинг ҳолда, сен бундан гофилсан. Ташна лаб бўлма, сув тўла дарё ёнингда турибди; бунчалик зорланиб ташвиш тортма, шодликка эришадиган жойдасан. Истаган муродинг ҳосил бўлган, гапингни гапиравер. Сен шоҳ Баҳромни қидириб юрган бўлсанг, топдинг, у сенинг ҳузурингда турибди».



Шунда, бу йўлбосар одам чеккан ранж-машаққатлари бекор кетмаганини, қандай ганж-хазинани ахтариб юрган бўлса, уни қўлга киритиш бахтига муяссар бўлганини фаҳмлади. Яна бошқатдан шоҳга сажда қилиб, шукрона бажо келтирди ва унинг ҳақиға кўп беқиёсу беандоза дуолар қилди. Яна таъзим бажо келтириб, ер ўпаркан, одоб билан ўтириб, шоду хуррамлик билан сўз оғоз этди: «Шоҳимиз икки ҳадисга жавоб беришимни буюрдилар, унинг бири: «Кимсан? Ўз ҳолатингдан гапир!» — фармонидир. Эшитишни лозим кўрсалар, уни арз этайин: мени жаҳон эллари Моний деб атайдилар. Хотирим жуда кўп билимлар билан бойиган, лекин дунёда рассомлик билан шуҳрат қозонганман».

Шоҳ ҳам худди шу одамни кўриш ниятида экан, Монийнинг висолига етиш завқи-шавқи билан тўла экан. Унинг кўнгли шундай шодланиб кетдики, гўё ўлган кишининг танасига қайтадан жон киргандек бўлди. Баҳром Монийни қучоқлаб, жуда кўп илтифотлар қилди; у ҳам худди дунёга янгидан келгандек бўлди. Лутф-аҳсон билан кўп карам-саховатлар қилгач, ниҳоят, иккинчи гапни ҳам сўради. Шунда, ровий тубандаги афсонани баён қилди:

«Етти иқлимни сайр-саёҳат қилиб, айланиб чиқдим. Дунёнинг қайси бурчагида қандай ғаройиб нарсалар бўлса, уни ўз кўзим билан кўриш менга nasib бўлди. Дунёнинг бошқа ўлкаларида кўрганларим унчалик бўлмаса ҳам, йўлим Хитой сари тушаркан, у ерда мол-дунёси кўп бир савдогарга учрадим. Унинг лаъли гавҳарлари денгиз ва конлардагичалик кўп, ўзининг қадри-обрўси ҳам жаҳоннинг юзларча хожасига тенглашади, десам бўлади. Унинг бизоатидаги нақд олтин-жавоҳирларнинг ўзи юз минг тумандан ортиқ келади, молмулки эса, булардан ҳам кўпроқдир. Тухфа қилишга арзийдиган ҳар турдаги матолари ҳам беҳисоб, қанчадан-қанча лаълу гавҳарлари бор. Лекин у шундай ноёб бир дурга эгаки, уни дур эмас, базмларни қиздирувчи ой деса бўлади. У шундай маҳваш — гўзал ўйинчики, уни кўриб бутун Хитой — Чин халқлари безовта бўлиб қолган. Одам боласи ичида бунчалик ҳусндор йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ким уни кўрса унга ўз жонини бергудек бўлади. Мабодо, бирон одам уни кўрганда жон бермай қолса, у гўзал ўз қўлига чанг оларкан, энди унинг ҳолига вой, деяверинг. Агар, унинг чанги жонфизо садо чекиб, ўзи у оҳангга жўр бўлиб наво қиладиган бўлса, кимки уни кўрса ва ёхуд эшитса, бир эмас, мингта жони бўлса, адоий

тамом бўлади. Мен каби одам унинг ҳақида юз минг марта гапиргани билан, барибир, у гўзалнинг васфини минг йилда ҳам шарҳлай олмайди. Хожаси у жонон учун сандал ва уд каби муаттар ёғочлардан ниҳоятда зеб бериб махофа — кўчма тахт ясаттирган, у бирон жойга борадиган бўлса, шу махофага солиб, тўрт киши уни кўтариб олиб боради. Эғнидаги либоси Чин ипаклигидан бўлиб, чиройли, алвон рангда, у либос худди атлас кабидир. У кийимлар яна лаъл-гавҳар каби жавоҳирлар билан безатилган. Моҳ пайкар гўзал эса, шундай зебо либосга ўралган. Хожа унга уд ва сандал ёғочларидан чанг асбоби ни ясатиб берган. Агар, Зуҳра юлдузига ўхшаш, у гўзал шу чангни чалиб куйлайдиган бўлса, хожа у паривашни Зуҳра у ёқда турсин, Муштарий-у, яна юз минг бошқа юлдузларга ҳам алишмайди. Бутун жавоҳирот билан савдо қилувчи бойгани кишилар у гўзалга харидор бўлиб, қаддан зиёда ганж-хазиналар берса ҳам, лаъли гавҳарларнинг баҳоси унга тенг келмай, муштарий — харидорларнинг ҳожати раво бўлмай қолган. Ким унинг висолини кўришни орзу қилса, Хитой хирожии қимматида ҳақ тўлаши лозим эмиш. Бошлаб, Хитой хони уни баҳолаб сотиб олишга майл қилди-ю, аммо аркони давлат бу фикрдан хурсанд бўлмай, дедиларки:

«Бундай ишни қилишдан фойда йўқ, сен бутун Хитой хирожини унинг қиммати учун берасан-да, кейин ўзинг сипоҳларингнинг қочиб кетишига сабаб бўласан. Ахир, шоҳнинг қўлида мамлакат хирожии бўлмагач, унинг нима аҳамияти қолади. Бир душман ҳужум қилса, унга қарши етарли лашкаринг бўлмаса, лашкаринг бўлса ҳам уларга бериш учун маблағинг — уруш қуроқларини куч-қудратинг етмаса, эл-юртнинг бошига не кунлар тушмайди? Нафснинг ўпқонига ўзингги отма, халқни ҳам, мамлакатни ҳам хароб этма!» — дейишди. Шоҳ бу сўзни эшитгач, ўйлаб қолди, халқнинг ҳам, ўзининг ҳам қийналиб қолажанини ҳисобга олиб, бу аҳдидан қайтди.

Мен сенга хизмат қилсам, деган ниятда эдим. Бахту толеим ёр бўлиб, муродимга етдим. Мана, ҳозир сенга қуллуқ қилиш, туҳфаю инъомларингги олиш имкониятига эга бўлиб турибман. Мен ҳаёт сувига ранг-бўёқ қўшиб, у парининг суратини чизганман. Агар бу сурат худди унинг ўзига монанд бўлмаса ҳам, унга намудор ўхшашлигига шубҳам йўқ», деб бир чин ҳарир ипаклигини чиқазиб, шунга у гўзалнинг расмини чизганини айтди. Унга қўнган гардларни кўзлари билан артаркан, ўрнидан туриб, дарров матонинг тахловини ёзиб, шоҳ ҳузурига у гўзалнинг суратини қўйиб қўйди.

Шоҳ эса, бу парининг суратини кўриши билан девона бўлиб қолди. У ўзини йўқотиб, ҳеч ким билан бир оғиз гаплашмади ва оқшомгача ундан кўзини олмай ўтирди. Шоҳ унга тинмай наззора қилар, ишқ эса, уни бир бечора одам қаторига киритиб қўйган эди. Бу таажжуб суратни кўриши билан унинг жонига бало ўти тушган эди.

Шунда Моний Баҳромнинг аҳволидаги ўзгарнишни кўриб айтдики:

«Эй шоҳ, огоҳ бўл ва тезда ҳаракатингни қил! Тагин, ногаҳон, фалақдан бир кор-қол юз бериб, сен ўзингга келгунча у пари қўлдан кетиб қолгудек бўлса, унинг иложини ким қила олади?»

Шоҳ дедики: «Эй, бу ғамда менга дармоним, роҳати жону офати жоним! Мени бу сурат ўзига шайдо қилиб қўйди, шайдоийларга ақл қайтиб келмайди-ку. Сен оғир аҳволимга раҳм қил, сен дардманд айладинг, энди давони ҳам ўзинг топ! Тез айт, нима қилсам бўлади? Унинг висолига қандай етгайман? Хайҳот!»

Шунда Моний айтдики: «Билармон ва ўткир фикрли кишилардан тезда вакил юборайлик. У гўзалга ким харидор бўлса, нархи Хитой мамлакатининг хирожига тенгдир. Агар у парининг висолисиз яшаёлмайдиган бўлсанг, жамоли назарим қаршисида турсин десанг, унинг нархи навоси ва қиммати маълум, ўшани берсанг, юрагинг ўтига сув сепасан-қўясан. Ё Хитойнинг бир йиллик хирожидан кеч ва ёки Хитой қўғирчоғининг хаёлидан кеч».

Шоҳ деди: «Кўнглимнинг ҳолати шу бўладиган бўлса, Хитой моли эмас, жаҳон молидан ҳам воз кечаман. Нимаинки қимматли нарса бўлса, у офатижон учун бераман ва яна унга жоним билан миннатдорчилик изҳор этаман», — деб поклик ва билимдонлик фазилатига эга бўлмиш юзта кишини ва бир қанча ахта қул билан канизақларни қўшиб, у сиймбар сарвқомат гўзални авайлаб олиб келиш учун жўнатди. Улар тезда Хитой кишворига бориб, у ойни хожанинг қўлидан чиқариб олиб келишлари керак эди. Булардан ташқари, Баҳром Чин хоқонига бир нома ёзиб юборди, номада у гўзалнинг баҳоси учун Хитой томонидан Эронга бериладиган бир йиллик хирожни жамлаб, элчилар қўлига берилиши буюрилган эди.

Шундан сўнг, сафар қилиши лозим бўлмиш кишилар айтилган тарафга қараб равона бўлдилар. Бу ерда эса, Баҳрому унинг нотавон жони ва қўлида сурату ёнида Моний қолди, холос.

### ХІІІ

*Дилоромнинг дилоро ҳусни ҳақида  
сўз сурмак ва уни Баҳроми бедилга  
олиб келмак ва унинг висоли шамъи  
билан ишрат шабистонини равшан ай-  
ламак ва ҳажр хазонидан қутулиб, ви-  
сол баҳорида ғунчадек кўнгилларининг  
гул-гул очилмоғи*

Шундай қилиб, Баҳромнинг ҳукми асосида, элчилар Хитой томон жўнаб кетдилар. У кишварга бориб етганларидан сўнг, элчилар орасида бўлмиш донишвар раҳбарлар хоннинг ҳузурига бориб, Баҳромнинг мактубини бердилар ва гап ниманинг устида эканини бир-бир баён қилдилар. Хон миннатдорчилик билан номани кўзларига суртди ва юз хил ифтихор билан бу хизматни адо этажагини билдирди. Сўнг, хожага одам юбориб, уни ўз ҳузурига чақиртирди. У келгач, юз хил қувонч изҳор айлаб, сарви гулруҳга шоҳ Баҳромдан совчи келганини, уни сотиб олажагини хурсандчилик билан гапирди. Буни эшитган он хас каби тубан хожа у жононни пулга сотди, бундай савдонни шу каби савдогарларгина қилади, холос. Унинг баҳоси мамлакатнинг бир йиллик хирожи эди, бунга икки тараф розилашди ҳам, бу маблағнинг ҳаммасини хон унга тўлади. Хон бу томондан борган элчиларга ҳам инъом-эҳсонлар бериб, ўз ватанларига кузатди. У одамлар шошилинич йўлга тушиб, мил-бамил даштларни босиб борар эдилар.

Шоҳ эса, бу томондан ҳижрон азобини чекиб, жони зоридан нола тортар эди. У шундай ҳолатдан кетган эдики, жисми қилдек ингичкалашиб, ўтаётган ҳар куни кўзига бир йилча кўринмоқда эди. Баҳром туну кун нолаю афғон чекар, ёрга интизорлик азоби уни қийнар эди. Унинг кўнглида сабр-тоқат қолмаган, фақат ҳар доим суратга боқиб ўтирар эди. Ҳабибасининг суратини кўриш билан ҳажрининг ғам-қудуратини бир қадар унутар эди. Гоҳ ҳуши ўзида ва гоҳ беҳушлик билан уни қучмоқчи бўлиб, оғушини очар эди. У ўз хонасида бир соат ўтиролмас; қасрда ҳам, боғда ҳам туролмас эди. Қасрда ўйин-кулги базми қургани ҳолда, кўзи базмда эмас, йўлда бўлар эди. Узоқдан бир қорами ёки гардми кўриниб қолса, ҳовлиққанидан ўзини йўқотиб, эл орасида анчагача ўзига келолмай ўтирар эди. Шундай мазаси қочган эдики, гўё зилзила

эски уйларни йиққанидек, чўзилиб-сулайиб қолган, бадани заифлигидан титрар эди. Азобланаётган тани зори бир қадар ўзига келса, одамлар унга томон қарашар ва ҳол-аҳвол сўрар эдилар. Жонондан хабар ва нишон топмагач, яна жонидан ўт-лиғ фиғон чекар эди. Айш-ишрат хонасида туришга тоқати қолмай, ов қилиш баҳонаси билан отга миниб жўнар эди-ю, зора ёримдан бир хабар топсам, деган умид билан тўппа-тўғри Хитой йўли томон борар эди. Уша йўлда кўзига ҳар қандай одам кўринса, бир хушхабар эшитиш учун, ўшандан суриштириб кўрар эди. У дилбарининг мамлакати ҳақида ҳар хил афсоналар сўрар, саволига жавоб топса ҳам яна суриштиравар эди. Моний эса, шоҳнинг бу қадар ошифтаҳолу паришонлигидан ҳайратда эди. У доим турли-турли қангомаларни гапириб, у гапининг ёнига яна бошқа бир тасвиrotни қўшар, айтаётган ҳикоя ва афсоналарни шоҳнинг кўнглини чалғитиб, уни овунтириб туриш учун иложи борица чўзар эди. Моний шоҳга ёрдан ўзга нимани гапирса, уни эшитса ҳам, ҳеч нарса англамас эди.

Ҳа, кимки ишқ домига мубтало бўлар экан, ёр васлидан бошқа нима кўрса ва эшитса, унга балодай туюлади. Ҳажр ўти унинг жонини қанча куйдирса, сабр деган сўз у ўтга ёғ қуйишдан бошқа нарса эмас. Ҳажр ошиқни қанчаки зорлан-тирмасин, барибир, уни интизорликдан қутқазолмайди.

Хулосайи калом, шоҳ Баҳром шу аҳволда қанча вақтгача ишқ дардидан беором бўлди. Шу аснода, тўсатдан бир элчи югуриб келиб, унинг ҳамма мақсадлари ҳосил бўлганини айтди. У, шоҳга мужда-хушхабар етказиб, унга бахт-саодат ёр ва мададкор бўлганини билдирди. Шоҳнинг бутун дарду ғами ўша қуёшда эди, энди у меҳр ҳажрнинг қоронғи кечасини ўз нури билан ёритадиган бўлди. Аммо шунга қарамай, шоҳнинг жисмига изтироб тушиб, кўнглининг ҳолати баттар хароб бўлди. Ахир, ҳажр азобини чекиб турган хаста ошиққа бирдан висолга эришиш ҳалокатлидир.

Хайриятки, сарви сиймин тан (оқбадан) шоҳнинг ҳажр шомини равшан айлади. Зеро, Хитойга кетган ҳамма одамлар эсон-омон етиб келдилар. Бахти орилиб, муродига етган шоҳни саломат кўрдилар. Улар, бошлаб, Хитой хонининг гап-сўз ва мақолотини, ҳар турдаги тухфаю совғасини шоҳга тақдим этдилар. Бундан ташқари, то суманбар гўзалнинг баҳоси учун тўланмиш хирожгача бўлган ҳамма харажатларни хоқон ўз устига олганини ҳам баён этдилар. Юзлаб қуёшлар харидор бўлмиш гулчеҳра паривашни келтирганликларини ҳам изҳор этдилар. У гул сафарда ҳеч қандай қийналмай, иссиқ ҳавода

сўлиб пажмурда бўлмай келди. Шоҳ бу хизматлари учун элчиларга шунчалик кўп эҳсонлар қилдики, улар кутганидан юз марталарча ортиқ эди.

Шоҳ ҳукм қилиб: «Олам аҳли бошига шўр ва яғмо солмиш сарви раънони хос ҳарамга туширсинлар ва ҳужраи хосга киритиб қўйсинлар!» — деди.

Шоҳ ҳукм қилган ўша равзага ҳур кириб, ўрнашди. Ҳур боққа кириши билан шоҳ ҳам унинг ёнига равона бўлди. Шоҳ варнигор қасрга кириш учун шитоб айлар, аммо кўнгли бардам бўлгани ҳолда, ўзи бетоб эди. У, ёрнинг ишқидан маст ва май ичгани учун сархуш бўлгани ҳолда, гўзал маҳвашнинг ҳузурига кириб борди. У боғи жаннат ичида зеб-зийнат билан безатилган — ҳашамдор қаср бўлиб, қаср ичида ҳам жаннат бор эди. Жаннат ичида эса, бир руҳоний ҳур, йўқ, ҳур демайман, нуроний қуёш ўтирар эди. Унинг сочидан то товонигача фусуну сеҳр бўлиб, бошидан то оёғигача пардозу зеб-зийнат эди. Икки юзида қора кокиллар Чин мушки сингари муаттар ҳид сочиб турар эди. У ҳидлар бутун боғи биҳиштни ўз атрига кўмиб ташлаган. Гўзалнинг икки чаккасидан осилиб турган икки қора кокили тун — кечага ўхшар эди. Уларни кокил ҳам, тун ҳам эмас, тузоқ деяверинг. Аммо ҳар бир тузоқ Лайлини, яъни, кечани ва гўзални эслатар эди. У тузоқ остидаги лола ва нарин гуллари сингари оқ қизил юзида икки оҳу кўзлари кулиб турар эди. Бу кўзлар кийикни, унинг қорачиғи эса, Хўтаннинг кийигидан олинган ипор ҳидли қора мушкни эслатар эди. Шом тусли бир холи бўлиб, у юзининг оппоқ бир нуқтасига жойлашган. Юзи гулзору ундаги икки лаби икки ажиб гулбарғни эслатарди. У лабларнинг ҳар бири жон шираси билан тўла, у ширалар оби ҳаётдирлар. Кимки шу шарбатлардан тотиш бахтига муяссар бўлар экан, агар ўлган бўлса, жон топиб тирилади. Оғзи шунчалик бежиримки, гўё бу лаъл лаблар очилмайди, деб ўйлайсан. Ажабланарлиги шундаки, у лаблар очилганда, у оғздан гап ўрнига дур сочилади. Бундай дур тўкадиган лаъл лабни ким кўрган? Жон шираси яширинган бундай гулни ким кўрган? Лаълни у ёнга қўй, агар лаб унинг жони бўлса, жон сўзидаги арабча нун (ن) ҳарфи унинг сағбақаси даврасини ташкил этади. Тақдир котиби унга жон ёсар чоғида, нун ҳарфини сиғдиrolмай, қуйироққа ёзиб қўйган экан. Бинобарин, унинг юзидаги кулдирғич — габгабининг даври нун (ن) ҳарфи бўлса, нун ўртасидаги нуқта у габгабининг чуқурчасидир. У гўзалнинг тишлари эса лаъл ичидаги дурга, балки оби ҳаёт ичидаги шудрингга ўхшайди. Қошлари бутхона пештоқидек бир-бирига туташган — пайваста; бу

пештоқлар ичида эса иккита бераҳм кўз мастона боқиб туради. Йўқ, булар пештоқ ҳам эмас, масжиднинг анбар ҳид тарафиб турган қоронғи саждагоҳи — меҳробидир. Ҳар бир қулоғида порлоқрахшон дур қадалган исирга бўлиб, улар икки юлдуздек ялтираб турадилар. Улар юлдуз бўлганда ҳам қуёш атрофида қирон қилмоқчи бўлган фитнагар юлдузларни эслатадилар. Энди, қадди-қоматига келганда, биҳиштдагина бўладиган нозанин ниҳолнинг худди ўзгинаси бўлиб, у, руҳининг табиатидан билиниб турибди. Хусусан, у кулиб, жилва қилганда руҳидан худди ўшанинг нишониси кўриниб туради. Бели ипдаккина нозик бўлиб, ахтарганда у ипни вужудидеги топишингиз амри маҳолдир. У шундай ингичкаки, қараганингиз билан уни кўролмайсиз, унинг яна ҳарир либослар ичига яширинганини айтмайсизми. Вужуди ҳарир гулнор рангида-ю, унинг устида нозик зангори кўйлаги бор. Бу гул ва сабза ранг бир-бирига жуда келишиб турибди. Унинг устидан кийган тўни эса, нозик бинафша ранг матодандир. Либосларига турли қимматбаҳо инжулар қадалган бўлиб, у жавоҳирлар жилваси ҳар қандай кишининг руҳини ўзига тартади. Тўнининг ранги ақлни оздиради; киши руҳи эса, унга қадалмиш жавоҳирларга мафтун ва маҳлиё бўлиб қолади. У ҳурдир, йўқ, ҳур демайман, паридир, йўқ, пари ҳам демайман, у худди башар офатидир. Лаби сўзлайдиган бўлса, элу халқнинг жонини олади; зеро, унинг лабларини кўрганда жон уялади. Аксинча, лабларидан ҳаёт суви оқади ва кўзидан эса ажал ўқи ёғиб туради. Шунчадан-шунча жамолу гўзаллиги устига яна юзларча ноз-карашмаю ғамза-адосини айтмайсизми!

У сарв бўйли соҳибжамол шоҳни кўрди-ю, ўрнидан туриб, қуллуқ қилди; шоҳ эса, унга лутфу марҳамат кўрсатди. Жонон юз туман меҳр-муҳаббат билан ер ўпиб, тавозе кўрсатди; ҳар бир тавозе ноз-истиғнолар билан тўла эди. Шоҳ унинг зебо нигоҳини кўргач, кўнгли бетоқат бўлиб кетди. У, бошлаб, унинг суратини кўрганда беҳол бўлган эди, энди эса, қоғоздаги суратига нисбатан юз карра гўзалроқ юзини кўриб беҳол бўлиб қолди. Қоғоздаги суратининг ўзи шоҳнинг на жисмини, на жонини қўйган эди, энди бутунлай бежон бўлиб қолди. Суратига боқа олмаган одам унинг гўзал юзига боқиши мумкинми? Боққанда ҳам ўзини йўқотмай қола оладими?

Хулласи калом, шоҳ Баҳром ўз муродиغا етди, муродига эмас, Дилоромига етди. Бу жой ҳар тарафлама холи ва хилват эди, маҳбубанинг амри билан яна ҳамма ёқ беркитилди.

Бундан ўзга нима десам бўлади? Пинҳоний не ишлар бўлганини айтишим мумкинми? Ким қизиқса, фикр қилиб, ўзи

топиб ола қолсин... Мен албатта у ерда нима ишлар юз бера-жагини айтолмайман, ахир, у хонага на насиму, на шамол кира олмайди ку. Маҳваш ёр билан ошиқ шоҳ иккиси бу ерда нима иш қилганини билмаганимиз аълодир. Балки эл худди шу ерда менинг бир фикр айтишимни истар, аммо, афсуски, бундай салоҳият менда йўқдир. Узр!

#### XIV

*Манглайи Зуҳра юлдузидай ярақ-лазан ой юзлининг нағмаси шоҳни зор-зор йиғлатгани ва кўнгли қуши унинг чанги торларига гирифтор бўлгани ва чангдек нолон кўнглини у гўзалдан ўзга ҳамма нарсадан холи қилиб, жон ришталаридан фиғон тортгани, унинг азобловчи қўлидан, балки қўли зарбидан жон ипларининг нолаю фиғони дам-бадам ортгани*

Шундай қилиб, мурод-мақсади ҳосил бўлмиш бахтиёр шоҳ ёрнинг висолига етиш билан қувониб кетди. Унинг иккинчи машғулоти қадаҳ билан созу майи ноб билан қўшиқ эди. Гоҳ жаннатмисол гулшанда, қасрнинг жаннатмонанд боғида шоҳона базм ташкил этар; гоҳ у ҳур истиқомат қиладиган парихонада сарви гулруҳнинг жамолига шайдо бўлгани ҳолда, дам-бадам ақлу ҳушини йўқотиб ўтирар эди. Сарвқад ҳам май ичиб, настаран каби оқ баданига гул ранг либосларни кийган ҳолда, чангни қўлига олиб, торини чертар ва ёрининг жон ипини узар эди. Унинг чанг аталмиш сози сўфиларнинг қадди-қомати сингари эгик эди. Шоҳ ҳам худди сўфилик йўлини тутган кимсаларга ўхшаш мункайиб, бошини қуйи солиб, оҳ-воҳ қилиб ўтирар эди. У ўтирган жойидан қўзғалмас, юриш тўғрисида ўйламас, лекин мақом қуйлари таъсирида хаёлан сайр қилгани-қилган эди. У худди ибодат қилаётган кишилардек ёслини маҳкам боғлаб, қаддини букиб ўтирар эди. Уни сўфилик йўлига кирган дема, йўқ, у хароботий, яъни майхонадан чиқмайдиган зотларга ўхшарди ва қилиқлари эса, ихлос билан бутга чўқиниб ўтирган одамни эслатар эди. Белига зуннор боғлаб олиб, кишиларни бутхонага ундовчилардек ҳар доим



қироат билан хониш қилар; майхона муғлари сингари алёр айтиб, элни диндан ҳам, ақлдан ҳам оздирганидек, ўзи нима қилаётганини билмас эди. У, афсонавий хушовоз қақнус қушига ўхшамаса-да, оғздан ҳар хил ғалати овозлар чиқарар эди. Йўқ, у худди қақнус қушига ўхшар, ахир, қақнус хушовоз бўлиб, унинг тумшугидаги 360 тешикдан 360 хил овоз ва оҳанг чиқар эди-да. Аслида мусиқи оҳанглари қақнус овозларидан олинган, бу қуш минг йил умр кўргач, ўзини ўтга ташлаб ёниб кетар экан. Шоҳ ҳам ўша қақнус қушининг йўлини тутиб, ўз оҳанглари билан оламга ўт солғудек бўлар эди. Чанг тешикларидан мунгли овозлар чиқаркан, кишига унинг торларидан ўт сачрагандек туюлар эди. Бир тарафдан, бундай узоқдан назорат қилган одамга, буларнинг манзараси қақнус билан товус жўр бўлиб, бир оҳангда куйлаётганини эслатар эди. Гарчи у гўзалнинг жамоли товусдек жилвагар бўлса ҳам, овози булбул оҳангидек ёқимли эди. У булбул каби минг хил оҳангда дoston ўқир, қақнус эса, унга қўшилиб куйлар эди. Хуллас, гулруҳ булбул каби наво қилар, унинг наволаридан одам ўртанар эди. Унинг нолаларини эшитар экан, шоҳ Баҳромнинг бир дам ҳам усиз туришга тоқати йўқ эди. Унинг лиқосидан (юзидан) бир нафас кўзини олмас, қулоғини эса, навосидан узолмас эди. Баҳромнинг кўзи гўзалнинг юзида, қулоғи унинг навосида, жони ёрнинг ғамида, кўнгли эса, унинг хаёлида эди. Шоҳ ундан ажрамасдан, жонсиз бўлиб қолган; мабодо ундан ажраса, бежон бўлиб қолиши муқаррар эди. Кечасию кундузи куй эшитар, бода ичар; унинг юзи базмда бунинг ишратхонасини ёритар эди. Дилоромни кўрмаса, унинг жони қолмас; кўрган замон танасига жони қайта кирар эди. Баҳромнинг май ичишдан мақсади ёрининг навосини эшитиш бўлса, Дилором ҳуснининг жилваланиб туриши бунга жон бағишлар эди. Улар гоҳ дилкушо бўстонда айш-ишрат қилсалар, гоҳо қасрнинг жонфизо айвонида ўйнаб-кулар эдилар. Шоҳ ер юзида, у паризод билан, фалак эса, осмонда ўз қуёши билан базм тузар эди. Ёр наво чекса, бу оҳ-фиғон тортар; у рўксорини кўрсатадиган бўлса, бу жонини бағишлар эди. Иккеслон саҳроларни кезиб, душтларни айланар эканлар, қилган овининг хурсандчилигига яна май жомини сипқарар эди. Шундай ҳолларда ҳам ёрга ўз ҳажрини — соғинчини билдирмас, чунки уни бир нафас ўз ёнидан жилдирмас эди.

Аслида у оҳу кўзли гўзал Чин диёрида парда ичида ўтирар эди. У, зотан, Хўтан даштларида туғилиб, яшаб, истиқомат қилган бўлиб, ўша ернинг гулзор ва майсазорларида ўйнаб-кулган. Мушқдек муаттар ҳид сочувчи бу кийик, лола ва

сабзалар ичида ўсиб-улғайган. У шу хусусдан ҳам даштларда сайр этишни гоётада хуш кўрар эди.

Шоҳга ҳам дашт-биёбонда чопиб, сайд қилишдан қувончли нарса йўқ эди. Сайд қилмоқ иккаласининг табиати учун ёқимли бўлгани учун, булар доим сайр қилишдан зерикмас эдилар. Сайр пайтида шоҳ ов қилиш билан банд бўлса, унинг моҳ-рўй ҳамроҳи ўзининг маҳди-беланчагида ўтирар эди. Шоҳ сайд овлаш билан овора-ю, моҳ шоҳни сайд этиш билан банд эди. Қайси бир сайдни шоҳ овлаб, ҳалок этса, у шўх гўзал соз чалиб, уни табриклар эди. У ўз созининг садоси билан жаҳонга шўру гоёга солар, жаҳонга эмас, балки бахтиёр шоҳнинг юрагида безовталиқ кўзғатар эди. Шу пайт, шавқ ўти билан ёнган озода шоҳ маҳваш ёридан май-бода тилар эди. Мақсади эса, юрагида ёнган ўтни шу сув билан сўндириш, аланганинг шуъласини пасайтириш эди. Аксинча, май, худди ёлқин сингари, шоҳнинг шавқ-завқ шуъласини баттар ловиллатар эди. Нағма — соз шоҳ юрагининг ўтини бир оз пасайтирса ҳам, бода худди ўтга ёғ қуйгандек ҳароратини оширар эди. Бу ўтнинг алангаси қанча кўтарилса, шоҳ шунчалик беҳудлик билан оҳ-нола чекар эди. Шоҳ, овдан кейин, бир холи манзилни топиб, дилбари васлидан ком ва ором олар эди. Ҳамроҳи Дилором бўлгач, нима учун муродини ҳосил қилмасин? Шоҳнинг бахти қанчалик кулса ҳам борган сари ҳаяжон ва изтироби ортиб афзун бўлиб борар эди. У билан бирга пайтида изтироби кучайгани каби, ундан сал айри турса, кўнгли хароб бўлар эди. Шоҳ у маҳбубага шунчалик берилган ва мубтало бўлган эдики, васлида ҳам, ҳажрида ҳам унга қийин эди. Висоли унинг жонига ўт солгани каби, ҳажрини ўйласа, ўзини унутгудек бўлар эди. Дилором унинг ҳам ёри, ҳам улфати эди. Йўлда ҳамроҳи ҳам у эди-ю, ўтирганда ҳамсуҳбати ҳам ўша дилдор эди. У ой жамолга бутунлай ўрганиб, васли дийдорига айрилмас боғланиб қолди. Бир нафас ундан ажраса худди ҳалок бўлгудек, ёқасини йиртиб, кўксини чок қилгудек эди.

Шоҳнинг аҳволи шу даражага бориб етдики, у мамлакат олдидаги вазифасини унутиб, ҳарбий ишларга ҳам қайрилиб қарамай, эл-юртни адолат билан сақлашга ҳам аҳамият бермай қўйди. Баҳром уч-тўрт йиллик умрини Дилором билан мана шу зайлда ўтказиб юборди. Бу ҳолат эл-юртга кўп зарар етказди. Халойиқ шоҳнинг бунчалик бепарволигидан шикоят қилар, ҳар ким бу ҳақда ҳар хил гап айтар эди.

Қайси шоҳки ишққа мубтало бўлар экан, унинг мамлакатидан осойишталик ва хотиржамлик қочиб кетади. Ишқ қў-

шиғи шоҳға ҳам, гадога ҳам баб-баравар шафқатсизлик билан талон-торож ва ғорат солади. Ишқнинг аёвсиз бўрони қўзғалганда у хашакни ҳам, тоғ-тошни ҳам баравар тўзғитади. Ишқ сели кошонани ҳам, вайронани ҳам йиқитиб, хароб этади. У, агар чумолига йўлиқса, уни аждаҳога айлантиради-ю, шоҳни гадолардек зор ва муҳтож қилади.

Хулосайи калом, Баҳромдек оламгир шоҳ ишқ қўшинига шу каби асир бўлиб қолди. Унинг кўз олдини ишқ дуди қоплагач, мамлакати ҳам, эл-улуси ҳам, қўшини ҳам ёдидан чиқиб кетди. Бутун хаёли шу ой билан юриб туришу гоҳо у ердан-бу ерга кўчишдан ўзга нарсада бўлмай қолди. Мақсади, ов қилиб, Дилоромнинг дилини хуш қилиш ва унинг куйу навосини тинглашдан иборат эди. Ёрининг ҳуснига боқиш ва май ичиб шодланиш асосий машғулоти эди. Боданинг кайфи унинг ихтиёрини барбод этса, бор бисоти қўлидан чиқиб кетса, унинг аҳамияти йўқ эди.

Ишқ билан майга берилган одамнинг қўлидан бору йўғи батамом чиқиб кетса, ажабланарли эмас.

## XV

*Баҳромнинг ишқ тўфони тугёнидан  
беақл ва май ҳарорати ғалаёнидан бе-  
ҳуд бўлиб, ўзини унутгани ва шоҳ бир  
оҳуни камон билан отиб йиққанида,  
ўзининг шер тугувчи оҳуси (Дилороми)  
унга таҳсин ўқиماغани туфайли, у гў-  
зални дом — тузоққа илинган кийикдек  
камандига боғлаб, кийиклар уясига  
ташлагани*

Шоҳ Баҳромнинг ошиқлик ва мастлик чоғида икки ғалати иш содир бўлди. Шоҳ айш-ишратга ҳаддан зиёда берилиб, бошқа ҳамма нарсани унутиб юрган пайтида, мамлакат ишини назорат қилмай, уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Бинобарин, унинг амри фармонига ҳам ҳеч ким итоат этмади. Шоҳ ҳам ҳукумат бошлиқларидан инсоф ва адолат билан ишлашни талаб қилмади. Зулм кўрган эл орасида шикоят ва норозилик кучайиб кетди. Шоҳки мамлакат ишига қарамай, адолат ҳақида қайғурмай қўйгач, ким нима хоҳласа шуни қилаверди. Жумладан, солиқ йиғувчилар подшонинг солиқ ҳақидаги фармонларини бузиб, қандай хоҳласалар, шундай амалга оширдилар. Бундан подшонинг хабари йўқлиги натижасида бечора

халқнинг уин куйио кул бўлди. Ғароқчилар ҳам кимни хоҳласалар ўшанинг мол-дунёсига қўл узатар эдилар. Уларнинг босқинчилиги кучайиб кетгани туфайли, йўллар бекилиб қолди. Майхўр-боданарастларнинг безорилиги, шовқин-сурони ҳаддан ошиб, сўфи ва имомларнинг товуши эшитилмас даражага келди. Сўфининг обдастаси май кувачасига айланди. Илм-риёзат ўрни майхўрлик билан алмашди. Яйловлар бўриқашқир каби йиртқичлар билан тўлди; қўйгина эмас, чўпонлар ҳам уларга ем бўлди.

Ниҳоят, бир неча маҳрам — яқин кишилар хилват бир жойда бу аҳволларни шоҳга арз қилдилар. Эл-юртнинг аҳволи қанақаю, халойиқ орасида қандай гап-сўз ва норозиликлар бўлса, барчасини шоҳга баён этдилар. Шоҳ бу аҳволларни эшитиб билгач, узоқ ўйлаб, ишда қандай ўзгариш яшаш ҳақида чора ахтариб қолди. Лекин ошиқлик балосига учраган одамнинг нима чора кўриши мумкин эди? Халқни бечора қилган ишқ эмасмиди?! Ахир, у ойсиз шоҳнинг ҳеч қандай қарори йўқ, балки ўзида ихтиёри йўқ эди. Лекин ҳар қолда шоҳнинг мамлакат иши хароб бўлганига, эл-улус қийналиб қолганига ақли етди. Бинобарин, Дилоромнинг ишқи билан заиф ва хаста бўлишига қарамай, эл-юрт гами ҳам шоҳнинг кўнглидан ўрин олиб қолди. Энди қандай тадбир кўрса, эл-юртда ва сиёсатда ўзгариш ясай олмай? Мамлакатни ташлаб қочай деса, фойдасиз; ёрдан воз кечиш эса, ундан баттар мушкул. Ишқилиб, шоҳнинг хаёли паришону кўнгли беҳузур бўлиб, ҳар лаҳза юрагини хавф-хатар босар эди.

Ниҳоят у: «Шоҳлик мартабаси қўлимда бўлса, бундай маҳваш қосагулни ҳар қачон топишим мумкин; мен қанчадан бери бу гўзал билан маишат қилмоқдаман, агар шоҳ бўлмасам, бунинг висолига муяссар бўла олармидим? Йўқ! Мамлакатим — шоҳлигим бўлмаса, у офат мен билан бирга бўлмасди ва тирикчилик қилмасди. Ер ва унинг ишқи мавжуд экан, ўзга ҳамма нарса нобуд бўлиши муқаррардир. Кимки ишқ билан шоҳликни бирга олиб бораман, деса, муз сумалагидан шамъ ясайман, деганга ўхшаш гап бўлади», — деган фикрга келди. Унинг кўнгли мамлакат ва ундаги бойликларни қўлдан бермасликни маъқуллади. Бу, ишқни тарк этиш учун бир баҳона эди.

Ишқ билан шоҳлик ҳеч қачон бирга бўлиши мумкин эмас, лоф уриши мумкину, аммо ҳеч қачон шоҳ ўз ишқига содиқ қолиши мумкин эмас. Ишқ учун ҳамма нарсадан воз кечган, муҳаббат шуъласида ўртанган бедил одам керак. Борлиқда нимаики бўлса, ҳаммасидан юз ўгириб, фано йўлини тутган,

икки жаҳондан қўлини ювиб, қўлтиғига урган одам керак. Ери истаса, жонини беришга тайёр турган, балки унинг розилиги учун юзта жони бўлса аямайдиган одам керак. Чин ошиқ ўз жон мулкани дилбари ихтиёрига вақф қилиб бериши, бир жон эмас, икки жаҳон мулкани ҳам унга садқа қилиши лозим. Шоҳ, ахир, мамлакатларни фатҳ этиб — қўлга кириши учун юзларча одамнинг қонини ноҳақ тўқади-ку. Ўз қонидан кечмаган одам ошиқ бўлармиши? Йўқ, ишқ деган нарсда бундай одамдан беҳад йироқ туради.

Шоҳ шу каби хаёллар билан айш-ишратини давом эттирар ва доим шикор билан кунини ўтказар, қаёнга хоҳласа, ўша томонга қараб от сураб эди. Ери илгидан майи ноб ичар эди-ю, аммо салтанатни қандай идора қилишни ўйлаб, хуноби ошар эди.

Бир кун шоҳ у гўзал маҳваш билан ичиб, маст бўлиб ўтирганида раънодек гўзал бир кийикнинг чопиб кетаётганини кўриб қолди. У шундай суръат билан чопар эдики, кўрган киши ҳайратда қоларди. Аммо шоҳ ғоят ўткир мерган бўлиб, ҳар қандай сайд ҳам ўқидан қочиб қутулолмас эди. Баҳром қочиб кетаётган овни одамлар қаеридан уриб бер деса, ўша еридан уриб йиқитадиган маҳоратга эга эди. У, сайднинг қайси тукини нишонга олса, ўқи ўша ерга бориб қадалар эди. Бинобарин, ўзининг шу мерганлигига ишониб, у, гулруҳ ёрига:

«Эй пари талъат! Сен бу учгандек чопиб кетаётган ғазолни қаеридан уриб бергин, десанг ураман, агар «ўлдири!» деб буюрсанг, ўлдираман!» — деди. Шўх гўзалнинг табиати нозик бўлиб, у тубандагидек мушкул ва ғалати фикрни баён этди:

«Бошлаб, икки қўлига тушов солки, у ўз еридан қимирламай қолсин. Сўнгра, уни шундай нишонга олиб отгинки, узоқда бўлишига қарамай, бўғизланиб қолсин!» Шоҳ бу санамнинг истак ва таманносини билиши билан, айни муаммони ҳал қилишга киришди. У, нозаниннинг таклифини рад этмади, тезда ўқдонидан бир ингичка ўқни олиб, шошилмасдан сайдга қараб отиб, кийикнинг икки қўлини ўқ билан урди. Лекин ўқи уни яралагани ҳолда, териси билан суягини тешиб ўтмади. Шу йўл билан ғазолнинг қўллари банд бўлгач, шоҳ яна ўз ёйига ўқ қадаб, сайднинг бўғзига шундай урдикки, бўйни кесилиб қонлари оқди. Ой юзли нимани хаёл қилган бўлса, шоҳ уни худди айтганидек қилиб бажарди. Шу пайтда Баҳром қилган ишни инсон у ёқда турсин, кўҳна фалак ҳам эслолмайди. Бинобарин, шоҳ шу даражада қойил қилиб, ўз ҳунарини кўрғазгач, нигоридан таҳсин ва офаринлар эшитиш орзусида эди. Лекин ёри беназир ҳуснга эга эмасмиди, шу ҳусннинг

мағрурлиги билан истиғно қилиб, шоҳга тасанно айтиш ва унинг дунёни забт этган қудратли қўлини ўпиш ўрнига :

«Қар ким бир нарсани машқ қилаверса, мана шу хилдаги маҳоратга эга бўлади», — деб қўйди-ю, лекин «қойил қолдим», демади, яъни, шоҳнинг маҳоратини менсимади, уни машққа боғлаб қўя қолди. Шўх гўзалнинг бу гапини эшитиш билан шоҳнинг унга бўлган муносабати кескин ўзгариб кетди. Пари чехрадан ташаккур эшитиш ўрнига, шундай муомалани кўргач, икки қошининг ўртаси чимирилиб кетди. Шоҳдаги бу ўзгаришни кўриб, у шўх ўз муддаосини тушунтирмоқчи бўлди-ю, аксинча баттар қилди.

«Нима учун шоҳнинг ғазаблари қўзғалиб кетди? Мен ёмон гап айтмадим-ку, — деди Дилором. — Масалан, мен соз чалсам, кишиларнинг жони танасидан чиққудек бўлади. Мендаги бу маҳорат бирдан пайдо бўлган эмас, мен бунга жуда кўп машқ қилиш натижасида эришганман. Шоҳим бир кийикка ўқ урган эканлар, «бу машқ натижаси», деганимга бунчалик хафа бўлмасалар экан!»

Шоҳ бу гапни эшитиш билан ғзаби янада ортиб кетди. Иккита қаттиқ гапни эшитаркан, жаҳолат унинг ихтиёрини қўлидан олиб қўйди. Шоҳнинг қаҳри авжига чиққанда, иложи бўлса, унинг мамлакатада ялламаган яхшироқ. Салтанат сиёсати кучайиб кетадиган бўлса, лутфу эҳсон кўзини кўр қилиб қўяди. Шоҳ уни ўлдирмоқчи, шу сарв раънонинг бошини кесиб ташламоқчи ҳам бўлди. Кейин, ўз-ўзига :

«Йўқ, бу хилда қилиш яхши эмас, заиф кишини тиғ билан қатл этиш дуруст эмас», — деди. Кейин, ташқаридан, касб-ҳунари одам ўлдириш бўлганлардан бир нечтасини чақиртирди, улар маҳодадан ойни чиқазиб, биёбонга томон сургаб олиб кетдилар. У биёбонда ўсган ҳар бир гиёҳ худди ўққа ўхшар, биёбон атрофини неча кунлаб айлансанг ҳам сув тополмайсан. Жониворлар умрини қисқартирадиган заҳарли ўтдан бошқа ҳеч қандай гиёҳ у биёбонда битмайди. Гўзал Дилоромни шу биёбонга олиб бориб, икки ўрим сочи билан оёқ-қўлини бир-бирига тортиб боғлаб, худди копток сингари думалоқ қилиб, ташлаб келдилар. У ўз сочини халқ бўйнига каманд қилиб солиб, ўзига асир этган эди, мана энди шу сочлари, оқибат-натижада, ўз ҳалокатига ҳам сабабчи бўлди. Ҳалиги бераҳм жаллодлар у гўзални биёбонда шу аҳволда қолдириб, ўз ватанларига, жабр-жафони ўзига ҳунар қилиб олмиш шоҳнинг ҳузурига қайтдилар.

Шоҳ бу даҳшатли фармонни берган вақтида, май ва ғзабнинг ҳарорати билан беҳуд бўлиб — ўзини йўқотиб қўйган

эди. У ўша куни оқшомгача май ичди, май ичган сари, пайдар-пай ғазаби ортиб борар эди. Кечасига бориб, бода уни хароб қилиб, мастликдан учиб қолди. У, тонгда май билан оғиз очар эди, шу пайт ёнида севгилиси ҳам бўлар эди. Бинобарин, саҳарда уйғониб, кунда ичадиган субҳ сабуҳини (тонг майини) талаб қилганда, ўз ёнида жон роҳати йўқлигини сезиб қолди. Шунда у: «Маҳвашим қаён кетди?» — деб сўради. Зеро, у ўзининг не кор-қол қилиб қўйганидан беҳабар эди. Унинг ҳузурида ҳозир турган бир неча маҳрамлари ўзининг қилган ишини айтиб берган эдилар, шоҳга ёруғ олам қоронғи бўлиб кетди. У бошини қуйи солиб, ўйлаб, барча қилган ишларини кўз олди-га келтираркан, қаҳр-ғазабнинг сарсари бўрони эсиб, ўз қўли билан ўз бошига тиг урганини фаҳмлади. Шундан кейин:

«Ҳозир ўзим бориб, у биёбонни бир-бир ахтариб, нигорим қайда бўлса топайин, унга жони зоримни садқа этайин; тирик бўлса, унинг фидоси бўлайин, агар ўлган бўлса, ўзимга тиг уриб, жонимни бериб, унинг руҳини рози қилайин; ўзимни ўлдириш билан унинг хунига хун тўлайин», — деди.

Аммо тожу тахт номуси унинг ўлик тупроғини ўпишга монелик қилди. Бир тарафдан ақли бундай ишни қилишга далолат этмагани каби, халойиқ таънасида хижолати ҳам шоҳни бу йўлдан қайтарар эди. Қанча ўйламасин, барибир ақл бу ишни рад этар эди. Кўнгли эса, ақлнинг сўзига кирмас, яъни, ишқ уни мансуҳ ва беқарор қилиб қўйган эди. Хулласи калом, жони икки бало ўртасида-ю, ўзи икки аждаҳо орасида қолмиш чумолини эслатар, у на ўликка, на тирикка ўхшар, кўрган одам уни тирик демас эди.

## XVI

*Баҳромнинг ғазаб мастлигидан ҳуш-  
ёр ва ғафлат уйқусидин бедор бўлиб,  
ҳар хил маза-бемаза тушлар кўргани-  
паришон, балки уйғоқликда қилган иш-  
ларидан пушаймон бўлгани ва мушк  
ҳидли ғазолини истаб биёбонга бориб,  
уни топмай, ўзидан кетгани*

Баҳром мана шу юқорида зикр этилган ишни, яъни, йнглаш керак бўлган, йўқ, кулиш керак бўлган ишни қилгач, икки кунгача ўзига келолмай ётди, унинг юрагида олову жонида ўқ бор эди. Учунчи куни бир оз ўзига келиб, ёруғ умрини

қора тундек кўрди. Ишқнинг аскару сипоҳлари ҳужум қилиб, юрагига ғорат ва хароблик солиб юборди. У, ўз мулкини обод қиламан, деган тама билан кўнгил мулкини барбод қилиб қўйди. Тожир-савдогар сингари фойда истаб денгизга тушган эди-ю, аксинча, ўзи ғарқ бўлиб, дастмоесидан ҳам ажраб қолди. Боғбон жуда кўп мева ҳосил оламан, деб умид қилган эди-ю, дўл дарахт шохларини ҳам синдириб-пачоқлаб ташлади. Хуллас, шохнинг ичига шундай чақмоқ тушдики, бутун вужудини ўт олиб кетди. Лаъл жавоҳирли тож кийган бўлишига қарамай, фалак унинг бошига беҳисоб тошлар ёғди-моқда эди. Шоҳ мамлакатини ҳимоя қилиш учун одамларга ҳалокатли тиглар тортган эди, бугун ўша тиг ўз кўксини чокчок қилмоқда. У, дунёда сурма ахтариб шошилар эди, бугун чарх сурмакаши эса, бунинг кўзига сурма ўрнига «мил»нинг ўткир учини санчиб олди. Шоҳ ўзининг ҳозирги аҳволига назар қилар экан: «Бундай оғир аҳвол менинг бошимга тушди, бошқаларнинг бошига тушмасин», — деб йиғлар эди. Унинг жисми зори шундай эзилдики, гўё хаста юрагига мингларча тикан қадалгандек бўлди. Жони танидан — тани эса жонидан тўйган эди; кўнгли бундан ҳам, ундан ҳам ранжийда эди. Вужуди кўҳна фалак сингари вайрон бўлиб, жони эса тор ичидек узилиб кетмоқда эди. У фалак жисмларидек нолаю фиғон қилар, сўнгаклари эса, гўё бир-биридан ажраб — жудо бўлиб кетаётгандек эди.

Ёрининг ҳажридан Баҳромнинг жони ҳалқумига келгани ҳолда, ўрnidан сакраб туриб, беихтиёр жўнаб кетди. Суманбарни қаерга олиб бориб ташлаш ҳақида фармон берган бўлса, шоҳ ўша тарафга қараб югуриб кетди. У, «ҳаётим имкон берса, жонимни ёрим руҳига фидо қиламан» деб бормоқда эди. Агар у Дилсромининг ўлигини топсан, дод деб, фиғон тортиб, унга мотам тутмоқчи; сарвқоматнинг ўлигини кўтариб, унинг покиза танини тобутга солиб, олиб келмоқчи. Агар кўнгли йиғлашдан тинса, ўзини ўлдириб, ёри устига ташламоқчи; ёри билан бир гўрда ётиб, унинг фурқати ва жудолигидан ўзини халос қилмоқчи эди. Бироқ, дашту саҳроларни қанчалик кезиб — ахтаришига қарамай, сарв раъносини тополмади. У сарви озод энди жаннат гулистонларида жилва қилмоқда, биҳиштдаги сарвларга қўшилиб кетган эди. Гўзал сарв дашт-биёбонларда нима қилсин? Сарв ахир бўстонларда-гулистонларда бўлиши керак-да.

Баҳром ўз ёрини тополмай, ундан бир умрга ажраганини билгач, ноумид бўлиб, ниҳоятда маъюсланиб кетди ва беихтиёр ўз юзига шапалоқлаб ура бошлади. У шундай нолаю



зор билан фарёд кўтардики, худди Фарҳод ўз Ширинини йўқотгандай эди. Охири, бемор ва бедил кишилардек ҳушдан кетиб ерга йиқилди, у худди ўқ еб чалажон бўлган сайддек типирчиларди. Кўзларидан шундай қонли ёш тўкардики, бунинг аҳволини кўриб золим фалакнинг ҳам юраги қон бўлиб кетди. У:

«Ўз жонимга не жафолар қилдим? Бундай фожиа юз беришини билмадим! Ким ўз кўксини ўзи чок этади? Ким ўз жонини ўзи ҳалок қилади? Бундай ишни бирон одам қилганми? Ахир, бу одам боласи қиладиган иш эмас-ку! Қайси мард инсон ўз бўғзига ўзи тиг уради? Қайси нодон ўз умрининг чирогини пуфлаб ўчиради? Дилоромимнинг жони учун нотавон жисмимни эваз қилсам бўлармикин? Жисмимни унинг жонига фидо қилсам арзирмикин? Танимни юз пора қилмасам ҳам, барибир ўламан-ку, ўзимни-ўзим ўлдирмасам ҳам ўламан-ку. Жаҳонда бундай бало яна кимнинг бошига тушган экан? Эй золим фалак! Нималар қилдинг, ахир? Сенда заррача меҳр-шафқат йўқ экан! Сен мени меҳр-муҳаббатдан маҳрум кишига айлангирдинг, ҳаётда юзимни қаро қилдинг, эй бераҳм фалак! Сенда ҳеч қандай шафқат-марҳамат йўқ экан; юзимни ғам-алам билан сўлдирдинг; кўз ёшимни юлдуз сингари тўқдирдинг, давлатим қуёшини сўндирдинг, иқболим шамъи ер қаърига ниҳон бўлди. Энди бу пасткаш жаҳонда жонимни ҳам олиб қўя қол. Мен бу жаҳонни жонсиз нима қиламан? Ёрсиз бу жаҳон билан жонни нима қиламан? Жонимни ол, жондан тўймишман, биллоҳ! Кўнглимни ўлимга тикканман, биллоҳ! Жаҳонда жононсиз жонни не қилай? Ахир, ёрсиз жонни, тансиз жонни не қилай? Жонсиз танни не қилай?»

Баҳром мана шу каби нолиш билан даштни бошига кўтарди, унинг жони ғам ва мусибатнинг лашкари ҳужуми билан эзилмоқда эди. Мамлақату салтанат унинг ёдидан чиқиб кетди, у ваҳшийлардек ўша биёбонда ўрнашиб қолди. У шаҳри ва мамлақати бор-йўқлигини билмас, дашт-сахро унинг манзилгоҳига айланган эди. У биёбон ичида афгон чекар, бир ўзи эмас, бутун бир шаҳар эли у билан бирга биёбонда нола қилар эди. Эл-улус шоҳнинг бошига бу каби мусибат тушганини, тушганда ҳам жуда оғир ва таажжуб кулфат тушганини кўриб, ҳаммаси ўзининг ер-жойини ташлаб, шоҳга ўхшаб даштни ватан қилиб олдилар.

Кеч кириб, қуёш Дилороми юзини яширгач, осмон Баҳромни ҳам кўз ёши сингари юлдузларини оламга сочди. Худди ҳажр шомидан ошиқи зор азоб тортгани сингари, фалак ҳам

қоронғиликдан озор тортмоқда эди. Шоҳ Баҳромга тун кеча шундай азоб бермоқда эдики, олам кўзига гўрдай қоронғи кўриниб кетди. Гаму қайғу қоронғилигида қолган Баҳром ўзини бир гаройиб оламда кўрди. Уни олам эмас, фироқ зулмати де, отини эса, ҳижрон шоми деб ата. Бутун олам юзини қоронғилик ўраб олган, лекин у ерда зулматда бўладиган оби ҳаёт йўқ эди. Агар бундай қоронғиликда минглаб Хизр макон қилганда ҳам, барисининг жони ҳалок бўлиши табиий эди. Осмон бўшлиқлари қоронғилик билан қопланар экан, элнинг нафас йўли тўсилиб, ҳаво ололмай қолади, деяверинг. Нафас йўли қйир<sup>1</sup> билан тамом тўсиладиган бўлса, Хизрнинг ҳам ҳалок бўлиши ажабланарли эмас. Балки у, туннинг қоронғи зулмати бўлмай, ҳажрнинг ўтидан жаҳонни тутун босиб кетгандир. Ахир, фурқат ўти жонга тушгандан кейин, унинг туғуни жаҳонни қоронғи қилиши табиий эмасми? Агар, ҳажр ўтини алангалатиш учун тутантириқ керак бўлса, фурқатда ёнганларнинг танасидан бошқа нимани қалаш керак? Енаётган оловнинг ўти ошиқнинг танаси бўлгач, тутуни ошиқни ўлдирса, ажабланарлими? Агар ўтнинг алангаси киши танини куйдирадиган бўлса, тутуни нафасни бўғиб ўлдириши ҳам табиийдир. Кимки ҳажр деган айрилиққа мубтало бўлган экан, мана шундай қоронғи тун унинг жонига бало бўлади.

Гарчи тун халқ ичига қоронғилик пардасини солган бўлса ҳам, одамлар у саҳрода оқ уй бино қилдилар — шоҳона чодир — саропарда тикдилар. Шоҳнинг атрофидан ёт кишиларни узоқлаштирдилар. Кўрдингизми, фироқ шомининг хосияти одамни шундай қилиб қўяр экан. Шоҳнинг бу ишидан эл-улус қайрон — мутаҳаййир бўлиб, ҳар қайси бир бурчакка қараб кетди. Шоҳга хос — маҳрам кишиларнинг кўзлари тўла ёш, ўзга одамлар эса, кутилмаган аҳволдан ажабланган ҳолда, бошларини қуйи солиб, хаёл сураб эдилар.

У одамларнинг бири: «Шоҳни дев урган», деса, иккинчиси: «Йўқ, бу париларнинг иши, жин теккан», дер эди. Шоҳнинг ақлга сиғмайдиган аҳволини кўрган ҳар киши ҳар хил хаёлга борар ва турли афсона тўқиб, девоналарча унинг атрофида айланар эди.

Ниҳоят, бу қайғули ҳолат қайғуга мубтало бўлмиш кишиларнинг кўзига уйқу келтирди. Ёлғиз Баҳромгина фурқат ўтида қовурилган ҳолда, туни бўйи мижжа қоқмай, ажриққа ағанаб бедор ётар эди.

<sup>1</sup> Қ й и р — қора дуд, тутун.

## XVII

*Ҳажр шомининг ҳаддан зиёда узунлиги ва қоронғилигининг азоб-уқубати ва ўша кечаси Баҳром жонига ғам-андух қўшинининг босқинчилиги ва у кеча босқинчиларининг шоҳ жони ва дилини асир этгани ва у асирона нола четкиб, ўзидан кетгани ва аркони давлат уни бало даштидан даво шахри томон олиб келганлари*

Шундай қилиб, ўша кечаси шоҳ Баҳром ёввойи ҳайвонлар маконида тунани. У кеча кўҳна дунё худди гўрдек қоронги эди, бундай қоронғиликда фалакнинг боши ҳам, охири ҳам кўринмас эди. Ҳажр ўти шоҳнинг вужудини шундай ёндирдики, тутуни етти қават осмонни босиб кетди. Шоҳнинг ҳаёти осмон чархидек тийра-қоронги, унинг устига сарсон-сарғаш-талиқ, худди оқшом шафағи сингари қонли ёшга ғарқ эди. Унинг кўзи ҳалокат селини ёғдирар, кўзига ҳеч қандай уйқу асорати келмас эди. Жонида ҳажр ўти алангаланиб турар, бу ўтни шоҳнинг кўз ёшлари ўчирса ҳам яна бошқатдан туташиб ёнар эди. Ишқ ўти кўнгилинг фароғатини олгандан кейин, кўз ёши сув бўлиб, у ўтни ўчириш ўрнига, ёғ бўлиб баттар ёндирарди. Шоҳга ўтнинг ўзи ҳам бало тўдаси, кўзидан оққан ёш ҳам худди бало селидек таъсир этар эди. Шу хилда, кўнгилига ғам ҳужум қилар, балки шу ғам пасти баланд ҳамма ёқни шафқатсизлик билан талон-торож этар эди. Шоҳнинг бетоқат ва беқарорлиги шу даражага бориб етдики, ҳеч кимсанинг ёрдами унга таъсир этмади. Ёр ҳажри киши мизожини айна-тадиган бўлса, ҳеч қандай дўст унинг иложини қилолмайди. Шу жиҳатдан бир хилват уйга ёлғиз ўзи кириб олди. Зеро, у халқдан ҳам ниҳоятда хижолат эди. У, тезда бу уйнинг эшигини ичидан занжирлади-ю, ўкириб йиғлаб, дунёни бошига кўтарди. У шунчалик фиғону вовайло чекардики, оҳу зоридан жаҳон ичига даҳшатли бир безовталиқ тушди. У ёқаларини йиртиб, чок-чок қилди; бош-кўзи ва таналарга муштлайвериб ҳамма ёғини пачақлаб ташлади; барча аъзоларини шафқатсизлик билан уриб — задалади; баъзи жойларини алаמידан тишлаб ҳам олди. Бошининг урмаган жойи қолмади, натижада сочининг анча қисми сидирилиб тушиб кетди. Бошини шунчалик яралаб ва ёриб ташлаганлиги туфайли, сочлари қонга

беланиб ётар эди. Дарди оғир эди, дардининг ўқи унинг танасини гард-гард қилиб юборган, йўқ, гард эмас, дард тоғига айлантирган эди. Уз вужудини парча-парча қилиб узиб ташлаганидан танасининг боғида юзлаб лолалар очилди. У ярим кечагача шу хилда ўзини ўзи уриб йиғлади. У тинимсиз нолаю фарёд чекди, ўзига-ўзи зулм этди ва азоб берди. Ниҳоят, аъзойи бадани бўшашиб, қўли толиб, ҳажр азоби уни ҳолатдан кетказиб — сулайтириб ташлади. Сўнг, талпинишга мажоли тугаб, қимирламай қолди.

Аммо, Дилороми шоҳнинг жонига ўт солиб, ёндирмоқда эди. У дард ичида яна нола қилиб, ёрини эслар, рози дил айтар эди. Ёрининг қора сочлари бунинг бошига шундай қора кун солган эдики, унинг ҳар тукида бир олам ғам бор эди. У ҳарорат ва хаёл ичида уйнинг у бошидан бу бошига ағанар, фалак чархига юз хил лаънатлар ёғдирав эди. Дилоромнинг қошини эслаб, унинг қадди шундай букилиб кетдики, ниҳоятда озғин ва ингичкалигидан худди янги чиққан ойни эслатар эди. Ҳа, Дилоромнинг пайваста ҳилол қошлари Баҳромни ҳилолдек нозик ва хаста қилиб ташлади. У ёрининг кийик кўзларини кўз олдига келтираркан, кўнглининг даштида юзлаб жайронларнинг югуриб юрганини ҳис этар эди. У кийикдек гўзал ёрини ўйлайвериб жони қолмагани учун, уни чархнинг Баҳроми Гўри деб аташди. Дилоромнинг қора киприклари ни айтмайсизми, у киприклар Баҳром кўнглига юзлаб сиччаларни санчар эди. Уларнинг ҳар бири Баҳром кўксини юз жойидан яралаган, оҳининг тутуни эса, юзини қорайтириб юборганди. Дилоромнинг жамолини ўйлаганда, Баҳром беихтиёр оҳ тортар, унинг нолишидан кўкда қуёш ҳам, ой ҳам ўртанарди. Бунинг кўзидан оққан гулгун ёшларидан ою қуёш шафақ ичида ғарқ бўлди. Дилоромнинг юзидаги холини кўз олдига келтиролмагани учун, йиғлайвериб, кўзининг қорачиги қолмади. Унинг пашшага ўхшаган қора холи бунинг кўзини кўр қилган; кўксига кириб олиб, кўнглининг жароҳатини яна маддалатар эди. Лабларини соғинганидан жони чиққудек; кўзидан оққан қондан дашт-биебон қип-қизил лаълга бўйлаган эди. Лаългина эмас, ҳақиқ ва маржонлар ҳам, кўнгли ва жони ҳам ундан зарар топган эди. Бор-йўқлиги заррача билинмайдиган кичик оғзи киши кўзига мавҳум — хаёлий бир нуқтадек акс этар эди. У йўқ бўлгани ҳолда, Баҳром, бор, деб ваҳима қилар эди-ю, лекин оғзи бор бўлса ҳам йўқлик ичида гум бўлиб ётар эди. Дилоромнинг тишлари худди дурдонадек жилва сочмасми эди, ўшани эслаб Баҳром, кўзларидан дурдек ёшларини оқизиб, мўлдир-мўлдир йиғлаб ўтирар

эди. Тақдир бунинг бошига шу каби дўлларни ёғдиргани учун, ёш ўрнига кўзидан ўлим селларини қўймоқда эди. У, Дилромни эслаган сари нолиши ортар, фарёду фиғони фалакка чиқар эди. Унинг йиғи-зорини ким эшитса, «оллоҳ-оллоҳ, ўлиб, қайта тириляпти!» — дер эди. У, ёр юзидаги занаҳдон чуқурчасини эслаганда, бутун жон ипи тортишиб кетарди. Ахир, кўнгли изтиробга тўлиши натижасида бу ип таранглашар эди-да. Қадди-қомати ҳақида ўйлар экан, беихтиёр оҳ тортганидан, умрининг ниҳоли қурир эди. Унинг қаршисида бўстон сарвисини ҳам унутар, сарв эмас, руҳ билан жонни ҳам эсдан чиқарар эди. Нозик белини хаёл билан кўз олдига келтирар экан, бу хаёл унинг жисмини қилтириқдек заифлаштирар эди. Натижада, бадани қилтириқдек бежон бўлиб, қилтириқ эса, бунинг кўзига ўзига ўзи чирмашиб тўлғонаётган илондек кўринарди. Ёрининг оқ баданини ўйларкан, кўнглининг тоби қочиб, кўзидан кумуш ранг ёшини симобдек оқизар эди. Кумушдек кўз ёшини тўкар экан, барча оламга кумуш ёғилгандек бўлар эди. Ёр қўлидаги чанг созининг тузилишини тасаввур қилганда, у чангнинг фиғони бунинг энкайиб қолган қаддини янада букар эди. Бу эгри чанг мунг билан нола чекканда, бунинг жон риштаси у чангнинг торидек инграр эди. Гоҳо ҳаваси қўзғалиб, чанг сингари бир ажойиб наво қилар эди. Лекин бу билан ўз ҳолига озгина бўлса ҳам тасалли топиш у ёқда турсин, дард топар эди-ю, даво топмасди. Унинг беҳоллиги ҳаддан зиёда ортиб борар, ишқининг дарди эса яна баттароқ ошмоқда эди. Кўзлари ёш ўрнига қон тўкишдан тўхтамас, ўз ҳолига ўзининг ишончи йўқолиб бормоқда эди. У, ўз-ўзига дердики:

«Ёраб, бу қандай ҳолат экан! Бу қандай туганмайдиган азоб-уқубат экан! Ўз кучим ва шижоатим билан аждаҳоларни чумолидек эзган мен эмасмидим? Энди ишқ аждаҳоси менга устун келиб, аждаҳоларни забун этган танамни чумолидек эзғиламоқда. Урушга ва жангга ташланганда, шерларни таслим қилган паҳлавон мен эмасмидим? Дард билан ҳажр менга арслондек кучини кўрсатгач, сичқондек ожиз ва чалажон бўлиб қолдим. Уруш сафини тузиб, Чин-Хитой қўшинини бутунлай сафдан чиқазган мен эмасмидим? Ишқ менга қарши уруш ва адоват эълон қилар экан, сабрим қўшинини тору мор қилиб ташлади. Менда ақл ҳам, дин ҳам бор эди; ғамга чидам, балога тамкину сабр ҳам бор эди. Ишқ бошимга не балолар солдики, бу сифатлар мендан саросар қочиб кетди. Оҳим ўтининг тутунини айтайми, йўқса, бу тийра тунни айтайми? Ким бу янглиғ узун кечани кўрибди, ким ғам кунидан ҳам

қора кунни кўрибди? Ҳам қора, ҳам узун ва ҳам дилбанд кун; қоралиқда маҳвашим сочига монанд кун. Бу тарафда мен, у тарафда кўнглим азобда; бу тарафда менинг зорлигимни, у тарафда кўнглимнинг қонлигини айтмайсиэми. Мен гарчи қон ичида бўлсам ҳам, кўнглим у билан бирга бўлса кошкийди. Бу қоронғи кеча мени музтар ва хижолат қилгани устига, зор кўнглимни вайрон ва паришон айлади. Бу кеча менга гўрдек қоронғи. Шу кечанинг ўрнига умримнинг сўнги уйқусини ола қолсам нима қилар эди? Чарх — фалак мени қатл этиш учун вужудимга душманлик тигини урди, ахир, у мени тириклайин гўр ичига кўмди-ку. Ундан кўра, тиги билан бошимга уриб, бошимни танимдан узиб туширса яхши эмасмиди?

Эй халқим ва қўшиним! Ҳаммангиз менинг бандам эдингиз, ҳар нима буюрсам, итоат билан ижро қилардингиз. Ҳаммангизда нон-тузимнинг ҳақи бор, нон-тузгина эмас, бундан бўлак ҳам сизда юзларча ҳақим бор менинг. Хизматимни қилиб юрган пайтингизда ҳаммангиз жангжўлик ҳақида лсф урар, ўзингизни марду майдон қилиб кўрсатардингиз. Ўзи нима гап, қиличингиз ушолдими ёки қўлингиз тош остида қолдими? Ахир, мен бечорани юз минг бало ичига ташлаб қўйманг, менинг ҳар нафас бир ўлимимни кўриб, томошабин бўлиб турманг! Тиг билан уриб, кўксимни ёринг, шиддат билан зарб уриб, ҳалок қилинг мени. Нотавон жонимни бу азоблардан қутқаринг, ҳеч қандай хижолат чекманг, ўз розилигим билан қонимни бағишладим; бир қоним эмас, бир жоним эмас, юз жоним бўлса бағишладим. Дўстлигингиз қаёнга кетди, эй ёронлар? Мусулмончилик қаёнга кетди, эй мусулмонлар? Улдириб, мени бир ёқлик қилинг, минг мартадан тортаётганим ўлим азобидан қутқаринг, ахир!»

Баҳромнинг иши бу кеча то субҳ-содиққача шу каби нола қилишдан, қонга беланган бадани билан тупроққа йиқилиб-туришдан иборат бўлди. Тонг қуши саҳар бўлганини билдириб қичқирганда, у қолдан тойиб йиқилиб, ҳушдан кетди. У шундай ўзини билмай ётар эдики, уни кўрган одам «жони йўқ», деб гумон қилар эди. Фалак шундай шафқатсизлик қилгач, эл срасига жуда қаттиқ ғала-говур тушиб кетди. Баҳромга жаҳондаги бутун шоҳлар мулозим бўлиб, уларнинг барчаси бунинг буйруғи билан хизмат қилар эдилар. Катта-кичик ҳамма беклар ҳам бошини яланг қилиб, ўз соқолини юлиб, мотам тутаётгандек безовта ва бетоқат бўлиб қолдилар. Ниҳоят, улар каби йнги-сиғи қилиб, вақтни ўтказишнинг фойдаси йўқлигини билдилар; бундан кўра, ишнинг чорасини кўриш

керак, деган қарорга келдилар. Охири, ҳаммалари жам бўлиб, бунинг аҳволини муҳокама қила бошладилар ва оқибат-натижада: «Бунинг дарди, ҳарорати — шарорати фақат даволаш билангина пасайиши ва тuzалиши мумкин», деган қарорга келдилар. Аммо табиб ва ҳукамо (олимлар): «Даштда буни даволашнинг иложи йўқ, бу ернинг шарт-шароити ва оби ҳавоси номақбул», дейишди. Кўпчилик шу гапни маъқуллагач, шоҳни маҳофа — тахтиравонга ётқиздилар. Уни кўтариб, даштдан шаҳарга қараб жўнадилар. Шоҳни ўз гулшанига олиб келиб, маҳофадан тушурдилар. Аммо шомгача ҳам унинг димоғида ҳуш, юрагида ўт, жисмида ҳеч қандай ҳаракат йўқ эди. Шунингдек, шоҳдан тахт бўшагани билан, элнинг кўнгли ҳали ғам-ташвишдан бўшамаган эди.

## XVIII

*Баҳромнинг ўз париваши ҳажридан девона бўлгани ва ҳукамо (ҳаким ва табиблар) унинг ошуфталикдан эзилган аҳволи ҳақида узоқ ўйлаб — маслаҳатлашиб, муолажа чорасини кўрганлари ва буларнинг кўпгина заҳматлари шарофатидан у оз-моз даво топиб — ўзига келгани ва савдойилигини даф этиш учун етти иқлим шоҳи — салотинларининг етти гўзал қаср бино қилганлари*

Шоҳ Баҳром шу куни тахтга чиқиб ўтирди-ю, аммо то оқшомгача ақлу ҳуши йўқ эди. Унинг жисми ўлик танасидек қотиб қолган, тахти эса, унга худди сартахтадек туюлар эди. Дарҳақиқат, ҳар қандай тахт эгаси ҳам оқибат-натижада сартахтага чиқмай иложи йўқ. Чунки унинг ҳам куни тун билан алмашади, тун қоронғилиги албатта унинг юзига қора пардасини ёпади.

Шоҳнинг димоғига мушк ҳидлатдилар, унинг муаттар ҳидини ислаш билан ҳуши жойига келди. Сўнг, кўзини очгач, бир нафас хомуш бўлиб ўтирди. Яна бир онда ёри эсига тушиб қолиб, етти гардунни нолаю зори билан тўлдирди. Яна шовқин-сурон кўтариб, оҳ-фарёдни кўкдан ҳам ошириб юборди. Унинг фиғони чарх-фалак айвонигача кўтарилди, бу фиғон юлдуз тўдаларини ҳам безовта қилди. Унинг юрагидан чиқ-

қан ноласи осмонга чиқиб, оҳининг ўқи юлдуз кўзини теша бошлади. Бу кечадаги азоби, ғам-кулфат ўтида кабоб бўлиб ёниши ўтган кечадагидан юз марта ортиқ эди. Оҳининг ели чархни совурмоқда, ўзи ҳижрон ўтида қовурилмоқда эди. Тонг отгунча аҳволи шундай кечди, тонг ели эсгач, яна жисми беҳол бўлди. Яна то шомгача ўзига келмай — беҳуш бўлиб ётди, ҳар нафасда вужуди ўлимга қараб борар эди. Бир неча кунгача аҳволи шу хилда оғирлашиб борди, алам ва изтироб унинг вужудидан тоб-тоқатини тамом олган эди. Ишқ — ҳалокатли, фироқ-шафқатсиз ва зolim эмасми! Эзилавериб, шоҳнинг жисми ҳам, ақли ҳам ишдан чиқиб, саломатлиги путурдан кетди. Унинг табиати ҳам, мизожи ҳам айниб қолган, вужудининг жон ипи ҳам тарангликдан узилиш даражасига етган эди. Девоналик унинг миясига ҳам, онгига ҳам халал бермоқда, ақли-ҳуши ўрнини жиннилик эгалламоқда эди. Бир дам эси ўзида бўлса, ўн дам беҳуд бўлиб, нима қилаётганини билмас, аъзойи баданида саломатлик йўқ, ақли ҳам шундай эди. Бора-бора унинг танасида куч ва тоб-тоқат қолмади, қилаётган жанжал ва тўполонлари ҳам йўқолди. Йиғи-сиғи қилишга кучи етмас, товущини одам эшитмас эди. Гоҳо, беихтиёр дод-фарёд қилиб қолса, бечоранинг жисми-зори озор топар эди. Сўзида маъною ақл-идрок асари йўқ, оғзидан нима чиқаётганини ўзи билмас эди. Тепасида турган билим ва тажрибали кишилар, шоҳнинг тақдиридан умидсизланиб, йиғлай бошладилар. Улар бу балoга бир чора топиш ниятида аркони давлатни бир жойга тўпладилар. Илм ва билимда моҳир бўлмиш сарой атрсефидаги барча табиб ва ҳақимлар тўрт юз кишидан иборат бўлиб, ҳар бири ақл-дониш ва табобат бобида мислсиз кишилар эдилар. Уларнинг ҳаммаси бир жойга жамлангач, давлат бошлиқлари тубандаги сўзларни айтдилар:

«Эй илм-фан ҳукамолари, табобат оламининг пешволари! Бахтиёр шоҳимиз неча йиллардан бери ҳаммангизга яхшилик ва инъом-эҳсон қилиб келмоқда. Ҳаммангиз ундан мамнун ва миннатдорсиз, унинг ҳимояти ва тарбияти соясида кўп неъмату бойликларга эга бўлдингиз. Шоҳ барчангизга ҳам шу каби навозишлар, иноятлар қилиб келди. У шу умид билан сизга меҳрибончилик қилар эдики, ногаҳон бир кун фалак ўзининг жонига дарди бедавони солғудек бўлса, унинг мизожидаги ранж-машаққатни даф қилгайсиз, дард-касалига бирон даво топгайсиз. Маълумингиз, энди ўша ёмон кун етиб келди, қўлингиздан келганча бунга чора кўринг, даволанг. Шоҳ сизнинг ҳаммангизга шафқат-марҳамат қилган. Энди сиз ҳам қараб турмай, ўз хизматингизни кўрсатинг. Агар шоҳ-



нинг душмани туғён ва исён қилгудек бўлса, биз жонимизни аямай, албатта, душманга қарши саф тузиб, у билан уришар, бошимизни ҳам, қонимизни ҳам унинг йўлига нисор айлар эдик. У можарода қўлимиздан келганча, иқтидор-қудратимиз етганча, ҳеч қандай баҳонасиз иштирок қилган бўлар эдик. Аммо ҳозир эса, бу бемор бўлиб қолди, бунинг иложини фақат сиз қила оласиз!»

Илм-ҳикмат, фан аҳлига қарата шундай хитоб қилгач, улар ўйлаб кўриб, тубандагича жавоб бердилар:

«Сизлар нима деган бўлсангиз барчаси чин ва ҳақдир. Бунинг учун биз сизга таҳсинлар ўқиймиз, ташаккурлар айта-миз. Лекин ишққа мубтало бўлган кишилар хасталанса, уни даволаш ҳақимларнинг қўлидан келмайди. Ишқ ўти кимни ўз ҳарорати билан куйдирса, уни дори-дармон ва кофур (камфара) каби нарсалар билан тузатиб бўлмайди. Ишқ ўти ҳар қандай кўнгилга аланга солгудек бўлса, у фақат ёр васлидан баҳра олиши, унга тўйиши керак, холос. Борди-ю, агар, масалан, бировнинг табиатида хилт кўпайиб, ундан иллат пайдо бўлса, яъни моддий хасталик юз берса, уни даволаш биз табибларнинг ишимиздир, биз уни тиб илмига асосланган ҳолда муолажа қилиб, соғломлаштирамиз. Лекин шоҳнинг касали ишқнинг натижасидир, ишқ — ўт бўлса, бизнинг муолажамиз бамисоли хасдир. Хасни ўтга яқинлатгандан не фойда? Агар, ҳақиқатан унинг танасида табиий хасталик бўлса, биз саъй-ҳаракат айлаб, унга бошдан-оёқ чора кўрайлик. Қўлимиздан келганча жидду жаҳд билан тадбир топайлик. Биз тилаймиз, ёлғиз маъбудимиз — тангримизнинг ўзи унга раҳм қилиб, унинг айнаган мизожини тузатгай; эс-ҳуши жойига келиб, тамом соғайиб — салимул-аъзо бўлиб кетгай!»

Ҳукамо шу хилдаги гапларни айтгач, шоҳни даволаш ишига киришдилар. Улар шоҳнинг дардига чора топмоқ учун кеча-кундуз бош қотира бошладилар.

Юз кишидан иборат бир гуруҳ уламо унинг ҳақиға дуо қилиш билан туну кун тангрига ибодат айлаб ёлворишга, шоҳнинг сиҳатини яратганининг ўзидан тилашга, унга атаб назр-ниёзлар, хайр-садақа қилишга киришдилар. Яна юз киши эса, азайимхонлик қилиб ўқийдиган, сеҳр ва жоду каби найранглар билан шуғулланадиган бўлдилар; тумор ёзиб, кинна солиб, жинларни даф этишга киришдилар. Яна юз киши табобат китобларини қайта-қайта варақлаб, ўзларининг тиббий тажрибаларига ҳам амал қилиб, яна бунинг устига, беморнинг дардига ҳам ниҳоятда диққат ва эътибор билан қараган ҳолда шоҳни даволай бошладилар. Яна юзта тажрибали киши

мянга қувват берувчи уд каби тутатқиларни, хушбўй-муаттар моддаларни, емак-ичмак учун керакли ёқимли нарсаларни, умуман барча дори-дармонларни тайёрлашга ошиқар эдилар. Шу каби, ер юзида тенги бўлмаган, пок қалб, муборақ табиатли тўрт юз одам икки йиллаб ўз уйқу ва оромларини тарк қилган ҳолда шоҳни аввалгидек соғлом ҳолига келтириш учун чора-тадбир кўрдилар. Натижада шоҳ қисман бўлса ҳам сиҳат топди. Буларнинг жуда кўп тадбир ва таъсирлари, ҳар хил усул билан уни чалғитишлари натижасида шоҳдаги жисмоний заифлик ва руҳий девоналик бирмунча камайди. Ҳар турли дори-дармон билан физолашиши<sup>1</sup> туфайли, куч-қуввати ошиб, миясига ҳам ақл нури кирди. Бемор шу даражада шифо топганидан сўнг, ҳукамо тубандаги фикрни ҳам изҳор қилдилар:

«Яна шундай бир иш қилиш керакки, бу иш аста-секин савдойиликни тамоман йўқотадиган бўлсин. Шулардан бири гўзал иморатлар бўлиб, ундаги нақш-нигор<sup>2</sup>ни тамоша қилишнинг ҳам фойдаси зўр бўлади. У иморатнинг тарhini (лойиҳасини) шундай бир уста ва моҳир муҳандис (инженер) тузсинки, у иморат ҳар доим ўзга бир шаклга кириб, киши хаёлини ўзига жалб этадиган бўлсин. Ҳар қандай кишининг асаби қўзғалиб, унда девоналик кучайиб кетса, шу иморатни томоша қилиш билан савдойилиги барҳам топадиган бўлсин!»

Мана шу юқоридаги фикр ва маслаҳатлар асосида давлат бошлиқлари тезда ишга киришиб, нимаики асбоб керак бўлса, шунинг барчасини муҳайё қилишга киришдилар.

Етти иқлимнинг хон ва хоқонлари шоҳнинг касалланиб ётиб қолганини билдилар. Фақат хон-хоқонлар эмас, шоҳга тобе бўлмиш ҳамма амиру султонлар ҳам унинг ҳолини сўраб, мулозамат қилиш пайига тушдилар. Улар шоҳнинг даргоҳига келиб, кеча-кундуз унга қуллуқ қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Баъзилар ўзлари келишнинг имкониятига эга бўлмасалар, ўринларига бошқа бировни, масалан, инисини ёки ўғлини бажону дил шоҳнинг хизмати учун юбордилар.

Хусусан, ер юзининг баланд мартабали еттига шоҳи Баҳромнинг иши учун имкони борича ҳаракат қилмоқда эдилар. Булар шоҳни даволаш бобида жонини ҳам аямас, эргаю кеч унинг шифо топишини тилар эдилар. Буларнинг ҳар бири бир хизматни бажаришни истар, қўлларидан келса, шоҳнинг са-

<sup>1</sup> Физолашиш — овқатланиш, озуқа олиш.

<sup>2</sup> Нақш-нигор — гўзаллик ва санъат.

ломатлигини бир марта эмас, юз марта ошириб юборишга ҳо-  
вир ва нозир эдилар. Улар шоҳга қилган хизматларининг эл-  
юрт қулоғига етувидан, шу йўл билан шоҳ олдида ҳам, эл-улус  
орасида ҳам обрўлари ошуvidан умидвор эдилар.

Бинобарин, иморат қилиш ҳақидаги маслаҳатлар бир тўх-  
тамга келгач, шу етти катта шоҳ, ер ўпиб, иморатларни қи-  
лишни ўз зиммаларига олдилар. Уларнинг ҳар қайсиси бит-  
тадан қаср бино қиладиган бўлди, у қасрлар ўз гўзаллиги  
билан ўша асрнинг бутун зеб-зийнати акс эттириши, у за-  
моннинг илм ва санъати қайси мақомда эканини ҳам намойиш  
қилиши лозим эди; улар туну кун саъй-ҳаракат қилиб, тезда  
бу иморатларни битириш тараддудига тушдилар. Усталарнинг  
ҳар кунги қилган ишини шу бинони ўз зиммасига олган шоҳ  
келиб кўрар, сўнгра, Баҳромнинг рухсати билан, унинг ҳузу-  
рига кириб, қилинаётган иш ҳақида ҳисоб берар ва унга бажо-  
ну дил миннатдорчилик изҳор қилар эди. Тахтдан етти тараф-  
га еттига шоҳ йўл бўлиб, бу йўллар орқали дунёнинг ҳар  
чеккасига борилар, аммо бу йўллар гоҳ очиқ ва гоҳ ёпиқ бўлар  
эди. Бундан ташқари, халойиқ қатнайдиған, эл-улус учун  
доим очиқ бўлган йўллар ҳам бор эди. У етти шоҳнинг ҳар  
бири ўз диёрига қараб борадиган йўл устига қаср бино қилди.  
Улар фалак сингари улуғвор етти қасрни қуриб битирдилар.  
Бу ерда қилинган ишнинг салмоғи ва сифатини шу гўзал ва  
азамат биноларга қараб тасаввур этаверинг. Булар тайёр бўл-  
гач, эл-улуснинг шодиёнаси осмони фалакка етди. Фалак бу  
биноларнинг гиштини, ер юзига етти биҳишт солинар экан,  
деб ою кундан узиб туширди. Бу қасрларни қуриш жараёни-  
да, хусусан, иморатда катта бир ўзгариш бунёд этилаётганда  
шоҳ Баҳром келиб, уни шайдойиларча томоша қилар эди.

## XIX

*Етти фалакдек етти қасрнинг туган-  
гани ва рассом Моний ҳар қасрни ўзга  
бир ранг билан безаб — нақшбандлик  
қилгани ва етти иқлим салотинининг  
(шоҳларининг) қизларини у етти қасрда  
Баҳром билан ақд-никоҳ қилганлари ва  
ҳафтанинг ҳар кунини Баҳром бир қасрда  
бир қиз билан суҳбат тутгани*

Қурилиш муҳандислари ҳаракат қилиб, ҳар қайсиси ўз  
қасрини тамом битказди. Лекин қасрлар охирига етгунча,  
кундан-кунга қад кўтариб, кўркамлашиб бораётган иморат-

ларни кўриб, Баҳромнинг касали тузала бошлади. Ҳар доим бу ажиб бинолардаги янгиликларни кўриш билан Баҳромнинг жиннилик савдоси тарқала борди. Бу қасрларнинг ҳар бири ўз юксаклиги билан фалакка туташар, ўз баландлиги ва кенглиги билан фалакка монанд эди. Уларнинг фалак даражасидаги бинога айланишида Монийнинг хизмати катта эди. Ишқилиб, кўпчилик бирлашиб, ҳаракат қилиб, бу қасрларни битказиб тугатдилар. Ҳали Баҳромнинг касали тамом тузалмаган, ҳали унинг кўнглидан ишқнинг васвасаси тамом ариб кетмаган эди. Осмон қадар етти қаср битиб, тамом бўлгач, шоҳ у қурилишни томоша қилишдан бўшаб қолди. Бинобарин, ҳукамонинг қасрлар бино қилиш ҳақидаги мақсадлари ҳосил бўлгач, дедиларки: «Бу ишимиз энди ўз шифобахшлигини кўрсатади. Масалан, бир қанча наққошлар энди у қасрларни ўз санъатлари билан безайдилар. Яъни, улар санъаткорлик бобида юз турли ҳунар ишлатиб, бу қасрларга бўёқ ва пардоз берадилар. Ичини қандай нақш ва бўёқлар билан безасалар, қасрларнинг ташқарисини ҳам шу тахлитда зийнатлайдилар».

Ниҳоят, улар Монийни чақириб айтдиларки:

«Эй, фан ва санъатнинг маҳоратли устаси! Бошлаб, мана шундай қасрларни қуриш ҳақида маслаҳат бериб, шоҳнинг хурсандчилигига сабабчи бўлмиш киши сен эдинг. Энди унинг дарди ариб, салимул-аъзо бўлиб кетишига ҳам, таъбининг равшан тортишига ҳам сен сабабчи бўлгин. Қасрларни бўёқ бериб — зийнатлаш ишига кириш, бу етти қаср етти рангда бўлсин. Нақшани ҳам ўзинг истаганингча қил; сенинг кўнглинг қандай хоҳласа, шундай бўлсин. Сенга ундоқ қил, бундоқ қил, деб ўргатиш тўғри эмас, ақли бор одам сенга бу гапни айтмайди».

Санъаткор Моний буларнинг ялиниб-ёлворишини кўргач, бармоқларини кўзига қўйиб:

«Сиз мен айтган нарсаларни олиб келинг, нима масолиҳ ва асбоб-ускуна керак бўлса, ҳаммасини менга ҳозирлаб беринг», деди.

Бунинг талабини улар қабул этиб, у ишларни бошқариш ва ташкил этиш учун югуриб кетдилар. Моний мамлакатда қанча наққош бўлса, ҳаммасини чақириб, барчасига ўзига мос иш топширди. У, мўйқалам санъаткорларни етти саркорга бўлди, уларнинг бир гуруҳи наққошлик билан шуғулланса, иккинчи гуруҳ заркорлик қилишлари керак эди. Ўзи эса, ишнинг тарҳи — лойиҳасини, режасини ва иш планларини тuzар; гоҳо ҳар қайси гуруҳнинг тепасига бориб, ишнинг қандай бораётганини назорат қилар эди.

Баҳром эса ҳар қуни эрталабдан то шомгача айланиб, бир иморатни томоша қилар эди. У иморатларда ҳар нафасда бир қанча ўзгаришлар бўлаётганини кўриб қувонар, хаёлини бу ишлардан ололмас эди. Кўнгли ҳар томонга чалғиган сари, хаёли бўлиниб, асабларидаги савдойилик аста-секин тарқар эди. Бунинг хаёлини иморат нақшлари ўзига тортган сари, ўз бошидаги ишқ савдосини унутар эди.

Шу хилда унча кўп фурсат ўтмай, қасрларнинг зеб-зийнати ҳам битди. Қасрларнинг ҳар бири ўзга бир турфа ранг билан бўялган бўлиб, етти қасрнинг ранги етти хил эди. Шоҳнинг ақли ишқ ўти билан қизиётган бўлса ҳам, лекин аввалгичалик эмас, озроқ эди. Ҳакимлар яна анчагина тадбир-чоралар кўриб, кўп мулоҳаза ва фикрлар юритиб, дедиларки:

«Эмди қувватинг батамом тикланиши учун, заифлигинг йўқолиб, ҳеч кўрмагандек бўлиб, сиҳат топиб кетишинг учун, қасрларнинг ҳамма кам-кўсти битказилгач, етти кошонанинг ҳар бирига биттадан — еттига ҳур каби гўзал қизни келтириш керак. Шоҳлардан кимнинг ҳурваш фарзанди бўлса, кимда шоҳ Баҳромга муносиб ва лойиқ қиз бўлса, шулардан еттита-сини танлаб олиб, шоҳга никоҳламоқ ва қасрларда шоҳ билан бу гўзаллар орасида чолғу ва май базми бўлиб турмоғи ловим».

Бинобарин, кимда шундай қиз борлигини суриштириб, дарақлай бошладилар. Ниҳоят, барча мақсад кўнгилдагидек ҳосил бўлди: етти шоҳнинг етти пари-пайкар қизи борлиги, улар парда ичида бўлишларига қарамай, ақллари ҳар қандай парда орқасидаги сирни биладиган даражада доно эканликлари аниқланди. Уларнинг ҳар бири ҳар қандай ақлни ҳам, жонни ҳам шоширадиган, ақлу жонгина эмас, бутун жаҳон кишиларини талвасага соладиган даражада гўзал эдилар. Улар осмон қуёшидек поклик пардасига ўралиб, шунга қарамай, худди осмондаги қуёшдек ҳамма ёққа нур сочиб турар эдилар. Улар ҳусн чўққисиди гўё ёруғ юлдуздай, латифликда худди қутичада турган гавҳари покдек жилвагар эдилар. Юлдуз бўлганда ҳам, гўё булут ичига яширинган юлдуздай; гавҳар бўлганда ҳам, худди ҳеч ери синмаган гавҳардай эдилар. Уларнинг ҳар бирининг васфини тўла баён этишга киши ожизлик қилади, баён у ёқда турсин, ҳар қандай нуктавор — ёзувчининг қалами ҳам ожизлик қилади. Улар ҳуснда ойга ҳам, кунга ҳам тенг бўлиб, ҳар бири шоҳга никоҳ қилиниб, у билан жуфтлашишга лойиқ эди. Шундай қилиб, етти иқлим ҳукмронларига, мутлақо хаёлларига келмаган сўзларни хатга ёзиб, ниҳоятда яширин ва пинҳоний қилиб юборилди. Шоҳлар ҳам

бунинг сирини фаҳмладилар ва ҳаммалари ер ўпиб айтдиларки:

«Бу таклифни қабул қилишга ёки рад этишга бизнинг ҳаддимиз бор эканми? Шоҳимизнинг истаклари қандай бўлса, олам учун ҳусндир; барчамиз унинг истагига сўзсиз қўшила-миз. У киши зарраларни қуёш каби улуғлайди, қатраларни денгиздан ҳам ошиқ кўради».

Бу ҳақдаги сўз шу билан тугагач, улар шоҳона расми таомил билан тўй қилиш ҳақида фармон олдилар. Тўй-томоша авжига чиққан пайтда эса, шоҳ Баҳром билан у гўзаллар никоҳланиб, эр-хотин бўлишди. Шундан сўнг уларнинг ҳар бири ўз отаси тарафидан бино қилинган қасрга кириб жойландилар.

Вақтшунос олимлар юлдузларга қараб, яхши соатни аниқлашга киришдилар. Токи бу соатда бахтиёр шоҳ ҳарамга кириб, жононлар билан комини раво қилмоғи, ҳарам аҳлини муҳтарам қилмоғи дуруст бўлғай. Бинобарин, юлдузлар тонгла шанба куни шарофатли кун эканини кўрсатди. Шу куни шоҳ бошлаб қора қасрга кириб, мушкдек муаттар май ичса, қутлуғ бўлур экан!

## XX

*Баҳромнинг шанба куни мушкфом —  
қора либослар кийиб, мушкин ранг гум-  
базга кириб, мушк ҳидли оҳу билан  
мушкдек қора май ичгани ва бу машғу-  
лот билан ҳижрон ўтининг дуди қора  
қилган кунини тунга улагани*

Қора тун тугаб, шанба тонги ўз юзига кофур рангли оқ кийгач, Баҳром, оҳу билан муаттар май ичиш учун, қора қасрга қараб йўл олди. У ерда лаблари жон бағишлайдиган, сунбуллари дилрабо, Чин гўзалларига ўхшаган ҳиндзод келин бор эди. У ой сингари гўзал, кечадек қора либосларга бурканган бўлиб, у ҳулла нозик-нафис кийимларга қадалган гавҳарлар худди юлдузлардек товланар эди. Унинг тахтиравони ва кўрпа-тўшақлари ҳам қора тусда бўлиб, бу Чин ғазоли мушк устида ўтирар эди. Бу ўйни бутунлай қора — мушкин зулмат босган бўлиб, у маҳваш қоронғилик ичидаги оби ҳаётни эслатар эди. Шоҳ ҳам шу каби қора ҳуллалар кийган ҳолда маҳвашнинг ҳузурига кириб келди ва бу Жамшиднинг вориси

тахт устига чиқаркан, унинг ёнига қуёш юзли гўзал ҳам келиб ўтирди. Шундан сўнг, мушк исли майлар қуйилиб, мушканбар каби хушбўй нарсалар тутатила бошланди. Вазм то шом қоронгилиги босгунча олам юзини анбар қидга буркаб турди.

Бу шанба эл учун ўйин-кулги куни эди-ю, аммо шоҳга бу кун қора шанба эди. Ҳукамонинг шоҳга фармони — ўпиш, қучишдан бошқа ишга ўтмаслик бўлиб, бу шартни маҳваш ҳам билар ва ўзини шоҳдан йироқроқ тутар, эҳтиёт қилар эди. Шоҳ кундузи ўйин-кулги қилгани ҳолда, мумкин қадар бутун кечани уйқу билан ўтказиши шарт эди. Аммо, аксинча, ғам шоми Баҳрём кўнглига қайғу солиб, унинг кўзидан уйқусини қочирган эди. Бинобарин, маҳваш ўз пардасига кириб, кўздан ниҳон бўларкан, ҳижрон азоби шоҳ бечорага жаҳонни қоронғу қилиб юборди. У ўзининг тийра куни ва дилбарининг қора зулфи ҳаёти билан тўлғонар эди. Кўрдик, ғам шоми унга азоб берар, уйқусизлик эса уни хароб этар эди. Ниҳоят, шоҳ бундай ҳукм қилди:

«Бир-иккита хизматчи шу қасрга томон келадиган йўлга тез ва жаҳд-жадаллик билан бориб, бу йўлда қандай муссофир учраса, уни менинг байтул-аҳзанимга (ғамхона уйимга) олиб келсинлар. У менга кўрган-кечирганларидан ҳикоя айтиб, афсонавор саргузаштлар баён қилсин! Шоҳад, шундан сўнг кўзимга уйқу гелиб, ором ва осойишталик топарман» деди.

Шоҳнинг бу истагини эшитиш биланоқ мулозимлар бориб бир жаҳонгашта одамни топдилар, у бутун жаҳонни неча мартадан айланиб чиққан одам экан. Бутун умрини сайр-саёҳат билан ўтказиб келаётган бу одам шоҳ турган хонага келиши билан, унга ўтириш ҳукми берилди. Мусофир ер ўпгач, кўрсатилган жойга ўтирди. Шоҳ эса, унга бирон қисса айтишни буюрди. Бу сайёр одам қисса айтиш ҳақидаги фармонни эшитаркан, шоҳга маъқул бўладиган бир ҳикояни дилига туккан ҳолда: «Илоё ғам ва қайғудан озод бўлгайлар!» — деб шоҳ ҳақиқа дуо қилиш билан ўз қиссасини бошлаб юборди.

## XXI

### *Аввалги иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг афсонаси*

У нима дуони билса, ҳаммасини айтиб, шоҳ ҳақиқа яхши тилаклар тилагач, дедик, бир бор экан, бир йўқ экан, Ҳинд мамлакатида бир подшоҳ бор экан. Подшоҳ бўлганда ҳам

шоҳлик ишларидан огоҳ экан. Шоҳ лашкарларининг чеки кўринмас, хазиналарининг ҳисоб-китоби билинмас экан. Ҳиндининг эл-юрт — кишварларни забт этадиган тиф каби бу ўткир шоҳи хоҳласа Хитойни ва хоҳласа Кашмирни олиши мумкин экан. Бахт қуши осмон қадар баландпарвоз бўлиб, пойтахти Сарандиб экан. Лақаби Хону оти Жасрат экан. Мулкининг фаровонлигидан бир қанча шоҳлар ҳайратда экан. Унинг ёлғиз бир хужаста — бахтиёр фарзанди бўлиб, у Жасратхон кўнглининг мадори-ю, бағрининг пайванди экан. Бола ҳамма илмларни билишда тенгсиз бўлгани каби, ҳуснда ҳам замонасининг нодири даврони экан. Отасининг кўнгли бу фарзанд билан шодлангани каби, ҳинд эли ҳам уни ўз кўзининг нуридек азиз кўрар экан. Бунинг одамийлиги ва одоб-ахлоқи ҳаддан зиёда гўзал бўлгани каби, фаҳм-фаросати, ақл-идроки ҳам таърифдан ташқари экан. Барча илм ва фазилатда моҳир, юзлаб камолот эгалари бунга тенг келолмаслиги табиатидан зоҳир экан. Ҳамма бир тараф бўлса, бунинг ўзи бир тараф бўлгани ҳолда, ундан ҳеч кимсага озор етмас экан. У доим тоатибодат билан машғул бўлар, ҳалол-ҳаромдан парҳез қилар, покликни ўзига бир қўрғондек билар экан. Унинг оти Фарруҳ бўлиб, хушрўй ва бахтли-саодатли бу йигит олам элини ўзига банда қиладиган даражада олижаноб хулқ-атворга эга экан. Отаси қирқ йил мобайнида эл-улусга хонлик ва султонлик қилибди. У қариб, ёши саксонга бориб, кўнглида яшаш завқи қолмабди. Ўзининг тириклиги даврида, ҳали кўзи абадий юмилмасдан илгари, ўз чироғи (фарзанди) билан уйини ёритмоқчи экан. У ўғлига мамлакат, тожу тахтини ҳам Ҳинд моллари-ю, Хитой хирожларини ҳам топшириш билан фахрлангиси келар, лекин Фарруҳ буни хоҳламас, балки бу ишдан нафратланар экан. У фақир-фуқаролик билан ҳаёт кечиргиси келар, хонлик ва салтанатни қабул қилмас экан. Фарруҳ шоҳлик ишини хушламагани каби, уйланиш ва бола-чақа қилишни ҳам ёқтирмас экан. Шоҳ кўзининг тириклигида шу икки ишни юзага чиқаришни орзу қилар, шаҳзода эса, иккаласини ҳам рад этар экан. Отаси бу масалада қанчалик жуст-жўй қилганига қарамай, боласининг гапи фақат буни ман этишдан иборат экан.

Фарруҳ бир кечаси ибодат билан машғул экан, саодатга бошловчи илк нур тарала бошлаганда у тонг намозига сажда қиларкан, кўзи уйқуга кетиб қолади. Шунда бир руҳоний хаёл (туш) жилваланиб, парда ичида минг хил сурат зоҳир бўлади. Жумладан, ўзини бир биёбонда кўрадики, у ерда сон-саноқсиз халқ бор эди: Уларнинг ҳаммаси сафарга жўнаб кетаётган



одамлар бўлиб, барчаси бир тарафга қараб борар эдилар. Уша жойда катта бир туяга юкланган тахтиравон бор эди. Тахтиравон қоп-қора парда билан ўралган бўлиб, бу парда осмон гумбазига монанд эди. У худди Чин ипоридай мушк иси сочар эди. Майин шамол эсиб, тахтиравон устидан пардани кўтарди. Тахтиравонда эса худди парига ўхшаган бир гўзал ўтирар, у пари эмас, йўқ, шарқ қуёши эди. Уша қуёшнинг шуъласи унинг нотавон жисмини худди хашакни куйдиргандек куйдириб, бошдан-оёқ кул қилди. Фарруҳ бечора ўша тарафга беҳол, бемажол қаради, гўё тўлин ойни қора парда булутдек яширди. Шу орада қулоққа: «Бу ер Қуддусдир!» — деган овоза эшитилди. Фарруҳ сесканиб уйғониб кетди ва қайғусининг зўридан кўзида ҳеч қандай уйқу асорати қолмади. Шу кундан бошлаб унинг безовталиги ҳар он ортиб, кўнгли изтиробга тўлиб-тошди. Агар фойдали бир тадбир топилмаса, ишқ зулми уни ҳалок қилажагига ҳам кўзи етиб қолди. Шундан сўнг у ҳамма нарсани йиғиштириб, Қуддус даштига сафар қилиш тараддудига тушди. У бу йўлда ё ўз муродига эришади ё бўлмасам шу истаги йўлида жонини тарк этади. Бошқа иложи йўқ эди.

Тонг ели туннинг қора дудини ҳайдаб, кўк чодирани анбар ҳидли пардани кўтарди, кундуз ўзининг муборак юзини очиши билан Фарруҳ отасининг тахтига томон йўл олди. У, отасининг ҳузурда сажда қилиб, ерни ўз юзи билан бир неча марта супурғач, муддаосини тубандагича изҳор айлади:

«Менда дунёни айланиб, саёҳат қилиш ҳаваси уйғониб қолди, бунга сира дилимдан чиқазолмаётирман. Бу ҳавас ақлимни зойил қилиб қўйди, ҳавас кучлилиқ қилса, кишида ақл ҳам қолмас экан. Бу сафарга бормай иложим йўқ, то йўлга тушмагунимча қарорим ҳам йўқ. Мен Сиздан бу ишга отланишимга йўқ демаслигингизни ўтиниб сўрайман, агар рухсат берсангиз нур устига нур бўларди! Ижозат бермасангиз, эй шохим, тўсатдан бош олиб кетиб қолиш фикридаман!»...

Шоҳ, Фарруҳнинг хайрлашув илтижосини эшитаркан, шундай ўртаниб кетдики, тутуни бошига чиқди. Бағри худди лола япроқларидек парча-парча бўлган ҳолда, деди:

«Эй юрак-бағримнинг пораси! Кетаман, деб бағримга ҳажр ўқини отма! Нима десанг дегил-у, бу ишни ихтиёр этма! Мен бугун борман-у, эрта йўқман; умрим ҳам, жоним ҳам охирлаб қолган. Энди сен ҳам қижрон ханжари билан кўнглимга урма, мен барибир бугун-эрта ўламан, энди сен ҳам ўлимимни тезлатма!» — деб, дард-алам билан кўп фарёд-фиғон қилди-ю, ammo бу нолалар ишқ ўтида ўртанаётган ўғлига таъсир этмади. Ниҳоят, ўғлининг ҳарорати ошиб, унга ғалати иситма

туташаётганини сездди. Ота кўз ёшлари унинг ўтини пасайтирмади, ўгли то истаган ерига кетмагунча кўнгли қарор топмаслигини англади. Кўзининг ёши тўфондан ҳам ошиб, умидсизланиши натижасида жонидан қўл ювди. Бинобарин, қўшинга ганж-хазинасидан ярмини ажратди. Ўглига лойиқ шоҳона асбоб-ускуналар, яъни нимаики гаройиб ва вожибу зарур бўлса ҳаммасини берди. Ясан-тусан шу қадар кўҳлик бўлдики, ақл унинг қиёсини топишга ожизлик қилди. Шундан сўнг, сафар қилишга рухсат этиб, ўглини шодлантирди. Жон билан жисм (ота билан ўғил) бир-бирларидан ажраб, хайр-маъзур қилдилар. Шу тариқа Жасрат руҳига бало орттириб, куйиб-ёнди. Фарруҳ эса, бутун аскарлари ва асбоб-анжомлари ва кўч-кўрони билан қўзғалиб, йўлга тушди. Мақсади эса туну кун юриш эди, зотан ҳеч ерда ороми йўқ эди. Ўз манзилига етгунча бир қанча шаҳарларни босиб ўтиши лозим эди.

У замонларда кимки ҳаж қилмоқчи бўлса, Каъба ўрнида Қуддусни тавоф<sup>1</sup> этиши лозим эди. Ҳаж қилиш вақти бўлганлигидан юз минглаб одамлар тавоф қилиш нияти билан у томонга бормоқда эдилар. Фарруҳ ҳам у муборак ерга бориб етди ва пок кўнгли билан у шаҳарни зиёрат қиларкан, юз умид ва илтижо билан юзини тупроққа суртиб, кўзларидан шамдек ёш тўкиб йиғлади. У, борлиқни яратган холиқдан ўз ҳожатини раво қилишни, умидига етказишни тилаб, йиғлар эди. Тушида кўрган дилоромини яна кўришни, унинг висолига етишни орзу қилар эди. У бир неча кундан бери шу аҳволда ҳаёт кечирар эди-ю, аммо ишида ҳеч қандай ўзгариш кўринмас эди. Зиёратга келган халқ яна ўз юртига — қаёндан келган бўлса, ўша томонга қараб кета бошлади.

Фарруҳнинг юраги бу кеча ҳам билан азобланар экан, тушида бир одам унга шундай деди:

«Агар сен муродимга етай десанг, бу ерда овора бўлиб юрмай, тезда Ҳалаб шаҳрига қараб равона бўл!»

Уйғонгач, бу тушни эслаб, сабру тоқати кетди ва ўрнидан тура солиб Ҳалабга қараб йўл олди. Ҳалаб шаҳрининг халқи бағоят кўп эди, Ҳалаб йўлида эса, сув ниҳоятда оз эди. Фарруҳ ўз лашкарларига ижозат бериб, юз хил тазарру билан уларни йўлга солиб, қайтариб юборишга муваффақ бўлди. Аскарлару сипоҳлар қайтиб кетгач, Фарруҳ билан бир-икки юз одам қолди. Уларнинг ўз шоҳларини ёлғиз ташлаб кетишлари жуда маҳол эди. Фарруҳ шу қолган одамларга яраша озиқ-сўқат, керак яроғ билан йўлда давом этди. Булар Ҳалабга бо-

<sup>1</sup> Т а в о ф — зиёрат қилмоқ, кўриб, ҳурмат билдирмоқ.

раётган бўлса ҳам, ўз ватанига қайтиш ҳаваси ундан ҳам зўр эди. Шаҳзода улар билан ҳамроҳ-у, лекин ҳамроз улфати дарду ғам эди.

Йўл юраркан, онда-сонда дам олиб, ниҳоят, Ҳалаб ерига яқин бордилар. Кўрдиларки, шаҳар тинимсиз, ҳамма ёқда ғала-говур, кўчалар ва майдонларда лиқ-лиқ одам. Аммо Фарруҳ ўз тушида кўрган қиссани эслар, кўзи эса, ҳар доим тахтиравонни ахтарар эди. Шу орада у бир туянинг устига ортилган маҳмил тахтиравонни кўрди, у шаҳарга томон ш-ш-шилларди. Маҳмилнинг устидаги ёпиғи худди тушида кўрганидек қора бўлгани учун Фарруҳнинг жонига ўт солиб юборди. Шу орада қаттиқ бир шамол эсиб, маҳмил устидаги парданинг бир тарафини кўтарса бўладими. Шунда гўё булут тарқаб, офтоб чиққандек, тушида кўрган қуёши намоён бўлди. Излаган гўзалини топган лаҳзасида, яна хуршидни булут ёпгандек, унинг юзига парда ёпилди-қўйди. Кунни қора булут ниҳон қилди, Фарруҳ кўзига ёруғ жаҳон қоронғи бўлди. Унинг кўзи нурсизланиб, кўз олди хиралашди, бир лаҳзада эс-қуши йўқолди. У ўзига келиб кўзини очганда, даштда ҳеч бир одам боласи қолмаган, ҳамма шаҳар ичига қараб сафар қилган, ҳамма уй-уйига кириб кетган эди. Фарруҳ ва унинг бир неча ходимларидан бошқа ҳеч кимса йўқ эди. Буни кўриб Фарруҳнинг ҳоли оғирлашди, зеро, у ичаётган ҳижрон заҳри ниҳоятда аччиқ эди. Лекин нотавон жони қанчалик куймасин, иложи борича бу ташвишини ёнидаги ҳамроҳларидан пинҳон тутар эди. Ўз ишида бир расволик юз бермасин, деб зўр ирода билан ҳамма азиятларга бардош бермоқда эди. Ҳамроҳлари эса, унинг аҳволидаги ўзгаришларни кўриб, бир-бирлари билан гаплашардилар. Унинг ҳолидаги ўзгаришга нима сабаблигини билмай, ҳайрон бўлардилар. Уларнинг ҳаммаси хафа ва иложсиз, қўниш учун манзил топдилар. Лекин шаҳзода жуда беҳол ва бетоқат, у ҳар нафасда ҳар хаёлга борар, нима қилишини билмас эди. Суҳбат вақтида ўз сўзини ҳам, ҳамроҳларининг гап-сўзларини ҳам фаҳм этмас, хаёли ғоятда парижон эди.

Ниҳоят, тун ўзининг шоҳона саропардага ўхшаган қора пардасини ёйди. Шаҳзоданинг ғамгин ва бетоқатлигини англаган ҳамроҳларининг ҳаммаси хафа эди. Одамларининг ғам ва қайғуга тушиб қолганини кўриб, шаҳзода ўзини уйқуга солди. Унинг уйқуга кетганини кўриб, улар ҳам ётиб ухлаш тараддудига тушдилар. У ғамга ботган тўда одамлари кўз юмиш билан тез уйқуга кетдилар. Шаҳзода буларнинг маст уйқуга кирганини кўриб, сал хотиржам бўлди, аммо ичида

ёнаётган ишқ ўтида қовурилар эди. Ниҳоят, у аста ўрнидан туриб, қўлига қалам ва қоғоз олиб ҳамроҳларига тубандагича нома ёзди:

«Олам ҳодисотлар билан лиммо-лим тўла, бу ҳодисалардан ҳеч бир одам боласи холи эмас. Ҳақ кимнинг пешанасига нима ёзган бўлса, уни кўрмай иложи йўқ. Менинг тақдиримга ишқ-муҳаббат ва оворагарчилик ёзилган экан, буни ғурбатда, сарсон ва саргардончилик билан кўрмай иложим борми? Менинг бошимга шундай қаттиқ кун тушдики, буни баён қилишга сўз тополмайман, тилим лол. Бошимга шундай қаттиқ кун тушган экан, буни мен тақдирнинг зарурати деб биламан, Сунга тан беришга мажбурман. Сиз эса бу ғурбатда юрмангиз, зинҳор-базинҳор изимдан таъқиб этмангиз. Мени қидирганингиз билан бу ерлардан тополмайсиз ҳам. Сиз билан биз саломат бўлсак, фақат ватанимизда топишажакмиз. Агар мени бу бсрадаги ранж-машаққатлар жондан тўйгазса, ўлмасам, албатта ватанга қайтиб боргумдир. Агар ўлсам, азият берганим учун гуноҳларимни кечиринг, мени эсингиздан чиқариб, унутиб юборинг. Бу диёрларда овора бўлиб юрмай, ватанингизга қайтинг! Вассалому вал-икром, раҳмат!»

Фарруҳ юқоридаги назмун ёзилган қоғозни, яъни, дард-ҳасратлар саҳифасини ўтирган ўрнига қўйиб, эғнидаги шоҳона либосларни ечиб, шом каби қора либосларни кийиб, ўрнидан қўзғалиб, оҳиста уйдан чиқди-да, жадаллик билан йўлга равона бўлди. У шаҳар ичига кириб, кўчама-кўча кеза бошлади, телба янглиг ҳар томонга югурди. Оқибат чарчаб, бир ҳаммомнинг ўтхонасини топди-да, ўз устига ўша ерда ётган қсра палосни ёпди. Гарчи, у ўтхонанинг кули устида ётган бўлса ҳам, жони гўё дўзах ўтида ёнар эди. Унинг бошига бу аҳволни бераҳм ишқ солган эди, аммо бу ишқ охирда унинг бошига яна қандай кунларни солажаги номаълум эди.

Ниҳоят, тонг кўраси дамини ишга солиб, оламни меҳр-қуёш ўти билан ёритди. Шу пайт Фарруҳнинг одамлари уйғониб, шоша-пиша шаҳзода турган жойга қарадилар. Аммо уни ўз жойида тополмай, ҳаммалари алам билан дод-вой солиб, ҳар томонга қараб ахтариб кетдилар. Икки кеча-кундуз югуришларига қарамай, ундан бирор нишон ва хабар тополмадилар ва фироқи ўтида жонларидан тўйдилар. Охирда, баногоҳ, ёзиб қолдирган хатини топиб, унинг нима иш қилганини фаҳмладилар ва бу дард ниҳоятда бедаво эканини англаб, шаҳзоданинг мушкул аҳволига мотам тутиб, йиғладилар. Унинг ғурбатдаги аҳволи қанчалик оғир бўлиши ҳақида ҳар ким ҳар хил фикр юритиб, ғарибона йиғи-сиғи қилдилар.

Аммо бундай ҳаракатлардан ҳеч фойда йўқ эди, ниҳоят, ҳасрат-надомат билан ўз ватанларига томон йўл олдилар.

Энди бечора шаҳзодадан сўрасангиз, анча фурсатлар ўтишига қарамай, одамларидан дарак бўлмади. Демак, улар Фарруҳни тополмай, йиғлай-йиғлай ўз ватанларига жўнаб кетганлар. Шу қарорга келгач, шаҳзоданинг кўнгли бузилиб, ғам ўтида ҳасдек куя бошлади. У, шоҳликдан гадоликка тушган, юз хил балоларга мубтало бўлган эди. Ғариблик-бекаслик уни ҳар нафасда эзар ва ўзининг оғир аҳволига ҳеч қандай чора тополмас эди. Унинг бечора жони юз туман ғамга ботган бўлиб, бошқа ҳамманинг ғами бир томон бўлса, бунинг ғами бир томон эди. Бу шунчалик кўп ранж-машаққатга гирифтор бўлдики, юрагидан чиққан оҳ ўти кўни куйдиргудек эди. Аммо шунча кулфат, машаққатнинг боиси бўлган иш махфий эди, йўқ, махфийгина эмас, ном-нишонсиз эди. Бунинг устига, на у шаҳарнинг чек-чегараси кўринар ва на маҳаллаларининг сон-саногии бор эди. Бу азим шаҳарни биров юз йил кезгани билан унинг ҳамма ёғини кўриб улгуролмас эди. У шаҳардаги уй-жойлар саҳро қумидан ҳам кўп ва халқи эса, бунга бир неча баравар келар эди.

Нотавон Фарруҳ анчадан бери шу шаҳарда саргардон юрди, на бир қўлтум сув ичди ва на бир луқма таом еди. Ахир, киши таом ейшдан лаззатланмайдиган бўлгач, таом ўрнига захар нўш қилиши табиий эмасми. Ахир, кимнингки жонида ишқнинг алам ва озори бўлса, тани ғурбат ўтида ёнади-ку. Бунинг устига-устак, ҳажр ҳам унга азоб бериб тургач, унинг ҳоли аҳволи қандайлигини бир тасаввур қилинг. Унинг шунчалик ғам-кулфати борлиги устига, шоҳликни тарк этганлигини айтмайсизми. Унинг хаста жонини шу каби юзларча ғам эзар эди. Бир одамнинг бошига шунчалик ҳам кулфат тушадими? Во ажабо!..

Ниҳоят, Фарруҳ ўзининг мушкул аҳволи ҳақида ўз-ўзига шундай деди:

«Бу ёлғизлик ва ожизлик билан ишим битармикин? Ҳа, майли, бирорта ҳамдамим бўлмаса, тангрим бор-ку! Қандай бўлса ҳам оёққа турайин, ётиб ўлгунча, ҳаракат қилайин!» — деб ўрнидан туриб, шаҳар ичига қараб йўл олди. Аммо қаён тўғри келса, ўша ёққа қараб телбаларча югурарди. Бир-икки кун шу хилда югуриб-елгач, охири кучдан қолиб бутун вужуди ҳаракатдан тўхтади. Зеро, ишқ унинг иштаҳасини бўғиб, ейиш-ичишни унутган; куч-қуввати-ю, овқати ҳам ишқ ва ғам бўлиб қолган эди. Ҳар қандай жисм озиқ-овқатдан қувват олмагач; сувдан ажралган балиқнинг ўзи бўлиб қолиши табиий.

У гурбатда ҳеч кимсасиз, ёлғиз ўзи юрар, ҳамроҳи ишқ ва дард эди, холос. Икки-уч кун шу хилда ночорлик ва нотавонлик билан кезаркан, охири унда ақлу хуш ҳам, сабру тоқат ҳам, ейиш-ичиш ғами ҳам — ҳеч нарса қолмади, ҳаммаси битди.

Кўрдик, балоларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ, ниҳоятда дарди бедавога учраганини сизди. Билдик, унинг тани зорида ҳаракат қилиш учун мажол қолмаган. Охири бир бузуқ вайронага кириб, ўзини ташлади. Уша ерда бошига бир тошни қўйиб ётаркан: «Менда бош бўлмаса кошкийди!» — деган гап хаёлидан ўтди. У тани зорини тупроққа ташлаган ҳолда, бошига сахтсизлик палосини ёпди. Бундай ҳаёт жонига теккан эди, у кўнглида ўлимга рози бўлди.

Ҳалаб шаҳрида бир бадавлат хожа бор бўлиб, унинг бутун расму одати меҳмоннавозликдан иборат эди. Унинг халқ орасида обрў-эътибори беҳад бўлгани сингари, мол-давлатининг ҳам сон-саногии йўқ эди. Бир катта меҳмонхонаси бўлиб, унда қанча ошна-оғайни бўлса, шунча бегоналар ҳам меҳмон бўлар эдилар. Узи ниҳоятда раҳмдил, табиатан сахий одам эди. Оти Ахий бўлиб, бутун шаҳар эли ичида маълум ва машҳур эди. У гоҳ-гоҳ отга миниб, катта-кичик ҳар хил кўчаларда сайр қилиб кезар, боши берк кўчаларга ҳам кирар, вайроналарни ҳам ахтарар эди. Қаерда ғариб, мазлум, бемор-хаста, ночор, ноумид ва муҳтож кишиларни топса, ўшандай бечоралар билан бир нафас ҳамдам бўлар, ундайларнинг мажруҳ кўнглига малҳам қўяр эди. Ким бирор нарсага муҳтож бўлса, унга керакли нарсани берар эди. Шу жиҳатдан бутун шаҳар халқи ундан миннатдор бўлиб, унинг қарами ҳаммани ўзига мафтун қилган эди.

Мана шу хайр-саховатли Ахий шаҳар атрофини сайр қилиб юрган пайтида, Фарруҳ шу бузуқ вайронага кириб, юзини бахтсизлик тупроғига қўйган эди. Хожа харобага яқин кезаркан, нотавон Фарруҳга кўзи тушди. Шунда давлатманд Ахий унга яқин бориб отдан тушди ва отини қулларига берди ва Фарруҳнинг тепасига келиб, сўради:

«Эй марҳум, кимсан? Аҳволингни менга баён қил!» — деди. Бечора Фарруҳ юзини очиб, унга салом берди ва ўтириб, кўп эҳтиром билдирди ва:

«Эй, жамолидан бахт ёғилиб турган одам, менинг аҳволимни сўрайман, деб йўлингдан қолма! Тагин кўнглимдаги ғамларнинг асорати сенга ҳам юқиб қолмағай, юрагимда ёнаётган ўтнинг учқунлари сеннинг жонингга ҳам туташмағай!» — деди.

Хожа у юзи маҳваш йиғитни кўриб, бу каби мунгли суҳбатини эшитаркан, букинг юзи уни беқарору, сўзи кўзларини ёшландириб юборди. У ҳеч қачон бундай гўзал юзли одамни кўрмаган, бу каби ширин мақолни эшитмаган эди. Шу мулоқотдан сўнг, у, Фарруҳнинг азиз бир сиймо ва шарофатли бир гавҳар эканини англади. Бинобарин, бир қанча эъзоз-икром билан уни ўз отига миндирди ва авайлаб, уринтирмай уйига олиб борди. Ниҳоят, у азиз меҳмонни отдан тушириб, ўз айвонини унинг юзи билан ёритди. Унга аввал таом билан шарбат тортди, меҳмон иштаҳа билан у неъматлардан тотинди. Расшан фикрли Ахий иложи борича мезбонлик расм-русмларини олижаноблик билан адо этди. Сўнгра унга ётиғи билан ҳар хил саволлар берди. У шундай жавоблар қайтардики, Ахий гунг одамлардек бошқа саволга сўз тополмай қолди. Унинг гавҳардек мазмундор жавоблари савол берувчини ўзга савол беришдан хижолат қилиб қўйган эди.

Ахий бир холи ҳужрани ясашиб, кечалари яхши ором олмоғи учун, ғариб меҳмонга тақдим этди. Меҳмон кечалари шу ҳужрада ёлғиз ўзи ётарди-ю, аммо унинг мунис улфатлари ғам-андуҳ ва ғурбат эди. У ишқнинг алаmidан ҳазин-ҳазин нола чекар, заъфарон юзларига кўз ёшларини тинмай тўкар эди. Кундузи эса, яна меҳмонхонада хомуш бўлиб ўтиргани-ўтирган эди. Унинг юзини кўрган сари Ахийнинг кўзлари равшанланар, сўзларини тинглар, тинглаган сари Фарруҳнинг дурфишон сўзларидан баҳри дили очилар эди. Ахий унга янги гуно-гун либослар кийгизмоқчи бўлар, аммо меҳмон эса, ўз устидаги жулдур қора палосини ташламас эди. Унинг ақлу идроки ниҳоятда зўр бўлгани туфайли мезбон «уни кий, буни кий», деб меҳмонни ортиқ мажбур қилмас эди. У ерда неча кун турган бўлса, шунинг ҳаммасида, кечаларини ўша хилват ҳужрада ўтказди. Хожа ўзининг бир нечта мулозимларини унга хизмат қилсин учун ёнига қўйган эди. Бинобарин, бир кечаси, ногаҳон, у хизматчилар меҳмоннинг яширин оҳу нола чекиб йиғлаётганидан бохабар бўлиб қолдилар. Ва бу аҳволни улар ўз хожаларига арз қилдилар. Хожа ҳам барча халқ ухлаб ётган чоғда, пинҳоний келиб, аста-секин туйнукдан у хилватхонага қулоқ солди. Шунда унинг ранжи машаққати ҳаддан зиёда эканини, унинг вужудига киши таажжубланарли даражада бир ўт туташганини фаҳмлади. Унинг ҳар бир оҳи жон чиқар даражада ўртантирувчи бўлиб, ўзининг ўтлир оҳи билан уйни қиздирмоқда эди. У ўз аҳволига тинимсиз йиғлар, лекин эл эшитиб қолишидан ташвишланиб, бағоят паст овоз билан ич-ичидан нолиш қилар эди.

Хожа ҳам ғам ва аламни кўп кўрган, ишқ деган золимнинг адолатсизлигидан ситамлар чеккан одам эди. Шу жиҳатдан меҳмоннинг дарди, оҳу ноласи унинг кўнглини бузиб юборди. У, кўзлари ёшга тўлган ҳолда, меҳмоннинг сўзини англамоқ учун кўп қулоқ солди. Фарруҳ гоҳ сеvimли дилбари ҳақида сўзласа, гоҳо ўзининг аскарлари ва мамлакати ҳақида нукта сураар эди. Ахий унинг таври суратини кўриб, оқилу доно ва шоҳона одам деб фаҳмлаган эди. Энди билдики, бу шоҳ экан, салтанатнинг баланд мақомида моҳ экан. Лекин бир дард уни ишдан чиқариб, ғурбатзада, асир ва зор қилиб қўйибди. Мана шу қарорга келгач, Ахий қулоқ солишни ташлаб, ўрнидан турди. Бу ишнинг чорасини кўриш тараддудига тушди. Ва ўз-ўзига деди:

«Бу дард унинг пинҳоний сиридир, сирни англаш имконият хорижидадир. Кимки ишқ дардига мубтало бўлган экан, у ўз ғамини бировга айтиши мумкин эмас. Лекин унга май ичириб маст қилинса, мастлик билан у ўз сирини айтиши мумкин».

Бинобарин, субҳ ўзининг оқ кийимини кийиб, бошига нуроний салласини ўрагач, Хожа меҳмонхонага қадам ранжийда қиларкан, Хожанинг кетидан меҳмон ҳам кирди. У тушлик таом вақтида меҳмон билан суҳбатлашиб ўтирар эди. Ёйиш учун тортилган ноз-неъматлар эса, ғоятда лазиз ва рангбаранг эди. Қўёш заволга майл қилиб, бота бошлагач, ҳаво ҳам анча совиб, мўътадил бўлган пайтда Хожа зиёфатга май ҳам ҳозирлашни буюрди; бу орада рубобу нағма ва найларнинг жонфизо овози ҳам эшитила бошлади. Базм шундай гўзал бир тусга кирдики, бу ҳолат ичувчи кишиларнинг сабртоқатини тоқ қилган эди. Хожа ўрнидан тура солиб, кўрака (май идиши) олдига бориб, энгашган ҳолда бир қадаҳ майни сипқорди. Яна май тўла жомни қўлида олиб келиб, тавозе билан шаҳзодага тутди. Меҳмон Хожадан ниҳоятда мамнун ва миннатдор эди, бинобарин, йўқ, деб уни хафа ва маҳзун этмади. У иззат-ҳурмат билан қадаҳни олиб, майни нўш қиларкан, ичishi биланоқ кайфи ошиб қолди. Базмнинг бир соқийси майни даврада айлантиргач, иккинчи соқий қадаҳни суна бошлади. Шу хилда май бир неча марта пайдар-пай ичилди. Майнинг кайфи эса, базмдагиларнинг бошини қиздириб, маст қилиб қўйди. Ҳам созанда-хонандалар авж қила бошладилар, шу куй-хонишлар орасида суҳбатлар ҳам қизиди. Устма-уст ичавериш натижасида кулги-қаҳқаҳа садолари кўкка чиқиб, бутун базм аҳли мастлик билан ўзларини унутиб, қий-чув қилар эдилар. Май базм аҳлининг ихтиёрини қўлидан олган, ҳамма маст-аласт, сўзлар бефарқ ва пойма-пой эди.



Фурсатдан фойдаланиб, Хожа бир холироқ жойда шаҳзода билан ёлғиз улфатчилик қилар эди: суҳбатда Ахий ундан ўзининг хижолатда эканини сўзласа, шаҳзода худди унинг бандасидек ерга бош қўйиб, Ахийга сажда қилар эди. Ниҳоят, бода ақлдан пардани кўтариб, шаҳзода маст-бенхтиёр бўлиб қолди. Ёдига мамлакат ва хонадонлари тушиб, иложи ва имкони йўқ орзулари хаёлига келиб, кўзларини ёшларга тўлдирган ҳолда ўз бошидан ўтганларни сўзлай кетди. Хожа мумкин қадар майни кам ичар, ўзини маст бўлиб қолишдан бағоят сақлар эди. У ҳар бир сўзни ҳар томонлама ўйлаб, юз хил андиша ва мулойимлик билан гапирар эди. Ўз саволига бўлган жавобларнинг мазмунини кузатар, кўпроқ Фарруҳни сўзлатишга уринар эди. У ниҳоят меҳмоннинг асл-насабидан тортиб ғурбатзадалигининг сабаби-ю, мамлакат-кишваригача — ҳаммасини суриштириб билиб олди. Мартабасининг улуғлигини, ганж ва хазинасининг беқиёслигини ҳам, Жасратхондек отасини ҳам билди. Тушда кўрган ишқини ҳам фаҳмлади. Ҳатто маъшуқининг кимлиги ҳам Ахийга қисман маълум бўлиб қолди. Яъни, унинг маъшуқаси, шак-шубҳасиз, Ҳалаб шаҳрида, шу жиҳатдан Фарруҳ шундай машаққатларга тушиб юрган. Ниҳоят, Ахий унинг тушда кўрган маъшуқасининг нишонлари-ю, афт-ангорларини суриштира бошлади. У нотавон-бечора бирма-бир айтиб берди. Бунини эшитаркан, Хожанинг жисмига тўлғоғу кўнглига ҳаддан зиёда изтироб тушди. Фарруҳ шундай нишонларни баён қилдики, бу белгилар фақат Хожанинг ифбатли хотинигагина хос эди. Натижада, Фарруҳни ўртантирган кимса Хожа шабистонининг машъали бўлиб чиқди. Бинобарин, дарёдил Ахий бу шайдо дилнинг хасталигига сабаб бўлган кимсани аниқ ва қатъий билгач, муруват юзасидан фикр юритиб, олижаноблик билан ўз-ўзига тубандаги мулоҳазани айтди:

«Мен бу каби ғариб ва ошиқни, ишқ бобида бу даражадаги содиқ кишини кўрган эмасман. Шундай ғарибликни ихтиёр қилган, дунёда нимаики нарсаси бўлса, ҳаммасидан воз кечган, ишқи туфайли жаҳон кўзига кўринмаган ва ўзининг ўлимига ҳам рози бўлган, ҳеч ким кўрмаган машаққатларга чидаган бу одам, шак-шубҳасиз, ҳажр азобида ўлиши мумкин. Мен унинг ғамига қолмаслик учун дардига чора ахтаришим шарт. Борди-ю шу аҳволда ўлса, бу муруватдан эмас. Муруватли кишилар бундай пайтда бепарволикка йўл қўймайдилар. Эр киши бундай пайтда бепарво қараб турмаслиги керак! Ёки маҳрам бўладиган бошқа хотин менга топилмайдими?» Мана шу мулоҳазалардан сўнг, муруватли ва

доно Хожа лутф-карам юзасидан, меҳмонга тубандагиларни айтди:

«Ғам ема, эй барно мусофир!» Сендаги бу ғам жонингнинг офати бўлса ҳам, бунинг иложини қилиш менинг учун ҳаддан зиёда осондир. Сени шу даражада нотавон қилган, хонумонларингдан айирган бу дард, сенинг жонинг офати бўлган тушдаги кимса бизнинг қариндошимиздир, яъни менинг жигаримдир. Ишонгинки, мен сени мурод-мақсадингга етказаман. Аммо мен нима десам, шундоқ қилишинг шарт билан!»

Бу, хаста кўзлардан шодлик ёшини оқизган ҳолда, бирдан Ахийнинг оёғига бош суртиб деди:

«Сенинг айтганингни қилмаслик қандай гап? Сўзингни эшитиб туриб, уни рад қиламанми? Агар сен дардимга дармон қиладиган бўлсанг, ҳар қандай фармонингни бажаришга розиман!..»

Буларнинг суҳбати шу ерга етганда тун ярим бўлган эди, бинобарин икки маст уклашиб қолишди. Ниҳоят, хўроз тонг отганини билдирувчи нидо билан қичқирди, шу орада кун ҳам янги келин каби жилваланиб кўринди. Икки озода инсон уйқудан уйғонаркан, шаҳзода Хожа сари юз ўгириб:

«Агар берган ваъдангни унутмай, айтган сўзларингдан четга чиқмайдиган бўлсанг, мендан ҳам нима нарсани талаб қилсанг, уни сўзсиз ва ҳеч қандай узрсиз бажараман!» — деди.

Шундан сўнг, тани ҳижрон чиркларидан арисин, деб Хожа уни ҳаммомга юборди. Шаҳзода ҳаммомдан чиққунча бир қанча шоҳона кийимлар тайёрлаб қўйилганди. У ўзининг қора палосини ташлаб, янги шоҳона либосларни кийиб, ойдек бўлиб олди. Яна унга бир аргумоқ от ҳам миндирилди. Шундай қилиб у ўз хонасига ясан-тусан билан борди. Унинг ҳозирги тушган уйи уй эмас, зарнигор қаср эди. Шаҳзода шу қасрда туриши керак эди.

Хожа шаҳзодани юз хил наво билан у ерга қўйиб, ўзи қарамхона ичига кирди. Буни кўриб гулчеҳра ёри юз хил умид ва ниёз билан, ниёзгина эмас, ноз-истиғно билан қаршилади. Ахий ҳам, у ҳам ўтирди. Хожа сўзни узоқдан бошлаб келиб айтди:

«Тангри ниманики тақдир қилган бўлса, ҳеч бир одам уни ўзгартира олмайди. Сен билан биз, худо қанча ёзган бўлса, бир-биримизнинг васл давронимизни шунча сурдик. Васл айёмларида, яъни иккаламиз биргаликда кечирган дамларимизда доим шод ва қайғудан озод эдик, бунга шукурлар бўлсин. Энди эса бир-биримиздан ажрайдиган чоғимиз келди, бунга ҳам тан бермоғимиз вожибдир. Тангри сен билан менинг тақ-

диримга нимани ёзган бўлса, унга кўнмайман, дейишга ихтиёримиз борми? Албатта йўқ. Сен умр бўйи менинг улфатим эдинг, ёрим ва кечалари ҳамжобим эдинг. Сендан нима кўрган бўлсам, ҳаммасидан хурсанд ва розиман, менгина эмас, балки худо ҳам резидир...»

Хожа бу гапларни гапирар экан, сарвқад гўзални таажжуб ва ҳайрат лол қилиб қўйди. Хожа гапни шу ерга етказгач, ўз гулчеҳра ёрини талоқ қилди. Буни эшитган гулруҳ қичқириб, фарёд чекиб юборди: «Нима сабабдан бундай зулм қилдинг? Мендан нима ёмонлик кўрдингки, бунчалик ситам айлаб, бахтимни то абад қора қилмасанг?!» — деди.

Бу шикоятларни эшитгач, Ахий унга бирмунча тасалли берадиган гапларни айтди. Меҳрибонликлар кўргазди ва миннатдорликлар изҳор этди. Беадад мол ва пуллар ҳам берди, беҳисоб лаълу дурлар тақдим айлади ва ниҳоят:

«Мана шунча мол-дунёларни олдинг, рози бўлгин. Энди сени бошқа бир кишига никоҳлайман, мени афв этгайсан! У, осмон ойи сингари баланд мартабали одам бўлиб, дунёнинг энг улуғ ва мўътабар шоҳидир».

Ахий Фарруҳнинг ҳуснини кўкларга кўтариб мақтади. Охирда, кўнмагач, тиғ ўқталиб ҳам уни кўрқитиб кўрди. Ишқилиб, сарв гулчеҳранинг ҳовурини пасайтириб, ўз таклифига кўндириш учун қўлидан нима келса, ҳаммасини қилиб кўрди. Маҳвашга ҳаёт нимани тақдир этган бўлса, ўша бўлди-ю, у бечора рози бўлишдан ўзга чора тополмади.

Ниҳоят, Ахий ўрнидан туриб, ишни охирига етказиш, буларнинг тўйи учун керак яроғларни ҳозирлаш пайига тушиб кетди. У, ганж ва хазиналарнинг қулфини очиб, тайёргарлик учун анчагина маблағ ажратди. Ҳамма иш шоҳонасига муҳайё бўлгач, сарв билан гулни ҳамхона қилиб, бир-бирига қўшди. Буларни аҳд қилиб бир-бирига боғлаш учун, бир салоҳиятли муносиб одам топиб, ўша замоннинг расм-русми билан никоҳлаб қўйди.

Ахий бу икки кавкабни (юлдузни) сафарга жўнатиш учун йўл яроғини ҳам тайёрлатиб қўйган эди. Турк, рум ва ҳабашлардан иборат юз адад қул йўлда буларга хизмат қилиб бориши керак эди. Қанчадан-қанча яхши ҳачир ва туяларга атлас ва шоҳи матолар ортилди. Уй билан қаср боргоҳу ётоқхоналар орасига солинадиган бир қанча гилам ва пойандозлар, гулчеҳранинг ўтириб кетиши учун ниҳоятда зийнатланган маҳофа ҳам тайёрланиб, туяга чиройли қилиб ортиб қўйилди.

Ахий буларнинг ҳаммасини ва хизматкорларни Фарруҳга тақдим этди. Ўзи ҳам улар билан бир манзил ҳамроҳ бўлди.

Карвон бундан ажраб кетиш олдидан, мижжасидан қон ёшларини тўка-тўка меҳмони билан хайрлашар экан:

«Диёр ва кишварингга эсон-омон егиб, мамлакату тожтахтингга ўзинг эга бўл!» — деб дуо қилди. Ва ундан ёдгорлик бўлиб қолсин учун Фарруҳнинг қора палосини тилаб олди. Шундан сўнг, озода Ахий йиглай-йиглай орқага қайтди, шаҳзода ҳам кўзидан ёшини тўка-тўка йўлга равона бўлди. Лекин Ахийнинг ҳоли анча ёмон эди. Унинг қилган ишларидан Фарруҳ лол ва ҳайрон эди. Паривашга яқинлашай деса, юқоридagi каби ғам ва изтироблар унга тўсқинлик қилар эди. Ниҳоят, ҳажр ўтининг алангаси пасайгач, Фарруҳ висол уйига киришга қарор қилди. У гулруҳга яқинлашаркан, унинг гулнор юзини кўз ёшлари ювиб ётганини кўрди. У ўз юзини тирноқ билан яралаган, гўё насрин баргини лозазорга айлантирган эди. Гулига шундай азоб етганини кўриб, унинг булбули зори бўлмиш Фарруҳ ҳайратда қолди.

У: «Эй пари-пайкар маҳваш! Сенга муяссар бўлмиш бахт ўзга кимсага мададкор бўлиб, ақду никоҳ билан тўй қилса, у юз хил шодлик ва сурурга ғарқ бўлғай. Сен эса, аксинча, ғам ва андуҳга мубтало кўринурсан, бу менга ажиб ғалати туюлмоқда. Бунинг сабаб ва ҳикмати нимада? Шуни баён қилсанг!» — деди. Шунда маҳваш айтдики:

«Эй, эл-улуснинг яқтиси! Ўзинг айт-чи: кишини никоҳ хушдил қиладими ёки талоқ?!»

Шунда Фарруҳ деди:

«Эй париваш ҳур, шундай очиқ сўзлагинки, мен гапингнинг мазмунига тушунай. Сўзингдаги «талоқ» иборасининг маъноси нима? Бир-биримизнинг васлимизга етганимизда орамизга ҳажр-фироқ аралашувининг маъноси нима?»

Маҳваш кўзларидан ёшларини равон қилгани ҳолда, шоҳга бошидан ўтган саргузаштларни баён айлади. Фарруҳ гулчеҳранинг сўзини англагач, шундай ғамнок бўлдики, ўзини ҳалок қилишига сал қолди. У бу ҳолатдан ўзини йўқотадиган даражада ўзгариб, Ахийнинг қилган ишидан ҳайратда қолди. Ва маҳвашга айтди:

«Эй гўзал хислатли малика! Сенинг суратинг тимсолига ақл тасаввур қилолмайди. Мен сенинг ишқингда шундай азоблар чекдимки, кўҳна фалак ҳеч зотнинг бошида бундай оғир кун бўлганини эслолмаса керак», — деб бу ҳам ўз саргузаштини бошдан-оёқ бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Ва яна айтдики: «Агар ўз дардимга даво топсам ҳам сенга бу каби зулмни раво кўрмайман. «Ҳеч ким қилмаган беҳисоб лутф-карам қилман», деб Ахий сен билан бизни хароб этибди-ку. Совға-са-

ломларининг эвазиди қайтариш имконияти бизда ҳам йўқ эмас, аммо бу ишнинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Агар унда шу даража мурувват бор экан, бизда ҳам одамийлик йўқ эмас. Шукрлар бўлсинки, худонинг марҳамати билан, нафснинг зулм эшигини очмадик. Сен ҳам энди мендан ташвишланма, хотиринг жам бўлсинки, бундан сўнг икки жаҳонда сен менга сингилсан!» — деб унинг ёнидан мамнуният билан турди. Маҳвашнинг эса кўнгли ёришиб, хурсандлигидан худди дунёга янгитдан келгандек бўлди. У, ҳарамхонада, зотан бунинг синглиси сифатида эди-ю, лекин эл орасида бошқа тушунча бор эди.

Улар кеча-кундуз демай йўл босар, ҳали қадамлари ҳинди кишварига етганча йўқ эди. Бу вақтда Жасрат шоҳ вафот этган бўлиб, у ўлими олдидан Фарруҳни ўз ўрнига валиаҳд қилиб қолдирган эди. Халқ Фарруҳнинг эсон-омон қайтганини эшитиб: «Бахт-иқболимиз қайтиб келди, дедилар ва бутун аҳоли унинг истиқболига чиқиб, қарши олдилар. Фарруҳ буни кўриб, тангрига шукрлар қилди. Халқ бунинг йўлига жонларини фидо айлашга ҳам тайёр эди. Фарруҳни кўриб, мамлакат халқининг кўзи равшанлашиб кетди, зеро у отаси тахтига қойим-мақом бўлиши керак эди.

Бахтиёр шоҳ гўзал гулруҳ зерикмасин учун, саъй-ҳаракат айлаб, тубандаги ишларни қилди: гулруҳнинг ўз диёрида қандай қаср ва боғлари, тоқ-равоқлари, даҳлиз ва ҳужралари бўлса, буларнинг ҳаммаси ипидан игнасиғача, ҳатто боғ-бўстондаги ариқ-қовузларигача Фарруҳ шоҳнинг эсида эди. Бинобарин, муҳандисваш (архитектор) шоҳ гулруҳнинг худди Ҳалабдаги иморатлари ва боғ-роғларидек дилкушо қурилишларнинг тарҳ-лойиҳасини тузиб: «Юзта моҳир уста ўз ҳунарларини ишга солсинлар, яъни улар янги қаср билан янги боғ-роғ бунёд қилсинлар!» — деди. Бу — гўзал маҳваш учун эди. Фалак даражали улуг шоҳ нимани фармон қилган бўлса, оз фурсатда барчаси қуриб битказилди. Уларга турли бўёқлар ва бошқа қимматбаҳо жавоҳирлар билан зебу зийнат берилди, ҳамма турдаги сайқал ва пардозлардан чиқазилди. Уларни кўрганда кишилар, гўё Ҳалаб шаҳри Ҳиндистонга кўчирилибди, деб ўйларди. Шундан сўнг, «Зухра юзли моҳ ўз манзилига кўчирилсин!» — деган фармон бўлди. Маҳваш у уйни кўздан кечираркан, ўзини Ҳалабда — ўз уйида яшаётгандек ҳис қилди. У, шоҳга худди сингилдек яқин ва азиз бўлгани ҳолда, яна юз суманбар канизга малика ҳам эди. У беҳисоб ноз-неъматлар ичида, буларнинг сон-саногига ақл етмас эди. Сахий шоҳнинг ишлари Ҳиндистонда шундай бўлди.

Энди Ҳалабда Ахий нимма қилаётганини билайлик. Ахий гулруҳдан умидини узиб, шоҳ Фарруҳ билан видолашиб, уйга қайтаркан, ўз буржидан айрилган икки бахт ахтарининг толе юлдузига шикаст етган эди: шу йили Ахийнинг экинлари офатга учрагани каби, барча савдо ишларидан ҳам зарар кўрди. Ҳар қандай чора-тадбир қилишга қарамай, иши олдинга босмади, ҳаётида кутилмаган бахтсиз ҳодисалар юз берди. Душманлари Ахийнинг иши шу хилда орқага кетганини кўриб, шаҳар шоҳига бу ҳақда тубандагича ноҳақ шикоят қилдилар:

«Ахий, мамлакатни хароб қилиш ниятида, бошқа бир шоҳга мол-дунёларини жўнатиб, ўзи ҳам ўша душман билан тил бириктирибди» дедилар.

Шу иғво билан зolim шоҳ ғазабланиб, Ахийни банди зиндон айлади. Унинг қанча мол-дунёси бўлса, ҳаммасини давлат фойдасига олиш билан бирга, ўзини ўлдириш ҳақида фармон берди. Зиндонбон саховатли Ахийнинг туҳматга йўлиққанини билиб, раҳми келиб, уни банддан озод қилиб, қочириб юборди. Қочқин Ахий тагин одамлар таниб, тутилиб қолмайин, деб баъзи эҳтиёт чораларини кўрди, яъни ўзининг шакли шамойилини ўзгартирди. Кейин, яланғоч бўлиб олиб, ҳаммом гўлаҳида гулхан ёқиб, кулларга булганиб ўзини девоналикка солиб ётди. Охирда шоҳ Фарруҳнинг қора палосини топиб, у ёпингандек, бу ҳам ўшанга ўраниб олди. Шунга қарамай, ўз мамлакатаида хотиржам яшаёлмади ва ниҳоят, Фарруҳ диёрига қараб сафар қилишга мажбур бўлди.

У то Сарандиб тахтига бориб етгунча қанчадан-қанча тоғу даштларни кечиб ўтди. Йўл машаққатидан жони азобланар, ҳар онда бир офатга дучор бўлиш хавфи бор эди. Ахийнинг оҳ ўқи фалак қўрғонини йиққудек эди. Шу хилда юра-юра, бир бузуқ қўрғонни топиб кириб ётди. Шу ерда хаста ва асирона уйқуга толди. Бу жой йўл бошидаги бир вайрона бўлиб, шоҳ Фарруҳнинг гурбатда ғариб бўлиб ётган жойи эди.

Ахий шу ерда ётаркан, Фарруҳ шоҳнинг гурбатда чеккан кулфатларини эслади.

Шоҳ гурбатда мусофирчиликдан қайтиб келиб, мамлакат тахтига ўтиргач, ўзининг ғарибликда кечирган кулфат-машаққатларини эслаб, Ахийнинг ғарибларварлигини ўзига шиору ҳам у каби саховатпешаликни ўзига касб қилиб олган эди. Шунингдек, худди Ахийга ўхшаб, бир улуг меҳмонхона ясаб, бутун ғариб-ғураболарни шу ерда боқадиган бўлди. Гоҳо эса, сайрга чиқиб, шаҳарнинг атроф-теварагини айланар, мусофир-мушовирларни кўрса, олиб келиб меҳмон қилар эди.

Ниҳоят, келиб-келиб энди Ахий ҳам Фарруҳнинг ҳолига тушган эди. Шу аснода, бахтиёр шоҳ Фарруҳ ҳам шаҳарни сайр қилишга чиққан бўлиб, ўша бузуқ вайронага назар соларкан, ерда ётган ғарибни кўрди ва, баногоҳ, ўзининг шундай вайронада кечган аҳволи ёдига тушди. Шунда унинг дилида:

«Бу машаққат насиб бўлмиш ғариб ким экан?» — деган савол туғилди. Ва шу онда ўзининг қора палосини таниб қолди. Бу палос тагида бир нотавон-бечора ётар эди. Шу онда шоҳ унга қараб: «Тур, эй бахти қаро ғариб!» — деди. Ахий уйғониб, бошини кўтарди. У шоҳни, шоҳ эса уни таниб қолди. Шу лаҳзада шоҳ отидан ўзини ташлаб, беихтиёр оҳ тортди. Шоҳ отдан тушган онда Ахий ўрнидан туриб, уни қучди, шоҳ эса, бунинг оёғига ўзини ташлади. Кейин бир-бирларини қучишиб, зор-зор йиғлашдилар, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашдилар. Кишини ажаблантирадиган бу аҳволни кўриб, шоҳнинг ёнидаги сипоҳу мулозимлари ҳайратда қолдилар. Иккиси бир-бирлари билан дийдор кўришганлари учун, тангрига шукур бажо келтирганлари ҳолда, шоҳ уни ўз қасрига ва боғларига томон олиб келди. Аввал Ахий иззат-икром билан шоҳни ҳаммомга юбортирган бўлса, энди гўзал юзли шоҳнинг таклифи билан Ахий ҳаммомга йўл олди. Ҳаммомда яхши ювиниб, Ахийнинг тани гард-ғубордан покизаланди. Ҳаммомдан чиққанда Хожанинг табъи равон ва кайфи чоғ эди. Унга бошдан-оёқ шоҳона хилъатлар тайёрлаб қўйилган эди, озода Ахий у сарпеларни кийиб олди. Қимматли тўнлар ва бебаҳо жавоҳирлар билан безанган бир қанча ходимлар Ахийнинг хизматида эдилар. Ахий кутилмаган бу ҳолатни кўриб, тушимми-ўнгимми, деб лол ва ҳайрону табъи хаёли ҳар дам паришон эди. Уни шу алфозда шоҳ қошига олиб келдилар. Шоҳ ҳам меҳмон келиши билан унинг шарафига катта зиёфат берди.

Шу хилда, бир неча кун ўйин-кулги қилдилар, кўнгул нимани истаса, ҳамма нарса кутилгандан ортиқ даражада мавжуд ва муҳайё эди. Ҳажр ўтининг азобини пасайтириш учун маишатпараст шоҳ базмни қиздирмоқда эди. У тахтга чиқиб, катта-кичик ўртасида Хожага ҳаддан зиёда эҳтиром кўрсатди. У давлат бошлиқларини олдига чақириб, уларга Хожанинг достонини баён айлади. Шоҳ ғурбатдалиги вақтида Ахий унга нима яхшиликлар қилган бўлса, ҳаммасини бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Улар замон шоҳининг Хожа ҳақидаги гапини эшитаркан, ҳаммаси ниҳоятда ҳурмат билан ўринларидан туриб, Ахийга офаринлар ўқидилар, унинг оёғи изини ўпдилар. Шоҳ айтдики:

«Гарчи ўзим шоҳ бўлсам ҳам Хожага қайси йўл билан миннатдорчилик билдиришга, унинг яхшилигини не тариқа қайтаришга ҳайронман. Лекин менинг бир туғишган синглим бор. У қиз ҳали пок-бокира ва ифбат пардасидадир. Уша синглимни мана шу йигит билан ҳеч кимдан яширмай, халқ ўртасида очиқ тўй қилсам, дейман. Ахир, бу ўзининг севимли жуфти ҳалолани мен учун талоқ қилиб, уни менга никоҳлаб берган ва ўзи эса якка қолган эди. Бахт гули очилиб, синглим, бу жўмард одамнинг жуфти ҳалолига айланса, қандай яхши!»

Шоҳ ўз каломини шу ерга етказаркан, унинг тилагини барча одамлар маъқулладилар.

Шундан сўнг, шоҳ ажойиб бир тўй қилдики, кўҳна дунё ҳеч қачон бундай тантанавор тўй маросимини эслолмас эди. Ахийнинг иззатини бажо келтириш учун шоҳ Фарруҳ дунёда ҳеч ким қилмаган ишларни қилди: бутун молу давлатини ҳам, ҳатто мамлакатини ҳам Ахийнинг ихтиёрига берди. Ахийнинг унга қилган фавқулодда муруватини, унинг беғараз ва бениҳоя дўстлигини эсларкан, жонини ҳам аягиси келмас эди. Булар худди Мусо билан Ҳорундек ака-ука бўлиб кетишди, аммо давлатда эса, Қорундан ҳам бой эдилар.

Ниҳоят, Фарруҳ буларнинг никоҳ хутбасини ўқиш ҳақида фармон берди ва синглисини Хожага никоҳлади. Шундан сўнг, моҳи рухсор яшириниб ўтирган хонага Ахийни бошлаб олиб бордилар. Хожа эски йўлакдан ўтиб, янги солинган осмонўпар қасрга йўл олди. У қасрнинг қаерига боқмасин, унга танишдек туюлар, бу манзара уни ҳайратга солар эди. Охирида у сарвқомат гўзал ўтирган ҳужрага яқинлашди. Хожа у уйнинг остонасига қадам қўйиши билан уни бошлаб борган одамлар орқага чекиндилар. Шу ерда бир-биридан жудо бўлмиш икки маҳжур юзма-юз бўларкан, иккаласи ҳам бир-бирларига ҳайрат билан тикилиб қолдилар. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам беихтиёр қичқириб йиқилдилар ва ҳушдан кетдилар. Булар ўзига келгач, кўзларидан ёш равон қилиб, яна йиқилар ва ўзларини унутар эдилар. Ниҳоят, ҳажр изтиробини сўниб, булар бир сз ўпкаларини босиб, таскин топгач, мискин Хожа у шўҳдан сўради:

«Эй гўзалим, баён айла, бу қандай ҳолат? Мен ҳайрат устига ҳайратдаман, ўз кўзимга ишонмаяпман. Ўзинг ҳам аҳволимга бир назар сол, ҳайрат ўлдирадиган бўлди. Ахир, бир чора қил, жонгинам!» — деди. Шунда гулруҳ лаъли лабининг қулфини очиб, гулқанддек ширин ва ёқимли гапларни гапир-



ди. Хожадан айрилганидан бери бошига нима келган бўлса, ҳаммасини ипидан игнасигача айтиб берди. Шоҳнинг иффатли, диёнатли ва мурувватлилигини, покизалик бобида мисли йўқлигини, ниҳоятда зўр иродага эга эканлигини — ҳаммасини-ҳаммасини Ахийга баён айлади-ю, яна ҳушини йўқотди. Булар неча кунлаб ўзларига келмас, гоҳ ҳуд бўлса, гоҳ беҳуд эдилар. Оқибат, бора-бора ҳушлари ҳам ўзларига келиб, тинчландилар ва ниҳоят, сиймбадан сарв Хожанинг аввалги мунисига айланди. Бу ер худди Хожанинг ўз уйи-ю, ўз гуландоми билан аввалгидек ҳузур-ҳаловат кўрмоқда, гўё булар Ҳалабда яшамоқда эдилар.

Лекин Ахий, энди доим зарбафт тўнлар кийган ҳолда, шоҳ ёнида ўтирар эди. Уйга кирганда эса, сафардаги либоси бўлмиш қора палосини қўймас эди. Хожанинг тили доим тангрига шукур қилиш билан банд бўлиб, қора шолга ўралган ҳолда тоат-ибодат қилар эди. «Шу палосга ўралиб ётиб, шоҳона ипак тўнларга эришдим, уни ташласам ва унутсам — дуруст бўлмас...» — дер эди Хожа. Ахир, бошига тушган қора кун унинг қаддини ерга букканда, ёрнинг тонгдек висолини кўриш бахти унга муяссар бўлди-ку. Ахир, қора кун бошига тушиб, ранж-машаққатга қолганда, хароб бўлмиш тийра кўнглига ғайб оламидан нур кирди-ку. Ахир, шу қора шол ичида худди зулматда ётгандек ётган пайтида у Хизр каби оби ҳаёт сипқорди-ку. Ахир, шоҳ уни шундай қиёфада кўргани учун, қизиқиб, ҳолидан хабар олди. Чунки шоҳ ҳам шу қора палосни кийган эди.

Шу-шу бўлди-ю, қора тўн кийиш халққа ҳам расм бўлиб кетди. Қора ранг элнинг бошига тож бўлди, ким шу рангда кийинса, муборак бўлди.

Висол субҳидан умидвор одам ҳижрон шомида абадий қолмагай!

Бу ҳикоя қилинган афсона шоҳни хушҳол қилиб юборди ва у:

«Эй донишманд нуктагўй, сен кимсан, қайси диёрдансан ва кимнинг насли насабидансан? Айт!» — деди.

Ривоят қилувчи ровий:

«Ватаним Ҳиндистондир. Ахийнинг яқин авлоди бўлурман. Бу ерга кўнгил истаги ва нафс балоси олиб келди, шоҳга хизмат қилиш ниятидаурман», деди.

Шоҳ уни фақирлик ва муҳтожликдан халос айлаб, саройда ўзига яқин дўст ва улфат қилиб олди.

Бу ҳикоялар Баҳромни шодлантирганидан, у роҳат ва фароғат билан уйқуга кетди.

## XXII

*Якшанба куни Баҳромнинг қуёшдек зарбафт либос кийиб, зарнигор гумбазга азм қилиб, сариғ хуллалиғ (либослик) ҳур билан айш-шират базми тузиб, олтин соғарда (қадаҳда) сап-сариг май ичгани ва ёки қуёшнинг сариғ гули очилган чоғдан офтоб ранги ўчгунча унга бир йил туюлгани*

Якшанба куни, қуёш ўз байроғини кўтариши билан кўк гумбази зарбафт хулла кийди. Кўк келини зарҳал либосга бурканиб, худди гулруҳ маҳвашнинг ўзи бўлди. Баҳром ҳам меҳр — қуёшдек бошдан-оёқ ўзини олтин ичида ғарқ қилди. У, қуёш каби ҳадсиз-ҳисобсиз зар сарфлагани учун ҳозирги сариғ гумбазли қаср бунёд этилди. Унда рум чеҳрали нигор, худди қуёш сингари, олтин ранг либослар ичида жилваланиб турарди. Зар жом ичидаги сап-сариг май — бода гўё олов ичидаги оловга ўхшаб жилваланарди. Уйнинг ҳар тарафидан аланга кўтарилгандек, гумбаз гўё шуълага ғарқ бўлгандек эди. Шоҳ у шуъланинг ичида худди самандарга ўхшар, йўқ, самандар эмас, меҳр-анварга, яъни нур сочиб турган қуёшга ўхшарди. Унинг қўлидаги сап-сариг май худди ботаётган офтобни эслатарди. Ниҳоят, кеч кириб, кундуз сариғ тўнани қора қилди, кун олтин рангини сиёҳга бўяди. Рум зотли моҳ, қуёш пардага кирганда ой ўзини кўрсатгани каби, юзини кўрсатди. Баҳром шоҳ заррин тахтга ётди-ю, аммо худди бахт сингари уйғоқ эди. Ниҳоят, у яна ҳукм қилиб:

«Бу йўлдан қайси мусофир ўтса, чақириб олиб келинг. У билган афсонасини айтиб берсин!» — деди.

Йўлга чиқиб кутилганда, дунёни бошдан-оёқ кезган бир сайёҳ йўлиқди. Уни тезда шоҳнинг ҳузурига олиб келдилар. Афсона айтувчи мусофир Баҳромнинг амри фармонига кўра дилпазир дуо билан сўз бошлаб, ёқимли бир ҳикояни айтишга киришди.

## XXIII

*Иккинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофир ҳикояти*

У, ўз ҳикоясини ҳеч қийналмай ва тараддудсиз бошлаб деди:

«Жамшиднинг замонида Румда бир моҳир заргар бор эди, у ўз ҳунари билан эл орасида қуёшдек машҳур эди. Унинг дами субҳдек ел уфургани каби, кўраси эса осмон гумбазидек катта бўлиб, ҳар гал қуёш нонидек олтин ёмбисини эритиб, зеб-зийнат асбоблари тайёрларди. У Рум шоҳи саройининг заргари бўлиб, устахонаси ҳам шу саройда эди. Шаҳарда олтин-жавоҳирларнинг сарасини саракка, пучагини пучакка ажратадиган ҳам, шоҳ қошида эса, хазинадор ҳам шу заргар эди. Қанчадан-қанча конлардан чиққан ҳамма олтин-кумуш шунинг қўлига келиб тушарди. Ўз ҳунари билан ҳамманинг мақтовига сазовор бўлмиш бу одамнинг оти Зайд Заҳҳоб эди. У муҳандис-инженер олим ҳам, олтин сараловчи ҳам, муҳтожлардан сийм-зарни аямовчи саховаткор ҳам эди. У, иккинчидан, туну кун шоҳнинг ҳамсуҳбат дўсти ва пойтахтнинг машҳур ҳакими эди. Унинг бошидан то оёғигача пок ҳунар эгаси эди-ю, аммо айби шуки, у кўп бебок (беғам) одам эди. Унинг бутун куни, ою йили айш-ишрат билан ўтар, ҳатто шоҳнинг мол-давлати ҳам бунинг ўз молидек экан. Бу бедиёнат, киши амонатига бефарқлик билан қарар, ҳатто вақти келса, шоҳ молига ҳам хиёнат қилишдан тоймасди. У зўр ҳунарманд бўлгани сабабли, шоҳ унга ғоят ҳурмат ва ишонч билан қарарди. Шоҳ, ҳунари туфайли, уни доим мақтар, бинобарин, ҳеч ким унинг айбини шоҳга айтишга журъат қилолмасди. Баъзан унинг айблари билиниб қолганда ҳам, шоҳ аҳамият бермасди. Ахир эътибор берганда ҳам, у ўша онда ўз айёрлиги ва санъаткорлиги билан ажойиб ҳунарлар кўрсатиб, шоҳнинг ихтиёрини қўлдан олиб қўярди. У усталик билан шундай ҳийла-найранг ва фириб ишлатар эдики, шоҳга гўё усиз яшаш қийиндек туюларди.

Чунончи, у бир куни шоҳга бундай деди: «Модомики оламгир шоҳимиз тахтда ўтирар экан, ўзи дунё шоҳларининг яғонаси бўлгач, тахти ҳам ўзига муносиб бўлмоғи лозимдир. Ўзга шоҳларнинг тахти ёғоч — тахтадан ясалган, аммо бахтиёр шоҳимиз учун бу лойиқ эмас. Бизнинг шоҳимиз олтиндан қилинган тахт устида ўтиришлари керак, зеро, олтин устида ўтирган кишининг кўзи равшан бўлади. Хазиналаримизда эса, ҳадсиз-ҳисобсиз олтин бор, унга ҳар куни яна қанчадан-қанча қўшилмоқда. Олтиннинг хазинада бекор ётишидан фойда йўқ, аммо ундан тахт ясалса, бунинг фойдаси беҳисоб бўлади. Шундай қилинганда, бу, шоҳимиз учун ўзгача ҳусн бағишлайди, иккинчидан, бойлик ҳам кўз ўнглаарида муҳайё туради...» — деди.

Шоҳ бу нуктаси учун заргарга таҳсин ўқиб:

«Эй, барча фанларни биладиган олим! Бу фикрни яхши ўйлабсан, бу фойдали ишни тезроқ бошла!» — деди.

Бу фармонни эшитиши биланоқ, шоҳга қараб у: «Бундай гўзал тахтни бунёд қилиш учун икки минг ботмон оғирлигида олтин керак бўлади», деди.

Шоҳ шу онда: «Айтганини олсин. Тахтни битириш учун жаҳд билан ишласин!» — деб фармон қилди.

Жаҳон файласуфи қанча талаб қилган бўлса, шунча олтинни олиб, ўз корхонасида ишга тушиб кетди. У, туну кун тинмай, саъй-ҳаракат қилиб ишларди. Шу ишлаганча бир йил деганда бутун тахтни бошдан-оёқ битириб, тамомлади. У тахтнинг тузилиши саккиз қиррали бўлиб, шоҳнинг ўтирадиган жойи ер юзидек кенг эди. Тахтнинг бурчакларида саккизта минораси бўлиб, буларнинг тўрттаси баланду, тўрттаси паст эди. Паст минораларда тўртта гапиришга ўргатилган тўти ва баланд минораларда эса тўртта товус турарди. Тахтнинг атрофи лаъл-гавҳарлар билан безатилган, олтин зинаси ҳам саккиз пояли эди. Заргар тахтни шундай санъат билан ишлаган эдики, агар Жамшид мартабали шоҳ бу тахтга чиқадиган бўлса, пиллапоялари унинг қадам қўйиши учун пасайиб, бир-бири устига ётарди. Шоҳ шу саккиз поянинг ҳаммасини босиб ўтиб, ўз тахтига ўтиргач, у зиналар яна баланд кўтариларди. Шоҳ ўз тахтига чиқиб ўтиргач эса, тўртта тўти бирдан ёқимли овоз билан сайраб:

«Шоҳ мурод-мақсадига етсин, унинг бу тахти абадий бўлсин!» — дер эдилар. Шунингдек, тўртта товус ҳам ҳар биттаси битта баланд минора устида туриб, қанот-қуйруқларини қоқиб, шоҳнинг боши устида худди бахт қуши ҳумодек соя солиб турар эдилар. Тахтнинг оёқлари ўрнига саккизта устун ўрнатилган бўлиб, гўё тахт ўз остида саккиз қабат осмонни бекитиб тургандек эди. Шоҳ қай тарафга қараб ўтиришни истаса, озгина ишорат билан у тахт ўша тарафга қараб айланар эди. Бунинг айланиши учун ҳеч кимнинг овора бўлиши шарт эмас эди. Мана шуни дунёнинг «тахтиравон»и деса бўлади. Бу каби осмондек гўзал ва музайян тахтни ҳеч бир тахт эгаси кўрган эмас. У бутунлай оройиш топиб, пардоз-андоздан чиқарилиб, шоҳ ўтириши учун тайёрлаб қўйилди. Шундан сўнг заргар янги олтин тахт шарафига базм тузиб, шоҳга ўз сеҳрини намойиш қилди. Ниҳоят, шоҳ тахт устига чиқиб ўтиргач, заргарга бағоят кўп эҳсонлар берди ва унга таҳсинлар айтди, унинг мартабасини яна баландроқ қилиб, энг азиз кишидек ўзига яқин тутди.

Бу саройда заргардан бошқа ҳам бир қанча санъаткор ва

Ўткир фикрли олимлар бор эди. Улар яхши билардиларки, заргар томонидан қилинган бу фалаксифат тахт устки кўринишда қуёшга ўхшаса ҳам аслида ой эди. Яъни, бу тахтнинг вазни заргар қанча олтин олган бўлса, шунга тенг эди-ю, усти олтин билан қопланган, аммо ичи кумуш эди.

Фикр шуким, шунча санъат ва билим билан бунёд этилган бу гўзал тахтни, агар заргар тарафидан қилинган хиёнатдан шоҳни воқиф қилинмаса, бузиш мумкин эмасдир. Бинобарин, юқоридаги олим ва ҳунармандларнинг ҳаммаси йиғилиб, бир қарорга келгач, шоҳ олдида у ердаги хиёнатни фош этишга қарор қилдилар. Бу сирнинг очилишидан Зайд Заҳҳоб ғоят ваҳимада бўлса ҳам, аммо шоҳнинг унга ишончи зўрлигини билар эди. Ниҳоят, унинг бу хиёнатини очиб учун тубандагича тадбир кўрилди, яъни улар иккита гапирадиган тўти топиб, иккаласини ҳам сўзлашга ўргатадиган бўлдилар. Тўтилардан бири: «Тахт рўкашдур» (усти ялтироқ, ичи қалтироқ), деса, иккинчиси: «Мусаннифи ғашдур» (кашфиётчиси қаллобдир), дейиши керак эди. Шу муносабат билан иккита мавзун — келишган ва осмондек зангори тўти топдилар. Уларнинг иккалови фасиҳ — ёқимли тил билан Зайднинг шармандасини чиқазиши керак эди. Ҳалиги олимлар олтин тахтни муҳофаза қиладиган мутасаддий билан яқиндан дўстлашиб, унга қанчадан-қанча пора бериб, тахт эгаси бўлмиш шоҳ то эрта тонгда ўз тахтига чиқиб ўтиргунча, иккита дуоғўй тўти ўрнига, секингина иккита сир очувчи тўтини алмаштириб қўйишга рози қилдилар. Ана шу келишувга мувофиқ, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, ҳалиги иккита тўтини пора олган кишига тақдим этдилар. У ҳам юқоридаги маслаҳатга рози бўлгани туфайли тўтиларни алмаштириб қўйди. Эртасига эрта билан шоҳ тахтга чиққан онда икки тўти фалакка жар солиб, шоҳга юқоридаги икки гапни бекам-кўст айтдилар. Кутилмаган бу гапни эшитиб, шоҳ ҳайратидан лол бўлиб, бу ғаройиб гаплар тагида қандай сир борлиги ҳақида ўйлаб қолди ва тубандаги фикрга келди: «Бу тўтиларни бундай гапларни айтишга ўргатган одам Зайднинг нима иш қилганидан хабардор, аммо у Зайддан қўрқиб, унинг айбини қушнинг тилидан айттираётган бўлса керак. У агар Зайддан қўрқса, биз қўрқмаймиз, бу гапни таҳқиқ қилиб-аниқлаш биз учун қийин эмас», деди. Шундан сўнг, уста чақириб, тахтнинг бир почаси — оёғини эговлатиб кўрган эди, қалбакилиги, яъни усти олтин у ичи кумушлиги маълум бўлди-қолди. Зайд шу хиёнати туфайли ўзининг шоҳ олдидаги ишончини йўқотди ва оқибат-натижанда бу хиёнаткорнинг барча мол-мулки дав-

лат фойдасига олиниб, ўзини чоҳга ташлаб, зиндонбанд қилинди. У чоҳнинг оғзи тору туби кенг, яъни оғзи бир туйнукдек бўлса ҳам туби бир уйдек эди. Зиндонни шундай ясаган эдиларки, унга гуноҳкор кишиларни ҳибс қиладиган бўлсалар, чоҳнинг ичидан ҳеч қачон ҳеч ерга қочиб қутулиш мумкин эмас эди; у зиндон қоронғиликда худди фироқ кечасига ўхшар; бандиликда эса, худди ҳажр домига илингандек эди. У ерда Зайд учун белгиланган кундалик овқат — иккита кулча ва бир обдаста сувдан иборат эди. Қаллоб заргар қалбаки иши билан ўзига шундай ёмон кунни сотиб олди.

Зайд доим ёнида бир ханжар билан бир эговни яширинча асраб юрар эди. Ханжарини кўйлак ичига яширган бўлиб, эгов ҳам шунинг ичида пинҳон эди. У ўз-ўзига: «Зиндонда боғланиб ётиш оғир, бу ғам-ғуссахона ҳаёт учун хавfli ва ҳалокатлидир. Винобарин, қанчалик меҳнат-машаққат ва афтодалик чекиб бўлса ҳам, бу чоҳдан чиқиб қочиш тадбирини қилмоқ керак», дер эди. Шу хаёл билан у ҳар кунги нон билан сувини олганда, нонини бир чеккага қўйгани ҳолда, ханжари билан тупроқни ковлаб, сувни ичмай, ўша тупроққа қориб лой қилар эди. Мақсади шу лойлардан бирин-сирин зинапоя ясаб, чоҳнинг оғзига чиқиш эди. Эгов билан кишанларни кесиб, оёқларини банддан халос қилган эди-ю, аммо сув ичмагани учун ортиқча нон еёлмас, ноннинг ҳиди билан кифоялар эди. Ва лекин ташналик ғолиб келиб, ҳар куни сув учун афғони-зор тортар эди. Томоғи қақраб, сувга интизор бўлиб турганда, сув келиши билан кўзини чирт юмиб, яна лой қориб гишт қуярди. У овқат ва сувсизликдан кундан-кунга ҳолатдан кетиб боришига қарамай, зинапояни ҳар куни баландлатиб борарди. Неча ойлаб шу каби машаққат чекиши натижасида зинапоя зиндон туйнугининг оғзига етди. Зиндон оғзига оғир бир тош бостирилган эди. Санъаткор уста зинанинг бошига чиқиб, ханжарининг учи билан ҳалиги тошни бир ёнидан тешди. Ниҳоят, ердан лаҳим қазилганда ҳунарманд бўлмиш бу уста бир қанча меҳнат-машаққат билан тошни ҳам ханжари билан тешиб, шу чоҳдан чиқиб қочди. Шоҳ билса, буни тутиб ўлдириши аниқ эди, шунинг учун ҳеч қаерда тўхтамай, жадаллик билан Фарангистонга, яъни Европага қараб жўнаб қолди.

Эртасига зиндонбонлар унинг қочганини билиб қолдилар ва буни шоҳга ҳам ари этдилар. Шоҳ унинг зиндондан қандай тадбир билан қочганини фаҳмлаб, қанчадан-қанча макруриб билимига ҳам эга эканлигини англаб, ҳайратидан бармоқларини тишлаб қолди.

Энди, бу тарафда Зайдга келсак, у жонини қутқариш учун,

ернинг танобини тортиб, тинмай йўл босарди. У йўлда кўп машаққатлар чекди, ҳар қадамда қоқилди-сурилди, ниҳоятда кўп қийинчиликлар билан бир амаллаб Фаранг тупроғига етиб олди. У, фақат шу иқлимга киргандан сўнггина хавф-хатардан қутулиб, озгина нафасини ростлаб, хотиржам юра бошлади. Шунда ҳам яна анча кун, бир неча маҳфил ва манзилларни кечиб, охирда Кустантания шаҳрига етиб борди. Ҳа, у шу ерга етгачгина юришдан тўхтади.

У шаҳарнинг ташқарисида бир дайр бутхона бор эди. Йўл Зайдни ниҳоятда қоқиб, ҳолдан тойғизган эди. У шу дайр ичига кириб, дам ола бошлади. У дайрдаги биноларнинг боши ва охири кўринмас, гўё бу дайр ўз кенглиги билан кўҳна дунёга ўхшар эди. Унинг тўрида бир кенг кошона бор эди. У кошона эмас, бутхона эди. Бутхонанинг усти ва атроф-тевараги бошдан-оёқ заркор бўлиб, олтин ва ложувард (тўқ зангори) тусда нақш-нигор берилган эди. Деворларининг айланма қуйи қисмига яшм ва самоғ каби яшил, оқ тошлар қопланган бўлиб, ерига яхлит оқ мрамор тўшалган эди. Бутхонанинг ичида жуда кўп тоқ ва токчалар бўлиб, уларнинг ичи ҳам турли сир ва қимматбаҳо моддалар билан бўялган, зеб-зийнат берилган эди. Бундан ташқари, ҳар токча ичида олтиндан ясалган бут бўлиб, ҳар куни одамлар бу бутларга чўқинар эдилар. Кишиларнинг ихлос ва эътиқоди бутларга ғоят баланд бўлгани туфайли, уларни кўпгина қийматли инжу тошлар билан безаб ташлаган эдилар. Бу бутхонанинг иккита фалакдек пўлат дарвозаси бўлиб, буларнинг ранги, айланиб туриши ва очилиб-ёпилиши худди фалакка монанд эди. У дарбозаларга солинган қулфлар олтиндан ва бутхонага раҳбарлик қилувчи раҳбонлар уни худди дарбозабонлардек эҳтиёт билан сақлар эдилар. У дарбозалар кунига икки маҳал — эрталаб ва шомда, яъни халқнинг бутга чўқинадиган пайтидагина очилар эди. Эл-улус бутга сизиниб тарқагач, тезлик билан раҳбонлар яна эшикларни қулфлаб олар эдилар. Ҳалиги санъаткор файласуф Зайд бу жойларни паргордек (циркульдек) бошдан-оёқ айланиб кўргач: «Бу ерда шунча текин олтин бор экан, мен шоҳга қолдирган олтинимни шу ердан чиқазиб оламан!» — деган қарорга келди. Шундан сўнг, у дарров ўзини бутпарастлар қиёфасига киритиб, дайрнинг ичига кириб ўтирди. Ва бутпарастларнинг қандай одат ва расм-русмлари бўлса, тез орада ҳаммасини ўрганиб, қойил қиладиган бўлиб олди. У кеча-кундуз дайрдан чиқмай ибодат қилар, бутхонани ҳар доим зиёрат қилиш билан банд эди. У ҳар бир санамга ихлос билан чўқинар, уларга худди бандалардек сажда қилар эди. У шундай

макру ҳийлалар ишлатдики, дайр — бутхона кишилари унга шайдойилардек ихлос қўйдилар. Кўпчилик бутпарастлар уни устоз деб ушлаб, пир деб қўл бериб, унинг кўрсатмаси ва йўл-йўриғи асосида ибодат қиладиган бўлдилар. У баланд мақомли маккор чўқинишдан тортиб, то дайрнинг ихтиёрини ўз қўлига олиш даражасигача бориб етди. Бутхонанинг калити ҳам, бут ясовчидан тортиб бутпарастгача ҳаммасининг умид ва ишончи шунинг қўлига ўтиб қолди. Ишни шу мақомга етказиб олгач, у секин-аста бутпарастликка қарши юриш қила бошлади.

У устомон кечаси эл-юрт уйқуга толган пайтида ҳар томонни кезиб, ниманидир ахтарар эди. Ниҳоят, у денгизнинг соҳилидаги тоғлиқлар орасидан бир ғор топди. Кейин, қочиб келаётган пайтда унга ҳамроҳлик қилган бир-иккита аҳли дин ўртоқлари бор эди. Улар бунга давлат ёру мартабаси баланд пайтида мулозим эдилар. Улар Зайд ранжу меҳнатга тушганда ҳам ходимлик қилдилар. Лекин у бутпарастлик йўлини тутгандан сўнг, юракларига дарду алам тушиб, бу риёкар бетавфиқдан юз ўгиришга мажбур бўлган эдилар. Мана энди бу маккор ўша икки кишини қидириб топиб, шодлик билан қилган ишларию тузган режаларини шуларга арзи ҳол айлади. Буни эшитиб, уларнинг иккови ҳам хурсандлик изҳор этди, Зайд эса, бу икковини ғор билан таништирди. Улар бу айёрга ниҳоятда ишонардилар. Шунинг учун унинг маслаҳати билан ғорда ўтиришга розилик билдирдилар. У айтдики: «Заргарлик учун қандай асбоб керак бўлса, ҳаракат қилиб, мана шуларни топиб келтиринг. Ниманики тайёрласангиз, ҳеч кимга билдирмай, яширинча мана шу ғорга олиб келиб қўяверинг».

Шундай қилиб, улар керакли нарсани тайёрлайвердилар, хожа эса ҳар кечаси уларнинг олдига келиб кетар эди. У, элнинг олдига тонгдан оқшомгача «сувмот» ва «лот» каби бутларга чўқингани чўқингану, аммо одамларнинг кўзига уйқу келиши билан, у дайрдан секингина чиқиб, ғорга бориб, элдан яширинча дастгоҳларини ишга солар эди. У бу ерда бутхонадаги бутларга ўхшатиб темирдан бут ясар, аммо одамларнинг кўзига тилла кўринсин учун унинг устига юпқагина қилиб олтин қоплар эди. Бу моҳир санъаткор, ҳар хил рангда шишалар тайёрлаб, бутхонадаги қимматли жавоҳирларни ҳам шу шишаларга алмаштириб олди. Бу, шишаларнинг ҳар бир парчасини бир-бирига шундай жипслаштирар эдики, мутлақо у шишаларни бебаҳо жавоҳирлардан фарқ қилиб бўлмас эди. Ўткир муҳандис бу қалбаки бутлари тайёр бўлгач,



бири ўрнига бирини алмаштириб қўяр эди. У, қалбакисини ҳам, аслини ҳам элдан яширган ҳолда дайрдан горга, гордан дайрга олиб келиб, жойлар эди. У бу пайтда бутхона эшикларини жуда ҳушёрлик билан — ҳеч кимга сездирмай очиб-ёпар эди. Қайси бир бутга унинг ўхшабини ясар экан, ҳар қандай одамга ёқадиған, ҳеч ким шубҳаланмайдиган қилиб ясар эди. Уйдаги бутларни бемаҳалда тайёрлар ва бутхонада ҳам ҳеч ким билмайдиган пайтда уни асл бут билан алмаштирар эди. Асл бутни юқоридаги иккита ходим олиб кетар, заргар эса зарнигор бутхонада қолар эди. Улар кетгач, очилган эшикни оҳистагина беркитиб, махфий ишини бошдан-оёқ эҳтиётлик билан бажарар эди.

Заргар бир қанча муддатгача ҳеч кимга сездирмай шу ишни давом эттирди. Ниҳоят, кофирларнинг илоҳидан (бутидан) битта илоҳ ҳам қолмади. Ло илоҳа иллаллоҳ (оллоҳ битта — оллоҳдан бошқа оллоҳ йўқ). Ҳатто, олтин лаган ва нуқул элтиндан бўлган қандиллар ҳам ҳаммаси темирга алмаштирилди. Охирида алмаштирилмаган на бир бут ва на лаган-тоғора қолмагач, хожа ватанига қайтиш орзусини бутпарастларга арз этди. У, бу ниятини изҳор қилганда, ҳамма кофирлар бағоят хафа бўлдилар. Улар бунга илтижо билан мурожаат қилиб:

«Сен бу бутхонага қатновчи кишиларнинг пири муршидсан, кофирлар ичида ҳаромдан ва ёмонликдан парҳез қилувчи — тақводорсан ва дунё ишларидан қайтиб, фақат тангрига ибодат қилувчи — зоҳидсан. Шундай зот бўла туриб, нечун ҳижрат қилиш ниятига тушдинг? Тангрилардан (бутлардан) кўнглингни қандай уздинг?!» — деб зорланишди. Шунда у айтди:

«Йўқ, кўнглини узиш мумкин эмас, ҳажр баҳона бўла оладими? Менинг сафарим шу тангриларнинг амри билан бўлмоқда. «Лот» номли бутнинг башорат беришига қараганда, онамнинг ҳаёти тугаган эмиш. Онам қўлида кўп дунёлар бўлиб, унинг мендан ўзга ворису меросхўри йўқдир. Модомики шундай экан, тез орада мен бориб, у нақдина — маблағларни қўлга олишим, яна «лот» ва «манот»ларнинг олдига қайтиб келишим керак. Онамдан қолган дунёдан қанчаси қўлимга кирса, ҳаммасини шу дайрга назр қилиб, бутхонанинг харжига сарфлаш ниятидаман. Менинг муроду мақсадим мол-неъмат эмас, мана шу дайрда ибодат билан умр ўтказишнинг ўзи мен учун улуғ неъматдир. Бу ердан узоқлашиб, ҳажрда юрган пайтларимда ғам-ғуссага тўламан, қайда бўлсам, шу дайр хаёли билан юраман».

Кофир аҳли бунинг кетиш сабабидан қаноат ҳосил қилганлари ҳолда, бусиз ўксиниб қолаётганликларини изҳор айлаб, ҳаммалари оёғига бошларини қўйиб сажда қилдилар ва сар-басар ғамнок бўлиб айтдиларки:

«Сенинг динимизга бўлган ақида ва эътиқодинг бениҳоя пок. Дининг куфрдан шарафлар топсин, сен ғоятда бениқсон ва ҳалол кофирсан. Бу эл сенинг айрилиқ ва фуқратингдан ғамбодадир. Хайр, соғ боргину яна саломат келгин. Лекин сен бу дайрда неча муддат истиқомат қилган бўлсанг, одамлар онгига куфрни шунчалик кўп сингдирдинг, раҳмат! Энди эса, ўз диёрингга кетиш орзусига тушиб қолдинг. Биз ҳам қараб турмаймиз: сенга йўл яроғи, совға-саломлар ҳадя этамиз», дейишди.

«Ҳожат эмас!» — деб қаттиқ қаршилик кўрсатди Зайд. Аммо улар ўз таклифларида туриб олгач, ноилоҳ рози бўлди. Шундан сўнг, дайрга катта-кичик кўпгина бутпарастлар йиғилишиб, барчаси ўзаро ҳисса чиқаришди. Улар жаҳду ғайрат билан ҳаракат қилиб, кўпгина молу дунё жам айладилар. У маблағларнинг ҳаммасини ҳурмат билан хожага тақдим этдилар, хожа ҳам миннатдорчилик билан уларни қабул қилиб олди. Гарчи шу куни жўнаб кетиш учун барча имконият ва ҳозирликлар бўлишига қарамай, булар тарафидан тайёрланган совға-салом ва мукофотлар баҳонаси билан тўхтаб қолди. Бу маблағларни ҳам ғорда бутлаб қўйилган молларга қўшиб, ҳаммасини битта қилиб жамлади. Кейин молларнинг ҳаммасини роса эҳтиётлик билан пухталаб тугдирди, ҳеч идиш бўш қолдирилмади. Сўнгра у тоғ этагида бўлмиш денгиз соҳилига келиб ўрнашди. Унинг юки шу қадар кўп ва оғир эдики, у, бир кемани ўзига алоҳида кира қилиб олишга мажбур бўлди. Сўнг, ғорда беркитиб қўйилган ҳамма ашёларни ҳам, сув ёқасига келтириб қўйилмиш юкларни ҳам битта қолдирмай, барчаси кемага жойланди. Шундай қилиб, хожа ҳамма ишни биттириб хотиржам бўлгач, дўст-ёрлар билан хайр-хўш қилди. Ҳамаки одамлар фуқрат ўтида ёниб, бу билан қучишиб, зор-зор йиғлаб қолдилар. Хожа ўз асҳоб — суҳбатдошларини ғам-алам ичра қолдирган ҳолда, кемага қараб йўл оларкан, охирида айтдики:

«Бир руқъа — хат ёзганман, уни дайрнинг ичига бекитиб қўйган эдим. У маъмурдор иншони қидирсангиз, «лот» бутти ёнидан топасиз. У жуда фойдали мактуб бўлиб, сизнинг дайрдаги ҳаётингизга оиддир, уни албатта ўқингиз. Хайр, алвидо!...» — деди.

Шундан сўнг, кемани ҳайдаб кетди, у содда — оқ кўнгуя

одамлар эса, дайрга қараб жўнадилар. Дайрга боргач, улар бошқа ишни қўйиб, унинг руқъасини ахтариб топдилар ва уни жондек азиз тутиб, кўзларига суртдилар. Ниҳоят, у хатни ўқиркан, буларни фироқ ўтида ёндириб кетган ҳалиги афсунгарнинг дайрда қандай хиёнатлар қилганини бошдан-оёқ билдилар. Бу афсона уларнинг бошини шундай қотириб қўйдики, худди хумор қилиб турганда наша еган бангидек гараанг бўлиб қолдилар. Ҳақиқатан, хатдаги гапни амалда текшириб кўрганларида, нима деб ёзган бўлса, ҳаммаси тўғри бўлиб чиқди. Шундан сўнг, аҳли куффор гўё тўфон тушгандек бўлиб, эс-ҳушини йўқотиб қўйди.

Энди, денгизда сузиб кетаётган ҳийлагардан эшитсангиз. У бир неча кунлаб денгизни елдек кезди. Унинг елкани ғоятда бақувват бўлиб, у шамолдек суръат билан борар эди. Шу хилда юриб, ёзда сувга тушган одам кузда Рум соҳилига етиб борди.

Бу пайтда Рум шоҳи бир дардга йўлиққан бўлиб, бу дард унинг бутун вужудини азоблар эди. Бир пайтда шу касалдан унинг тоби айнаганда, ҳозирги файласуф ҳаким даволаган эди. Аммо бу табиб қочиб йўқолгач, шоҳнинг дарди яна қўзғалган бўлиб, ҳеч бир тинчлик бермас, умри доим азоб-уқубатда эди. Ҳар қандай дори-дармон қилинишига қарамай, ҳеч ким шоҳнинг касалини даволай олмас эди. Шу касали туфайли шоҳ заргарни зиндонбанд қилиб, қочириб юборганидан доим пушаймон эди. У ўз нотавон жисмининг кундан-кунга ҳолатдан кетаётганини кўриб, кўпинча у доно ҳакимни эс-лар эди.

Ниҳоят, ҳаким денгиз сафаридан соҳилга чиққач, ёнидаги дўстларига ўзи қилган ғаройиб ишининг қиссасини баён айлади. Унинг умр бўйи қилган ишлари ажойиб эди-ю, аммо буниси ҳаммасидан ғаройиброқ эди. У, ўзи билан келтирган ҳамма ашёларини бирга келган дўстларига ташлаб, махфий суратда, эҳтиёт билан шаҳар ичига кирди. У, зиндондан чиққанда узиб ташлаган кишанини яна оёғига солиб олди. Секин келиб, ўша ўзи чиқиб қочган зиндонига яна тушди. Буни зиндон қоровули билиб, югуриб бориб шоҳга хабар айлади. Шоҳ бу ҳодисани эшитиши билан гўё қайтадан тирилган ўликдек жонланиб кетди. Лекин танасида ҳеч қандай куч-қувват йўқ эди. Бинобарин:

«Тезда у ҳакимни ҳузуримга олиб келинг!» — деди. Ва шу билан бирга, унга кўп инъом-эҳсонлару ўзига хос бебаҳо хильат ва саруполар жўнатди. Бундай лутф-марҳаматлардан ташқари, ўзи минадиган отни ҳам жўнатди. Хожага бу совға-са-

ломларни келтирганларида, у зиндондан ташқарига чиқмай, шоҳга тубандагича шарт қўйди:

«Мен шоҳнинг газабига гирифтор бўлган одамман, зиндонда ниҳоясиз азоб-уқубат кўрдим. Аммо мен унга қандай хиёнат қилганимни билмайман. Шунини менга билдирсин, агар хиёнат қилган бўлсам, бирига ўн баравар қилиб қайтаришга розиман ва қодирман. Бу — менинг биринчи шартим. Иккинчиси шуки, шоҳ ҳар йили икки марта қўшин тортиб, Рум мамлакатига бостириб бориши ва у ердаги европаликлар билан жанг-жиҳод қилиб, уларнинг бутларини синдириб, диний ишларини барбод қилиши шарт. Ҳанузгача уларга қарши тиф тортилмаган. Агар шоҳ шу шартга кўнса, мен уларнинг бутларини синдириб, бутлардаги бутун олтинларини шоҳ хазинасига келтириб қўшишга ваъда бераман. У бутларга қадалмиш бутун инжуларни ҳам ажратиб олиб, шоҳ бошидан нисор қилиб сочаман. Бундан ташқари, шоҳнинг яна не муддаолари бўлса, бажо келтираман ва қанчалик бедаво дардга гирифтор бўлсалар, даволайман. Яна бир шартим шуки, мен билан оламгир шоҳ ораларини игво билан бузиб, ноҳақ банди зиндон этилишимга сабабчи бўлмиш душманларимиз оёғига кишан солиб, ҳаммасини ҳузуримга келтириб, чоҳга ташлатсалар, мени янада комрон ва хурсанд қилган бўлур эдилар. Ниҳоят, шундан сўнг, ўзининг аввалги амалимни берсалар, мен шоҳнинг ёнларига яна қайтиб борур эдим. Агар менинг шу тилакларим юзага чиқмайдиган бўлса, чоҳнинг қаъридан ҳеч қачон чиқмағайман, зиндонда абадий қолғайман!»

Зайд юқоридаги гапларни бирма-бир айтиб тугатгач, шоҳга бориб баён қилдилар. Шоҳ Зайд устидан шикоят қилмиш ўз амирларининг кўпгина бошқа жиноятларини билар ва жуда газабланиб юрар эди. Бусиз ҳам уларни боғлаб, маҳбус этиб, чоҳу зиндонга солиш ниятида эди. Лекин касалланиб, унинг бутун вужуди азобга қолгач, уларни жазолаш зарурлигини унутмиш эди. Энди, Зайднинг бу қиссасини эшитаркан, шоҳга етарли баҳона ҳам топилиб, шу ондаёқ уларнинг ҳаммасини ҳибсга олиб, чоҳ — зиндон тагига ташлаш ҳақида фармон берди. Шундан сўнг, хожя зиндонни уларга топшириб, ўзи ташқарига чиқди. У ҳеч қандай қаршиликсиз оёқ-қўлларидаги кишанларни ташлаб, шоҳ юборган ранго-ранг либосларни кийди ва отланиб шоҳ қасрига қараб юрди ва иззат-эҳтиром билан унинг даргоҳи — остонасини ўпди. Шоҳнинг қабулхонасига қадам босгач эса, гўё тупроқ сингари ўзини ерга ташлади. Шоҳ унинг вужудини ердан кўтариб, бағрига босгани ҳолда, ўз тахтига чиқазди ва қучоқлаб-ўпиб, ундан ҳол-аҳвол сўра-

ди. Ниҳоят, ўзининг бутун ихтиёрини унинг қўлига топширди. У ҳам расм-одат бўйича шоҳнинг қўлини ўпган бўлди. Ва томирини ушлаб кўриб, унинг касалини аниқлади. Шоҳнинг дардини даф этишга киришиб, тўрт-беш кундаёқ муолажа қилиб, уни тузатди. Шоҳнинг кайфияти яхшиланиб, танасида ҳеч қандай оғриқ-санчиқ қолмагач, Зайд ўзи билан бирга олиб келган олтин-жавоҳирларни унинг олдига тўкиб қўйди. Уларни кўриб, шоҳ беҳуд бўлиб ўзини йўқотаёзди. Бунчалик дунёни қайдан топганлигига унинг ақли шошиб қолган эди. Бинобарин, шоҳ: «Бу бениҳоя ажойиб ишнинг қиссасини баён қил!» — деди. Шундан сўнг, моҳир муҳандис, бунинг сирларини бошдан-оёқ шоҳга очиб ташлади. Унинг сўзлари шоҳнинг кўнглини аста-секин ўзига жазб этди. Ҳақим қилган ишларини ипидан игнасиғача арз қилиб бўлгач, келтирган бойликларининг ҳаммасини шоҳнинг хазинасига тақдим қилди. Шундан сўнг, шоҳ ҳам қойил қолиб, унга кўп инъом-эҳсонлар берди (уни шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ).

Шоҳнинг ҳукми билан олтин бутларнинг ҳаммасини бузиб, парчалаб ташладилар. Қоруннинг бойлиғича келадиган бу хазинанинг ҳаммасини дин аҳлларига бўлиб бердилар. Ва шоҳнинг ҳукми билан диндорларнинг устидаги ҳар хил тўнлар фақат олтин ранг тўн билан алмаштирилди. Ҳамма зарбафт тўн киядиган, зарбафтдек товланиб, хурсанд бўлиб юрадиган бўлди. Олтин уларни шундай қувонтириб юборган эдики, улар худди кулиб турган заъфарга ўхшардилар.

Орадан бирмунча фурсат ўтгач, шоҳнинг топшириғи билан зиндондаги кишилар ҳам озод қилинди. Уларнинг юзи ҳам худди олтин каби сарғайиб кетганини халқ кўрди. Ранглари каҳрабодек сарғайиб, хунуклашиб кетган эдилар.

Ишқ кимнинг рангини сомонга айлантирса, унинг оқи кўнгилга тезроқ таъсир этади. Субҳ заъфарон тусга кирмагунча, фалак унга кун юзини кўрсатмайди.

Шоҳ Баҳром бу мусофирнинг ҳикоясини охиригача эшитгач, шодланиб сўради:

«Эй, ширинсухан мусофир, сен бу саҳифаларни шарҳлаб бердинг, энди ўзингнинг кимлигинг ҳақида ҳам гапириб бер, барча ҳол-аҳволингдан бизни хабардор айла, зеро, сенинг муборақ нафасинг бизга зўр таъсир кўрсатди», деди.

У айтдики: «Ватаним Рум мамлакатада бўлиб, табиблик ва ҳақимлик илми менинг касб-ҳунаримдир. Мен сизга тарихини гапирганим муҳандис (инженер) эса боболаримнинг авлодидир.

Бу томонларга қадам ранжида қилишдан мақсадим, сенга бир камина-камтарин хизматчи бўлиш эди. Шукр лиллоҳки, нимани орзу қилган бўлсам, сояйи давлатингда муродимга етдим».

Шоҳ Баҳром унинг бу таманносини эшитаркан, орзусини қондириб, уни ҳам ўзига надим — дўст қилиб олди.

Мусофирнинг бу ёқимли гаплари — айтган муждалари шоҳни роҳатлантириб, кўзини уйқуга элтган эди. Бинобарин, у шундай уйқуга кетдики, тонг отиб, то қуёш чиқмагунча уйқудан кўзини очмади.

## XXIV

*Душанба куни Баҳромнинг навбаҳор монанд кўк кийим билан яшил саройга юз қўйгани ва сабза ранг хулла (либос) кийган сарвқомат билан зумуррад ранг жомда ҳаёт сувини ичгани ва у, тириклик чашмаси шарофатидан Хизр каби абадий ҳаёт касб этгани*

Шанба куни зангори осмон ўз кўзгусини зангдан аритди. Гардун (само) ўз юзини юз хил рангу бўёқ билан субҳнинг зумуррад чодирига буркади. Меҳр — қуёш ўзининг оламтоб чашмаси билан кўк сабззорини сероб айлади. Шоҳнинг кийган хилъати ҳам райҳоний ранг, йўқ, тўғриси айтсам, сарви бўстоний рангда эди. У шу қиёфа билан сабззор устига қараб юриб, яшил айвонга ташриф буюрди. Шу пайт, сабза ранг сарвқомат жилва билан кўринди. Унинг хилъати эса, ҳаво ранг эди. Унинг ўзи сабзага, табассуми эса, шакарга ўхшаш ширин эди, ахир, сабза ширин экан, ёқимли бўлмайдими? Кишини мафтун этувчи бу гўзал нигор, шу онда шоҳга шиша ранг жомда май тутди. Баҳром дам-бадам бунинг қўлидан зумуррад ранг соғардаги майни олиб, зумуррад осмон тун қўшунининг тутунидан қорайгунча ичди. Шу пайт шоҳнинг кўнглини оғир ҳаёл босиб, кўзи уйқусираб қолди. Бундай пайтда хизматкорлар худди дуд сингари югуриб бориб, кўчадан биёбонларни сайр қилиб юрган йўловчини шоҳ қошига бошлаб келишга одатланган эдилар ва олиб келдилар ҳам. Шунда шоҳ:

«У ҳозир парда орқасида ўтириб, ўз афсонасини айтишга

бошласин! — деди. Шу ҳукмни эшитиш билан доно мусофир ҳикоя айтишга киришди.

У сўзини шоҳ ҳақиға ҳамд-сано ва мадҳ-дуолар билан бошлади.

## XXV

### *Учинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг айтган афсонаси*

У ўз дуосини осмони фалақдан ҳам ошириб фотиҳа қилгач, сўз айтишга киришди:

«Бундан бир қанча муддат илгари Мисрда бир бой — гани хожа бўлиб, унинг эшиги гўё муҳтож кишиларнинг ўз жойи каби экан. Унинг моли гоътада ва ниҳоятда кўп бўлганидек, дастурхон ва меҳмондорчилигининг ҳам чек-чегараси йўқ экан.

Уша хожанинг бир бахтиёр фарзанди бўлиб, унинг жаҳонда монанди йўқ экан. У ниҳоятда салоҳиятли ва моҳир санъат эгаси, юзидан ҳушёр, доно ва ҳозиржавоблиги сезилиб турар экан. Унинг мол-дунёси Миср шоҳиникидан кам бўлмагани ҳолда, жамоли ҳам Мисрда ўтган Юсуф пайғамбар монанд экан. Бу бола ўз молини отасининг ихтиёрига берган бўлиб, отасининг бор-йўғи ҳам шуники экан. Жаҳондаги кишиларнинг илми унга маълум бўлгани каби, илм-фазл аҳллари унинг билимдонлигига қойил эканлар. Бу юлдузи қутлуг одамнинг оти Саъд бўлиб, отасининг умиди фақат шунинг омон-эсонлигида экан. У каттакон бир меҳмонхонани ясаиб қўйган, қариндош-уруғина эмас, ёт-беғоналар ҳам унинг доимий меҳмони эканлар. Бу меҳмонхонага ким хоҳласа кирар, ҳар қандай мусофир ҳам бу ерга келса муродига етиб хурсанд бўлиб кетар экан. У, келган меҳмонлардан меҳрибончилик билан ҳол-аҳвол сўрар, қўлидан келганча уларга ҳурмат-иззат кўрсатар экан. У, меҳмонларнинг ҳурматини шу каби тавозе ва бениҳоя лутфу эҳсон билан бажо айлагач, улардан кўрган-билганини сўрар, касби-кори нима-ю, дунёда не умид ва не мақсад билан юрганини суриштирар экан. Шундан сўнг, уларнинг бутун сирри-асрори, ҳамма бебаҳо фикрларини ўрганиб олар экан. Мана шу ишни одат қилгани туфайли, у, кўп илм ва ажойиб билимларни ҳосил қилган экан. Буларни ўзига касб этиш билан бирга, сеҳр, найранг ва кимё илмларини ҳам яхши ўрганиб олган экан.

Бир кун, қазоро, насибаси сочилгани туфайли, икки ғариб-мусофир бу тарафга келиб қолди. Уларнинг иккаласининг эғнидаги кийимлар ҳам бошдан-оёқ яшил ранг эди. Саъд уларни ниҳоятда иззат-икром билан зиёфат қилди. Ахир унинг ўз табиати бўлиб, меҳмонга қўлдан келганча ҳурмат кўрсатиш касби — одати эди-да. Саъд уларга шунчалик одам-гарчилик кўрсатдики, буларнинг иккиси ҳам бунинг одамийлиги олдида қулга айланиб қолдилар. Бунинг илтифот ва гўзал хулқини кўрган яшил тўнли икки киши лол ва ҳайрон бўлиб қолиб, унга бир оғиз сўз айтолмади. Бу, уларнинг шу ерда бир кун қолиб, ҳамсухбат бўлиб, дам олишларини илтимос қилди. Шу орада уларни шундай зиёфат қилдики, ҳеч қандай базмнинг бундан зиёда бўлиши мумкин эмас эди. Май — бода уларнинг димоғини бағоят чоғ қилмиш эди. Мастлик туфайли, бутун шарм-ҳаё пардалари кўтарилиб кетмиш эди. Саъд уларнинг кўнглини ҳаддан зиёда кўтариш билан, ҳар иккисини беҳуд ва беихтиёр қилиб қўйган эди. Лутф-эъзоз ичида кўп гапларни суриштириш билан бирга, уларнинг кишвари ҳақида ҳам савол-жавоблар юритди. Яъни: «Сизнинг мамлакатингиз қаерда? Хусусан, кўк либос кийишингизнинг боиси недур?» — деди. Улар: «Кишваримиз жуда дилкаш бўлиб, у ҳам Шаҳрисабз ва ҳам Каш номи билан юритилади», дейишди. «Бу шаҳар худди Хизр<sup>1</sup> каби кўм-кўк бўлиб, суви ҳам сабзадек кўк ва ойнадек тиниқдир. Еримиз яшил гиёҳлару кўм-кўк дарахтларга буркангани учун, шаҳримизнинг номи Шаҳрисабз бўлганига ажабланманг».

Ундан кейин Саъд: «Умрингизда ҳар қандай ажойиб ва ғаройиб нарса кўрган бўлсангиз, гапириб беринг», деди.

Шунда у яшил тўнли икки мусофирнинг бири айтдики: «У жаннат монанд сабзавор диёр томонда тоғ орасида бир кишвар бор, у кишвар халқини Китвар деб атайдилар. Унда бир олий бутхона бўлиб, баландлиги осмонни эслатади. Тоқи кўкка чўзилиб кетган бу бутхонанинг ичи ҳам, таши ҳам тошдан ясалган. Бу бинонинг ичкарасию ташқариси бошдан-оёқ табиат манзаралари ва жониворларнинг тасвири билан зийнатланган. Кимки шу ерга манзил қилиб ўтирадиган бўлса, тубандагича бир ғаройиб воқеа юз беради, яъни у одамга тангри дунёда нимани насиб-рўзи қилган ва унинг ҳаётида қандай воқеалар юз берадиган бўлса, кечаси у бутхонага кириб, ётиб ухласа, шу кечаси шак-шубҳасиз иккита ажойиб вужудли сувратни туш кўради. У сувратлар унинг олдига келиб,

<sup>1</sup> Х и з р — ҳаёт рамзи.



уларнинг ҳар бири киши юзига кўзини тиккани ҳолда, ҳар биттаси биттадан гап айтади ва шундан сўнг, келган жойига қайтиб кетади. Улардан биттасининг гапи яхшилиқ ҳақида бўлиб, буни эшитган одам у яхшилиқни албатта кўради: фарвон ҳаёт кечиради, кўп бойликларга эга бўлади ва ноз-неъматлар ичида бахтиёрлик билан даврон суради. Иккинчисининг гапи ранж-машаққат ҳақида бўлиб, буни эшитган одамнинг толе юлдузи сувга уриб кетади. Мана шу икки гапни икки суратдан эшитган одам шу ондаёқ — тўсатдан уйқудан уйғонади. Шундан сўнг, бу кимса яхши ишлар қилиш учун ҳаракат этгани ҳолда, ҳар қандай ёмонликдан қочадиган бўлади».

Аввалги мусофир ўз сўзини шу мазмунда тугатгач, иккинчи сайёҳ ушбу гапларни айтди:

«Шу бутхона ичида бир қария одам бўлиб, унинг қалби-замири кун каби равшандир. Кимки у дайр (бутхона)да юқоридаги каби тушни кўраркан, ҳам хушнуд бўлади ва ҳам қайғуга тўлади. У, ўз тушида кўрган истагига эришмаганини ва ёки бошига тушган машаққатга чора тополмаганини у пир (қария)га билдирса, ўша онда уни муродига етказиш тадбирини кўради. Бунинг учун у одам, аввало, тушида кўрган икки ишга ўзи қизиқиши ва ҳамда ўша доно пирнинг ҳузурига бориб, унга ўзининг ҳол-аҳволини баён қилиши шарт. У пир қандай йўл-йўриқ кўрсатса, ўшанга амал қилган одамгина муродига етади».

Бинобарин, Саъд бу афсоналарни эшитиши билан шундай орзуга тушиб, ўз ҳушини йўқотди. Алқисса, ҳушига келгач, гоҳ умидвор ва гоҳ ноумид ҳолда то шомгача сайёҳлар билан суҳбатлашиб ўтирди. Шу орзу ҳаёли билан бутун кечани савдойилардек ўтказаркан, сафарга чиқиб кетишга жазм қилди. Дайрнинг ҳаёли бунинг кўнглини шундай забт этган эдики, у ерда кўриладиган тушни ўйлай бериб, уйқуси ўчиб кетган эди. Субҳидамда кўк ранг осмон ерни қуёш нури билан оппоқ қилиб ёритгунча у мижжа қоқмай ўтириб чиқди. Дайрда кўриладиган тушнинг ҳаваси бунинг қарорини ҳам, ихтиёрини ҳам қўлидан тамом олиб қўйган эди.

Саъд шу ҳаёл ва умид билан отасининг олдига бориб, мурод-мақсадини арз айлади. Хожа ўғлини бу муддаодан қайтариш учун кўпгина чора-тадбирлар кўрса ҳам, бунинг улдасидан чиқмади. Ҳеч қандай илож тополмагач, таслим бўлишдан бошқа чораси қолмади. Кишининг сафар ўтини сув билан ўчириб бўлмагани каби, хожа ҳам ўғлини бу йўлдан манъ этиш мумкин эмас, деган қарорга келди. Гарчи, унинг ғамида йиг-

лаб, оқ-воҳ қилган бўлса ҳам, охирда уни тангрига топширишга мажбур бўлди. Ниҳоят, ўғлининг олдига қанчадан-қанча мол-дунёларни тўкиб: «Шу моллардан кўнглинг қанчасини хоҳласа, ол», деди.

Шундан сўнг, озода Саъд сафар тарадудини кўриш ҳақида фармон берди. Сафарнинг асбоб-анжомлари тайёр бўлгунча ишчи-хизматчилар ўн кун ҳаракат қилдилар. Бу тайёрланган нарсалар ниҳоятда қимматли ва шоҳона бўлиб, оддий кишилар бунга қодир бўлолмас эди. Қатор-қатор нор туяларга минг-минглаб олтин-кумуш ортилди. Олтин камар боғлаган қулларнинг ўзидан тўрт юзта бўлиб, уларнинг камари бошдан-оёқ дур ва лаъл-жавоҳирлар билан безатилган эди. Одамнинг хаёли нималарга етса ёки гумон-орзу қилса, ҳаммаси бу моллар ичида бор эди. Бу гапларда ҳеч қандай ваҳима-муболага йўқ, ҳамма нарса бор ва кутгандан ҳам зиёда эди.

Шундан сўнг, Саъд гоятда иззат-икром билан у иккита кўк кийимли одамни ўзига йўлдош қилгани ҳолда, икки кўзидан икки дарёдек ёш оқизиб, отаси билан видолашди. Отаси ўғлидан ажрагани учун ўзининг ўлишига рози бўлиб қолди, ўгли ҳам мотамзадалардек йиғлай-йиғлай йўлга тушди. У шундай суръат билан йўл босар эдики, икки бекатда зўрға бир дам олар эди. Иккита зумуррад пўш йўл бошловчи эса, унинг назарида бир раҳнамо фариштага ўхшар эди.

Буларнинг иккиси ҳам бунинг сафарида худди рост йўл кўрсатувчи Хизрдек борар эдилар. Бир қанча муддат биёбонларни тай қилиб юргач, ниҳоят, истаган диёрларига қадамлари етди. У икки ҳамсафар буларни тўппа-тўғри ўша дайрга бошлаб борди. Улар шу ерга тушиб, дам олдилар, озгина тамадди қилиб, шарбат ичиб, қоринларини қаппайтирдилар.

Сўнгра, бутхонани айланиб, у ердаги одамларга лутф ва дилжўлик билан иззат-ҳурмат кўрсатдилар. Саъд эса, дайрнинг ҳамма тарафини томоша қилиш учун шошилар эди. Бинобарин, у ўрнидан туриб, ўзининг икки ҳамроҳи ва йўл бошловчиси билан дайрнинг ичига қараб юрди. У сайр қиларкан, ҳар тарафга назар солар ва у ердаги ажойиб-ғаройиб нарсаларни кўриб, ҳайратланар эди. Ниҳоят, дайри осмон ўз меҳр-қуёшини ёшурганда, тун ҳам осмондек бемехр — қуёшсиз бўлиб қолди. Шу пайт, яъни оқшом, Саъд дайр ичига кириши билан дайр кишилари унинг ҳузурига келиб, бу ниятдан қайтиш ҳақида панд-насиҳатлар қилдилар, бу ишга ружуъ қилмиш одамлардан жуда кўпчилиги шикастларга йўлиққани, зарар кўргани ҳақида гапирдилар. Лекин, Саъдни ҳавас деган

наrsa мағлуб қилиб қўйган эди, бинобарин, унинг кўнглига ҳеч қандай насиҳат қор қилмади. У ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, дайрга кириб бир бурчакда ухлаш учун ётди. Шундан сўнг, бутхона ходими, худди Хайбар қўрғони эшигини беркитгандай, тездан дайр эшигини тақа-тақ бекитиб қўйди. Дайрнинг ташқарисида эса Саъднинг одамлари унинг бу қилган ишидан ношод ва ташвишда эдилар.

Кейин, унинг юрагида шундай бир ваҳима пайдо бўлдики, чиқай деса, иложини тополмай қолди. У бутун афсус-надомат билан хаёл сураар эди-ю, аммо, энди надоматлардан фойда йўқ эди. Унинг кўзига ҳеч уйқу келмасди. Ахир, ухламаган одамнинг туш кўриши мумкинми эди? Хусусан, тонгга яқин унинг қўрқув — ваҳимаси кучайиб кетди, ҳар нафасда уни юз хил васваса босар эди. Шу хилда бутун туни бўйи оғзидан уйқу сўзи тушмай ётиб, ниҳоят, субҳидамдагина кўзини уйқу элтди. Ухлагач, бу олий дайр унинг тушига ҳам кирди, гўё у бу бутхонанинг ҳар томонини айланиб, сайр-томоша қилиб юрган эмиш. Тушида иккита кўк рангли, дилкаш қушнинг сувагини ҳам кўрди. У сувагинлар ҳаракатга келиб, сайраб — наво чекдилар ва қанот қоқиб дайрдан учиб кетдилар. Кейин қушлар яна учиб келиб, унинг боши атрофида айланиб, охирида иккаласи унинг икки елкасига қўндилар. Унинг бири ёқимли бир овоз билан сайраб, худди фаришта сингари шундай башорат берди: «Сенга бир пари насиб бўлар эмиш, унинг юзи эса, худди Шарқ қуёшидек нурафшон ва гўзал эмиш».

Иккинчи қуш эса, бийм — даҳшат билан нидо солиб, ўз мақсадини бундай адо этди: «Бир кун сен дев қўлига асир тушасан ва у сенинг оёқ-қўлларингга кишан солиб занжирбанд қилиб қўяди!» — деди.

Саъд бу ғаройиб гаплардан ҳайратланиб, ваҳимага тушган ҳолда, сесканиб ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. У беихтиёр дод-вой солиб, ҳар тарафга боқар экан, бу оташпарастлар бутхонасининг тонг нури билан ёришганини кўрди. Шундан сўнг, ўрнидан тура солиб эшикка томон чопди, шу орада ибодатхона бошлиғи — бараҳман ҳам келиб, эшикни очди. Бу ошуфта хаёл савдойи эшикдан ташқарига чиқаркан, кўрган тушини эслаб, шайдойи бўлиб қолди. У эртадан-кечгача беқарор бўлиб, доим зор-фиғон чекар эди. Бунинг аянчли аҳволини кўрган қовми — хайли ҳам изтиробга тушиб, ҳаммаси ич-ичидан куя бошлади. Бинобарин, улар икки ишбилармон киши олдига бориб:

«Сизлардан бирингизнинг сўзингиз жуда тўғри чиқди, яъни бу сарсончиликда юриб, ғариб телба бўлиб қолди. Бир

тадбир кўрмасангиз бўлмайди, илтимос қиламиз, ёрдам беринг!» — дейишди.

Бундан бошқа яна иккинчи ишбилармон, ақлда баркамол одам ҳам бўлиб, у иккинчи фикрни баён қилган эди. У Саъднинг олдига келиб, махфий роз билан илтимос ва илтижо айлади: «Мен сенга неча марта айтдимки, бу дардингга ўша иккинчи мўйсафид — устоз чора топади, деб. Тур ўрнингдан, ўша пирнинг олдига борайлик, шояд ушбу дарду ғамнинг ўша кишининг шарофати билан йўқ бўлиб ариб кетса!»

Саъд буларга ҳамроҳ бўлди, уни ҳамма сирдан огоҳ шу икки билармон киши бошлаб кетдилар. Булар тоғ бағрига, қоронғи бир ғорга томон олиб борар эдилар.

Ниҳоят, ўша ғорни топиб, қўрқув-эҳтирос орасида, иккита раҳшунос билан у ғорнинг ичига кирдилар. Ғорнинг ичида бир айвон бор бўлиб, уни тоғ қазувчи — кўҳконларнинг тешаси билан қазилган экан. Ахтарилган чол ғор ичида халқдан чекиниб, бир бурчакда мункайиб ўтирар эди. Унинг азиз жисмининг жавоҳири шу қоронғи кон ичида кичик бир оламни макон тутиб ўтирар эди. Унинг вужуди, паришон сочи остида, худди тун қоронғусида жаҳон кўринмай қолгандек, бекиниб қолган. Кўнгли ичидаги илми пинҳонийси эса, худди кон ичидаги жавоҳир каби яшириниб ётар эди. Бутун вужуди, шукуҳи ва табиатидан илм-ҳикмат ёғилиб турар ва дунёга келганига ҳам етти юз йил бўлмиш эди. Унинг бу дунёдан умиди бўлмагани ва дунёга ҳеч қандай хирс қўймагани каби, хавфи ҳам йўқ бўлиб, отини халойиқ Файлакус ҳаким деб атар эди. Бу пири аъзамни кўргач, ҳамма қўлини кўксига қовуштириб, ҳайратдан қотиб қолди. Бу барча нарсадан воқиф бўлмиш равшан фикрли ҳаким вужудини ёпиб турган сочларини кўтариб, юзини очди. Шунда, унинг юзининг нури, қуёш нури дунёни ёритганидек, бутун уйни ёритиб юборди. У олижаноб мезбонларга хос ҳаёлот билан меҳмонларга илтифот кўрсатди. Ундаги шукуҳ — салобат ва тамкинни кўриб, меҳмонлар ҳурмат юзасидан бошларини тупроққа қўйиб, унга сажда қилдилар. Пир Саъдга айтдики:

«Эй бахтиёр-саодатманд одам, бу шафқатсиз замондан сенга ҳеч қандай газанду шикаст етмасин! Зеро, мен сенинг жамолингни кўриш билан, ҳол-аҳволинг нечуклигини бошдан-оёқ фаҳмладим. Бошингдан кечмиш — саргузаштларингни мўйбамўй сен ҳикоя қилиб берасанми ёки сен хоҳламасанг, ипидан игнасигача мен айтиб бера қолайми?» — деди.

Замоннинг дардманди бўлмиш Саъд ер ўпиб айтдики:

•Ҳикматли гапларни Луқмони ҳакимлар яхши айтади, илтимос қиламан, Сиз айтинг!•

Шунда, у доно табассум билан бошини қуйи солиб, дилкушо бир такаллумга тил очди: бошлаб, унинг ёшлик даврларини, у замонда қилган баъзи ишларидан нишонаю мисоллар келтириш билан, афсонавор ҳикоя айлади. Шаҳари, мамлакати қаерлиги, ота-онаси кимлиги ва буларнинг меҳмондўстлиги ҳақида гапирди. Илм-фанни эгаллаш, ҳунар ўрганишдан тортиб, эл-улуснинг ҳолидан шафқат билан хабар олишларигача, саргашта бўлиб юрган ғариб-мусофирларга мол-дунё ҳадя қилиш билан улардан кўп ажойиб қиссалар эшитгани борми, ҳаммасини баён қилиб берди. Кейин, мана бу икки қиссанинг асири бўлиб қолгани ва бунинг машаққатидан қутулиш иложини тополмай, ўз кишвари ва диёрларидан кечиб, бу тарафларга келиб, ғариблик азобини чекаётганини тасвирлади. Ундан сўнг, дайр ичида ухлаб, туш кўраркан, унга икки қуш нималар деганини ҳам оқизмай-томизмай баён этди. Мана шу зайлда ҳамма воқеаларни худди кўрган кишидек бошдан-оёқ гапиргач, улар ҳайратдан ўз ҳушларини йўқотиш даражасига бориб етдилар. Пир бедил Саъдга кўп тасалли бериб айтдики:

«Сен менинг дийдоримни кўриш орзусида эдинг. Мана энди тушингнинг таъбирини ҳам айтиб бераман, мурод-мақсадингга етказиш тадбирини ҳам кўрсатаман. Лекин бу ишда шундай бир ҳолат борки, уни сенга айтишим ниҳоятда зарурдир. Масалан, сенга мендан қанча фойда етаркан, сен туфайли менинг ҳам мақсадларим ҳосил бўлади.

Мен ўша дайрнинг пешво — раҳбари эдим, яъни мен у бутхонанинг домла-имоми бўлиб, у ердаги аҳли ҳикмат менга иқтидо қилар эдилар. Мен доим ўша ерда ухлаб ётиш орзусида юрар эдим. Аммо, ниятимга эса, илм-ҳикмат ва ҳаёт фалсафаси монелик қилар, бинобарин, шу ҳақда хаёл суришдан нарига ўтолмас эдим. Оқибат натижада ҳавасим устун келди, ақлим эса, бу борада ўзини тадбиркор қилиб кўрсатди. Шу куни кечгача изтироб ва ҳаяжон ичида яшадим, кеч кириб қоронғу шуурсиз-беихтиёр у дайрга кирдим ва бир бурчакка ётиб, кўзимни чирт юмиб, зўрма-зўракилик билан ўзимни уйқуга солдим. Уйқуни орзу қилишим биланоқ, уйқу кўзимни ўз домига илинтириб, гирдобига тортиб кетди. Илоҳи, кириб ухловчиларнинг барчаси учун у дайр хайрли бўлсин. У ерда менинг тушимга шундай нарсалар кирдики, аввало, юз минг хил сурат жилваланиб, миямдан ақлни олиб қочди. Сўнгра, яна иккита қуш сурат нарса учиб келиб (сен ҳам тушингда шунга ўхшаш

нарсани кўрган экансан), хушнаволик ва ёқимли овоз билан сайрай бошлади ва охирида иккаласи тилга кириб гапираркан, бири: «Эй, бу дайрда ухлаш ҳавасига гирифтор бўлмиш одам, билиб қўйким, икки оёғингга банд-занжир тушади ва хушнудлигинг, ҳузур-ҳаловатингнинг шамъи сўнади, ватанинг қорниги гўрга айланғусидир!» — деди.

Иккинчи қуш айтдики: «Жуда ҳам ташвишланма, сенинг бошингда бахт-саодат юдузи ҳам порлайди. Вужудингла иккита қанот пайдо бўлиб учасан ва нажот водисига бориб етасан. Кимгаки қанот пайдо бўлгудек бўлса, шод-хуррамлик билан парвоз қилиш унинг учун ажабланарли эмас».

Шундан сўнг, бу икки қушнинг айтган сўзларидан сесканиб, кўзларимдан уйқу ўчиб, уйғониб кетдим. Кўнглимда шундай изтироб пайдо бўлдики, бу савдо мени хароб қилиб ташлади. Ваҳима ҳаёлимни олиб қочғач, бу тушга таъбир берадиган бир муаббирга муҳтож эдим. Бир мужда етиб, илҳом хушхабар бериб, бу тушни таъбирлай олмасмикинман, деб ўйлаб, миямда роса тасаввур қилиб кўрдим, иложи бўлмади, ақлим ҳеч нарсага бориб етмади. Шу каби бу тушга бирон кимса таъбир беролмас, ахтарганим билан бундай баркамол муаббирни ҳеч ердан тополмас эдим. Бу ташвиш натижасида жисим заифлашиб, аъзойи баданим ҳолдан кетди, машаққат жонимдан тўйғазди. Кўнглим доим изтиробда бўлгани каби, тану жоним муттасил азобда эди. «Бало хавфидан балонинг ўзи яхшироқ» — деган зарбулмасал қандай яхши айтилган экан-а! Жонимни ғам ва машаққат эзар, хавф-хатар ҳар онда мени ўлдирар эди. Давроннинг ранжидан иш шу даражага етдики, жонимдан қўлимни ювиб, қўлтигимга уриб қўйдим. Менинг мушкулимнинг ўлимдан бошқа тадбири йўқ, деган хулосага келган эдим. Шу орада бир Хизрга ўхшаш мўйсафид келиб қолди. Бу одамнинг дарвешларга хос ҳирқаси-кийими ҳам кўк, қўлидаги асоси ҳам кўк бўлиб, гўё у Хизр пайғамбарнинг ўзгинаси эди. У одам менга: «Эй, ваҳимадан ўзини йўқотган бечора, қайғурма, жонингга хавф-хатар ўқини урма! Тушингни мен йўяй, лекин мен билан шундай шарт қилгинки, қандай таъбир қилсам, сен шуни ҳеч бир эътирозсиз қабул қилгайсан, акс ҳолда ўзингни овора ва машаққатга қўйгайсан!», деди.

Мен унинг қаршида таъзим билан ер ўпиб: «Додимга ет! Кейин қандай ҳукм этсанг, этавер, розиман, ҳамма шартларингни жоним билан қабул қиламан, не десанг, ундан бўйин товламасликка ваъда бераман!», — дедим.

Шунда у дедик: «Жомаспнома» деган китобнинг рақам-

ларини кўздан кечириб, ундаги аҳком — хулосаларнинг маъини бошдан оёқ бирма-бир чақиб кўрсанг, унда шундай қиссалар борки, тушингнинг таъбири нима бўлишини ўшандан биласан-қўясан. Менинг шарт ва илтижойим шулардан иборат. Яхшилаб ўқиб ол, бошқа гапим йўқ. Лекин шарт шуки, бошқа ҳеч қандай илм билан шуғулланмай, фақат туш таъбири ҳақидаги илмнигина таҳсил қилгайсан. Сен у фанни эгаллаш учун ҳаракат қиласан, биз эса, бу бобда сенга муваффақият ва ривож тилаб турамиз. Кимки бу дайр ичида тунашни орзу қилса, туш кўриб, шу каби беқарор бўлади. Ишонгинки, сен мизожнинг дардини даволай оласан, бу ғамларингнинг давосини ўзинг топасан».

Шу гапларни айтиб тамомлагач, у пир ғойиб бўлди. Мен унинг оёқ изи ўрнига кўзларимни суркадим ва кўз ёшларимни тўқдим. Сўнгра «Жомаспнома»ни ахтариб топдим. У китобни очишим биланоқ, ҳалиги ўз аҳволимга тааллуқли жойига кўзим тушди. Унда шундай дейилган экан:

«Фалон замонда, бир кишининг мақсади илм-фанни эгаллаш бўлгани ҳолда, дайр ичига кириб, ухлаб, туш кўрсаю ўз бошини дарду ғуссага қўйса, бунинг чораси баланд тоққа чиқиб, қоронғу ғор ичида истиқомат қилмоқдир. Истиқомат қилганда ҳам юз йилгача у ғордан ташқарига чиқмай риёзат чекади. Шундай тадбир қилган чоқдагина, бандга тушиб ғорда ётиш ҳақидаги тушнинг таъбири юзага чиққан бўлади, яъни, юз йил ўтиши билан нажот топиб, жонига ҳаётдан мужда ва хушхабар етади. Шундан сўнг, унинг қоронғи шоми минбаъд тугаб, кўзини бир саодат юлдузи ёритади. Яъни шу лаҳзада, ишига дайр ичида банд тушган бошқа бир саодатманд одам пайдо бўлади. Бунинг исми шарифи Саъд ва жамоли қутлуғ бўлиб, Саъди акбар (Юпитер) осмонда унинг жамолига банд бўлади. Шу сайёра унинг қоронғи ғорига нур сочиб, унга кўрган тушининг таъбири нима эканини билдиради. Узлатга чекиниб ғорда ётган ҳаким унга таъбирини баён этгач, Саъд йўлга чиқиб, тезда ўз муддаосининг ҳосил бўлишига киришади. Шундан сўнг, тушига таъбир берувчи муаббирнинг ишига тушган банд ҳам ечилиб, у ҳам ўз муродига етади ва кўп ишлардан воқиф бўлиб, кўҳна фалакнинг мушкулларини ҳал қиладиган ва кашф этадиган бўлади. У ўз фикри билан осмони фалакни кезувчи, чархнинг боғ-бўстонида сайл-томоша қилувчи бўлади. У ўз тафаккури билан осмонга қўли этадиган ва уни ерга паст қиладиган бўлади. У, ғор ичида риёзат чекиб, нафсининг бутун истакларини барбод бергани учун, бутун жисмоний талаблари йўқолиб, руҳоний бир зотга айланади. Ҳикмат аҳд-

лари нима мақсадда бўлмасинлар, замон ҳодисалари уларга монелик қилади. Лекин, бунга эса, пурзие машъал — Қуёшдан тортиб, фалакда бўлмиш ҳамма нарсанинг сири ўз фикри билан ечиладиган бўлади.

Тушининг сўнги қисмининг таъбири эса, пирнинг хабар беришига қараганда, тубандагичадир: чарх фалак авжигача парвоз қилишига сабаб бўлмиш восита, унинг тушда кўрган, ўз эғнидаги икки қаноти бўлади».

Мен бу гапларни обдон идрок этгач, Хизр айтган сўз ёдимга келди. Мен тушга таъбир бериш илмини эгаллаш учун кўп ранж-машаққат чекдим, ниҳоят, ҳақ бу билим хазинасидан менга насиб ва рўзи айлади. Юз йилдирки бу ғор ичида узланишини бўлиб, халқдан ажралган ҳолда риёзат чекиб, эл-улуснинг мушкулени осон қилмоқдаман. Кимки бу дайрга кириб ётган бўлса, у ерда кўрган тушининг балосига қолди. Мана шундай саргашталарнинг ҳаммаси оқибат-натижада, келиб аҳволини менга арз қилди, мен уларнинг мушкулени осон айладим.

Менинг кўзим сенинг юзингни кўришга умидвору жоним ҳар нафасда сенга мунтазир эди. Мен агар қачон сенинг висолингга эришсам, жамолингни кўришим билан кўзим ёришиб кетишига ишонар эдим. Шукурлар бўлсинки, юз йил шу мурод-мақсад билан яшаб, бугун сенинг ташрифи қудуминг билан шу ниятимга етдим. Менинг бошимдан ўтган воқеалар шулардир. Энди мен сенинг тушингни баён қилишга киришгаймэн:

Тушингда бир қуш келиб, ғаройиб наво чекиб: «Сенга бир пари насиб бўлади», деди. У сабзпўш шоҳнинг қизи бўлиб, унинг оёғининг изи қуёш нуриддек кўзни ёритувчидир. Унинг пойтахти Шаҳрисабзда бўлиб, сипоҳ-аскарлари эса ер юзини қоплаб ётган сабзалардек беҳисобдир. Унинг бир париваш фарзанди бўлиб, парилар унинг ҳусини кўрганда паришон ва бесаранжом бўлиб қоладилар. Унинг юзини кўрганда париларгина эмас, жаннат ҳурлари ҳам унга камтарин бир канизак бўлишни орзу қиладилар. Унинг юзига пардоз берувчи — фалак машшотасидир, ҳусининг кўзгуси эса, фалакдаги қуёшдир. Балки унинг ҳусни қуёшнинг бир улуши бўлиб, қуёш кўзгусига ҳам ҳеч қандай муҳтожлиги йўқдир. Ҳусининг васфини айтишга тил сўзлашдан ожиз, юзини таърифлашда эса, ақл тили лолдир. Лаъли лаби ҳаётбахш зулолдир. Баданидаги либослари Хизр каби кўм-кўк райҳонийдир. Юзи парда ичида шундай жилваланиб турадики, гўё майса устида беҳишт гули очилиб тургандек. Шоҳнинг роҳат-фароғатининг сабаб-



чиси ҳам у, фароғатгина эмас, кўрар кўзи ҳам шу. Йўқ, у, шоҳнинг баландликда осмон тимсолидаги олий қалъасидир. У қалъа гўё бир буюк чўққи устида тургандек бўлиб, унинг минораси кўк қалъаси билан баҳслашаётгандек.

Шоҳ бу қўрғон ичида бир қаср ясаган бўлиб, у гўзал-офатнинг маскани шу қаср ичидадир. Қасрнинг атрофида учта ҳисор — қўрғон бўлиб, уларнинг миноралари осмони фалакка томон чўзилиб кетган. Ҳар ҳисорда биттадан буюк дарбанд — дарвоза бор, улар ҳам баландликда фалакка туташгандай. Лекин бу дарбандлар ҳеч қачон очилмас, атрофлари тамоман ўраб ташланган бўлиб, дарвозага яқинлашиш учун йўл ҳам йўқдир. Биринчи дарбанд орасида бир қўрғон бор, унда Қатрон отлиқ девсифат бир занги посбон туради. У шундай зўрки, қаршисида филнинг чумоличалик қудрати йўқдир. Хусусан, жанг вақтида у бир қаро балога ўшар, вужудидаги ҳар бир томири аждаҳога айлангандек бўртиб кетади. Бу занги шу қалъанинг посбони бўлиб, осмон посбонидек баҳайбатдир. Яна бундан бошқа иккинчи дарбандда бир табаррук ҳаким ҳам бўлиб, у киши доим китоб кўриб ўтирадилар. Бу ҳаким ҳар қандай илм-ҳикматдан хабардор олимдир. Хусусан, унинг жамолида диндору тақводорлик (парҳизкорлик) илми зоҳир ва намоёнидир. Шу зот иккинчи қалъадаги ҳамма нарсанинг ва барча ашъёларнинг мутасаддиси ҳамда нигоҳбон — назоратчиси дир. Булардан ўтгач, яна бир дарбанд келади, унда бир кампир бўлиб, у ўзининг афсунгарлиги билан хурсанддир. У бутун умр бўйи макр-ҳийла ишлатишнинггина машқ қилган. Маккорликда кўҳна чарх унга шогирд бўлишдан ожиздир. У кампир ҳам қаср атрофини айланиб, у тарафга ногаҳон бир ел эсмаслиги учун қўриқчилик қилади. У қаср устидан бирон қуш ўтмоқчи бўлса, ҳаётдан ажрайди, чивин учса, қаноти куяди. Бу қўрғон ичига шундай сеҳр ўти ёқилганки, у ўт алангасидан тошлар эриб, чашма сингари оқади.

Аслида, шоҳнинг тош юрак қизи бирон эркак билан жуфтлашишни хоҳламай, доим ҳаёл сурар эди. Бинобарин, у қиз шоҳдан бир мустаҳкам қўрғон қуриб беришни илтимос айлаб, ҳаммадан ажралган ҳолда, шу қўрғонда яшайдиган бўлди. Унинг ҳусни бутун даҳр — дунёга ғовға солган бўлиб, кўп кишиларнинг бошига бу гўзалнинг савдоси тушган эди. Кимки бунинг васлига етишни орзу айлаб, шу ҳақда гапиришни истаса, у шоҳ ёки шаҳзода ва ёҳуд ҳар қандай ишда тенги йўқ одам бўлишидан қатъий назар, гулчеҳра унга шундай шарт қўяр эдики, бу шарт у бечоранинг меҳрини яна алангалатиб юборар эди. Ёки ногаҳон унинг ҳисор — қўрғонига яқинлашиб, тўй ва

ақд — никоҳ ҳақида гап очса, у малика макр, адоват режасини тузар, ошиқ бечора эса, бунинг учта ҳисорини ҳеч бир тадбир билан ололмас эди. Масалан, борди-ю биринчи қўрғонга этиб келса, Қатронга қарши курашуви, унинг қўл-оёқларини бошдан-оёқ банд қилиши, шундан сўнггина унинг дарвозасини очиб кириши шарт эди. Сўнгра, иккинчи қўрғонга йўл оладиган бўлса, у ердаги ҳақимнинг саволига жавоб қайтара билиши лозим эди. У нимани сўраса, шунинг ҳаммасига аниқ ва равшан жавоб берсагина у ердаги мушкул осон бўлиб, иккинчи қўрғонни ҳам фатҳ этиб олиши эҳтимол эди. Ундан сўнг, учинчи қалъага томон от қўйиши лозим эдики, бу дарбандда ҳалиги афсунгар маккора кампир бор эди. Унинг сеҳру найрангларини илм-ҳикматнинг қудрати билангина ботил қилиб — йўққа чиқазиш мумкин эди. Сеҳрни ботил қилиб — бузиб ташлагач, учинчи қалъани эгалласа бўлар эди. Мана шу учта ҳисорни фатҳ этиб, унга ўзининг ғалаба байроғини тиккан одамгина у қаср ичидаги гўзал маликани ўзиники қилиб олиши мумкин эди. Аксинча, қайси бир қўрғонда енгилиб — асир бўлиб қолса, тошюрак маликанинг амри билан, уни ҳеч бир аямай қатл этар эдилар. Бераҳимлик ва хунрезлик тиғини унинг бўйнига тортиб, ўша онда ҳалок қилиб ташлардилар. Қонга беланган танасини итга ташлаган ҳолда, бошини қаср кунгирасига илиб қўяр эдилар. Бу етмагандек, у марҳумнинг моли мулкини талаб, қариндош-уруғларини ўз диёридан қувлаб чиқазар эдилар. Кунора шу хилда бир бечорани умри ва жонидан маҳрум этар эдилар. Қаср кунгираларининг устида қанчадан-қанча бошлар худди тошдек уюлиб ётарди.

Лекин сен ҳеч бир қайғурма, отингни ваҳима даштига қараб сурма. Зеро, ҳақ у гўзал офатни сенга насиб айламиш, ёр висолига етишинг учун ҳам фурсат етмишдир. Мен нимани таълим берсам, ҳеч қандай хавф-хатарсиз сен уни амалга оширмоғинг даркордир», деди ва яна: «Буларни ёдиндан чиқазма», деган гапларни ҳам қўшиб қўйди. Сўнгра, ёнида бир хосиятли муҳра (тошча) бор экан, шуни олиб, унинг қўлига берди. Ниҳоят, яна бир парча қоғозга хат ёзиб, уни ҳам Саъдга тақдим айлаб дедики:

«Тур ўрнингдан, энди тезда йўлга туш, ушбу иккита Хизр сифат ҳамроҳинг раҳбарлигида Шаҳрисабзга томон йўл олинглар, ўша диёрга бориб етгунча ҳеч ерда дам олманглар. У ерга яқинлашганингиздан сўнг у икки кўк кийим кийганлар, икки фариштадек, шоҳнинг олдига бориб, сенинг бошингдан кечган бутун аҳволни ипидан-игнасиғача унга арз баён қилсинлар.

Шоҳ сенинг муддаойингни бошдан оёқ тушунгач, бошлаб, Қатрон билан олишиб, жанг қилишни буюради. У билан кураш пайтида, ҳозир қўлингга ёзиб бермиш дуоимни, зинҳор-базинҳор тинмай такрорлаб тургин, муҳрани эса оғзингга солиб тупуригингни тинмай ҳасм тарафига қараб тупуриб тургин. Бу ёзувадаги дуолар сенинг шавкатингни оширгани ҳолда, душманинг вужудидан қуввату тоб-тоқатни тортиб олади. Муҳралик оғзингдан чиқиб, душман томон сачраган тупук эса, хасмингнинг уйқусини келтириб элитиб қўяди. Шу зангни мағлуб қилсанг; «мурод мақсадим юзага чиқди» — деб қувонавер. Ахир, ўша девсар занги мағлуб бўлиши билан биринчи қўрғонни фатҳ этиб қўлга киритган бўласан. Кейин, иккинчи бекик қўрғон сари қадам боссанг, у ерда Исо-Масиҳо нафасли табаррук камолот эгасига рўбарў бўласан. Аввал, у сенга малика ҳақида ва унга мубтало бўлиб, хароб ва ҳалок бўлган бечоралар ҳақида ҳикоя қилиб, сени бу йўлдан қайтишга ундайди. Шу пайтда сен ҳалиги мен ёзиб берган мактубни унга тақдим эт. Шу хатни ўқигач, у сени эъзозлаб, мен каби меҳрибончилик билан йўл-йўриқ кўрсатади. Сен шунга хурсанд бўлгинки, у ақл эгаси менинг шогирдим ва фарзандимдир. Хатни ўқигач, у менга шафқат ва марҳамат юзасидан, у афсунгар кампирни ҳам даф қилиш чорасини топади. Унинг сеҳр жодуларини ботил ва бартараф этгач, сенинг барча мурод-мақсадларинг ҳосил бўлгусидир».

Шу гапларни бошдан-оёқ гапириб бўлгач, Саъдни бағрига босиб қучиб, манглайдан ўпди ва шодлик билан яна тубандаги сўзни айтди: «Қувон, бизни хурсанд ва обод қилдинг, сен ҳам обод бўл. Энди, эрта кунни кеч қилмай, ўрнингдан туриб, йўлга туш. Йўл юрганда ҳам бирон жойда тўхтамай, жадал йўл бос!» — деб Саъд билан хайрбод айлади, бу қолиб, у шодлик ва қувонч билан йўлга тушиб кетди. Саъд тун-кун демай водийларни босар, икки Хизр сифат зот эса, унга йўлбошчилик қилиб борар эдилар. Шу юрганча булар ҳеч ерда таваққуф қилмай, Каш-Шаҳрисабзнинг чегарасигача бориб етдиларки, унинг тупроғи ҳам худди кўк осмон сингари ҳаво ранг эди.

Саъд, у икки раҳбарга, ўзининг келгани ҳақидаги қиссани мамлакат шоҳига бориб арз ва эълон қилишни буюрди. Узи эса, у ерда қолиб, юкларини ечди ва сабззор устига жой солиб ўтириб, дам олди. У икки киши шоҳ ҳузурига бориб, гап очишлари билан, шоҳнинг ҳурмат ва эътиборига муяссар бўлдилар. Саъднинг кимлиги, ҳол-аҳволи ва қиссасини шоҳга баён айладилар. Унинг фазл-камолотини ҳам бекам-кўст тавсифлаб

бердилар, қисқаси шоҳни ҳамма нарса ва воқеалардан хабардор айладилар.

Шоҳ бу икки кишини ҳам яхши танир эди, бошқача қилиб айтганда, булар шоҳнинг ходими ва яқин дўст — маҳрамлари эди. Буларнинг сидқидилдан гапирувчи ростгўй одам эканликларини ҳам шоҳ билар, бинобарин, уларнинг бутун гап-сўзларига шубҳасиз ишонди ва қаноат ҳосил қилди. Саъдни кўрмасданоқ шоҳ унга мушфиқ ва меҳрибон бўлиб қолди, чунки бу икки киши ниҳоятда садоқатли ва шоҳ ҳузурида баланд эътиборга эга одамлар эди. Шундан сўнг, ўз хизматкорларига:

«У томонга бориб, эртага меҳмонни бошлаб олиб келингиз!» — деб фармон берди.

Эртасига меҳмонни олиб келдилар, уни келтириш билан шоҳни хотиржам қилдилар. Шоҳ Саъднинг севимли дийдорини кўриб, ўз кўнглида унга нисбатан меҳр ва муҳаббат ҳис этди. Булар бир-бирларини эъзозлаб кўришишди, сўнгра, Саъд ер ўпиб, яна унга ҳурмат изҳор айлади. Ундан кейин, меҳмон олдига шоҳона таомлар тортилиб, ҳамма ундан еб-ичиб лаззатланди ва қаноат ҳосил қилди.

Уқоридаги иккита одам Саъднинг муддаоси нималигидан шоҳни хабардор қилган эди. Бинобарин шоҳ Саъдга қараб:

«Бориб дам олгил, чарчаган экансан, йўл ҳордигини чиқазгил. Бугун яхшилаб дам олгач, тонг-ля қўрғонга қараб юриш қил», — деди. Саъд ер ўпиб, у ердан чиқди ва ўз истиқоматгоҳига бориб, хурсандчилик базмига майл этди. У, моҳ чеҳра санамнинг хаёли билан, кўнгли истаганча май ичди. То кечанинг бир-икки қисми ўтгунча ишқ ва бода унинг юрагини қиздирар эди. Бошини май, кўнглини маҳбуб висоли айлантиргани ҳолда, ёр кўйини истар эди. Базм аҳллариининг ҳаммаси маст бўлиб қолди, уларнинг барчаси бирин-кетин уйқуга толди.

Саъд май таъсири билан уйдан чиқди, кўнгли эса, дилдор висолида эди. У, беихтиёр ёрининг тарафига қараб йўл олди, мастона ҳолатда у турган қўрғонга томон борар эди. Саъднинг бу хилда юришидан унинг одамлари Ғофил ва беҳабар бўлиб, у шу қоронғу кечада маст ва беҳуш кезар эди. У, йиқила-сурила, қўрғон атрофларини айланар, ошиқона оҳ-нолалар чекар, кўнгли ҳар нафасда қўрғонга киришни истар эди.

Мана шу пайтда хунхор занги қоп-қора тумандай тоғ орасидан чиқиб келди. У қалъа деворини айланиб қўрғонни қўриқлар, ҳеч қандай қўрқув ва хавф-хатар нималигини билмас эди. Тўсатдан унинг қулоғига бир товуш эшитилиб, ғазабидан бошига тутун чиқиб кетди. У тезда ўз қўлига қон тўкар хан-

жарини олган қолда, товуш эшитилган тарафга қараб югурди. Шунда у ҳеч қандай эс-ҳуши йўқ, нолаю фиғондан ўзга нарсани билмайдиган маст кишига йўлиқди. Аввал уни ўлдирмоқчи бўлган бўлса ҳам сўнгра, пинҳоний бир хаёл билан: «бу кеча уни боғлаб қўяйин, тонг-ла олам ёригач, маъракайи майдонга олиб чиқиб, кўпчилик ўртасида у билан кор-зор қилайин, бутун халқ ва катта-кичик ўртасида уни беомон зарб билан ўлдирайин. Бу ҳолни кўриб, бутун ғанимларнинг кўнглига ваҳима тушсин, менинг ғолиб чиққанганимни кўриб, душманларим хавф-хатарда қолсин», — деган хаёл билан хурсанд бўлиб, Саъднинг оёғига кишан солиб, занжирбанд қилиб ташлади. Қалъанинг ташқарисида бир ғор бўлиб, у худди қора гўр оғзини эслатар эди. Оёқ-қўли боғланган Саъдни, зolim занги мана шу ғор тубига ташлаб, ғорнинг оғзига бир оғир тошни бостириб қўйди. Нахс-бехосият занги ҳали қалъага кирмасданок маст Саъд ғор ичида учиб қолди.

Субҳидамда у уйғонаркан, ўзининг қандай аҳволга тушганини билди ва хаёлга чўмиб, кечаги ҳол-аҳволи ёдига тушди. Шунда, ҳов, ўша кўрган тушлари унинг эсига бир-бир тушиб, биринчи қушнинг айтган гапларини таъбир қилди. Доно пир бир хат ҳақида гапирган бўлиб, занжирбанд бўлганда уни такрор-такрор ўқишни буюрган эди. Саъд уни ўқиши билан аъзойи-баданига шундай бир қувват кирдики, бир ҳамлада оёқ-қўлидаги занжирларни узиб синдирди ва ғорнинг оғзига бостирилган тошни ҳам олиб ташлади ва қўлига ханжарини олгани ҳолда йўлга тушди. У худди ел каби тезлик билан югуриб борар эди, ниҳоят ўз манзилини топиб, хотиржам бўлди. У ерда дўстлари бағоят ғамгин ва музтар бўлиб ўтирар эдилар. Уларнинг барчасига хотиржамлик билан таскин ва тасалли берди. У аста-секин ва камтарлик билан йўлга тушиб, ваъда қилган жойига бориш учун отланди. Шоҳ ҳам майдонда бўлиб, девсор занги курашиш учун жанг майдонида жавлон уриб турар эди. Угина эмас, Моҳруҳ гўзал ҳам минора устига чиқиб, порлоқ қуёш Зуҳал юлдузига боққандай боқиб турар эди. Юз туман халқ у тарафда ўтирган ҳолда, Саъд бечорага ачинар эдилар. Дев эса, тутқун Саъдни чиқазиб, кўпчилик ўртасида ҳалок қилиш ниятида эди. Саъд жанг майдонига тушаётганда, занги уни зиндондан олиб чиқиш учун, қора ғор ичига қараб юрди. Саъдни кўриб, халқ ҳайратга тушди. Қатрон ҳам ўз банди-зиндонини ғордан тополмади. Бу ҳол Қатронни шундай ажаблантириб қўйдики, қаҳр-ғазабидан унинг вужудига ўт туташди. Занги ғордан чиқиб, тўсатдан Саъдни кўраркан, беихтиёр унга югурди, Саъд ҳам отидан

туша солиб, Қатроннинг йўлини тўсди. Хизрнинг дуо ва тарсияти Саъдга шавкат ва шижоат бағишлагани туфайли, у қаршисидаги ҳарифидан кучсиз эмас эди. Икковлари кураш майдонида шундай олишар эдиларки, гўё кучлари бир-бирларидан ортиқ-кам эмас эди. Шу орада Саъд ёнидаги муҳрани оғзига солиб, сувини душмани томон тупура бошлади. Бу тупук Қатронга шундай таъсир қилдики, натижада зангини беихтиёр уйқу босиб қолди. Унинг кўзи уйқуга кетаркан, Саъд уни ердан кўтариб олиб, чарҳпалак каби бошида айлантира кетди. Буни кўрган халқнинг ғирев — қийқириги осмони фалакка етди. Уни боши устида айлантириб-айлантириб шундай урдик, ерга ёпишиб қолди. Буни кўрган томошабинлар жунбушга келиб, фалак гумбазини акси садога келтирдилар. Саъд уни ерга қўйиб, халққа тубандагича савол айлаб: «Яна нима қилай? Марҳамат айлаб буюринг!» — деди.

Шундан сўнг, тезда уни ҳақимнинг ҳузурига бошладилар. Саъд жадаллик билан қадам босиб борар эди. Аввалги қўрғондан кетар экан, Саъд Қатрон бўйнидан ўз бандини олди ва иккинчи қўрғон дарвозасига қараб от сурди. Уни кўраркан, ҳақим мот бўлиб қолди. Саъд эса, шу онда Файлақус ҳақим ёзган мактубни унга тақдим этди. Хатни очаркан, устодининг стини кўриб, ўпиб, юзини ерга қўйгани ҳолда саждаи шукрона айлади. У ўқиб кўриб билдики, устози бу хатда ўзининг ва Саъднинг ҳол-аҳволини баён қилмиш экан. У қоғозга Саъд ҳақида шундай сипоришлар билан қалам тебратган эдики, ҳақим уни ўқиши биланоқ барча аҳволдан хабар топиб, Саъднинг босган изини ўпгиси келиб қолди. Шунда у: «Менинг сенга бирон гап айтишга ҳаддим ҳам ва иложим ҳам йўқ» — деди. Дарёдил пир кампирнинг сеҳрини бузиб ботил қилиш ҳақида ёзмиш эди. Буларнинг иккови шу гапларни муҳокама қиларкан, эл-улус бу суҳбатни йироқдан томоша айлар эди. Шунда доно ҳақим:

«У кишининг кампир деганлари мен томондан кампирга ўхшатиб ясалган шакл-ҳайкал бўлиб, унинг атрофига сеҳр билан ишланган латта-путталарнинг барчаси кўзга кўрингани билан ўзи мавжуд эмасдир. Сен ўша қўрғонга қараб юриб, дарвозадан ўтиш билан, у кампирнинг кўксига бир ургин-да, маҳраминг ҳарамига кириб, висолини томоша қилавер», деди.

Алқисса, ҳақим ҳам ўз тарафига ўтиб, қаршилиқ ўрнига йўл-йўриқ кўрсатгач, Саъд яна шоҳга мурожаат қилди:

«Энди яна нима иш қилайин, навбатдаги вазифам нима? Айтинг, билайин!» — деди.

Ҳаким ҳам Саъдга ёр бўлгани ҳолда, кампир тарафига йўл бошлади. Гарчи у ерга бирон кишининг кириши маҳол бўлса ҳам, кампир бўлган дарбозага бориб, осонликча ичкари киришди. Шунда, бу ишларни томоша қилаётган шаҳар халқининг ғала-говури ҳамма ёқни тутиб кетди. Зеро, кампир атрофида жуда кўп балолар бор бўлиб, улар орасида оғзидан ўт сочиб турган аждаҳолар ҳам кўринар эди. Саъд ҳеч қандай хавф-хатарсиз шахт қадам билан бориб, ўша ваҳимали кампирнинг кўксига зарб билан урди. Кампир чайқалиб, ўз еридан қўзғалиб кетди ва шу онда барча аъзолари бир-бирдан ажраб, тўкилиб тушди. У кўринишда одамга ўхшаш бўлгани ҳолда, латталарни бир-бирига ёпиштириш билан тикланган ясама одам эди. Афсун ва жодугарлик билан ипни аждаҳога, кийимларини ранго-ранг тусга ва олов шаклига айлантирилган эди.

Бу сеҳрларни бошдан оёқ ботил қилиб, кўзбоғлағичдан ибсратлигини фош этгач, Саъд яна шоҳ ҳузурига хиром айлади. Шоҳ уни қучоқлаб, юзларидан ўпди ва уни фарзанду ўзини ота деб эълон қилди.

Шоҳнинг жаҳоноро бир гулшани бўлиб, отини «Равзайн ҳазро» (яшил боғ) деб қўймиш эди. Шу боғда бир қаср бўлиб, буни «Қосри ахзар» (яшил қаср) дер эдилар. Шоҳ шу боғ ичиндаги қасрда халққа тўй бериб, Шаҳрисабз элини шод, масрур айлади. Шу кеча, қуёш билан тонг юлдузи учрашганидек, фаришта билан пари икковлари бир-бирларининг висолига эришдилар.

Кўп ўтмай озода шоҳ ҳам дунёдан ўтиб, шаҳзода Саъд унинг ўрнига шоҳ бўлиб ўтирди. У, ўз либосини ҳам, тожу таҳтини ҳам кўк билан беагани каби, иккита кўк кийимли кишини ҳам ўзига вазир қилиб олмиш эди. Гулруҳ эса, худди бўстон сарви сингари, райҳоний ранг ипакликдан либос кийиб олган. Саъд умр бўйи шод-хуррамлик билан ҳаёт кечиргани каби, унинг адолати соясида, мамлакат ҳам гуллаб яшнаб кетди.

Яшил ранг — баҳор рангидир, сабза ва ўтлоқзор рангидир. Ғам аждаҳоси элни азоблаган эди. У газанданинг кўзини эса, зумуррад қадаҳдаги май кўр қилди. Шўх пари сарвдек сўлим бўлиб кетди, унинг сабаздек мавж урган юзи элни ҳалок қилар эди. Хизр яшил рангга белангани туфайли, абадий умрга эга бўлгани ажабланарлик эмас.

Ниҳоят, ровий қиссасини шу ерга етказгач, Баҳром: «Эй маҳоратли мусофир, асли зотинг кимлигини баён айла!» деди.

Ровий айтдики: «Эй, баланд тахт эгаси, мен Шаҳрисабз халқининг фарзандиман ва Саъднинг авлодидан бўламан».

Унинг кимлиги аён бўлгач, шоҳ уни Шаҳрисабзга волий-ҳоким қилиб тайинлади. Мусофирни қайгудан озод қилди, ўзи ҳам осуда уйқуга кетди.

## XXVI

*Сешанба куни Баҳромнинг гулгун либос билан гулнорий қасрга кириб, шафақгун хуллалик (либослик) хуршид билан ёқутфом қадаҳда лаъл ранг май ичгани ва у лаъли-ю ёқутдан шодлик уйқусини келтирадиган дору сифатида фойдаланиб, майдан қизарган кўзини юмгани*

Сешанба куни тез юрувчи осмон юлдуз учқунларидан оламга гул сочди. Кўҳна чарх раъно рангга кириб, қизғиш булут билан юзига хина боғлади.

Шоҳ Баҳром гулгун тўн кийиб, гулгун уй ичига гулгун тахт ўрнатди. У гулгун қасрга кираркан, кўнгли гулранг бода ичишни истаб қолди. Сарв гулчеҳра шоҳнинг истиқболига чиқаркан, унинг барча либослари гул каби қизил ипакликдан эди. У гулранг тахтга ўтириб, лаъл ранг жомга гулфом бода қўйди. У, шоҳ билан гулгун май нўш қиларкан, май уларнинг чеҳрасини гул-гул очилтириб юборди. Шу ўтирганча булар гулрухсор қуёш тоғ чўққисидан ўз юзига парда тортгунча ичиб ўтиришди. Бода ичаверганидан шоҳнинг кўзи қизариб кетган бўлишига қарамай, кўзига уйқу келмас эди.

Лекин катта йўлда туриб, учраган сайёҳ ва мусофирларни шоҳнинг ҳузурига олиб келиш учун тайинланган маъмурлар, сўзлаганда кишини сеҳрлаб қўядиган бир жаҳонгашта афсунгарни топдилар ҳамда уни олиб келганликларини арз қилиш билан, шоҳнинг бу ҳақдаги ҳукмини ижро этдилар. Шоҳ:

«У парда орқасида ўтириб, дашт-биёбонларни сайр қилиб юрганда кўрган кечирганларини бошдан оёқ гапириб берсин!» — деди. Саёҳатчи ҳам бу ҳукмини эшитаркан, ҳамд-сано билан сўз бошлаб: «Шоҳнинг бахт-иқболи чегарасиз бўлсин, юзи доим саодат жоми тўла май билан гулгун яшнасин. Ўзи илгида арғувоний-қизил май бўлгани ҳолда, итининг олдидан душман қони аримасин!» — деб дуо қилди.



*Тўртинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг суҳангузорлиғи (айтган сўзлари)*

У мусофир дуо билан сўз бошлаб айтдики: «Қадимги замонда Деҳлида бир шоҳ ўтган бўлиб, у, дунё шоҳларининг энг яғонаси-ю, дунёнинг бутун кишвари унинг ҳукми остида эди. Унинг хазина ва дафиналарининг ниҳояси йўқ, мамлакат ва халқининг ҳадди ҳисоби ҳам йўқ эди. Мамлакатининг майдо-ни кенгликда чарх — осмон билан барабар. Ўзга шоҳларнинг отидан ҳам фили кўп эди. Ўзининг адлу инсофи билан бошқа шоҳлардан ажраб турадиган у шоҳнинг номи Жуна эди. У элга инъом-эҳсон бериш билан машҳур бўлгани туфайли, бутун олам уни саховаткор шоҳ деб биларди. Эл-улуснинг фаровонлиги учун юз минглаб олтин-кумуш ва казналарни аямасди. Сўз санъаткорлари агар бир бадий асар яратса, уларга ҳам мукофот тариқасида казналар ато айларди.

Унинг ҳақида шу ҳикоя машҳурки, чархнинг бу кўҳна дунёсидан бошини олиб узлатга чекинмиш ва тоғу, тошу, дарёю, денгизларни босиб ўтмиш бир муҳтож одам кунларнинг бирида унга бир сават олмурд олиб келарди. У олиб келган нарсасининг муздини — ҳақини бир неча кунлаб кутишига қарамай, жавоб бўлмаганидан, ғоятда дилтанг эди. Бир кун шоҳ: «У бечорани топиб, нимага муҳтожлигини сўранг» — деб буюрди. Буни суриштирилганда, — гадо: «Мен бир арра-ю, бир тешага муҳтожман, холос», деди. Шоҳ бу гапнинг тагида не мазмун борлигини суриштирди. Шунда у фақир: «Ҳикмат шундаки, қаерда шу каби мева дарахти бўлса, ҳаммасини кесиб, нобуд қилиб ташламоқчиман!» — деди. Шоҳ бу гапнинг замиридаги маънони тушуниб, бир мамлакат молини унга бахшиш қилиб юборди. Бу берилган дунёни ҳисоблаганда ўн лак (юз минг)га барабар келар, ҳар бир лак эса, ўн туман (ўн минг)дан иборат эди. Бинобарин, вазирлар бир баҳона топиб, шоҳни унга берилаётган хазина томон олиб бордилар. Улар: «Агар шоҳ бу хазинани ўз кўзи билан кўрса, гадога беришдан қайтиб қолар» — деган хаёлда эдилар. Шоҳ бориб, уни кўраркан, вазирлар не муддао билан бу хазина тепасига олиб келганини фаҳмлаб: «Бу оз экан, икки барабар қилиб кўпайтириб беринглар!» — деб буйруқ қилди. Шоҳнинг бу каби инъом-эҳсонлари ўн юз ва минглаб эди.

Ҳимматининг даражаси чарх янглиғ баланд, эҳсон бултидек дур сочувчи бўлмиш шоҳ бир кун бир ғариб меҳмон билан суҳбатлашди. Меҳмон бир кўзгуни туҳфа қилиб келтирмиш эди. У фан-ҳикмат мўъжизаси шундай ажойиб эдики, ким унга боқиб туриб сўзласа, гапи чин бўлса, юзи оқ ва ёлгон бўлса қаро бўлиб акс этар экан. Бу ойинани анча киши озмойиш қилиб кўрди, тажриба ҳақиқатан, унинг юқоридаги ҳикматга эга эканлигини тасдиқлади. Шоҳ у ойинани келтирмиш кишига шунчалик кўп мукофот бердики, бошқалар унинг ўндан бирини ҳам бермас эди. У шунча мол-дунёни эҳсон қилгач, сўзининг охирида тубандагича савол айлади:

— Сен оламни бошдан-оёқ кезган ва оламда кўпгина одамларни кўргансан,— деди шоҳ.— Лекин, қани, айтчи, дунёда мен каби бир сахий бўлганини эшитганмисан ва ёки мендек бир саховаткорни кўрганмисан?

Шоҳнинг бу саволини эшитаркан, у беҳад андишага бориб, не дейишини билмай, ўйлаб қолди. Ҳа, деса шоҳга қаттиқ тегиши, йўқ деса ҳақиқатга хилоф бўлиши мумкин эди. Оқибат-натихада чинини айтишдан ваҳимага тушиб, ёлгон жавоб беришга қарор қилди. Ва:

— Дунёда мен елиб-югурмаган ер йўқ, лекин, жаҳонда сендек сахийни кўрган эмасман,— деди.

— Шу ростми?— деди шоҳ.

— Рост,— деб жавоб берди сайёҳ.

— Буни кўзгуга қаратинг!— деди шоҳ.

Уни ойнага қаратган эдилар, ойинада юзи қаро бўлиб кўринди. У ҳижолатидан ерга қараб қолди, шоҳ ҳам бу ҳолатдан шармисор бўлгани ҳолда деди:

— Эй гўзал хулқли сайёҳ, сенинг уятингга биз сабабчи бўлдик. Ёлгон гапирганинг учун кўзгуда юзинг қаро кўринди, биздан андиша қилмай, чинини айтавер, яхши бўлади.

— Кўрдим,— деди сайёҳ.

— Кўзгуга боқ!— деди шоҳ. Кўзгуга боққан эди, юзи оқ — аслича кўринди.

— Айт!— деди шоҳ.— Бу каби саховаткор одам ким экан?

— Эй баланд тахт эгаси!— деди ровий.— Буни айтмасдан энди иложим йўқ. Бунинг ҳикояси жуда узун, бинобарин, ҳаммадан холи — хилват жой бўлса яхши эди. Шунда, шоҳнинг амри билан мажлис аҳли чиқиб кетиб, шоҳ билан ровийга уй холи бўлиб қолди. Кейин ровий ривоятни шундай бошлади:

— Ҳиндистонда бир шаҳар бор бўлиб, у оламнинг жаннатига ўхшайди. У шаҳар сенинг мамлакатинг ичида бўлиб, у ернинг мол-дунёси ҳар йили сенинг хазинангга келиб тушади.

Унинг тавсифи бениҳоя гўзал бўлиб, номи Тароздир. Кўриниши эса, кишини мафтун этадиган даражада дилкашдир. Шояд, сен у ерларни кўрган, жуда бўлмаса, васфини эшитган бўлсанг. Шоҳ айтдики:

— У шаҳарни кўрган эмасман-у лекин эл-улусдан таърифни эшитганман. Сен ҳадисингни бошлаб, кўрган-билганларингни айтавер.— Кейин ровий шундай ҳикоя қилди:

— У беҳиштосо бир шаҳар бўлиб, у ердаги дов-дарахтлар ҳам худди жаннатникига ўхшаб, фалакка барг ёзиб турар эди. Бу шаҳардаги боғ-бўстонларга, Кавсар сувини эслатадиган, ҳар тарафга Салсабил дарёсидек оқиб турадиган анҳорлар сув берар эди. Ҳавоси равза (жаннат)ники сингари жонпарвар, сувлари кавсарники каби равон оқар эди. У ердаги одамларнинг касб-ҳунари боғ-роғлар қилиб, уларга оро бериш ва парвариш қилишдан иборат бўлиб, ўрмонлари ҳам боғларидан гўзалроқдир. Бу шаҳарда бирон киши йўқки, унинг бўстони ва гулистони бўлмаса. Ҳар киши ўз боғини ҳоли-қудратига яраша гуллатиб-яшнатган ва зеб — оро берган. Шоҳ ўзига адолатни фан қилиб олгани туфайли, эл-улус шу хилда бойиб, фаровон ҳаётга эга бўлган. Шаҳар ва кўчалар ҳам гулзору кўкаламзор бўлиб, беҳиштдек обод, эли эркин ва озод, уйлари ҳам қаср — кошонани эслатади. У халқнинг мол-дунёси шундай кўпайиб кетганки, хазиначарини қўйишга вайрона тополмайдилар.

Бу шаҳарда бир ёш йигит бўлиб, унинг тавсифини минглаб сўз санъаткорлари ифодалай олмайдилар. Ҳуснда уни меҳри осмоний деса бўлади. Лутф-марҳаматда эса, оби ҳаётнинг ўзгинасидир. У ҳали ёшгина-ю, аммо илм-камолотининг чегараси йўқ. Асли яратилишда у тўла ақлга, туғма камолотга эга бўлган. Унинг пок табиати софликда худди кўзгудек ёруғ ва жўягида сабзалар мавж уриб турган ариқ сувидек тиниқ. Унинг ҳар қандай гапга ақли-фаросати этади, гапларининг замирида эса чуқур ҳикматли маънолар ётади. У, истеъдоди зўрлигидан, ҳамма фанни осонлик билан эгаллаб олган, шу жиҳатдан, фан аҳлларининг унга эҳтироми бениҳоя-ю ихлоси баланд. Бунчалик саодатманд одам йўқ даражада. Унинг юлдузи саъд — бахт бўлганидек, оти ҳам Масъуддир. Тангри таоло ундан фазлу камолотни ҳам, молу дунёни ҳам — ҳеч нарсани аямаган. Агар у гулранг бода ичиш учун гулзорга кирар экан, ҳамма гуллар яшнаб, очилиб, унинг базмида мунис-улфатга айланадилар. Гуллар унинг оёғидан бошигача ўз баргларини сочиб, бошдан оёқ гулга ўраб ташлайдилар. Гардун-фалак гул фаслини тугатаркан, у, гул баргига ўхшаган

ҳарир матолардан гулгун либослар тактиради ва унга муаттар ҳидли мушк ва атрлар сепеди. Кийимларининг рангги худди гулу гул баргига ўхшагани каби, ўтирадиган жойи ҳам гулфом ва шинам қилиб безатилган. Раҳба (саҳна)ларда бир неча гулчеҳра гўзаллар осмон айвонидаги қуёшга ўхшаб, рақс тушадилар. Уларнинг юзлари ҳам гулгун, ранг, упалик билан пардозланган бўлади. У ҳар қачон ўйин-кулгига берилиб, гулфом қасрнинг саҳнасида базм тузадиган бўлса, айш-ишратнинг гули очилади, бошидан гуллар сочилади. Унинг базмини ким томоша қилган бўлса, жаннатдаги фирдавс боғини орзу қилмай қўяди. Унинг ишларини қисқа ва чалакам-чатти баён айладим. йўқ, юздан биринигина, жаста-жаста (яккам-дуккам) тасвирладим. Унинг саховати ҳақида мен оғиз очолмайман менгина эмас, юзлаб Хотамлар тирилиб келса ҳам, бари бир унинг сахийлигига тан беришлари шубҳасиздир».

Ҳикоя айтувчи мусофир шу ерда ўз нуктасини бас қилди, аммо, бу қисса Жунанинг сабру қарорини олган эди. Унинг хаёлида бу нодири даврон йигит томонига бориб, барча ишларини ўз кўзи билан кўриш ҳаваси туғилган эди. Бинобарин Жуна:

«Мен бир ҳафта дам олмоқчиман, бу фурсатда ҳарамсаройда (канизлар хонасида) май ичиб, ором олғумдир. Хизматкорларимга ҳам озодлик бераман, улар ҳам ўз уйларида бола-чақалари билан ўйнаб-кулсинлар», — деди.

Одамларини шу баҳона билан тарқатгач, бахтиёр шоҳ ҳалиги тарафга қараб азм этишга жазм қилди. Ҳарамини ўзига хос кишиларга топширди, уларнинг ҳар бирига айтадиган гапларини айтди ва зарур ишларни буюрди. Унинг бир оти бор эди, тезликда унга яшин ҳам бас келолмасди. Шу жиҳатдан унинг отини «Сариус-сайр» («Тез учар») деб атаган бўлиб, учишда қуюнни ҳам орқада қолдириб кетарди. У ҳафталик йўлни бир кунда босар, яна шунча йўлни бир тунда кезар эди. Ботир шоҳ кийим-кечакларини ва қиёфасини ўзгартириб, ўзини биров танимайдиган шаклга киритиб, ўша отига сакраб минди. Жаҳд-жадал билан юриб, юз йиғоч йўлни икки кунда босиб, кўзлаган манзилига етиб олди. Бу шундай шаҳар эдики, гўё беҳишт боғининг ўзи бўлиб, тупроғи хушбўйликда ифордан қолишмасди. Юқоридаги мусофир қандай таърифлаган бўлса, зеб-зийнатда ундан юз карра ортиқ эди.

Жуна Масъуднинг зиёфатида еб-ичиб роҳатланиш ниятида эканлигини айтиб, унинг уйи қаердалигини сўради. Сўнгра, уникига бориб қараса, уйи буюк бир қаср бўлиб, унинг ший-

пону айвонлари осмон каби баланд ва муҳташам экан. Ҳовлиси одамларнинг гала-ғовури ва қий-чувлари билан тўла. Эшикда бир қанча мулозимлар келган меҳмон-мусофир ғариб-ғурабони кутиб олиш, уларга хизмат қилиш билан банд. Улар Жунани ҳам бир ғариб мусофир деб ўйладилар ва лекин ҳолаҳвол сўрашаркан, бунчалик эмас, деб билдилар ва олдига тушиб, ичкарига бошладилар, уни иззат-икром билан меҳмонхонага олиб киргач, отини ҳам отхонага боғлаб, ўзини қасрга томон йўлладилар. Бу қаср меҳмонхона бўлиб, тўшама ва палосларининг ҳаммаси шоҳона эди. Жунани шу ерга ўтқазиб, олдига гуно-гун ноз-неъмат ва таомлар тортдилар. Шу орада мезбон ҳам унинг ҳузурига кириб, «Хуш келибсиз!» — деди. Кўринг, қандай улуғ меҳмону қандай олижаноб мезбон, ҳайҳот! Масъуд меҳмонни эъвозлаб кутишда жуда нодир эди. У Жунага бағоят одамгарчилик кўрсатди. Унинг гўзал хулқи ва баркамол ақли Жунани ожиз қилиб, ҳайратда қолдирди. У иззат-ҳурмат ва сипориш билан унинг кўнглини сўраб бўлгунча, меҳмон овқатланиб, таомдан қўлини артди. У Жунанинг кўнгли ва раъйини билиб олиш учун кўп илтифотлар кўрсатиб: «Кўнглингиз май — бода истамайдими?» деб сўради. Унинг рағбати борлигини билгач, хурсанд бўлиб, дастурхонни хилма-хил майлар билан беади. У шундай бир ажойиб зиёфат ва базм туздики, бундай ўхшаши йўқ базм бўлганини кўхна фалак ҳам эслолмаса керак.

Қаср ёнида бир ҳаммом бўлиб, унинг тўшамалари яшил ва кулранг мрамор тошлардан ясалмиш эди. Шиша ўрнига гўё оламга нур сочиб турган қуёшни ўрнатган. Ҳовузлари ичида эса сув ўрнига гулоб оқизиб қўйгандек эди. У меҳмонни шу ҳаммомга кириб, йўл гарди-ғуборидан баданларини ювишга илтимос қилди, шоҳ бунга жуда талабгор эди ва жони-дилдан қабул айлади.

Жуна ҳаммомга кириши билан у ердаги гўзаллик, қулайлик ва яхши шароитларни кўриб, рўҳатланиб кетди. Зеро, бундай ажойиб ҳаммом бунинг мамлакатада йўқ эди. Бинобарин, инсоф юзасидан, Масъудга тан берди. Ҳаммомнинг тослари зарнигор ва қуёш мисол бўлиб, унинг дасталари худди ой сингари кумуш ранг эди. Лунгиларига мушк ва анбар каби ифторлар сепилган, қозиклар оралиғида ип эмас, зар толалари тортилган. Ҳаммомнинг хизматкорлари янги очилган гулга ўхшайдилар, ўзлари ҳаммомда бўлсалар ҳам парини эслатар эдилар. У ердаги ҳар бир ходим дилкаш, қизиқ ва хушсухан бўлгани каби, ҳар бир нарса гўзал ва инжа-нозик эди. Озода шоҳ мана шу покиза ҳаммомда ювиниб, вужудини йўл гарди-

дан поклади. У, ҳаммомдан чиқмоқчи бўларкан, унинг учун тоза, гулфом ҳуллалар келтириб қўйилган бўлиб, меҳмоннинг бу кийимларни кийиши зарур эди. Жуна гулгун ҳарир кийимларни кийди. Энди унинг тўни ҳам Масъудники билан ҳамранг бўлди, шундан сўнг, Жунани базмгоҳга қараб олиб бордилар.

Базмдаги ноз-неъматлар худди беҳиштникига ўхшар, соқийлари ҳуру, майи кавсар сувини эслатарди. Шоҳни меҳмонхонага бошлаб олиб келинган, аввал уни ўтқазиб, кейин, эҳтиром билан Масъуд ўтирди. Мажлис аҳлининг барчаси гул юзли бўлгани каби, ҳаммасининг либоси ҳам гулнорий эди. Масъуднинг ишораси билан, қадди-қомати келишган соқий меҳмонга гулгун бода тутди. Ичиш бошланиб, пайдар-пай бир неча қадаҳ айланган, май мажлиси аҳлининг бошини қиздирди. Шоҳ ўз замонининг нодир кишиси ва илм-фандан баҳраманд, ғоятда билимдон одам эди. Шунга қарамай, бу ердаги ажойиб ва кўркам зиёфатни кўриб, базмнинг шавқи завқидан ўзини йўқотгудек бўлди. Шоҳ ҳар доим ўз ҳифз-сиҳатига риоя қилар эди. Энди, боши май билан қизигач, ақлига путур етиб қолди. Унинг кўнглида сабру қарор қолмади, гап-сўзлари ҳам пойинтар-сойинтар эди. Шоҳнинг оғиз қутиси очилиб кетиб, эзмаланиб, ҳеч кимга гап бермай қўйди. У шундай сўзга берилиб кетдики, мезбон оғзини очиб, ҳайрон бўлиб қолди. Ниҳоят, шоҳ Масъудга шундай савол билан мурожаат қилди:

«Эй, қутлуғ одам, юзинг ҳам исми-шарифинг сингари масъуд ва муборак экан. Мен, ўзимни Ҳиндистон ичида эмас, оламни саёҳат қилиб юрган бир сайёҳдек ҳис қилияпман. Бу даражада билим ва салоҳиятни, эл-улусга бунчалик ҳурмат, уларга саҳийлик билан иззат-икром қилишни тангри сенга насиб ва рўзи айламишки, келгусида ҳимматинг бундан ҳам афзун бўлғай! Жаҳонда бўлмиш кишилар орасида бунчалик олиҳунмат кимсани кўрмаганман. Бинобарин, сенинг олижаноблигинг қаршисида чуқур фикрга шўнғиб — ҳайратда қолдим. Бундай фазилатларга сен қайси йўл билан эришдинг? Шунга айтишингни илтимос қиламан! Акс ҳолда, мен сендан хурсанд бўлмайман».

Масъуд айтдики: «Эй, очиқкўнгилли одам, сен сўраган гапларга менинг жавоб беришим шарт. Билгинки, бундай фазилатни менга тангри ато айлади. Модомики, тафсилотини билишни истар экансан, жавобимни эшит:

Бизга қандай киши шоҳ бўлса, у оллоҳнинг олам аҳли бошидаги соясидир. Тангри шоҳимизнинг умрийи узоқ қилсин ва унинг жоҳ-салтанатини бошимиздан олмасин. Бизнинг под-

шоҳимиз ниҳоятда адолатли бўлиб, унинг адли бутун жаҳон элига маълум ва машҳурдир. У зулм ипларини тамоман узиб, адл тузумини бунёд айлади. Унинг сояйи давлатида замон аҳли тинчлик ва хотиржамликдан ўзга нарса кўрмади. Маълумингиз, мамлакатда шу икки ҳолат барқарор экан, мамлакат эли орасида дўстлик — аҳллик ривожланади. Ҳунар тараққиёти ҳам, илм-фазилатга эришиш ҳам тинчлик ва хотиржамликнинг шарофатидир. Биз шундай бахтга шоҳимизнинг жоғу ҳашамати соясида муяссар бўлдик. Менинг элдан зиёдлигим юқоридаги эътиқодим билан фарқ қилса керак. Шунингдек, мен ҳозиргидек бахт ва обрўга эга бўлишимга икки нарса сабабчи, деб биламан. Бунинг бири, тангрининг шукрини бажо қилишим бўлса, иккинчиси, шоҳ ҳақиға дуо қилиб, яхши тилак тилашимдир. Бу икки ҳолатни фаҳмламаган ва унинг шукрини қилишдан ғофил бўлган кишилардан нима ҳосил кутиш мумкин? Мен шу икки нарсани фаҳмлаб, қадрлаганим туфайли, ҳозиргидек бахт ва обрўга муяссар бўлиб турибман».

Бу сўзлар шоҳнинг кўнглини шундай кўтариб, шодлантириб юбордики, юрагига сиғдирилмай, дод дегудек бўлди. Масъудга нисбатан унинг кўнглида меҳр-муҳаббат барқ урди. Унинг ғўзал хулқи ҳам шоҳни ҳайратга солган эди. Шоҳ худди эртақларда тасвирлангандек хушҳол бўлди. Зеро, Масъуд ўз фасоҳати билан ҳаммани лол қилмиш эди.

Меҳмоннинг фазлу донишда замонасининг яктоси эканини Масъуд кўриб, ташриф буюргани учун, изҳори ташаккур сифатида, унга жонини фидо қилгудек бўлди.

Баногоҳ, Масъуднинг ҳар тарафга савдогарчилик қилиб кетган тожирларидан биттаси шу кунни сафардан қайтиб келган бўлиб, ҳаддан зиёда фойда келтирган эди, аммо Масъуднинг бу ердаги фойдаси эса, унга неча барабар келар эди. Масъудга тангри берган фойдани бир мамлакат хирожиға тенг дейилса, арзигулик эди. Ўз кўнглини шу хулоса билан хуш қилиб, тожир келтирган фойдани шоҳга пешкаш-тортиқ қилди. Шоҳ қисса айтган мусофирнинг сўзларини эслаб, бу муомаладан шодланмади ҳам, хафа ҳам бўлмади. Мезбон яна базм ташкил қилишга киришиб: «Унта ҳур омборларнинг эшигини очсин, қувонч билан халойиқ бошиға гулчечаклар сочсин!» — деди. Гарчи, у фурсат куз фасли бўлишиға қарамай, эсиб юрган насим меҳмонлар устидан гул соча бошлади. Ҳамма ёқни атир гуллар билан безаб, меҳмонхонани беҳишт гулистонига айлантириб юборди. Гулгун либослар киймиш гулузор нозанинлар гулранг жомларда ҳаммага май ту-

тар эдилар. Шодлигидан шоҳнинг юзи гул-гул ёнган ҳолда, ҳаяжони дам-бадам ортиб борар эди.

Шу аснода Масъуд бир тарафга қараб имо қилган эди, бир гулузор жилва билан пайдо бўлди. Унинг қўлидаги жом худди хуршиддек бўлиб, бундай жомни Жамшид ҳам кўрмаган эди. У гўзал шу қадаҳни тўлдириб, шоҳга узатаркан, у жом уйни худди қуёш янглиғ ёритиб юборди, шунда Масъуд айтдики:

«Бу жом шундай хосиятга эгаки, бир тўлдирилса, ичган билан бўшамайди. Масалан, бу қадаҳни пайдар-пай ўнг томондан айлантирилса қанча ичилгани билан, майи камаймайди. Қадаҳ тўлгач, сўл томонга айлантирилгудек бўлса, ичилишига қараб камаяверади. Бу жомни ясаган олимлар шундай тилсим билан беаганлар». Шоҳ бу қадаҳни синовдан ўтказаркан, унда шу хислат борлигини ўз кўзи билан кўрди. Бу ғалати жом шоҳни бодапараст қилиб қўйди, у кўп май ичмасданоқ, шоҳ унинг кайфи билан маст бўлиб қолди. Сахий мезбон бу тилсимли жомни ҳам меҳмонга тақдим этди. Кўринг, у қандай саховатпеша экан! Шоҳ у қадаҳ билан май ичаркан, хурсанд бўлар ва маст-аласт бўлгунча ичгани ичган эди. Шу йўсунда у кунни тунга улади, кейин ухлаб, ором олди. Ниҳоят, тонг ринди (қуёш) сабуҳий қилишга майл этгач, (яъни тонг отабошлагач) қуёш майи (нури) унга тоза руҳ бағишлади. Шунда, улар ҳам тонгда май ичувчилар каби, ўринларидан туриб, сабуҳий ичиш билан ўз дилларини хушладилар. Бу мажлис ҳам кундузга уланди. Базм шундай қизиган эдики, эл ўзининг ақлини ҳам, ҳиссини ҳам унутган эди. Бугун гулжабинларнинг май айлантериши кечаги кунга қараганда ҳам сертакаллуфроқ бўлди. Гулгун қасрда эл бошидан гул сочавериб базмда ўтирганларни гулга ўхшатиб қўйилган эди. Яна Маъсуднинг ишораси билан, хизматкорлар югуриб бориб, базмга ажойиб созлар келтирдилар. Соз билан баравар уни чаладиган дилнавозлар ҳам келдилар. Бир сарви гулжабиннинг сози чанг бўлиб, ўзининг гул юзида гулранг парда бор эди. Шунини келтириш билан Масъуд: «Созини қўлга олиб, юзининг пардасини очиб, чалсин!» — деди. У ҳур ўтириб, юзидан бурқаяни очар экан, эл ақлу ҳушидан ажраб қолди. Кейин, чангнинг торини фиғонга келтираркан, у ерда ўтирганлар жон бердилар. Бу гўзал, шоҳни ҳам худди бошқалардек асир қилдики, у ҳам чангга қўшилиб, фиғон чекар эди. Масъуд бу ҳурни ҳам шоҳнинг олдига олиб келиб, лутф-эъвоз билан узрхонлик қилгани ҳолда, тунови кун молу матолар тортиқ қилгани сингар, буни ҳам унга тортиқ айлади. Бу кун ҳам шу хилдаги



эъзэз икромлар билан ўтиб, яна базмдаги мастлар ҳам, соғлар ҳам уйқуга кирдилар. Яна эртасига айш-ишрат давом этиб, аввалги икки кундагидан ҳам қизгин базм бўлди. Яна май ичмоқ ва гул сочмоқ давом этди, яна май чеҳраларда гул очди. Зебу зийнат бурунги кундагидан ҳам кўпроғу айш-ишрат ундан ҳам зиёдароқ бўлди. Яна карамли мезбон амри билан шамолга ўхшаш чаққон бир мулозим ўрнидан туриб, югуришда яшиндай тез бир от олиб келди: унинг қадами Хисрав Парвезнинг «Шабдез» номли отидан ҳам илдам бўлиб, ранги қипқизилу оти «Гулгун» эди. У шундай гўзал париваш бўлиб, девсифат, балки дев билан паридан тарқалган бир улов эди. Унинг вазоҳатидан ақлу ҳуш ҳайратга тушар, у майни сув ўрнида ичар, найшакарни эса, хашак ўрнида ер эди. Унинг ҳар бир ташлаган қадами ўзга отларнинг ўн қадамичалик бўлиб, бир кеча-кундузда юз ёғоч масофани босиб ўтар эди. Киши худди дев-париға йўлиққанда ўзини йўқотганидек, уни кўриш билан ҳамма ақлдан озиб қолди. Масъуд аввалги туҳфалари сингари, буни ҳам шоҳнинг олдиға олиб бориб, унга совға қилди. Аввалги ҳамма туҳфалардан шоҳ мамнун бўлган эди-ю, аммо, бу отдан бағоят хурсанд бўлиб, қувониб кетди. Бундан ташқари, яна аввалги икки кунгичалик келадиган мол-қолларни ҳам хушқол ва мамнуният билан меҳмонга тортиқ айлади. Яна, кечаси ҳаммалари маст бўлиб қолдилар. Ахир, бундай шароитда ҳар қандай бодапарастнинг ҳам шу каби маст-аласт бўлиши табиий эмасми, ахир? Ниҳоят, яна қуёш жунаси (шоҳи) чеҳра очғач, тун ҳиндусининг лашкари қочиб, тонг ёришди. Шу пайт шоҳ Жуна, уйқу аралаш кўзини очиб, мезбоннинг толеи каби бахтиёрлик билан Масъуднинг ёниға келиб, гулга бода қориштиргандек, суҳбатға киришди. Шоҳ айтдики:

«Эй, зебо чеҳра дўстим, сенға кўнглимиз боғидаги меҳмуҳаббатнинг чегараси йўқ. Меҳмон бўлиш ҳам шунчалик бўлар, лекин ўлгунча унутилмайдиган ажойиб меҳмондорчилик бўлди. Сендан ажралишнинг дарди қанчалик огир бўлса ҳам, агар рухсат этсанг, қайтиб кетар эдик. Гарчи, келиш кишининг ўз истак-иродаси билан бўлса ҳам, лекин кетмоқ мезбоннинг ижозатига боғлиқдир».

Ҳижрон сўзи ораға тушуви билан Масъуднинг кўнглиға ранж, путур етди ва деди: «Эй, сайр-саёҳат ва меҳмоннавозлик қоидаларини билувчи шоҳ, бу нима деганинг? Сенинг суҳбатингда бўлиш билан биз бағоят хушхоҳ эдик, сендан айрилиш эса, бизни ҳафа ва мушавваш қилур. Биз сенға кўнгилдагидек ва муносиб хизмат қилолмадик, ўз караминг билан бизни афв

этгил! Меҳр-қуёш янглиғ жамолингни кўриш билан шод эдик, чучук мақолингни эшитиб, баҳра олаётган эдик. Сен қанча турсанг, биз мамнун ва масрур бўлурмиз, агар йўқ, десанг нуқсонларимизни маъзур тутгайсан!».

Шоҳ унга кўп узрлар баён қилди, сўнг, хайр-хушлашиб, йўлга равона бўлди. «Гулгун» отга миниб, жаҳонни кезишга йўл олди, унга қамчи урса, осмонга сачрар эди. Масъуд шоҳга нима тақдим этган бўлса, ҳаммасини кам-кўстсиз унинг орқасидан ўзининг энг ишончли ва оқил кишилари орқали жўнатди. Масъуд уларни кузатиш билан бир мунча фурсат овора бўлгач, ниҳоят хотиржам бўлиб, ўз уйига қайтди. Шоҳ эса, учқур «Гулгун»нинг бошини даштга қўйиб, ўша куниёқ Деҳлига етиб борди. Жуна келгач, орадан бир неча кун ўтар-ўтмас, қолган тухфалар ҳам бекам-кўст етиб келди. Аммо, Масъуднинг тутган турмуши ва қилган ишлари шоҳ хаёлидан сира-сира кетмас, уни ўйлаган сари ақли шошар эди. Масъудни эсдан чиқармаслик учун Жуна ҳам гулгун тўн кийиб олди, гулгун жомда май ичадиган бўлди.

Тароз деган вилоятнинг волиси бўлмиш кишининг мансаби олий бўлгани ҳолда, ҳиммати ғоятда паст эди. Унинг шаҳри Жунпур ва ўз оти Жайпур бўлиб, золимлиги билан бутун ҳинд мамлакатада машҳур эди. Унинг устидан арз-шикоятлар кўп бўлиб, бир қанча гуноҳлари ҳам тасдиқланмиш эди. Буни билган хуштоле шоҳ шундай ҳукм қилди:

«Ҳозир фармон ёзиб, Тароз вилоятига Масъудни шоҳ қилинсин ва уни зудлик билан бу даргоҳга олиб келинсин!».

Лекин, фармондан илгарийёқ, бу хабар Жайпурнинг қулоғига етиб, музтар — хижолат бўлди ва салтанат қўлидан кетганини билди. Энди шоҳ адолат юзасидан бунинг ишларини текширгуси ва бутун қилмишлари очилғусидир. Шу билан бирга, қонун нимага сазовор кўрса, шундай жазо бергусидир.

Жайпурнинг Баллу деган ноибни бўлиб, у ўз табиати билан зулм ва адоватга берилган одам эди. Жайпур ўз бошига шундай кутилмаган ва кўнгилсиз иш тушажагини билгач, ноибни ҳузурига чорлаб, у билан тубандагича машварат қилди: «Бу воқеанинг тадбири нима бўлади?» — деб сўради ундан. Шунда у золимваш ситамкор айтди:

«Сенинг бошингга тушган бу ишга Масъуд сабабчи бўлибдур. Шоҳнинг қулоғига шундай овоза етибдирки, гўё Масъуднинг тенги йўқ эмиш. Ундаги яхши сифатлар ҳеч кимда йўқ, унда бўлган хушхулқ дунёдаги бирон одамда учрамайди, дейишибди. Ана шундан сўнг, шоҳ уни сендан афзал деб билиб, сенинг ўрнингни унга олиб беришни лойиқ кўрибдир. Би-

нобарин, Масъудни орадан гумдон қилинса, чарх ҳам, юлдузлар ҳам сенга ёр бўлажаги шубҳасиздир. Унинг ўлими шохни оғир ташвишга солиши натижасида, у ҳам сафдан чиқиб, бутун мамлакат сенга қарам бўлиб қолғусидир».

Шунда Жайпур: «Модомики шундай чорани кўриш зарур экан, Масъудни овора қилишнинг йўли не тарийқ бўлур?» деди.

Баллу айтди: «Аввал Масъудни ўзингга ишончли дўст қилиб ол, унга меҳр-муҳаббат изҳор айла. Ўз уйингга чорлаб, у билан яқин суҳбатдош бўлиб ол, унинг уйига боришдан ҳам қочма. Шу тариқа иккинги бир-бирингиз билан «садоқатли дўст»га айлангач, мен муддаони юзага чиқазиш чорасини кўргумдир».

Буни эшитиб, Жайпурнинг кўнгли беҳад шодланиб, Масъуд билан қилинажак «дўстлик»нинг режасини тузди. У юз хил фусун-найранг билан унга рафиқ ва сирдош ўртоқ бўлиб олди. Ўзи уни чорлаб-чақириб, меҳмон қиладиган: гоҳо уникага тўсатдан чақириб борадиган, ниҳоят, ҳар кун у билан улфатчилик қилиб, ҳар бобда, ҳеч гапни яширмай суҳбатлашадиган бўлиб олди. У, ўзини Масъудга жондан яқин дўст ва ниҳоятда ишончли одам қилиб танитди.

Балқисса, кунларнинг бирида, Масъуднинг уйида Жайпур у билан май ичиб, шодланиб ўтираркан, шомга яқин уни ўзини тутолмайдиган даражада маст қилди. Уткир май бунинг ақлини зойил айлаган эди, бугина эмас, гўё Жайпур ҳам шу каби «маст» эди. Ниҳоят, булар гулшан ичида учиб-йиқилиб қолдилар. Буларгина эмас, Масъуднинг одамлари ҳам ичган, уларни ҳам ғафлат уйқуси босган ва барчаси эс-ҳушини йўқотган эди.

Баллу шундай фурсатни пойлаб, бир катта тош орқасида яшириниб ётган эди. У ўзига ўхшаган бир неча девсифат, золим, қонхўр одамлар билан ҳалиги тошнинг ортидан чиқиб келдилар ва Масъудни боғ ичидан топиб олдилар ҳамда тезда унинг қўл-оёғини маҳкам боғлаб, бирининг елкасига ортиб, секингина йўлга равона бўлдилар ва шу қоронғи кечадаёқ мўлжалланган ерларига етиб олдилар. Бу кечага ўхшаган қорани ҳеч ким кўрганми? Йўқ!.. Кейин, тутқунни бир қора чоғ ичига ташладилар.

Масъуд бу чоғ ичида беҳуд ва мазлум бўлиб ётаверсин. Энди унинг қариндош-уруғлари, дўст-ёрлари ва хизматкорларидан эшитинг: унинг одамлари уйқудан кўз очиб, ҳаммалари унга керакли нарсаларни тайёрлаш ишига киришаркан, Масъуднинг ғойиб бўлганини фаҳмлаб, нима қилишларини

билмай қолдилар. Улар бу воқеадан ташвишга тушиб, ёқаларини чок қилиб йиғлар, аммо, ҳаммадан ҳам Жайпур «гамнок» эди. Унинг ҳаяжони дам-бадам ортар, Масъуднинг қариндош-уруғларига қўшилиб, фиғон чекиб йиғлар эди. Шу хилда бир неча кун ётмай, ухламай йиғлашдилар-у, аммо, қидириб, ҳеч ердан топмадилар. Ниҳоят, унинг топилишидан умидларини узиб, ноилож унга таъзия очиб, мотам тутишга мажбур бўлдилар. Ҳамма бу кутилмаган воқеадан ҳайрон эди. Унинг мотами ҳеч кимнинг дилидан кетмас эди. Ниҳоят, Жайпур шунчалар ўзини ғам ва мотамга гирифтор қилиб кўрсатгач, унга Масъуднинг қавми қариндошлари кўпгина панд-насиҳатлар қилиб, тасалли бердилар. Катта такаллуф билан унинг етгисини қилиб, эл-юртга ош бергач, Жайпур кўп афсус ва надомат билан ўз уйига қайтди.

Уша Баллу ғорат қилиб, одамларни дард-аламга тўлдирган кечаси тугаб, қуёш шарқ чоғи — ер ости ҳобгоҳидан чиқиб, тонг отгач, Масъуд зўрға ўз кўзини очди, очди-ю ўзини ғариб бир аҳволда кўрди. У оёқ-қўлларининг маҳкам боғланганлигини билиб, кўзига бутун олам қоронғи бўлиб кетди. Унинг вужудининг ярми сув билан балчиқ ва зулматдек қоронғулик ичида эди. Бу аҳволни кўргач: «Ёраб, бу не ҳол, тушми бу ёки хаёлми?!» деб нола чекди. У кутилмаганда ўз бошига тушган аҳвол ҳақида қанча ўйласа ҳам, гумон қилса ҳам, аниқ бир хулосага келолмади.

Шу аснода бир кимса чоҳнинг тепасини очди ва чоҳга шамнинг ёруғи тушди. Кейин бировлар Масъудни қанча машаққат билан арқон солиб у чоҳдан тортиб олдилар ва уни зору асир ҳолда бир уйга олиб кирдилар. Шу ерга эса, қаҳр-ғазаб билан вазир Баллу кирди. У, оғзига нима келса, қайтармай сўкар эди. Шу орада бир одам бир қучоқ таёқ кўтариб кириб, уйга қўйди. Шунда вазир ўз тўдаларига: «Занжирларини ечинг, ўзини яланғочлаб уриб, жонига азоб беринг!» — деди. Шу фармон билан, икки киши унинг оёқ-қўлларини ушлаб турди ва икки киши ҳалиги таёқлар билан ура бошлади.

Масъуд бечора зорланиб: «Мақсадингиз нима? Шунинг айтинг! Агар мол керак бўлса, ошиб-тошиб ётибди, қанча десангиз бераман ва ёки жон керак бўлса, қаршилик йўқ, қийнамай олаверинг» — деди.

Бу илтижоларга қулоқ солмай, у: «Таёқ билан ураверинг, тўхтатманг!» — дер эди. Икки золим эса, бунинг баданини гул баргидек парчалаб қонга белаган ҳолда таёқлашни қўймас эди. Масъуд азобдан ўзини ҳар ёнга ташлаб, дод-вой солса ҳам, бари бир, ҳеч ким бунинг фарёдини эшитмади. Бу орада икки

таёқ синиб тугади, иккала таёқловчи ҳам чарчади. Шундан кейин золим Баллу:

«Бас қилинг, урманг, бугун энди таёқлашни тўхтатинг! Мен уни изтиробга солиб, қатл қилмайману, ва лекин азоблаб ўлдираман!» — деди.

Шундан сўнг, оёқ-қўлини ушлаб турган икки номард уни бўшатди. Золимларнинг бу феълидан гардун-фалак ҳам хижил бўлган эди. Кейин, нотавон Масъуд ўрнидан туриб ўтирди ва дард-алам билан фиғон тортиб: «Гуноҳим нима, эй мусулмонлар?! Бундай зулми ҳеч қачон дўст-ёрлар бир-бирига қилмаган-қу! Менга бунчалик жабр-жафо қилманг, бирон гуноҳ иш қилган бўлсам, айтинг! Одам боласи хатодан холи эмас, ҳар бир кимса хато қилади. Мол керакми, жон керакми, не десангиз айтинг, шу ҳақда тилхат бергин десангиз берайин!» — деди.

Шу каби қанчадан-қанча ялиниб-ёлворди, лекин у тош-юрак, номард бу каби зориллашларга, илтижоларга ҳеч бир парво қилмади. Аксинча: «Уни сўзлашга қўйманг, бундай афсоналарни гапиравермасин!» — деди Баллу.

Шундан сўнг, уни яна боғлаб зиндон тагига ташладилар, яна у Юсуф пайғамбардек ўз чоҳидан ўрин олди. Уни бир неча кун шу тарзда азобладилар, ҳеч ким уни бу зулмдан манъ этмас эди. Масъуд кундан-кунга ҳолдан тойиб борар, охири у азоблар натижасида, у жонидан умидини узиб, кўз ёшларини тўка-тўка:

«Бундан кўра менга душманлик тиғини тортинг, менга раҳм қилиб, ўлдилинг-қўйинг!» деб зорланди.

Ниҳоят зулмкор Баллу бунчалик жабр-жафодан ўзини тийиб, эртасига ўлдиришга қарор берди. У, Масъудни ўлдиришнинг масъулиятини юклаган ҳолда, бир кишини чоҳнинг бошига қўйди. Шундан сўнг, у қувонч билан Жайпур олдига бориб:

«Бузуқ кўнглинг шод ва обод бўлсин, душманинг шундай қаҳр-ғазабга гирифтор қилиндик, охири ўлишига рози бўлди» — деди. Ундан сўнг, уйига келиб, шодлик базмини қурди, у шундай май ичишга берилдик, қўяверинг.

Баллунинг гул юзли бир қизи бўлиб, жуда шакар тилли эди. Ундаги ҳусн дунёда бирон кимсада йўқ бўлиб, васф қилган билан барибир, таърифини етказиш қийин эди. Бу қизнинг димоғига ишқ ўт солган бўлиб, юрагидаги бу ўтнинг сабабчиси Масъуд эди. Аввал Масъуднинг ҳусни васфини эшитган бўлса, кейин йироқдан ўзини ҳам томоша қилган эди. Бу дардини у ҳеч кимга айтолмас, лекин пинҳоний куйиб-ўр-

таниб юрар эди. Кўнглида ишқнинг тугуни бор эди-ю, ammo, бу тугунни қандай ечишни билмас эди. Бу ишқнинг машаққати кундан-кунга таъсир қилар ва уни ҳеч эсдан чиқазолмас эди. У ўз уйида экан, бир мазлум одам зиндонда занжирбанд бўлиб ётганини эшитди. Келажаги порлоқ бўлмиш бу маҳваш қўрқувидан унинг кимлигини суриштиришга ҳам мажоли йўқ эди. Бу кечаси эса, отасининг ва бошқа қавму қариндошларининг маст бўлиб учиб ётганини кўрди. Зиндон қоровулининг ҳам эс-ҳуши жойида эмас, у ҳам мастлик уйқусида парвои фалак эди. Шу фурсатдан фойдаланиб, у маҳваш чоҳнинг оғзини очиб, меҳр-муҳаббат билан:

«Эй, ғамкаш! Қайси мазлумсан ва отинг нимади? Ҳозир ўликмисан ёки тирикмисан?» — деди. Бутун вужуди яра-чақа бўлиб ётган мажруҳ бу товушни эшитаркан, кетган руҳи жисмига яна қайтиб киргандек бўлди. У нола чекиб:

«Отим Масъуд, жонимда юз туман бало мавжуд. Ўзинг айт-чи, одаммисан ёки фариштами? Ҳақнинг раҳмати билан суғорилган кимса эмасмисан?! Ахир, сенинг овозингни эшитиб, қайтадан танимга жон келди, жисмига тириклик муждаси етди. Қўлингдан келса, бир чора кўр, акс ҳолда, мени «ўлган» деб кетавер!» — деди.

Масъуднинг номини эшитаркан, бу чаққон гўзалнинг кўнглига ишқнинг беқарорлиги тушди. Унинг ҳажрида оз мунча қон ютган, неча кунлаб мотамини тутган эди. Масъуднинг ғойиб бўлиб қолганини ҳамма билар, лекин ўликми-тирикми эканини ҳеч зот билмас эди. Гулюз ўз отасининг дев феълу кожбахс эканлигини билар, шу жиҳатдан унинг кўнглига тубандагича гумон тушди: «Тағин буни азоблаётган отам бўлмасин!» — деди. Бинобарин, зиндонбанд бўлиб ётган бечора Масъуд эканини аниқ билгач, ундан бу зулмнинг сабабчиси ким эканини аниқлашга киришди. Ва:

«Эй жисминга жоним фидо-ю, жонингга ғамгин вужудим садқа бўлгур! Сени бундай кўргунча ўлсам не қиларди? Хаста жонингга фидо бўлсам не қиларди?» деди ва кейин бу афсоналарни айтиб ўтиришдан фойда йўқлигини, бинобарин, бунинг оғир аҳволини кўриб, тоби тоқати қолмаганига қарамай, тездан бир тадбир топиш чорасига киришди.

Унинг иккита маҳрам канизаги бўлиб, улар буни жонлари янглиғ азиз кўрар эдилар. Улар ҳозир нозанин билан ҳамроҳ бўлганлари ҳолда, бунинг ишқи ўтидан ҳам хабардор эдилар. Мана шулар ёрдамида, бир қанча меҳнат-машаққат чекиб, зиндон тубидан Масъудни тортиб олдилар. Чоҳдан шундай бир вужуд чиқдики, унинг танасида жондан нишона йўқ эди.

Филҳол мазлумнинг оёқ-қўлини ечдилар, лекин у жонсиз жисмдан бошқа нарса эмас эди. Бу шўх унинг ғамидан ўлади-ган бўлди ва зор-зор йиғлаб, ўзини унинг оёғига ташлади. Ўйлаб-ўйлаб: «Бунинг ҳол-аҳволига йиғлаб ўтирадиган пайт эмас, бу ерда вақт ўтказишнинг фойдаси йўқ» — деган қарорга келди ва уни икки канизакка кўтартириб, пинҳоний йўл билан бир уйга олиб бориб қўйдики, у ерда бу нотавон қанча турса ҳам ҳеч ким гумон қилмас эди. Каравот устига бир неча қават тўшак-кўрпа солиб, тезда у зор, хастанни шу ерга ётқизди. Гоҳ шарбат ва гоҳ таом берар, унинг юзини кўрган сари муроди ҳосил бўлгандек тасалли топар эди. Унга шафқат ва меҳрибонлик билан хизмат қилар, Масъуднинг атрофиде парвона бўлиб айланар эди.

У ой Масъудни зиндондан чиқазган кечаси тонг отгач, ёмон ниятли Баллу уни чиқазиб, қатл этиш ниятида ўрnidан туриб, зиндонга қараб келди. Қараса, зиндоннинг оғзи очилиб ётибди. Қоровул маст уйқуда-ю, банди — тутқун йўқ. Буни кўргач, шу онда ғазабидан посбонни ҳалок қилиб ташлади. Лекин у кўпроқ ўз жони ҳақида ваҳимага тушмоқда эди. Бинобарин, югурганча ҳукмдор олдига бориб, бўлган воқеани унга айтиб берди. Бу икки золим ажаб ғамга гирифтор бўлган ва ўз тақдирлари ҳақида мотамга тушган эдилар. Ниҳоят, бу ситамкорлар тубандагича чора кўриш режасини туздилар: бошлаб, улар тезлик билан шаҳарни ахтарадиган, баногоҳ қочқинни топсалар, уни шу онда қатл этадиган бўлдилар. Бу нотавон одам шаҳар ичида эди-ю, уни тополмай, душманлар тоғу даштларга қараб қувлаб кетдилар. Ўн кун излаб, қидирмаган жойлари қолмади, аммо ундан нишон ҳам йўқ эди.

Энди Масъуддан эшитсангиз, шўх гўзалнинг шафқат ва меҳрибонлиги туфайли у, анча қувватга кириб, жонланиб қолди. Булар иккиси маслаҳатлашиб, биргаликда бу ердан қочиб кетишга қарор қилдилар. Шу ният билан шўх иккита от тайёрладики, чопқирликда худди сайёра — юлдузларга ўхшар эди. Ҳукмдор, вазир ва сипоҳлар Масъудни ахтариб-ахтариб ҳеч ердан тополмай, тоғу даштлардан ноумид қайтиб келганларидан сўнг, бу икки дўст, «аввал ҳамроҳ танла, сўнгра сафарга чиқ» деганларидек, қочиш учун йўлга чиқдилар.

Икковлари бугун қочган бўлсалар эртасига одамларга маълум бўлди. Золимлар жонлари борица жаҳд-жадал қилиб, буларни яна қувладилар. Ниҳоят, қочқинларнинг қоралари ҳам кўринди, бора-бора қочувчилар билан қувгувчилар орасида бир ёғоч ҳам масофа қолмади. Бу икки бечора эса, жонини ҳовучлаганча зўр берар эди. Шу орада мусаббибул-асбоб (са-

бабларнинг сабабчиси) бўлмиш тангри буларга кўмаклашуви натижасида, қаршиларида денгиз кўриндики, унинг қирғоғида пачоғи чиққан бир бўш кема ҳам бор эди. Шунга етиш билан, эгасига кира берадиган бўлиб, кемага кирдилар-у денгизга қараб сузиб кетдилар. Булар кемани шитоб билан ҳайдар эканлар, қувгувчилар ҳаяжон билан қирғоққа етиб келишди. Буларни кўраркан, у икки қочқин, жонидан умидини узган ҳолда, орқаларига қарамай, жўнаб қолдилар. Шу юрганча ўн кеча-кундуз тинмай сувда юриб, нариги қирғоққа бориб етдилар ва ниҳоят, қирғоққа чиқиб, шошилинич отга миниб жўнадилар. Булар шаҳарга қараб борар, шаҳар эса мамлакатнинг пойтахти эди. Бутун кеча йўл юриб, тонгга яқин шаҳарнинг чегарасига етдилар. Йўлда бир эски қалъа бўлиб, унинг ичида бир нечта ҳароми-безори одамлар турар эди. Етиб келгач, шу ўғрилар буларга ҳужум қилиб, бир одамга ўн киши ёпишди. Уларнинг отларини олиб, кийим-кечакларигача ечинтириб олдилар. Бу икки яланғоч бечоранинг қайғуси чексиз эди-ю, аммо шукрлар бўлсинки, тонг ҳали қоронғи эди. Шу ҳолатда бир тўда уларга яқинлашаркан, Масъуд уларнинг олдига бориб, ўз ғамгин аҳволини баён қилди. Бунинг дарду ғамидан улар таъсирланиб, бир-иккита эски-туски кийим ташлаб, ўзлари шаҳар томонга қараб жўнаб қолдилар. Кейин, бу икки ҳамдард, уятли жойларини бекитиб, ўзларини бир вайронайи ғамхонага олдилар. Тонг осмон жомидек ёришгач, тун ҳиндуси (қоронғилиги) ҳаромилардек қочиб йўқолди. Булар қуёш заволга учраб ботгунча шу бузуқ вайронада бекиниб ўтирдилар. Бир тарафдан очлик азоб берар, нафс эса гизо талаб қилар эди. Шўхда ҳеч бир куч ва тоқат қолмаган эди. Бинобарин, қоронғи тушуви билан, Масъуд шаҳарга қараб раво-на бўлдиким, насибасига нима учраса, шуни дилафрўзга келтириб бериши керак эди.

Масъуд бозор ичига қадам қўйиши билан, биров, ўша дамда шоҳ базми учун бир неча тосларда мевалар тайёрлаб қўйган бўлиб, уларнинг баъзиларида амна, баъзиларида танбул емишлари тўла эди. Шоҳ хизматкори: «Кимки шуларни кўтариб олиб бориб берса, ҳар бир тос учун икки дирҳам ҳақ бераман», — дер эди. Масъуд шу гапни эшитиши биланоқ: «Тосларни мен олиб бориб бераман» — деди ва уларни кўтарганча, оломоннинг орасини ёриб юриб кетди. Аммо йўл йироғу дам олиш йўқ эди. Унинг мажолсиз вужуди чарчаб, энди ҳолдан тойганда, шоҳнинг чорбоғига бориб етдилар.

Жуна гулшан орасида ўтириб май ичар, базмида «уд»нинг овози-ю, «най»нинг ноласи авжида эди. У Масъуднинг бошига



тушмиш кунни эшитган ва унинг гамида ақлу ҳушини йўқотиб ўтирган эди. Уни эслаб, бетиним ва беқарор ўтирар, май ичиб, зор-зор йиғлар эди. Боғ ичига Масъуд бечора маҳзун ҳолатда кирганда, «Гулгун»ни ахтачи (отбоқар) ушлаб турган эди. Бу дашт кезувчи отни кўриши билан кўзи унинг тамғасига тушиб, бу ўша ўзининг оти эканини таниди ва бу тасодиф билан ҳазин юрагида ҳайрат ўти ёнди ва ўзича: «У бизникида меҳмон бўлмиш одам бу томонга келиб, менинг «Гулгун»имни шоҳга туҳфа қилибди» — деб ўйлади. У бир икки қадам ташлагач, қулоғига гулчеҳранинг янгроқ овози эшитилди. У, соз билан шундай куйлар эдики, қўшиқнинг бутун байтлари таниш мазмунда эди. Яна унинг вужудига азоб тушди, яна кўнгли изтиробга тўлди. Бу аҳволни кўриб кўнглига: «Меҳмон мен ҳада қилган гўзал санамни ҳам шоҳга сотибдимикан?» — деган шубҳа келди. Шоҳ олдига қадам қўйиши билан эса, май идиши ёнида ўзининг сеҳрли жомини кўрди. Шунда май жомидек ичи қонга тўлиб, кўзларидан ёш ўрнига қон равон бўлди. Буларнинг ҳаммаси унинг дардини ошириб, янада беҳол ва бемажол айлади. Тоқатсизлик унинг кўнглини босиб кетган эди. Бинобарин: «Ёраб, нима қилсам экан?!» — деб фиғон чекди у. Шу орада шоҳга кўзи тушиши билан, бунинг ўзиникида меҳмон бўлмиш одамлигини таниб қолди. Тўни ҳам худди ўзи бергани каби гулранг бўлиб, тожи билан тахти ҳам гулранг эди. Лекин, шунга қарамай, ўша онда ўзининг кимлигини шоҳга изҳор этиш керакми-йўқмилиги ҳақида бир қарорга келолмади. «Агар ҳозир ўзимни танитсам, кўзимни муздимга тиккан, яъни шоҳга қилган яхшилигим учун яхшилик талаб қилган бўламан», — деб ўйлади. Тосни бошидан олган пайтда унинг кўзлари ёшга ғарқ эди. У бармоғини тишлаганича ташқарига чиқди, бунинг қилган иши жуда ғалати бўлди. Энди ҳиммат қадамини катта ташлаб, тезда боғдан чиқиб кетиши лозим эди.

Маълумингиз, Масъуд ўзининг бир нечта ходимини, шоҳ меҳмондорчиликдан қайтганда, унга қўшиб юборган эди. Уларнинг барчаси шоҳ эшигида хизматда эдилар. Мана шу одамларнинг кўзлари бирдан Масъудга тушиб, ўз маҳдумларини, яъни, муҳтарам хожалариғи таниб қолдилар, у ҳам хизматкорларини кўриб билди. Уларнинг ҳаммаси хожаларини бу аянч аҳволда кўриш билан беихтиёр ўкириб юбордилар ва унга томон югурдилар. Улар ҳаммаси Масъуднинг оёғига ўзларини ташлаб, бирдан қий-чув қилиб йиғладилар. Масъуд ҳам бу дўстларининг садоқатини кўриб, кўзларидан беихтиёр ёш тўкар эди.

Ташқарида бошланган бу шўр-шар овозаси ичкарида ўтирган шоҳнинг қулоғига ҳам етди. Суриштираркан, шоҳ ҳам воқеадан хабардор бўлиб, изтироб билан югурганча ташқарига чиқди. Дўстини шундай ачинарли аҳволда кўриб, шоҳнинг кўзига ёруғ жаҳон қоронғу бўлди. У Масъуднинг бўйнидан қучганича кўзларидан ёш тўкар, бу эса, шоҳнинг оёғига бош қўяр эди. У тарафдан, Чин канизаги ҳам зийрак кўзини қонга тўлдиргани, гул рухсори қон ёшига ғарқ бўлгани ҳолда, меҳрибончилик билан боқиб, тарбиялаган кишисининг бошидан айланиб-ўргилар эди. Ниҳоят, бу изтироб ўти таскин топгач, шоҳ бир неча кишини тайинлаб: «уни иссиқ сувга, ҳаммомга олиб бориб ювинтиринг», деди.

Масъуднинг эса вайронада ёлғиз қолган ҳамроҳи учун жони куйиб борар эди. Шу жиҳатдан у, шоҳга ўз бошидан ўтганлардан шама қилиб, чарх не кунларга солганини қисман баён айлади. Жуна бу афсонани эшитгач, бир нечта хотинларни чақириб, қийиш учун гулранг хуллалар билан гулгун тахт тайинлатиб, парини олиб келиш учун жўнатди. Улар гулчеҳрани ўша харобадан топдилар. Унга бошдан-оёқ ол ранг хуллалар кийдириб, ўша онда тахтиравонга ўтқаздилар ва жадал олиб бориб, боққа туширдилар ва нозанинни бир қасрга олиб кирдилар. У ерда гул чеҳранинг ёнига бир қанча канизаклар қўйилдики, улар буни бир маликадек азиз тутар ва ҳар қандай хизматига тайёр эдилар.

Бу тарафда эса, Масъуд ҳаммомга кириб, иссиқ сувда ювиниб, худди аввалги ҳолатида қайтиб чиқди. У ҳаммомдан чиққунча, шоҳга у қилгани каби, бошдан оёқ гулгун саруполар тайёрлаб қўйилган эди. Шоҳона либосларни кийиши билан, уни доно шоҳнинг ҳузурига олиб кирдилар, шоҳ, худди ўғлини кўргандек уни бағрига босиб қучди ва бошига тушган савдоларни қайта сўради. Масъуд бутун кўрган-кечирганларини бошдан-оёқ фош этди, у ҳикоя қиларди-ю, шоҳ кўзидан юм-юм ёш тўкар эди. Шоҳ уни ўзига рафиқ қилиб олди ва баланд мартаба берди. Масъуд билан туну кун улфат ва ҳамсуҳбат эди. Унга кўп хазина ва нақдиналар берди, гулруҳни тўй қилиб, у билан никоҳлаб қўйди. Тароз ва Дарбастдан ташқари, бир қанча кишварларга ҳам уни ҳоким қилиб тайинлади. Улар Гулранг қаср ичини гулларга буркаган ҳолда, гулфом май ичиб, маишат қилар эдилар.

Шу пайтда шоҳ Баллу билан Жайпурни топиб, қатл этиш ҳақида фармон берди ва қатл этдирди ҳам. Ер уларнинг қонлари билан гулфом бўлди.

Қаранг, гул фасли қандай хуш айём экан: ахир, дўстлар

бошдан-оёқ гулга ғарқ бўлиб ўтирганларида, душман гуллар орасида ғарқ — ҳалок бўлиб, қонга ботиб ётибди.

Қаранг, коинот боғининг гули қандай яхши! Ҳамма нарсадан ҳаёт гули яхшироқдир.

Ривоят қилувчи ровий бу дақиқ — нозик ҳикояни сўзларкан, уни шоҳ ҳаяжон билан эшитди. Бу ровийнинг ўзи ҳам Тароз ўлкасидан, Масъуднинг гавҳар наслидан эди. Баҳром у мусофирни ўзига ҳамдам ва ҳамроз этди, тўғрироғи Тароз кишварига уни ҳоким қилиб тайинлади.

Унинг бу амри ёзилиб — тасдиқлангач, кўзига саодат уйқуси ёр бўлди.

## XXVIII

*Чоршанба кун* *Баҳромнинг мовий ранг уст-бош билан нилуфарий гумбазга кириб, қуёшли осмон тусидаги либос кийган гўзал билан ферузагун қадаҳга кўкимтир май қуйиб ичгани ва ич — ҳо — ич овозини нилуфар ранг осмондан оширгани*

Чоршанба кун нилуфар фалак тун карвонини сафарга жўнатаркан, меҳр — қуёш ўзининг зарҳалини оламга таратиб, қоронғилик устини нур билан қоплаб олди. Офтоб кўк фазосига сафар қилиб, нилуфарга рўбарў бўлди. Шоҳ эса нилуфаргун либос билан нилуфар ранг қасрни манзилгоҳ этди ва қўлига феруза қадаҳ олиб, унга лаъл ранг май қуйишни илтимос қилди. Нилуфар ранг либослар кийган ой юзли гўзал худди хуршиддек намоён бўларкан, кўзларни абадий ёритиш учун қуёш кўк атласини кийиб чиққандек бўлди. Баҳром нилуфарий жомда тўлатиб-тўлатиб май ичди, бу ичиш то осмон гумбази ўзининг кўк-ложувард юзини қора пардага ўрагунча давом этди. Бу вақт осмонда беҳисоб юлдузлар садафдек ярқираркан, қуёш кемаси эса, нил дарёси тагида сузар эди. Ниҳоят, шоҳ ҳам ўйин-кулги базмини тўхтатиб, ухлаб дам олмиш тараддудига тушди. Шоҳнинг осойишта ухлашини таъминлаш учун тезда зиёфат асбоб-анжомларини йиғиштириб олдилар. Шундан кейин жилвагар шўх ҳам, шом бўлса осмон қуёши пардага киргани каби, пардага кирди.

Хизматкорлар югуриб-елиб яна жаҳонгашта мусофирлар-

ни ахтариб топишга киришдилар ва уни топиб, ҳар кечадаги сингари, уни парда орқасига келтириб қўйдилар. Парда орқасидан эса: «Мусофир афсона айтсин!» — деган нидо эшитилди. Ровий дуога тил очиб: «Бу осмоннинг етти қабат мовий пардаси сенинг жоҳ-салтанатинг қасридаги айвоннинг пардаси, балки боргоҳ — саройингнинг соябони бўлғай. Меҳр — қуёш тожинг устидаги гавҳарга; чархфалак эса, нилуфарзор боғингга айлансин!» — деди. Бу дуодан шоҳ қаноатлангач, мусофир ўз ҳикоясини бошлаб юборди.

## XXIX

### *Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг дostonоролиги*

Аданда кишиларга жабр-жафо қилишни ўзига ҳунар қилиб олмиш бир золим бор эди. Дунёнинг ҳамма ерлари унинг жойи бўлган, ҳатто денгиз соҳиллари ҳам унинг манзилига айланган эди. Ўзи ҳам азамат, ҳам шижоатли ва ботир бўлиб, худди жазиралардаги шерга ўхшаган одам эди. Унинг мақсади кишиларнинг молини тортиб олиш, ҳаром мол топиш ва тўплашдан иборат эди. Мана шундай безорилиги туфайли, унинг на бир дўсти ва на ўртоғи бор бўлиб, бутун йўлларни ўзи ёппа-ёлғиз кезарди. Агар қаршисидан хоҳ ўн ва хоҳ юзта карвон чиқса, улар билан бир ўзи олишарди. У йўлтўсар фақат қуруқликдагина эмас, денгизларда ҳам қароқчилик қилишни ўзига ҳунар қилиб олганди. Унинг янги ой каби сузиб юрадиган бир нечта қайиғи ҳам бор бўлиб, бу қайиқларини ҳеч ким кўрмайдиган ерда пинҳон қилиб асрарди. У, бир қанча йўлтўсарларни шу қайиқларни асраш учун қоровул қилиб қўйганди. Масалан, денгизнинг қаерида битта қайиғи бўлса, ўша ерда унинг бир назоратчиси ҳам бўларди. Кимнинг жазирада ўрмонзори бўлса, ўша кишига ўз қайиқларига назоратчилик қилишни топширарди. Ўша соқчилардан бири катта дарахтнинг устига чиқиб, мавжланиб турган денгизни кўздан кечириб ўтирарди. Шунда, тўсатдан кўзига бир кема учраб қолса, дарров у золимни бундан хабардор қиларди. У эса, шу ондаёқ, сув устида сайр этган қуш каби, тезорар қайиғини ўшанга томон суриб кетар ва ҳаш-паш дегунча кемага етиб бориб, унинг ичидаги одамларга нимани хоҳласа, ўшани қи-

ларди, яъни у молларни талаб, кемадаги одамларни ҳалок ва мажруҳ айлаб, хотиржам бўлгач, бу виждонсиз ўз жойига қайтарди. Бу, денгиз ичида наҳанг-у, ўрмонда шер ва қоплон каби бир офат эди. У сув устида елдек сузувчи одамни халқ Жобир (жабрловчи-золим) деб атар экан. Дашту денгизларда юрувчи одамлар ўртасида эса, унинг номи «йўлтўсар Жобир» деб шуҳратланган эди.

Унинг жазиралар ичида бир тинчгина — осойишта жойи бўлиб, ўғирлиқ молларни йиғадиган хазинаси шу ерда эди. Бу жазиранинг атрофи бир йиғочга яқин кенгликда бўлиб, ҳеч ким уни ўраб ётган сувнинг тагига етолмасди. Унинг атрофидан қарайдиган бўлсангиз, сувдан ўзга ҳеч нарса кўрмайсиз.

Яна бундан бошқа бир жазирада дарахту майса ўрнига нуқул нилуфар ўсар эди. У ерда бир ҳуштаъм булоқ бўлиб, денгиз ичидаги ичимлик сув эди. Бу жазира шу сув билан суғорилиб, боғ ва иморатлар бунёд этилган эди. У иморатнинг даҳлизи ҳам, гумбази ҳам, айвони ҳам бор, суви эса, ёқимлиликда оби ҳаётнинг ўзи эди.

Ундаги жазира ичида «Беҳишт саро» деган шаҳар бор экан. Бу шаҳарнинг доно ва сахий шоҳи бўлиб, у кишвар шунинг ҳукми остида экан. Унинг оти Навдар, ўзи нодир ва таъби эса, ҳар қандай нодир ишга қодир экан. Шунинг бир қизи бор бўлиб, бу гўзални ҳеч ким кўрмаган экан. Унинг қадди-қомати гўзаллик боғининг сарв нозидек сарафроз экан. Зулфини кўрганда сунбул печ-печ буралиб кетар, ғунча унинг оғзи ҳақида ҳеч сўз деёлмас экан. Юзининг машъали жаҳонни куйдиргудек, унинг ёруғ шуъласи жонни куйдиргудек экан. Сочи каманд каби буралиб, осмон меҳри бўйнига тузоқ солгудек экан. Унинг оти Меҳр бўлиб, юзига осмон меҳри банда-ю, фалак унинг бошида қуёшдек айланар экан. Агар у ноз билан денгизга кўз ташласа, сувгина эмас, бутун денгиз қўзғалиб, тўфон бўлиб кетар экан. У, оламни куйдирадиган меҳр (қуёш), йўқ, меҳр эмас, жаҳонни куйдирадиган бир аланга экан.

У, бир кун денгизда сайр қилиш, унда шамол ҳаракати ва сув мавжини томоша қилиш истаги билан қайиққа ўтирди-да, сайр қилиб сузиб бораркан, қаршисидан чиққан бир жазирани кўриб — шу жойни томоша қилгиси келиб қолди. У, фалак мисол денгизда ой ўртасида турган юлдузга ўхшар эди.

Шу пайт тўсатдан хунук бир ел эсиб, кемадаги одамлар хабардор бўлмасданоқ, кемаларни денгизнинг ҳар томонига суриб, лаҳза-лаҳза тўлқин баттар кучайиб борди. Денгиз пўр-

танаси ғоятда кучайиб кетгач, маллоқ (қайиқчи) ёқасини йиртиб: «Агар худонинг раҳми келмаса, одамлар жонидан умидини узаверсин», деди. Шу хилда бир неча кеча-кундуз кемаларни бўрон хоҳлаган тарафига сурди. Бўроннинг даҳшати бир қадар босилгунча, кема денгизнинг анча ичкарасига кириб кетди.

Жобир тарафидан денгизнинг ҳар томонини назорат қилиб туриш учун қўйилган одамлар сувда келаётган ойнинг кемасига назари тушаркан, дарҳол у золимни бу сирдан хабардор қилди. Хунрез Жобир эса, теъда қайиққа ўтириб, ел каби уларнинг кемаси томон учди. У яқин етиши биланоқ урушни бошлаб юборди. Улар ҳам қараб турмай, бунга қарши уруш бошладилар. Жобир улар томонга қараб қанча ўқ отган бўлса, шунча уларнинг қонини денгизга оқизди. Шу хилда бениҳоя зулм кўргач, ўлмай қолганлар дод-фарёд чекиб, таслим бўлдилар. Золим уларнинг барчасини олдига солиб ҳайдаб, ўз масканига олиб келди. Кемаларини қирғоққа маҳкам боғлаб, халқу молларнинг ҳаммасини битта қўймай тушириб олди. Кемада гўзал қиз борлигидан хабари йўқ эди, бирдан унга ҳам кўзи тушаркан, йиқилиб, ҳушидан кетиб, бир дам ўликдек жим бўлиб қолди. Нега марта ҳушига келса ҳам, уни кўргач, яна ҳолдан кетиб, ўзини йўқотаверди. Бир неча гал шу ҳол қайтариллавергач, ўзида унга боқиш учун мажол йўқлигини ҳис қилди. Кейин, унинг амри билан юзи Зухрага ўхшаган ойни боғ ичидаги қасрга олиб кириб қўйдилар. У ёлғиз қолмасин учун олдига бир-икки нафар гулчехрани киритиб, сарв гулруҳга ҳамдам қилиб қўйди. Ундан бошқа катта-кичик кимки бўлса, ҳаммасининг жонидан кечиб омонлик берди ва бир кема тайин қилиб, барчасини ўша кема ичига ўтқазиб:

— Ўз мулкингизга азм этинг ва жонингиздан умидингиз бўлса, тезроқ жўнаб қолинг!— деди.

У одамлар бу гапдан ваҳимага тушиб, тезлик билан денгиз ичига юриб, кўздан ғойиб бўлдилар.

Маҳваш ўша жазирада ёлғиз ўзи қолди, унинг бахт-иқболи эса, қоронғи кечага бурканди. Жобир уни хаёлда кўриш билан хушҳол бўлиб, висолини кўриш умиди хаёлига ҳам келмас эди. Бутун кун Меҳрнинг кўзига шомдек қоронғи бўлган каби, кўнгли то оқшомгача худди меҳр — қуёшдек ўртанар эди.

Лекин, яна бошқа жазирада бир шаҳар ҳам бўлиб, ўзи фирдавси аълони-ю, ундаги анҳор эса жаннатдаги салсабил дарёсини эслатар эди. Унинг ҳавоси худди беҳиштникидек ёқимли; фазоси эса, кўк-мийну осмон каби кенг эди. У шаҳар-

нинг ҳокиму волийси олиҳиммат бир шахс бўлиб, мамла-  
кати обод ва маъмур эди. Бу шоҳнинг оти Маъмун ва шаҳри  
Яман деб аталарди. Мана шу Маъмуннинг адолатпарварлиги-  
дан мамлакати гулистону чаманга айланмиш эди. Унинг бир  
нозанин фарзанди бўлиб, башар жинси ичида унга монанд  
кимса йўқ эди. Юзини кўрганда гул барги хижил бўлар, қад-  
ди-қоматининг келишганлигидан сарв ўксинар эди. Барча  
фазлу ҳунарда унинг тенги йўқ бўлганидек, кўзгуга боққан-  
да ўзининг мисли йўқлигини ҳис этар эди. У ҳунар ва сакъат-  
га берилган бўлиб, юзи офтоб мисол бу йигитнинг номи Су-  
хайл эди. Ана шу гўзал йигитнинг кўнгли Меҳрнинг зулфига  
боғланган бўлиб, гўё бу ҳам унга атоғлиқдек эди. Сухайл  
Меҳрнинг мафтун бўлгани каби, Меҳрда ҳам Сухайлга нис-  
батан майл-рағбат бор эди. Майл-рағбатгина эмас, Меҳр Су-  
хайлга вола ва зор ҳамда васли учун жон беришга тайёр ха-  
ридор эди.

Мана энди унинг ҳажри бунинг бағрига доғ солиб, манзи-  
ли золим Жобирнинг боғи бўлиб қолди. Бу ерда гуно-гун  
дарахтлар бор эди-ю, аммо нилуфардан бўлак гул йўқ эди.  
Меҳр эса, нилуфар сингари мотамзада бўлиб, нилуфар ичида  
кўз ёшларини оқизиб юрар эди. У гўё кўз ёши билан нилу-  
фарни суғорар, оқ ўти билан қайғусини қуритар эди. Уни,  
ҳижрон гамида зору залил кезарди деманг, йўқ, у нилуфар  
ичига Нил сувини оқизар эди. Кўз ёши нилуфарни ғарқ қил-  
ган эди. Дарвоқе, дарё ичида нилуфар бўлиши ажабланарлик  
эмас-да. Ўзининг кўнгли ҳам нилуфарга роғиб бўлса ажаблан-  
манг, зеро, Меҳр билан нилуфар бир-бирига муносибдир. У,  
эртаю кеч нилуфар орасида айланар, ҳатто устидаги кийим-  
кечаклари ҳам ўша рангда эди. У санамнинг либосигина эмас,  
ўзи ҳам нилуфаргун бўлиб, ёр ҳажрида кўкка беланиб мотам  
тутар эди. Аслида, нилуфар ўз мотамини билдириш учун  
азадорларча кўк либос кияди.

Меҳрни чарх фироқ асири қилиб қўйибди-ю, аммо, Сухайл-  
нинг отаси бундан беҳабар, тўй тайёргарлигини кўрар, гўё  
никоҳ базмини қизитиш учун бу маҳал ғанимат фурсатдай  
туюларди унга. Шу боисдан ҳам, у бир неча кемага, дунёда  
қандай мол-ҳол бўлса, шуларнинг ҳаммасидан юклаб, Су-  
хайлнинг ўзини ойга ўхшаш алоҳида бир қайиққа ўтқазган  
ҳолда, Меҳр билан ақд қилиб унаштириш учун жўнатиб  
юборди. Йўл денгиз қирғоғидан анча ичкарида бўлгани туфай-  
ли, сув ичидан бориш яхшироқ эди. Бинобарин, мақсадга му-  
вофиқроқ деб денгиз ичидан юришга иттифоқ ва қарор қи-  
линди.

Аввал, Меҳрнинг кемасини шамол денгиз ичида хашак сингари учириб кетгани каби, бу гал ҳам ўшанақа тез бўрон эсиб, бу кемадагиларнинг бошига ҳам қиёмат кунини солди.

Сухайл ўзига қарашли одамлару бошқа нима бўлса, ҳаммасини ажратиб олиб, ўз кемасига солган эди. Бир пайт тўсатдан денгизда ҳалокатли пўртана қўзғалиб, унинг кемасини ҳам гоҳ осмонга ва гоҳ ернинг қаърига ура бошлади. Шу хилда тўлқин бунинг кемасини ҳам Жобир тарафидан қўйилган назоратчилар томонига суриб кетди. Назоратчи буни кўриш билан, келаётган кемадан Жобирни хабардор қилди. У ўз қайиғига ўтириб, унга қарши бориб, Сухайл кемасидаги одамларга қараб бирдан ўқ ота бошлади. Сухайл ҳам уруш ва жанг бобида жуда эпчил эди. Бинобарин, у ҳам одамларининг ҳалок бўлаётганини кўриб, Жобирга қарши жангга кираркан, кемалар ўртасида жанг бошланиб кетди. Жобир қанчалик зарб урганига қарамай, унинг барча зарбини Сухайл рад этар эди. Бунинг зарбини ҳам Жобир ҳеч шикастланмай қайтарар эди. Иккиси ҳам ниҳоятда чапдаст ва эпчил бўлгани туфайли, бир-бирларига шикаст етказолмас эдилар. Жобир икки тарафнинг кучи қаварар келиб, ўзининг ғолиб чиқишига кўзи етмагач, макр-ҳийлага қўл уриб, яланғоч ҳолда ўзини сувга ташлади ва хасм кемасининг остига кириб, тиг билан у кеманинг тагини теша бошлади. Тахтани ковлай-ковлай, кемага сув кирадиган қилиб каттакон ковак очди. Сухайл ўз кемаси тагидан сув юқорига чиқаётганини кўриб, уни тўхтатиш учун кўп тадбирлар кўрди-ю, аммо фойдаси бўлмади, кемага сув тўлаверди. Денгиз чуқур эди, сув тўлиши билан кема ҳам, ундаги одамлар ҳам ғарқ бўла бошлади. Буни кўрган шаҳзода, жонидан қўлини ювиб, сув ичида ҳалок бўлар эканман, деб кўнглидан ўтказиб қўйди. Шу орада Жобир худди балиқни ютмоқчи бўлган наҳангга ўхшаб, унга томон сузиб борди-да, Азроил сингари уларнинг жонига қасд қилди. Кейин, сувга ғарқ бўлиб, ҳолдан тойган Сухайлнинг қўлидан ушлаб, уни судраб, ўзининг қайиғига келтириб солди ва камандини бўшатиб, унинг оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб қўйди. У, энди ўз иши билан шуғулланиб турганда шаҳзода Сухайл ўзига келди. Шунда у ўзини ғариб ва каманд билан қат-қат боғланган ҳолда кўрди. Адув-душман қўлида қатра сувдек ожиз ва нотавон бўлиб қолганига афсусланди.

Жобир унга қараб:

— Эй, менинг асирим, жангу жадалда бўш келмадинг,— деди.— Мен бу қайиқни сувга туширганимдан бери минглаб сенга ўхшаганларни сувда ўлдирдим. Лекин, уларнинг ҳеч



бирида сенчалик журъат кўрмаган эдим. Халос бўлишингга ҳам мана шу журъатинг сабабчи бўлди. Охири ўлиминг муқаррар бўлиб турганда, денгиз ичидан сузиб бориб, сени қутқардим. Гарчи, дилим сени қатл этишга рағбат кўрсатмаса-да, сени қўйиб юборишга ҳам хоҳишим йўқ. Агар мен сени банддан озод қилиб юборсам, бир бахтиёр шоҳнинг хизматига бориб кирасан. Шундан сўнг, сенинг тузоғ — домингдан ва интиқомингдан менга омонлик бўлмас. Сен бир кунмас-бир кун албатта бир чора топиб, мени ўлдириш тадбирини кўражаксан. Имоним комилки, сен банди бўлиб яшагандан кўра, ўлимингни аъло биласан.

Сухайл изҳори ожизлигини ошкор этиб ёлворса ҳам, золим унинг жавобига майл қилмади. Кемасини ўз маскани томон ҳайдаб манзилга етди. Қаср бурчагида бир чоҳ бўлиб, баъзан бировни ўзига банди қилса, шу чоҳ ичига ташлаб қўяр ва у ердан қутулиб чиқиш мумкин эмас эди. У, Сухайлнинг аъзойи баданидан арқонларни ечиб олиб, қўл-оёғига кишан солган ҳолда, уни чоҳ қаърига ташлади. Жобир кимни бу чоҳга ташласа, унга ҳар куни иккита нон ва бир човгум сув берар эди. Юқорида у шўх дилбар бўлгани ҳолда, қуйида Сухайл бедил ётар, аммо буларнинг иккиси ҳам бир-бировидан беҳабар эди.

Шу аҳволда бу иккалови ёта турсин. Энди, сўзни уларнинг қавму қариндошлари ва ёр-дўстлари ҳақида эшитинг:

Жобир аввал, Меҳрнинг қавми-қариндошини озод қилгани ҳолда, ўзини хафа қилиб олиб қолган, унинг одамлари жонидан ажраган киши сингари сув юзида елдек учиб кетган, кеча-кундуз демай ҳаракат қилиб, ўз кишварларига бориб етган ва ҳаммалари нилуфаргун либос кийиб, Меҳр ҳақида мотам изҳор этган эдилар. Шоҳ Навдар ҳам Меҳрнинг иштиёқида, балки жигаргўша фарзандининг фироқида азадорлар каби кўк кийиб олган, бир угина эмас, бутун одамлари ҳам шу хилда кўкка бурканган эдилар.

Булар чексиз мотам, денгизчалик андуҳ ва гирдоби ғам билан келгач, шоҳнинг бағри яраланиб қолди. У энди ўз қизи Меҳрнинг тақдири ҳақида суриштираркан, унинг Жобир асираси бўлиб қолганини эшитиб, азаси яна чегарадан ошди, дарду ғамининг андозаси бўлмай қолди. Қайтиб келганлар, тақдир Меҳрнинг бошига нима кун солган бўлса, ҳаммасини бир-бир баён қилиб бердилар. Шоҳ яна андуҳга тўлиб, фиғон чекди. Бу ғам-ғуссалар унинг жонига қасд ётар, унга ёруғ жаҳон қоронғи-ю, гўё иқболининг Меҳри — қуёши ботгандек бўлди. У аччиқ-аччиқ йиғларкан, ўз-ўзига шундай деди:

«Бу каби аччиқ йиғидан менга нима фойда, жиғарғушам йўқолган экан, энди бағримни тиг билан пора-пора қилганим билан не наф? Ғаму ноладан ҳеч қандай умид йўқ. Энди, фойда келтириши мумкин бўлган бир чора топиш керак».

Ниҳоят, у қўлига қалам билан қоғоз олиб, бутун бўлган воқеа-ҳодисаларни бир хатга ёзди. Нима иш бўлган бўлса, бир-асини чизиб, шоҳ Нуъмонга қараб жўнатди. У нома ичида шундай пинҳоний гаплар ҳам бор эди:

«Бу бўлган ишларнинг ҳаммаси яздоннинг қазосидир. Лекин, ҳақ таоло ғам ва бало берган, дард берган экан, унинг давосини ҳам берган. Бу ишнинг чораси энди интиқомдан бошқа нарса эмас, акс ҳолда, дунёда тирик юрмоқ ҳаромдир. Меҳр менинг жонимнинг пайвандидир, аммо, у сенинг ҳам фарзандинг ҳисобидадир. У қиз душман илгида маҳбус экан, бу фақат мен учунгина эмас, сен учун ҳам номусдир. Бунинг ягона тадбири шулким, иккаламиз қўшин тўплаб боришимиз лозим. Борди-ю, сен мамлакатингдан ташқарига чиқишни хоҳламасанг, азиз фарзандинг Сухайл филдек зўр, шердек салобатли йигитдирки, унинг панжасидан юқоридаги иккита даҳшатли махлуқ ҳам забун бўлади. Балки, фалак шу ўйинни кўрсатиш баҳонаси билан Меҳрни Сухайлнинг қўлига топширмоқчидир! Бинобарин, Сухайл ўз аскарларини соҳил билан бошлаб, сув ёқасидаги манзилга олиб бориб, Жобир турган жазирага қараб юрса ва Жобирга қарши уруш эълон қилса экан! Мен ҳам бутун жангжў кишиларимни йиғиб, ҳамма қўл-яроғларимни шайлаб, уларни кемаларга солиб, сув ичи билан ел каби учиб борсам. Мен сув тарафдан ҳужум қилсам, Сухайл қуруқликдан уриб берса, бир неча кун орасида у золимни икки қўшин чамбарчас ўраб олишимиз мумкин-ку. Биз шунга қатъий бел боғласак, албатта ғалабага эришамиз ва у золимдан интиқомимизни оламиз. Меҳрни ҳам тутқунликдан озод қиламиз. Агар сен бу мақсадга қўшилишни хоҳламасанг, ундан ҳам мени тез орада хабардор эт. Борди-ю, уруш машаққати ёлғиз ўзимнинг бошимга тушадиган бўлса, у пайтда бошқачароқ тадбир ахтаришга мажбурман...»

Шоҳ Нуъмон бу номани ўқигач, қангома бошқача бўлганини фаҳмлади, фалакнинг бу ситамидан бениҳоя ғамнок бўлиб, йиғлади. Ҳамда, шоҳ Нуъмон шу номадаги воқеадан ҳукм чиқазиб, сафарга чиқмиш шаҳзода Сухайлнинг кемаси ҳам ўз мақсади сари етолмай, ўзга томонга адашиб кетганига ақли етиб қолди. Бирдан иккита муҳлик (ҳалокатли) ғам шоҳ Нуъмон бошига тушиб, мотам устига мотам кучайиб кетди. Лекин, асл ҳодиса нимаю, бу воқеаларнинг боиси ким экан-

лигини тушунолмасди. Ниҳоят, шоҳ Нуъмон: «Саёҳатга кетмиш Сухайл чарх зулмидан овора бўлиб қолгани туфайли, унинг қаердалигидан асар ҳам йўқ ва бу ҳақда ҳеч ким хабар ҳам етказмайди» деган хулосага келди. У кўп ўйлагач, ақлига тўғри фикр келиб, ўқиган хатига тубандагича жавоб ёзди:

«Сен ўз номангга Меҳрнинг бошига тушган кунни ёзган экансан. Уни ўқиркан, аламимдан бошимга тутун чиқиб кетди. Лекин, шу ондаёқ ўртанишдан, оҳ-воҳ қилиб ўтиришдан фойда йўқлигини тушундим. Аммо, сен: «Агар Жобирга қарши юришни қатъий истасанг, яхши. Бўлмаса, Сухайл қўшин тортиб, яроғ-аслаҳалар билан қуролланиб, денгиз қирғоғи бўйлаб борсин», дебсан. Сухайл ҳақида бу каби муболага қилиб, менинг кўксимдаги доғ устига яна доғ солма. Аввал айтчи, Сухайлнинг ўзи қани? Сухайл деб аталмиш йигитимиз қаерда? Шу ҳақда жавоб бер! Ахир, Сухайл Сизнинг тарафингизга кетганига олти ой бўлди. Унинг шу пайтгача келмай, кечикиб қолганидан ниҳоятда ғамнок эдик. Демак, у ҳам сизникига етолмаган, энди бу ҳам бизни таҳликага солиб қўйди.

Яхшиси, сен қуруқликдан қўшин тортиб бориб, Жобир қаршисида осмонга етадиган баланд боргоҳ туз. Мен эса денгиз ичи билан кемада бориб, унга қарши қўшин тортаман. Шоёд, шу можаро баҳонаси билан денгизда гавҳаримдан нишон топсам. Уни топсам-топмасам, сенга қўшилишиб, унга қарши курашишга ваъда бераман. Ахир, ҳақ таолодан бахшиш — мурувват тилаб ҳаракат қилсак, у ҳароми билан урушда ғалабага эришиб, жазосини берсак ажаб эмас. Энди, унга қарши юрадиган кунимиз фалону, юриш қиладиган соатимиз фалон. Сен ҳам шу фикрга қатъий келишиб, шу ваъда қилинган фурсатда душманга қарши азм қилсанг экан!»

Шу юқоридаги мактубга шоҳ Нуъмон имзо чекиб, номани слиб борувчи кишини йўлга солди. Чопар ҳам етиб келиб, биткини шоҳ Навдар қўлига топширди. Навдар хатни очиб, кўз ташларкан, ундаги барча гапларни ўқиди, ваъда қилинган соатдан хабардор бўлди, худди ўша пайтга аскарни ҳам, қурол-яроғни ҳам тайёрлади. Нуъмоннинг у тарафга юриши учун, муайян бир вақт белгиланди. Бинобарин, икки шоҳ шопилинч йўлга тушиб, бири денгиз ва бири қуруқлик билан кетдилар. Улар бир неча кунлаб соҳил ва денгизларни кечиб, йўлда учраган офатлар билан курашиб, душман жойлашган ўрмонга яқин етдилар ва икки тарафдагилар ҳам ишни қандай бошлаш ҳақида ўйлаб қолдилар.

Наварнинг ўрмонга етишига бир манзил қолган бўлиб, ўрмон ичига кириш ғоятда мушкул эди. Шунда шоҳнинг юраги: «Душман тўсатдан яширинча бир муюлишдан тўсиб чиқиб қолмасмикин!» — деган ваҳима тушди. У, аскарларини қулайроқ ва яқинроқдан олиб бориши учун ўрмон дарахтларини кестириб, йўл очишга қарор қилди.

Лекин, у чангалзорда ов қилиш учун буғи ва марал (урғочи кийик)лар кўп эди. Шоҳ овга ғоятда ишқибоз ва у билан жуда кўп шуғулланган бўлиб, ҳар қадамда ов учрар эди-ю, аммо, шоҳ аскарларни бошқариш билан овора эди. Сайд (ов) дуч келганда ўзини кўрмаганга солар, уни кўришдан ўзини асрар эди. Ногаҳон бир гулранг шикор (ов) шоҳнинг қарши-сидан ўтиб қолди. Шунда у, беихтиёр овнинг орқасидан югуриб, ўқ отиш тараддудига тушди. Сайд эса, чангалзор ичига кириб, қочиб қолиш учун шошилар, аммо, йўл тор ва дарахтлар ниҳоятда бир-бирига чирмашиб кетган эди. Шоҳ унинг орқасидан чопмади, зеро ўқ отишга мажоли ҳам йўқ эди. Охири, ҳаяжон ичида уни ота бошлади-ю, лекин, отган ўқлари, изтироби натижасида хато кетди. У шу ўнг келмаган овдан ёмон хулоса чиқазиб, эс-ҳушини йўқотиб қўйди. Кейин, у овни қўлга кириштиш учун шундай қизишиб кетдики, ўз душманини билкулли есдан чиқазиб юборди. Шу хилда ов кетидан ўрмон ичкарасига кириб кетиб, душманининг аскарлари турган жойга бориб етганини билмай қолди. Жобир бир пастқам жойга жанг-жадал пайтида девдек курашадиган ботирлардан бирмунчасини қўйган эди. Улар бу ердан кимни тутсалар, Жобирнинг ҳузурига олиб боришлари керак эди. Улар қарасалар, бир буғи қочиб келяпти, орқасидан эса, бир отли жадал билан қувяпти. Улар отга суворий бўлиб, уни пошналари билан ниқтаб, тезда овчига етдилар ва уни зўрлаб отдан туширдилар. Ниҳоят, овни тутиш учун югуриб кетаётган бу сайёднинг ўзи ҳаш-паш дегунча бошқа сайёдларга сайд бўлиб қолди!

Агар шоҳ шоҳлик қилишни истар экан, ўз қўшинидан ажрамаслиги керак! Шоҳ ўз қўшинлари билан шоҳ, агар қўшини бўлмаса, у шоҳ эмасдир. Шоҳнинг аскарлари бўлса, у истаган жойини фатҳ этиб—ғалаба қозонади. Аммо, бир киши Рустам бўлса ҳам — бир киши холос. Асал араси ҳам шоҳлик қоидасига амал қилиб, бир жойда қўшинсиз юрмайди ҳам, турмайди ҳам. Оқу қорани кўриш учун ёлғиз учадиган бўлса, оддий асалари билан шоҳнинг орасида не фарқ қолади? Шатранж (шахмат) шоҳи сипоҳларидан ажраб қолса, қани айтинг-чи, бу шоҳни шоҳ деб ҳисоблаб бўладими?

Шу йўсинда ёлғиз қолган Навдар шоҳ душманга асир бўлгач, устидаги бутун кийимларини бир-бир ечиб олдилар. Унинг аҳволу қиёфасига назар солиб, Навдар шоҳ эканини ҳам билдилар. Улардан биттаси шу онда югуриб бориб, бахт кулиб боққани ҳақида Жобирга хушxabар етказди. «Шундай ажойиб иқбол юз очдики, кутилмаганда катта бир ов тузоғингга илиниб, сенга шикор бўлди», дедилар. У бу хабарни эшитаркан, шукронаси учун тангрига сажда қилди ва айтдики:

«Ҳеч нарсани кутмай, унинг кўзини боғлаб, кемага солганча олиб келиб, қасрга қаманг ва у хонанинг эшигини маҳкам бекитиб қўйинг! Бу ишни шу даражада пинҳоний бажарингки, ҳеч ким фаҳмламасин. Уй эшигини қўриқлаш ишини фалончига тоширинг-да, тезда мени бундан хабардор қилинг!»

Шоҳни у айтилган хонага олиб келиб тикдилар ва Жобир бу ҳақда нима деган бўлса, ҳаммасини бажо айладилар. На шоҳ бу ер қаср эканини билди ва на бу ерга қамалган Навдар шоҳ эканидан биров хабар топди.

Навдарнинг иши шу тарзда бўлди, аммо шоҳ Нуъмон ҳали ҳам сув ичида эди. Буларнинг мўлжалига икки кун қолганда, яна бўрон туриб, сувни бетинч қилиб юборди. Тўлқинлар шундай осмонга туташиб кетар, янги ой эса, худди кемадек катта бўлиб кўринар эди. Шоҳ Нуъмоннинг ҳаётига тўлқиндан катта хавф тушиб, у ҳам ўз жонидан умидини узиб қўйди. Бу тўфон натижасида сафар аҳлининг кўпчилиги талафотга учради ва кемаларни тўлқин ҳар томонга тўзғитиб юборди. Гарчи Нуъмон учун кўпгина даҳшат юз берган бўлса ҳам, аммо, тўфондан шикастланмади. Ниҳоят, бунинг кемаси ҳам ўғлининг кемаси борган жойга бориб қолди.

Дийдабон — назоратчилар бу ҳақда ҳам Жобирга хабар қилдилар. Жобир булар тарафига ҳам етиб борди ва бунинг одамларининг кўпчилигида ҳаёт асари қолмаганини кўрди. Тирик қолганларидан суриштириб, уларнинг бошига қандай аҳвол тушганини билиб олди. Уларни олдига солиб ҳайдаб, юқорида зикр қилинган ўз жазирасига олиб келди. Улар ҳушсиз ҳолатдаги шоҳни чиқазиб, бошқа мол-ҳолу қурол-яроғларни кемадан бўшатди. Шоҳ шундай бемор ва беҳол эдики, уни кемадан чиқазган одам кимлигини ҳам фаҳмламади. У шоҳни ажратиб, бир холи жойга ёлғиз қўйди ва бошқа бир зиндонга қараб жўнатди. Шоҳ у чоҳда доим ўз жонидан ваҳимага тушар, аммо, ҳеч кимнинг бундан хабари йўқ эди. Сўнгра, Жобир қолган кишиларни яна ўз кемасига тушириб, уларга тубандаги гапларни айтди:

«Агар сизга жон керак бўлса, қайтиб кетингиз, кўнглингиз қаерни хоҳласа, ўша ерга борингиз. Лекин биронтангизнинг бу атрофда қолганингизни билсам, тирик қўймайман», деб писанда қилди. Бу одамлар бошларини олиб кетдилар, уларнинг кўзлари тўла ёшу юраклари тўла ғам-андуҳ эди.

Шоҳ Навдарнинг аскарлари ҳам кутилмаганда бошларига нима иш тушганини фаҳмлаб қолдилар. Улар бир неча марта мажлис тузиб, аҳволни муҳокама қилиб кўрдилар. Аммо, шоҳсиз ҳеч қандай хулосага келолмадилар. Бинобарин, булар ҳам ҳеч қандай чора тополмай, ҳаммалари хафаланган ҳолда бирдан жўнадилар. Толеи ёр бўлмиш йўлтўсар Жобир эса, туну кун ўз боғида базм ва айш-ишрат қилар эди. У ҳар бир қадаҳни Меҳр ёди билан ичарди, аммо ҳеч қачон унинг юзига боқолмас эди. У, ўз муродига етолмагани учун унинг ёди билан бода ўрнига қон ютар эди.

Меҳр эса, гул сингари ёқасини чок қилиб, нилуфарзор ора-лаб ғамнок кезар эди. У кўзларидан дарё-дарё'ёш тўкар, нилуфарга ўхшаб кўк кийиниб олган эди. Юзига тарсаки ураверганидан, гулистонида нилуфарлар очилиб кетди. Айрилиқдан фориғ бўлишни истаб, ҳам у балодан қутулишни ўйлаб, кечалари кўзини юммас, куни бўйи чора ахтариб, тополмас эди. У, чоҳ ичида бир банди борлигини, у ғаму андуҳ билан жони азобланаётганлигини билган эди. Меҳр ўйлаб-ўйлаб: «Ўша бандини амаллаб чоҳдан қутқарсам-да, зор-зор йиғлаб, унга ёлбориб, уни Сухайлни бошлаб келиш учун жўнатсам ва унга ҳожатимни пинҳоний баён этсам. Шояд у аҳволимни тушуниб, мени халос қилиш учун у тарафга борса!» — деб хаёл сураар эди. Шу каби андешалар билан иккита дилтор канизагини ёнига олган ҳолда, яширинча қоронғи уй орқали, аста-секин зиндон бошига келди. Ва:

— Эй, дард ва машаққатнинг асири! Мен ҳам сен каби бир бечораман ва сенга ўхшаган асиру нотавонман. Сени халос қилиш учун жонимни аямай, ҳаракат қилиб зиндондан чиқазсам, мен нимани айтсам, қабул қиласанми, қаёнга боргин десам, борасанми? — деб нидо қилди.

Бу зиндонда ётган одам Сухайлнинг ўзи эди-ю, лекин ниҳоятда заифлашиб, ҳоли хароб бўлган эди. Унинг шу каби аянч аҳволга тушувига бир тарафдан ўзининг бахтсизликка учрагани сабаб бўлса, иккинчидан, гулчеҳра Меҳрнинг фурқати ва ундан ажраб қолганилиги эди. Меҳрнинг бу хитобини эшитаркан, Сухайлнинг изтиробини ундан баттар ошди. У ўз ҳаяжонини зўрға тўхтатиб, нозанинга тубандагича сўз қотди:

«Эй, инсон қиёфали фаришта! Сен менинг ўлган танимга тоза ҳаёт бердинг. Сен менга шунчалик лутф-марҳамат қиладиган бўлсанг, қандай хизмат буюрсанг, то танимда жоним борича ҳаракат қилиб, мумкин қадар буйруғингни адо этгумдир».

Меҳр бу розиликни эшитиши билан чоғга арқон ташлади, йўқ, арқон эмас, икки ўрим сочини ташлади. Нотавон Сухайл у чилвир сочни маҳкам ушлаб олди, Меҳр ёнидаги икки маҳваш ҳам бир бўлиб уни тортиб олдилар. Сўнгра қоронғи уйга олиб кирдилар ва Меҳр унга яширинча кўп меҳрибончиликлар қилди ва уни занжиру бандлардан бўшатди. Шунда у ғамгин бечора зор-зор йиғлаб, ер ўпаркан: «Эй малак сиймо, ҳукминг нимади? Мени бир оз ундан хабардор қил!» — деб ёлворди. Меҳр ўз афсонасини ҳикоя қилиш билан, бошига тушмиш ҳамма воқеани бир-бир баён айлади. Отаси, мамлакат ва унинг баланд мансабу салтанати, ўз пардаси (номуси)нинг Сухайл билан боғлаганлигини, яъни, унга унаштирилганлигини бошдан-оёқ тасвирлаб берди. Шунингдек, денгиз тўлқини туфайли фалокат юз бериб, нотавон ҳолда бу ерга асир бўлиб қолганини ҳам сўзлади. Бу ерда ноилжликдан ўтиргани борми, Жобир илгидан омонлигининг сабаби борми, ҳаммасини зикр этди. Буларни эшитаркан, бечора Сухайлнинг нотавонлиги ортиб, лаҳза-лаҳза ўзини йўқотар эди. Гўзал Меҳр ўз сўзини тубандагича тугатди:

«Мени бу ердаги асирликдан, Сухайлдан ўзга ҳеч ким, ҳеч қандай чора билан қутқазиб қололмайди. Эй, дардманд, овора киши, сенга менинг сўзим шуки, сен бир чора топиб, денгиз таҳликасидан эсон-омон ўтиб, Яман ўлкасига қараб равона бўлсанг ва тез ҳаракат қилиб суръат билан йўл босиб бориб, бу ҳол-аҳволимни Сухайлга арз қилсанг экан! Лекин бу гаплар ҳозирча сир тутилсин. Сени бу уйда бир неча кун асрасак, сен аввал бу ишни ҳеч кимга билдирмай, яхшилаб ўйлаб кўрсанг-да, маъқул бўлса, онт ичиб бизни ишонтирсанг экан! Ахир, мен бечора балога дучору, Жобир илгига асир ва мубтало бўлдим! У, йироқдан менга кўзи тушиши билан, ерга йиқилиб, гўё хасдек ётиб қолади. Қачон кўришни орзу қилса, менга рўпара бўлиш билан йиқилаверади. Бу ерда менинг фақат умрим ўтяпти, холос, Жобир билан бундан бошқа ҳеч қандай мулоқот ва муносабатда бўлмадим, вассалом!» — деди.

Бу гапларни эшитгач, зор ва ҳазин Сухайлнинг хотири андак таскин топди. Меҳрнинг сўзлари сидқидилдан эканлигини тушунди-ю, аммо, ўзини босиб туролмай, юрагидан оқ тортиб юборди ва ўзини дилбарининг оёғи тагига ташлади. У фарёд

чекиб, беҳуш бўлиб йиқилган эди. Бу ҳолат Меҳрни ҳам ҳайратга солиб, сарҳуш қилиб қўйди. Кейин, унинг аҳволини билмоқчи бўлиб синчиклаб қараса, бу худди Сухайлнинг ўзи! У ҳам ўлгудек нола қилиб, эс-ҳушини йўқотди ва йиқилди. Буларнинг тепаларида икки канизак йиғлаб, қуёшга ўхшаган бошларини кўтарар эдилар. Ниҳоят, очиқ фикрли Меҳр ўзига келиб: «Фитнанинг қаноти юлинди», деди ва уни то жаҳонни қоронғулик босгунча ўша қоронғи уйга қамаб қўйди. Сухайл шунчалик беҳол бўлган эдики, фақат кечасигина ўзига келди. Кейин бир-бири билан худди жон билан жисмдек ва ёки сарв билан печак гулдек чирмашиб кетдилар. Сухайл шу хонада неча кун турган бўлса, сарв гулруҳ уни шу тарзда меҳмон қилди. У, нимжон жисмига қувват кирсин, деб Сухайлга таом билан шарбат берар эди.

Жобир эса, Меҳрнинг ҳажрида сабр қилишдан ўзга чораси йўқлигини яхши биларди. Шу воқеадан икки-уч кун ўтар-ўтмас, ҳеч сирдан хабари йўқ Жобир хотиржамлик билан боғни томоша қилиб юраркан, тўсатдан, худди тўнғизга ташланмоқчи бўлган шердай, қаршисидан Сухайл ботир чиқиб қолди. Ва у Жобирга қараб: «Ким макр билан иш тутиб паҳлавонлик қилдим, деса хато қилади. Эл кемасини ҳийла билан тешиб, сувга ғарқ қилиш ва кишининг жони қолмаган пайтда уни боғлаб қўйиш, бу, номарднинг иши. Сен агар ўз итлигинини кўрсатган экансан, мен сенга йигитлигимни кўрсатаман!» — деди-ю, хасмга қараб ташланди. Душман эса, ҳайратидан бетоб ва бемажол бўлиб қолди. Кейин, олишмоққа ҳаракат қилса ҳам, лекин Сухайл омон бермай, уни кўтариб ерга урди ва тезда қўлларини буни у боғлаган арқон билан чамбарчас боғлаб ташлади. Ва шу ондаёқ уни ҳалиги чоҳга ташлаб қўйди. Шунинг учун ҳам ақлли ва фаҳм-фаросатли кишилар:

«Кимки бировга чоҳ қазиса, у чоҳга албатта ўзи йиқилади», дейдилар.

Сухайлга шу хилда ғалаба ёр бўлгач, Меҳрнинг тўй-томошасини қилиш ишига бел боғлади. Бу орада Жобирнинг бутун дафиналари ва олам-олам хазиначлари ҳам унинг қўлига кирди. Бу воқеадан Жобирнинг барча одамлари эзилиб-сарафканда бўлдилар. Сухайл шоҳлик топиб, қолган барчаси қулга айланди. Сўнгра, бу муродига етмиш, давлатманд одам айш-ишрат ва шодлик базмини тузиб, қўлига шоҳона қадаҳ олиб, тубандагича фармон берди:

«Жобир кимнинг оёқ-қўлини боғлаб, қамаб қўйган бўлса, мен уларнинг барчасини озод қилдим. У бандиларни ҳузурим-



га келтиринг, қадаҳда май тутиб; уларни шод қилайин!» — деди.

Шундан сўнг боғ ичидаги базму зиёфат бўлаётган жойга иккита бандини олиб келдилар. Буларнинг бири Навдару яна бири Нуъмон шоҳ эди, бу янглиғ қиссага кимнинг гумони бўлиши мумкин. Бу пайтдаги аҳволни қандай шарҳлайин? Ва буни биров билиб, биров билмаса, нетайин?! Ахир, бу ерда икки ота билан икки фарзанд, васл-дийдор ипи билан пайванд этилдилар. Улар йиғи-сиғи билан кўришдилар ва ўтириб, бир-бирлари билан ҳол-аҳвол сўрашдилар. Ниҳоят, ҳамма воқеа маълум бўлди. Улар ҳайрат ва ҳаяжонга тўлган ҳолда, худога шукрлар қилдилар. Иккала шоҳ мол-мулкларини, тож-тахтларини Сухайлга тақдим этиб, ўзлари худо йўлига кириб, тоатибодатга берилдилар. Бутун эл-улус эса, бу иш учун Меҳр билан Сухайлга миннатдорчилик изҳор этдилар ва ташаккур билдирдилар. Шундай қилиб, фалакнинг гардиши билан Сухайл ва Меҳр бир-бирларининг висолларига етдилар.

Бу Меҳр деганимиз осмоннинг ердаги қуёши бўлиб, нилуфарзорда жилваланар эди. Унинг тўни ҳам, кўйлаги ҳам нилуфар рангида бўлгани каби, ёрининг уст-боши ҳам шу рангда эди. Нилуфар ранги киши табъигагина ёқимли эмас, ҳатто, осмондаги меҳр мунирнинг либоси ҳам шу рангадир. Ҳар қандай паричеҳра маҳвашнинг либоси мовий рангда бўлса, у дилкашдир. Осмоннинг гулруҳи бўлмиш меҳр — қуёшнинг нилуфарваш либоси ҳам мовийдир.

Шу ерда ровий ўз афсонасини тугатаркан, парда соҳиби ҳам ўзининг мовий пардасини кўтарди. Шоҳ Баҳром, лутфмарҳамат айлаб, мусофирни эҳсон ёмғири билан кўкартирди. У, ровийнинг хизмати учун кутилгандан ортиқ ҳақ бергач, кўзига уйқу осойишталик бағишлади.

### XXX

*Пайшанба кuni Баҳромнинг сандалосо (жигар ранг) хилғат билан сандал ҳидли гулшанда ором олиб, сандал бўйли сарвқомат билан сандал исли бода ичгани ва у сандаллар лахлахасидан (ифоридан) димоғи мўаттар бўлиб, кўзи уйқу талаб этгани*

Пайшанба кuni чарх-фалак субҳ маҳалда кўк юзига сандал ҳидини уфурди. Насим сандал каби ҳид тарқатиб, кўк димоғини атрга бурқади. Натижада, сандал ҳидига ўхшаган атр

шарофатидан тун мизожи ўзгариб; қоронғиликдан қутулди. Шоҳ ҳам барча либосларини сандалий ранг қилиб, сандалосо уй ичига қадам қўйди. Осмон сандали ерга соя солган пайтда, осмонга сандал ёғочидан пиллапоҳ қилингандек бўлди. Сандал бўйли сарвқомат гўзал ҳам қатма-қат сандалгун либос билан ҳозир бўлди. Унинг сандал тусли кийимларидан тева-рак-атрофга ажойиб сандал ҳиди таралар эди. Шунингдек, базмдаги ўтга сандал тарашалари ёқилганлиги ва кофур моддаси ташланганлиги туфайли, ҳамма ёқни буларнинг хушбўй ҳидлари қоплаган эди. Ниҳоят, қадаҳлар айлана бошлагач, кеча ичилган майнинг бош оғриғи ҳам тарқалди.

Зеро, соқий, дардисар — бош оғриғини даф этиш учун майга сандалнинг қизил шарбатини омихта қилган эди. Ниҳоят, сандал боғининг хуршиди ботиб, тун зоғи оламга қора қанотини ёзди. Кеча мушк рангли қора чодирини ёйгач, осмон сандали унга юлдузларни ёйиб ташлади. Шу пайт, гулчеҳра нозанин сандал курсиси ёнидан туриб, худди қуёш сандали сингари юзини яширди, яъни ўзини ичкарига олди. Яна бахтиёр шоҳ, ухлаш олдидан, афсона талаб қилди. Ходимлар шундай сайёҳни олиб кирдилар, у сайёҳ эмас, денгиз ичидаги маллоҳ — кемачини эслатар эди. У, тун бўйи афсона айтиши, балки, ғойибдан ҳам хабар бериши керак эди. Нуктагўй аввал дуога қўл очиб, сўнгра, сандал каби хушбўй нафас билан:

«То осмон чархи ўз ўқи атрофида айланар ва бошқа юлдузлар ҳам ҳаракатдан тўхтамас экан, тахт-салтанатинг кўкдан баланду, минган отинг юлдузлардан ҳам югурдак бўлсин!» — деди.

## XXXI

### *Олтинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг сўз санъати*

Мусофир юқоридаги дурларни нисор қилишдан фориг бўлгач, тубандаги ҳикояни айтиб берди:

Бохтар деган диёрдан Ховарга қараб икки киши сафар қилди. Уларнинг бири биёбонларни кезадиган Муқбил бўлиб, иккинчиси дарёларда сайр қиладиган Мудбир эди. Бу иккала-сидек йўловчини кўҳна дунё қуруқликда ҳам, сувда ҳам кўрмаган бўлса керак. Озода Муқбил бахтиёр одам бўлиб, иқбол

унинг пешонасини ярқиратган эди. Лекин Мудбир эса, қаён-га бормасин, юзига пасткашликнинг губори қўнгани қўнган эди.

Йўлда ғоятда хавфли бир водий бўлиб, хабардор кишилар у ердан зинҳор ўтмас эдилар. Унинг сабзасори ҳам, боғи ҳам тикон билан шўраю суви ҳам, тупроғи ҳам нафт (нефть) билан гугуртга буланчиқ эди. У ерни тутун ва қўланса ҳид босиб ётар, бу ғуборотлар Исо пайғамбарнинг ҳаётбахш нафасини ҳам заҳарлайдиган даражада эди. Унинг ели ўт-олов бўлиб, кишига тегадиган бўлса куйдириб, кулини совурарди. У ерга жониворларнинг кириши учун имкон йўқ, агар жониворнинг ўзи кирса, жони чиқиб кетарди. Эл бунинг отини «Водийи ҳамим» (Қайноқ водий) деб атайдикки, водийнинг табиати бу номнинг тўғрилигини исботлаб туради. Мана шу юқоридаги икки киши йўлни билмаганлари туфайли, шу водийга ҳамроҳ бўлиб кириб қолдилар. Улар бу водийнинг йўл азобини ва бало даштининг уқубатини кўрдилар. Лекин, бу азоб-уқубатнинг чегараси бўлмаганига қарамай, буни кечиб ўтмоқдан ўзга чора йўқ эди. Ҳар бало юз берса ҳам сабр-таҳаммул айлаб, даштга таваккал қилиб кириб боравердилар. Ҳаво исиб, ҳарорат ҳамма ёқни куйдира бошлади. Бунга чидамаган номард Мудбир озгига келганини вайсай бошлади:

«Бу қандай ҳаво бўлди? — дер эди у. — Буни бир ёқлик қилиш керак бўлади». Бир оз туриб эса: «Сув ясаш қийин — душвор ишми?» — дерди. Унинг ҳар бир сўзида тангрига эътироз қилишдан ўзга маъно йўқ эди. Чунки у оёқ оғришдан нолиб, таъна тошини ҳамроҳига отди: «Мени потавон хастага сен каби ҳамроҳнинг бўлганидан, бўлмагани яхши эди. Сен билан ёмон соатда кўришган эканман, мана шу ёмонликнинг касофатидан ҳозирги оғир кунлар бошимизга тушди», деди. Муқбил ибодат билан шуғулланар, унинг дуо ва тасбиҳлари тангри даргоҳида мақбул эди. Бунинг гаплари Мудбирга бир насиҳатдан иборат эдию, аммо, бу насиҳатлар унга кор қилмас, фойда бермас эди. Куйдирувчи — жазирама даштни кечиб ўтгунча Муқбил шу каби кўп азоб-уқубат чекди. Бу даштдан чиқиб, ундан узоқлашгач, дарду ғам денгизи ҳам орқада қолди.

Муқбил ўз ҳамроҳидан жуда батанг бўлган эди, бинобарин, у билан ажрашиш фикрига тушди. Ундан кўрган азоб-уқубатларини санаб: «Шу нуқсонлар ўртамизга айрилиқ соладиган бўлди», деди. Мудбир эса, яхшиликлар қилишга ваъда бериб, ўзидан ўтган гуноҳларига тавба қилиб, айрилмайдик, деб ёлворди. У бошларини ерга қўйиб, ўзининг ёмон фётларини

ташлагга астойдил сўз берди. Унинг тавбаю узрхонликларини эшитгач, Муқбил ишониб, илтимосини қабул қилди ва бунинг яна ёмончи қилажагини кўнглидан чиқазиб юборди. Аммо, у ёлгончи ўзининг ваъдаларини унутиб қўйди.

Сув қирғоғига яқин етаркан, денгизда сон-саноқсиз кемалар кўринди. Соҳилни ахтариб, кема эгасини топдилар ҳамда ҳар бирлари ўзлари учун кема ҳақи тўлаб, кемага киришга ижозат олдилар. Маллоҳ — кемачи уларга икки кишилик бир сандал-қайиқча тайин қилди. Бу қайиқни ўз ихтиёрларига олгач, унинг арқонини бир катта кемага боғладилар. Шундан кейин денгиз ичига қараб равона бўлдилар.

Бир кеча кема бир тарафга қараб борар эди. Кема ҳайдовчилар борган сайин суръатни оширар, кемалар тезликда худди қуш каби учар эди. Яна Мудбирнинг эски одати кўзиб, ҳар хил маза-бемаза гаплар айта бошлади. Шериғи саодат эгаси бўлиб, эртаю кеч тасбиҳ ва ибодат билан машғул бўлар га бунинг ҳам беҳуда гаплардан қайтарар, лекин Мудбирга эса, сунасиҳатлар таъсир этмас эди. У қайта-қайта куфрга кетар, динсизлардек шаккоклик қилар, гап-сўздан худди тентакликнинг ҳиди келар эди. Шу пайт денгиз устида бўрон қўзғалиб, кемадаги одамларни ташвишга солиб қўйди. Бу воқеани кўргач, Мудбир тангрига хитобан: «Сенинг ишларингда ҳеч қандай тартиб ва ишонарли нарсаси йўқ. Дашту қумларингда қанчадан-қанча куйдириш-ёндириш бўлгани каби, денгиз ва ундаги мавжларда ҳовлиқиш-тўлқинланиш; аввалгида сустилик бўлса, бунисида ҳаддан ошиқ чегарадан чиқиш. Бу аҳволлар одамларнинг эс-ҳушини олиб қўйди-ку», каби таъналарни қилиб, ўринсиз валдирар эди. Бунинг шум нафаси касофатидан денгиз чайқалиб, ҳалокатли тўлқин ҳосил бўлди. Денгизда шундай қиёмат юз бердики, сувда бўлмиш пўртананинг чўққиси осмонга бориб тегди. Бу тўфоннинг келтирган бахтсизлиги натижасида ҳар кимнинг кемаси ҳар ёнга тўзғиб кетди. Тўлқиннинг шиддатидан қайиқчанинг кемага боғланган арқони узилиб, кемадаги юклар ва асбоб-ускуналар ҳам ағдарилди. Кемаларнинг бир қисми омон қолган бўлса ҳам, кўпчилиги денгизга гарқ бўлиб кетди. Қолган кемалар ҳам ҳар ёнга тўзиб кетган, ҳеч ким хотиржам эмас, барча хавф-хатарда эди. Бу икки кишининг қайиғи шиддат билан ҳаракатланар, қайиқ ичида эса Мудбирнинг аҳволи хароб эди. Муқбил дуо ўқиб, худога тазарруъ қилар, тангридан ёрлик тилар эди. Денгизда шунчалик офат бўлгани устига-устак, бахтсиз шеригининг ярамаслигини айтмайсизми. Муқбилнинг дуоси бекор кетмай, денгиздаги ҳалокатли тўлқин тўхтади: шамол тиниб,

денгиз таскин топди. Қайиқ ҳам сув юзида оқиста юра бошлади. Денгизда юзлаб хавф-хатар юз берганда ҳам, Муқбил ўзини тангри қазосига топшириб турди.

Шундай аҳволда кетар экан, озода Муқбил денгизда бир қора нарсани кўриб қолди. Унинг ранги кўк осмон сингари бўлиб, кўриниши ва думалоқлиги ҳам худди чархи мийнони эслатар эди. Мана шу кўринган қора нарса томонидан бир шамол эсиб, худди кишига жон багишлайдиган ҳид таратди. Унинг ҳиди муаттарликда сандални эслатар, бу елда худди Масиҳнинг ҳаётбахш нафаси бордек эди. Димоғи толиққан Муқбил ҳам денгизнинг бу исидан бир нафас ҳузур қилди. У бунинг шукронаси учун тангрига сажда қилгач, филҳол қайиғини у томонга қараб суриб кетди.

Киши қайиғини иқбол ели сари сураб экан, унинг бир онда манзилга етиши ажабланарлик эмас. У, худди бир азим дарахтга ўхшаган бўлиб, ранги ва баландлиги эса фалак тимсолида эди. У дарахт сандални эслатар, баргининг кўзгулари эса сайқаллангандек гўзал эди. Кимки бу дарахтнинг япроғидаги кўзгуга назар соларкан, унда бахт акс этганининг шоҳиди бўларди. Баландлиги кўккача бориб етган бу дарахтнинг барглари денгизга соя солиб турар, сояси туфайли сув ҳам анбар ранг бўлиб, киши димоғига сандал исидек урилар эди. Сув юзида қанча қуруқ ер бўлса, бу дарахт шу ернинг ҳаммасини босиб ётар эди. Унинг танасида бир катта ковак бўлиб, шу ковак ичида соф ва ҳаддан зиёда тиниқ бир чашма бор эди. Сувининг кўриниши эритилган кумушдек ва жўш уриб турган симобдек сермавж эди. Унинг гўлгул қилиб қайнаб чиқиши худди денгиздаги одамларнинг ишига кулаётгандек бўлиб, денгизга ҳам гўлгул қилиб қуйилар эди. Бу икки ситамдийда шу ерга етгач, бир нафас ором олишга қарор қилдилар.

Дарахтнинг чақаланган бир жойи бор экан, доно Муқбил шу ерга чиқиб, қайиғининг арқонини маҳкам боғлади ва тезда дарахтнинг ковагига кирди. У, ковакдаги чашмага қараркан, чашманинг бошида бир тош бўлиб, унинг юзига хатлар ёзилганини кўрди. Шу пайт Мудбир ҳам ҳовлиққанча ковакка кириб, ҳаяжон билан сув ича бошлади. Тош юзидаги ажойиб хатлар санъаткорона ўйиб ёзилган эди. Бу битикларни Муқбил ҳам, Мудбир ҳам ўқидилар. Гўзал хатларнинг мазмуни тубандагича эди:

«Қайси киши бу манзилга келиб, бу ғаройибни томоша қилар экан, шуни унутмасинки, бу симиё бўлиб, ақл наздида ғалати кўринади. Аслида бу дарахтнинг лақаби «сандални

симиё» дир. Бу, эл-улус тафаккур қилганидан ажиброқ бир нарасадир. Хоҳ содиқ ростгўй ва хоҳ козиб ёлгончи, кимки бу ерга келиб, шу сувдан ичишни хоҳлаб қолса, сувдан ичган замон очлик ва ташналиги даф бўлади. Ҳалол яхши одам бу сувни ичгач, бир ойгача хурсанд бўлиб юради ва ейиш-ичишга эҳтиёжи бўлмайди. Лекин ёмон ёлгончи одам эса, уч кун ўтар-ўтмас қорни очиб, еб-ичишга зарурат кўради. Бу чашма сувидан баҳраманд бўлган одамнинг тилига ногаҳон бир ёлгон гап келиб қолса, қорни бирдан ёрилиб, ўша онда ҳалок бўлғусидир. Ичилган сувнинг хосияти шу хилда бўлгани каби, у чашмага киришнинг хосияти ҳам ажойибдир. Масалан, бу ковакка ёлгончи кирса, вужуди куйиб, танасидаги хом жойи पिшади; ростгўй кирса-чи, унинг ҳеч ери куймайди, худди сувини ичганда хурсанд бўлгани каби шодликка муяссар бўлади. Лекин ким ғул қилиб-чўмилмоқчи бўлса, кўзини юмиши, қулоқ-бурнини ушлаб шўнғиши шарт. Шўнғиганда нимани кўрган бўлса, сувдан чиққандан сўнг, уни ҳеч кимга айтмаслиги керак. У сувда бир чўмилган одамнинг кўрган сирлари, уни яна чўмилишга йўл қўймайди. Масалан, ким шу сувга бутун вужуди билан шўнғимоқчи бўлса, сув пастланиб, бундай шўнғишга тўсқинлик қилади».

Ростгўй билан ёлгончи бу хатни ўқигач, ёлгончида ўзини синаш ҳаваси туғилиб қолди. Бир-икки қултум у сувдан ичиб, ёлгон, ёмон ва беҳуда гаплар гапиришни тарк этмоқчи бўлди. Аммо бу одатни ташлаш унга амри маҳол эди, ахир, унинг габиати ва мизожи шу хислат билан йўғрилган эди-да. Ичаркан, бирдан очлик ва куйиш бошланганлиги унинг тубандаги ибораларидан сезилиб қолди:

«Энди ёлгон гапирмайман, агар гапирсам, ўлимимга розиман!» — деб бу сувдан ичди-ю, ҳаётини шу чашмага бағишлади у.

Ростгўй эса, қудратли тангрига шукур қилиш нияти билан қўл-бетини юшиб, таҳорат олди. Сўнгра, у ҳаёт зулолидан ичди, ичди-ю, аммо унинг ўтида куймади. Мудбир эса, у сувга тушиб, кир-чир жойларини юшиб тозалаш ниятида яланғоч бўлиб, энди қўлини урган эди, қайноқ сув бирдан қўлини куйдирди. Лекин, содиқ-ростгўй Муқбил белига лунги боғлаб, худди дарёга қайиқ тушгандай у сувга тушди. Йўлдоши Мудбир эса, унинг тепасида термилиб қараб турар эди. Шунда Муқбил чўмилиш учун бошини сувга тикди ва бошини кўтаргач, сувга қараркан, бу чашмадан чиқаётган нарса сув эмаслигини фаҳмлади. Бу бир ҳовуз бўлиб, унинг ичи тўла лаб-лаб зулол сув каби эди. Ҳовузнинг тошлари ярақон (сариф

касали) рангида — сандалгун бўлиб, тоза ва текис йўнилган эди. Ҳовуз атрофи гулзор ва у жаннатдаги Эрам боғини эслатарди. Унинг олдида ҳарамдек бир пок жой кўзга ташланарди. Ҳовуздан чиқиш учун оёқ босаркан, бир неча сарвқомат, оқбадан нозанинларни кўрди. Улар эпчиллик билан бунинг ҳузурига келиб, танасини артиш учун, покиза пўта-сочиқларни унга тутдилар ва яна ҳарир ҳулла-либослар келтирдиларки, уларнинг ҳаммаси шинам, чиройли ва кишига ярашиқли эди. Буларни хожага хизматкорларча тақдим этдилар ва унинг баданларини артиб қурутдилар. Унга кийдирилган саруполарнинг барчаси сандал рангу сандал исли эди. Унинг бошига салла ҳам ўратдилар, у ҳам сандал каби хушбўй эди. Қийиниб-тараниб, ораста бўлгач, уни сандал қасрига бошлаб бордилар. Бу сипоришлар хожанинг жонига қувват, руҳига шодлик бағишлагани каби, уни ҳайрон ва маҳлиё қилиб қўйган эди. У, бундай кўзини очиб атрофга назар солса, ўзининг бошқа оламда эканлигини ҳис қилди. Кейин, уни бир қаср ичига олиб кирдилар, у шундай ҳайрат ичида эдики, ўзининг на маст ва на ҳушёр эканини билмас эди. Бу кирган қасрининг равоқлари осмон каби баланд бўлиб, умр қасри каби қувонч бағишловчи эди. Бу иморатнинг шипи ҳам, равоқи ҳам сандал бўлгани каби, эшиги, поли ва тоқи — гумбази ҳам сандалдан ясалган эди. Бу сандалларнинг атрлари киши ақлини оғдирар, гоҳ ҳушга келтирса, гоҳ беҳуш қилар эди. Қасрнинг ичида сандал мисол тахт бор бўлиб, у ҳар турли жавоҳирлар билан безатилган эди. Тахт тепасида бир гўзал махлуқ суврати бўлиб, унга қараб, жинми-инсонми эканини ажратиб қийин эди. Унинг қиёфаси кўринишдан руҳонийга ўхшар, бошидан оёғигача нуроний бир вужуд эди. Ҳуснининг гўзаллигидан унга қараган одамнинг руҳи жонланар эди. Хуршиди тобонга ўхшаш юзи эса, фаришталар дунёсини эслатар эди. Нурли қадди-қомати гўё жаннат ниҳолидай, вужудига эса сув билан тупроқнинг дахли йўқ эди. Жисми бошдан-оёқ нуқул латофатдан иборат бўлиб, бу, эл учун офатнинг ўзгинаси эди. Унинг атрофида юзлаб тонг юлдузи худди ҳуру пари сингари жилваланиб турар эди.

Хожанинг кўзи у дилорога тушаркан, эс-ҳушини ўғирлатди-қўйди. Унинг вужудида қони қотиб, ранги сарғайиб, ерга йиқилиб, ўзидан кетди. Шунда у сарви гулруҳ унинг олдига келиб, лутф билан ёнига ўтирди. У гулруҳнинг ҳиди димоғига кириши билан хожа ҳушига келди-ю, уни кўргач, яна эси фаромуш бўлди. Миясида ақл нишони қолмай, гоҳ ўзига келиб, гоҳ беҳуд бўлар экан. У ҳурзод меҳрибончилик қилиб, уни ўз

лутфига ўргатиб олди. Ниҳоят, унинг безовта кўнгли тинчланиб, юрагидаги ўтнинг ҳарорати пасайди. Юз хил таъзим ва ноз-истигно билан у гўзал келинчак ўзини хожанинг яқин улфатига айлантириб олди ва тортинмай унга ёндошаркан, хожанинг боши шавқ ўтига ўралди. У сабр-қароридан ажраб, ўз ихтиёрини унутиб қўйди. Унинг сийнаси чок бўлиб, шавқининг туғён ва ғалаёнидан ҳалокатга учрашига сал қолган эди. Шунда маҳваш хожанинг илгидан ушлаб, уни суяб, тахти устига олиб чиқди ва хожа ер ўпиб: «Эй гўзал, такагоҳим ҳам, сулнчиғим ҳам сенсан, менинг ҳеч нарсага ҳаддим йўқ», деди. Маҳваш унинг қошида шундай азиз кўриндики, гўё хожа унинг қул-канизидек эди. Унинг мафтунлиги маълум бўлгач, ҳеч қандай уялмай-тортинмай, гўзал гулруҳ тахтга ёнбошлаб олди ва бахтиёр хожа унинг ёнига ўтирди. Аввал икковлари таом едилар ва шарбат ичдилар. Таомлар шунчалик лаззатли эдики, гўё у беҳишт неъматларига ўхшар эди. Овқат еб, ғизолангач, дастурхонда бода билан қадаҳ айлана бошлади. Сандал устига турли хил шираликлар тортилган бўлиб, ундаги идишларнинг барча нақши-нигори зарҳал эди. Сандал устидаги шиша ва май қувачаларининг ҳаммасидан анбар ва сандал ҳиди гуркирар эди. Шу пайт дилорой гулчеҳра ўрнидан туриб, у ерларга сандал ҳидли атр сепди ва тахт олдига келиб, хожага ҳам сандал ранг жомда май тутди. Маҳваш бошлаб ўзи у қадаҳдаги майдан бир-икки қултум ютгач, қадаҳни хожага тутган эди. Хожа шу даража ўзини йўқотган эдики, қадаҳни ола солиб, беҳудларча сипқорди. «Ич-қо ич» билан қадаҳ шунча кўп айландики, шодлик нашидаси то кўккача етди. Май хожанинг бошини шундай қиздирган эдики, унинг юзидан шарм-ҳаёнинг пардаси кўтарилмиш эди. Пари айланиб-ўргилиб, шундай меҳрибончилик қилар эдики, гўё хожа унинг пардасини йиртиши лозим эди. Хожа ўзини тутолмай ва сарви гулруҳдан кўзини ололмай қолди ва ҳамда бепарда гаплар гапира бошлади, зеро, пари уни девона қилиб қўйган эди. У, ҳар замон бир нарсдан умидвордай сўз қилар, бир нарсдан тамаланаётгандек ҳаракатланар эди. Шўҳ ҳирсга берилган ҳолда, ҳеч нарсдан тортинмай ўз қўлини хожа қўлидан олмас эди. Хожанинг сабр-тоқати қолмади, унинг вужудини шаҳват ғалаёнга келтирган эди. Қуввайи жисмоний ғалаёни уни шундай бетоқат қилган эдики, беҳушларча уни бағрига босиб: «Мени қийнаб қўйдинг, раҳминг келиб, дардимга даво айла, розилик бериб, ҳожатимни раво қил!» — деб ёлворди. Сарви шаккарханд унга ялиниб айтдики: «Бугун шунчалик ўйин-кулгига хурсанд бўл. Ахир, анча



майпарастлик қилдик, маст бўлиб, ақл-ҳушимизни йўқотдик. Ҳозир шошилишнинг ҳожати йўқ, тонг-ла шоҳона тўй тайёр-гарлигини кўриб, қонун-қонда асосида ақд қилиб, ҳарамингга никоҳ билан кирайин. Шунда ҳалоллик билан маишат қила-миз, бу ҳарамда ҳаромга йўл қўймайлик. Шаҳватга беҳуда берилма, поклик пардамни булғончиқ қилма!» — деб илтижо айлади. Шаҳват хожани тамом забт этиб олган эди, шу сабаб-дан унга нозаниннинг гап-сўзи таъсир этмади. У дод-вой этиб бўлса ҳам, ўз нафсини қондиришга қасд қилган эди. Шаҳват унинг нафсини қўзғаб, қўлини пинҳоний бир ерга тикди. Мақсади у ернинг пардасини тушириб, фил тишини сандалга пайвандлаш эди. Шунда маҳваш айтдики: «Қанча уринганинг билан, бу кеча сен айтган ишнинг бўлиши мумкин эмас. Борди-ю, ўзингга таскин беролмайдиган бўлсанг, буюрайин, келишган бир сарвқомат тонггача сенинг хизматингга бўлиб, сенга ҳамдамлик ва ёрлик қилсин. Модомики ўтинг шунчалик алангаланиб кетган экан, ана ўша гўзалнинг зулоли билан сўнсин ва таскин топсин».

Хожа бир қадар кўзини очиб, мақсад нималигини фаҳм айлади, савол-жавоб нимадалигини тушунди. Бу аҳволдан ҳайрон-мутаҳайир бўлиб, ўзининг нафи-зарурати ҳақида қайта гап очмади. Маҳваш санам унинг хомушлигини кўргач, бир ойни бошлаб келиб, унинг оғушига солди. Иккита ой тусли хизматкор — човушига ноз билан шундай имо қилган эди, иккаласи хожанинг олдига бордилар ва ноз-ишвалар билан уни кўтардилар ва хилват жойга олиб кириб, ўша гўзалга қўшиб қўйдилар. Маст хожа эса, хилватхонада то саҳаргача шаҳват нимани буюрса, шуни қилди.

Ниҳоят, чарх тун байроғини тубанга туширгач, туннинг қора тусли обнус дарахти сандал рангига кирди. Фалак ўз кўзини уйқудан очиб, ерга қуёш нурини ёйган пайтда у ерда бўлиб ўтмиш ҳангомалар хожанинг ёдига тамом тушди. Шунда у ажиб бир хижолатга қолди, кўнгли эса, ўтган гап-сўзлардан азобланар эди. Бу бахтсизликларнинг ҳаммасини тақдирдан кўргани ҳолда, ўрнидан туриб, ҳовуз тарафга борди. У, сувда ғусл қилиб, ўзини покламоқчи ва ихтилом чиркларидан баданини тозалармоқчи эди. Белига сандалиий лунги боғлаб, ҳовуз ичига кириб, сувга шўнғиди. Бошини кўтараркан, ўзини ҳалиги дарахт ковагидаги булоқ ичида кўрди. У қўрқиб кетиб, ҳар томонга қараркан, ўзга ҳеч нарсани кўрмади. Яна ва яна бир неча гал шўнғиса ҳам ўша эски жойдан чиқаверди. Тан-ноз чарх эса, аччиқ таъна билан: «Сен ўтган у гузарни сув оқизиб кетди», дер эди. Бахти юлдузини қора қилиб, но-

умидликдан ўлим ҳолига тушди. У ўзининг қилган ишидан лол ва музтар эди. Илоҳи бундай аҳвол ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Бир тарафдан мана шу дардлар билан хожанинг жони азобланаётган бўлса, иккинчидан, номуборак ҳамроҳи буни куйдирар эди. У мана шундай уқубатлар билан эзилар эди-ю, аммо аҳволини ҳеч кимга изҳор этолмас эди. Яна у, тош томонга боқар экан, бу чашманинг хосияти ҳақида ёзилмиш хатларни кўрди. У тошнинг бир бурчагига тубандаги сўзлар ёзилган бўлиб, аввал бу хатларни ўқимаган эди:

«Агар биров бу симиёни кўрса-ю, сувга тушиб, юз балога дучор бўлса, сувдан чиққач, дам олмай, сув юзидан ўтиб жўнаб қолсин. Лекин, озгина бўлса ҳам кетмай турса, ё дев, ёки наҳанг уни ҳалок этади». Буни кўриб: «Кетмайман, жонимдан тўйдим. Бундай яшаганимдан ўлганим афзал», деди-ю, кейин ўйлаб, жони ширин кўринди. Зеро у жой фитнага тўла эди. Зарурат юзасидан кетишга қатъий бел боғлади ва қайиғини ечиб, кетиш тараддудига тушди. Лекин, Мудбир Муқбил ҳаётида катта ўзгаришлар юз берганини кўриб, уни билиш учун кўп тадбир ахтарди. Муқбил эса, ҳеч нарсани унга ошкор қилмай, қайиққа чиқиб ўтириб олди. Яна Мудбир бунга йўлдош бўлди. Шундай йўлдош бўлмаса, кошкийди.

Булар яна, ўзларига ҳақдан паноҳ тилаган ҳолда, қайиқларини сувга қараб сурдилар. Бечора Муқбилнинг ҳоли хароб бўлиб, ҳажр ўтидан ичи ўртаниб борар эди. Кўнглини безовта қилувчи айблари етарлик бўлиб, Мудбир бунинг аҳволини кузатиб борарди. Лекин, у сўрагани билан жавоб бермас, ғамининг сабабини шарҳлашга ҳам қодир эмас эди. Муқбил: «Эй гўзал феълли дўстим, сен мендан бу саволга жавоб кутма! Мен ўз аҳволимни шарҳлаб бермасам, айбга қўшма, зеро, ҳозир қай аҳволда эканимни ўзим билмайман. Сен агар ҳолимни кўриб ачинаётган бўлсанг, ҳақласанг, аммо менинг хижолатим ундан зўр. Агар менинг беҳудлигим сени хафа қилса, иложим йўқ, мен маъзурман. Нафасингни менинг дилимга мосла, лутф-меҳрибончилик қилиб, бир неча кун кўнглимга қара. Бахтимизга муродимиз ҳосил бўлиб, эсон-омон соҳилга етиб олсак, ажралиш олдидан кўнглингни шодлантирай, қўлларингни ўпиб, хурсандчилик билан хайр-хўш қилай», деб бошини қуйи солиб, кўзидан юм-юм ёш тўкди. У, қайиқ ичида ҳўнграр, оҳидан чиққан ўтдан денгиз жўш уриб қайнагудек эди. Мудбир унинг аҳволидан бу даража огоҳ бўларкан, хафалигидан тентак бўлиш даражасига етди. «Чашма ичида бўлган дев-парилар тегиши натижасида, шу аҳволга тушган», деб

ўйларди у. Чиндан ҳам бу аҳвол унга ғоятда ғалати туюлган эди.

Шу орада узоқдан бир азим кема кўринди. Бу пайт ел ўз мўътадиллигини йўқотган, бутун денгиз ур-йиқит эди. Шу жиҳатдан, бир амаллаб заврақни (қайиқни) у кемага ёндоштириб, икковлари кемага чиқдилар ва тўлқин хавфидан анча беғам бўлдилар. Лекин, бу кема аҳлини тўлқин тамом қолдан тойдирган, улар ҳаётдан умидларини узиб, жон ғамидан қутулган эдилар. Кема ичида ўликдан ўзга жон йўқ, унинг ичи сандал ёғочи билан тўлиб ётар эди.

Аслида бундоқ бўлган экан: Ховар шоҳ шу тарафнинг ҳукмдори бўлиб, унинг пари янглиғ, пари эмас, шарқ қўёши янглиғ бир қизи бор экан. У, шоҳ ҳаётининг зеб ва зийнати, балки кўз қорачиғидан ҳам азиз фарзанди экан. Бу қизнинг доим боши оғрир ва умри азоб билан ўтар экан. Ҳукамо (табиблар) у қизга не-не муолижаларни қилган бўлишларига қарамай, даво топмас, мижозига ҳеч нарса ёқмас экан. Фақат сандал иси наф қилиб, шугина бошининг оғриғини даф қилар экан. Шу жиҳатдан, дунёнинг улуғ шоҳи сандал ёғочидан олий қаср бино қилиб, унинг барча қисмларини ҳам сандалдан ясатишга қарор қилган экан. Бу бино баланд осмон каби юксак бўлиши, токи у маҳваш шу уй ичига кириб ўтириши билан бош оғриғи қолиши керак экан. Бу овоза оламга эшитилиб, тужжор-савдогарларнинг иштаҳасини очиб юборган экан. Улар, шоҳга сандал сотиб, фойда топиш умиди билан, ҳинд мамлакатига бориб, қанчадан-қанча хушбўй сандал келтириб, у иморатнинг кўнгилдагидек мукамал битишига ҳисса қўшмоқчи бўлган эканлар. Шу ишда кеча-кундуз демай ташаббус кўрсатган одамлардан бир нечтаси мана шу кемага сандал юклаб келмоқда экан. Кема денгизнинг бир гирдобига тушиб қолиб, йилларча шу гирдоб ичида айланиб қолиб кетган экан. Шу фурсат ичида уларнинг ғамлаган бутун озиқ-овқатлари тугаб, ҳаммалари очликдан ҳалок бўлган эканлар. Кейин ва ниҳоят, денгиз устида қаттиқ бўрон қўзғалиб, сувни остин-устин қилиб чайқатиб, қиёмат қўпориб юборибди. Денгизни ел раққосдек ўйнатгач, чарх уриб, бир жойда айланиб ётган кема гирдобдан халос бўлган экан.

Икки ҳамроҳ бу кемага кираркан, фажийъ аҳволни кўриб, Муқбил оҳ уриб — нолаю зор қилиб юборди. У, кеманинг бир бурчагида ўтириб олиб йиғлар, денгизда жонидан ўзга нарса-нинг ғамини емас эди. Мудбир эса, ўлган одамларни сувга ташлаб, кема билан молларни ўзиники қилиб олиш пайига тушиб қолди. У, кемадаги молларни ўзиники қилгани каби, ке-

мага ҳам эгалик қилмоқчи эди. У бу мол-мулкларни эгаллаш билан овора бўлгани ҳолда, дўстининг нима қилаётганидан хабари йўқ эди. Шу орада узоқдан соҳил ҳам кўриниб қолди ва тезда кема соҳилга етиб келди.

Бу тарафдан кема сузиб бораётган соҳил Ховар диёри экан. Шоҳ бугун томоша қилиш учун чиққан бўлиб, у денгиз мавжини кўздан кечирарди. У, янги келган кемани кўриш билан, одамларига:

«Бориб, бу кема ичидаги одамлардан бирини олиб келингиз! Кемадаги аҳволни билиб, хотиржам бўлгач, уйга кетайин», деди. Улар бориб, кемада атиги икки киши борлигини билдилар, лекин уларнинг бири шоду иккинчиси ғамгин эди. Бу иккисига шоҳнинг фармони етиши билан, Мудбир тезда унинг олдига кетди ва ер ўпиб, дуойи фотиҳа қилди. Кейин шоҳ ундан ҳол-аҳвол сўради. Шунда Мудбир:

«Тожирман, ишим савдогарчилик бўлиб, бу сафарда битта ҳам тирик одамим қолмади. Сувнинг сассиқ ҳиди туфайли, вабога учраб, барча кишилар ўлди. Мана, соҳилга эса, мен ва Муқбил деган бир қулимгина етиб келдик», деди.

Шу хилдаги ёлғон-яшиқ афсоналарни гапирар экан, Мудбирнинг вужуди шиша бошлади. У бир онда шундай шишиб кетдики, ичига сигмай қолганидан кийимлари чок-чок бўлиб йиртила бошлади ва ниҳоят, ўзи ҳам ёрилиб ўлди. Бундай ҳодисани кўрмагани учун, шоҳни ҳайрат босиб кетган эди. Ундан сўнг, бечора Муқбилни чақиртирди. Уни кўргач эса, кўнглида аллақандай хурсандлик пайдо бўлди. У келгунча Мудбирнинг маййитини — ўлигини яширтириб қўйган эди. Энди бундан ҳам йўлдошидан сўраган гапни сўради. Муқбил нимани кўрган ва билган экан, ҳаммасини бошдан-оёқ яширмай-нетмай, қандай бўлса, шундай ростгўйлик билан гапириб берди. Шундан сўнг, шоҳнинг амри билан кема ҳам, ундаги мол-мулклар ҳам давлат фойдасига байтилмол қилинди. Муқбил нимани баён айлаган бўлса, ҳаммасининг чин эканига шоҳ ишонч ҳосил қилиб:

— Офарин, содиқ-ростгўй мухбир! Тўғрилигинг кўнглимизни сайд этиб, жонимизни ўзига асир қилиб, боғлаб олди. Энди, кўнглинг нимани тиласа, шуни айт, берамиз, сендан аямаймиз, деди.

Муқбил дуо қилиб айтдики: «Эй шоҳ, Сизнинг умрингиз узун, жоҳ-салтанатингиз барқарор-у, мартабангиз осмон авжидан ҳам баланд бўлишини истайман. Шоҳим, агар мен бандаларини озод қилиб юборсалар, туну кун ҳақларига дуо қилиб, яхшиликларини асло унутмас эдим».

Муқбилнинг сўзи ёқимли — дилкаш эди, у олижаноб ва хушхулқ одамнинг гапи бўлди. Шоҳ бу каби яхши хислатли одамни башар наслидан топиш маҳол бўлса керак, деб ўйлади. Муқбилнинг гўзал нутқи, зебо чеҳраси шоҳ кўнглини меҳрдек ёндириб юборди ва уни ўз хизматида қолишга таклиф этди. Шоҳ таклифини ҳам бажонидил қабул айлади, ҳамда шоҳга миннатдорчилик билдириб, қуллуқ қилди. Шоҳ эса, уни ўз қошида вазир қилиб олиб қолди. Сўнгра, бир оз хизмат қилгач, унинг бошига давлат қуши бўлмиш Ҳумо соя солди, яъни, шоҳ Муқбилни уйланишга даъват қилиб, уни фарзандликка қабул этди. Аммо, Муқбил узрлар айтиб, бу таклифни рад қилмоқчи бўларди, зеро унинг юрагида ўзга яшининг ўти ёнмоқда эди. Ахир, унинг ҳушини сандал қасрда ўтирган, сандал ҳидли гўзал ўғирлаган эди-да. Шоҳ унинг узр айтишига ҳам қарамас ва уни ўз ҳолига қўймас эди. Шоҳ ошкора ва махфий суратда кўп хазиналар сарфлаб, ўз фарзандини унга жуфтлаб қўймоқчи бўлди.

Муқбилга шоҳ бир қанча сандал исли саруполар кийдирди, бу, париваш қизнинг истаги билан бўлган эмиш. Сўнгра уни, гули сумонсога қўшиш учун, қасри сандалга олиб бордилар. Кейин, Муқбил қараса, бу ғаройибларнинг ҳаммаси ўша чашмада бўлмиш мусибатларнинг сабабчиси тарафидан бўлаётган экан. Қаср ҳам, шипи ҳам, остонаси ҳам ўша; тахт ҳам, замонани офати ҳам ўшанинг ўзи. Ҳайрат ўти Муқбил димоғини шундай куйдирдики, бунинг алангасидан вужуди нобуд бўлай деди. У оҳ-фиғон чекиб, йиқилиб қолди, жони танасидан чиқиб кетгудек бўлди. Гоҳ ҳуши ўзига келиб қолса ҳам, яна оҳ тортиб, ўзини йўқотар эди. Димоғига сандал атри кириши билан кўзининг чароғи ёришса ҳам, лекин кўзини очиб, у ердаги тушуниб бўлмас аҳволни кўриш билан нола айлаб, яна беҳол бўлар эди. Аслида, унинг бунчалик дилкаш ишқини кўриб, Муқбилни маҳваш севиб қолган эди. Ниҳоят, аста-секин таскин топиб, маҳвашнинг висолидан ком олиб, муродига етди. Лекин, ҳайратидан доим тили лол эди. Бинобарин, бир кун ҳумоюн фол (омади келган) гўзал Муқбилга: «Сен бу ишлардан жуда ҳам ҳайратдасан ва ҳеч сабабини тушунолмайсан. Аммо, мен бунинг сирларидан хабардорман», деди. Унинг ҳамма гапи рост бўлиб, кўрган-билганларини бекам-кўст гапириб берди. Дарахт ва чашма можаросини ҳам, сандал ва қаср симиёсини ҳам, гўзал маҳваш табассум қилгани ҳолда, унга тубандагича дилкаш афсона айтиб берди:

«Тақдир мени гўзаллиги билан оламни оладиган даражада жамолга эга қилди. Менинг ҳусним ҳақидаги овозалар бутун

жаҳонга, жаҳонгагина эмас, инсу жинс аро тарқалди. Ахир, ҳуснимга жин шоҳи ҳам асир бўлиб қолган, у кўз олдимдан кетолмас эди. У жиннинг оҳ-воҳи қаср ичига алола солар, унинг савдоси мени девона қилаёзган эди. Мен, ниҳоят, буни шоҳга арз айладим. У, ҳукамоларни чақириб келиб, мени кўрсатди. Яна ромчи-фолбинми, азойимхону сеҳргар борми, ҳаммасини чақириб, дев ва парилар зиён-заҳматидан мени қутқазिशга ҳаракат қилди. Улар бирлашиб, тадбир-чоралар кўргач, жинлар тўсатдан ғойиб бўлди. Лекин гоҳо қулоғимга қанот садоси-ю, жин-парининг нидо ва чақириғи эшитиларди. Улар: жин шоҳи ғамимда девона бўлганини, денгиз ичида симиё этиб, қаршимда менга боқиб, ўзини овунтириб ўтирганини баён қилардилар. Сен сандалий қаср ва унинг атрофидани боғни, сандалий тахт устида мени қайси аҳволда кўрган бўлсанг, худди шу аҳволда ҳозир менга баён этдинг. Уша жойларни мени ором олсин, деб зеб-зийнат билан бунёд қилган эканлар. Сен ўша жойда бўлганинда, ўзингни менинг ҳуснимга вола қилдинг. Унда сен ҳуснимга вола бўлган бўлсанг, бу ерда сени ҳақ висолимга етказди\*.

Шу қиссани эшитгач, Муқбилнинг дилидан ҳамма гамлар кетиб, гулруҳ билан хушдил бўлди. У сандал қасрида муроди-га етди, кийим-кечаклари ҳам сандалий ранг бўлди.

Сандал руҳга осойишталик, унинг атр ҳиди эса, жонга ҳаёт бағишлашини яхши билингиз. Сандал исига тек туриб бўлмайди, мушк борлигини ҳам ҳеч ким яширолмайди, зеро, бу иккиси ўз муаттар ҳиди билан ҳар ерда билиниб туради.

Доно мусофир бу гўзал ҳикояни айтиб тугатаркан, шоҳ Баҳром ҳам сандал ҳиди билан маст бўлган ҳолда ухлаб қолди.

## XXXII

*Одина (жума) куни Баҳромнинг оппоқ — кофурий кийимда кофургун қаср ичида оппоқ либосли қора соч гўзал ила ож<sup>1</sup> тахт устида ўтириб, биллур жомда оқ май ичгани ва у оқликдан ҳижрон ҳарорати таскин топиб, ўзининг мушк-бўй оҳусидан хабар эшитгани*

Жума куни бу баланд равоқнинг гумбази тонг ганжидан оқарди. Гардун-фалак найрангбози юлдуз доналаридан озига

<sup>1</sup> О ж — фил суягидан ясалган.

чўғ солиб олган, у эрта тонгдан бошлаб шундай алангаланди-ки, нафасидан оламга ўт совурди. Тонготар тарафни фалак тозаловчи меҳр (қуёш) совун суртиб, покизалаб ювди. Шу пайтда шоҳ оқ ҳарир либос кийган ҳолда, меҳр-мунирдек пайдо бўлди. Қуёш ўз нури билан оламни ёритганидек, шоҳ кофурий саройга кирди. Чин гўзали ҳам ипак ҳулласини оқ ранг билан безаган эди. Шоҳ оқ тахт устига чиқиб ўтиргач, шўх ҳам унинг ёнидан жой олди. Яна айш-базм тайёргарлиги кўрилди, зиёфатга йиғилган одамларнинг кийим-боши ҳам оқ эди. Яна бир гулруҳ паризод хитой-чиний қадаҳига бода қуя бошлади. Чинни ҳам оқ-фағфурий рангда эди. Шу кунни шоҳ оқшомгача бода ичди, бу, ҳар кунги ичадиганидан зиёдароқ эди. Меҳр дунёдан нуруни яшираркан, чарх томидан ой ўз оқ нуруни соча бошлади. Яна шоҳ уйқу нашидасини истаб қолди шу онда оқ уйга шоҳ учун ўрин солдилар. Бу пайтда пурдон билимдон мусофир тайёр бўлиб, унинг мияси гўё билим дурдоналарининг бебаҳо қутиси эди. У остонада ўтириб, шоҳ ҳақиқа тубандагича дуо бунёд этди: «Кўҳна хислат эгаси бўлмиш чарх бу оқ уйингнинг ходирига айлансин, боргоҳинг эса, аҳли жаҳоннинг паноҳи бўлсин!» — деди.

### XXXIII

#### *Еттинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг айтган афсонаси*

Дуо қилиб бўлгач, доно айтдики, энди ўз кўрганларимни ҳикоя қилиб берайин:

Менинг йўлим бу томонга тушиб қолгани билан, асли ўзим Хоразм диёриданман. У ерда менинг касб-ҳунарим созандалик бўлиб, бу санъатни ҳеч ким менчалик билмайди. Мусиқий фани ва мусиқий назариясини бу соҳага қизиқувчи кишилар мендан ўрганадилар. Халққа ва шогирдларимга бу санъатдан таълим бериб-устозлик қилиш менинг касбимдир.

Ногаҳон халқ орасига шундай овоза тушиб, бу хабар тезда эл-юртга тарқаб кетди:

Бир Хитой савдогари ўзи билан бирга ҳур сифат бир канизак олиб келган эмиш. У хўжанинг келтирган моли дарёю кондан ҳам, ҳар қанча гумон қилиш мумкин бўлса, ундан ҳам зиёда эмиш. Лекин, у тожирнинг шунча моли ҳам бир тараф-у, маҳваш канизагининг ҳусн-жамоли ҳам бир тараф эмиш. У гўзалнинг фитна қўзғатувчи жамоли устига, ёқимли қўшиқ-

лар айтиш ва танбур чертиш санъати ҳам бор эмиш. Бу хабар элни беқарор қилган эди, шу орада хожанинг ўзи ҳам етиб келди. Уни эшитиб, бутун Хоразм эли савдогарнинг истиқболига чиқди, бундан мақсад, шу тарқалган овоза қанчалик тўғрилигини билиш эди. Хожа ҳақиқатан овоза қилингандек ғани-бой ва зуҳду тақво билан шуғулланувчи художўй одам экан. Юзи жойнамоз устига нур сочувчи, фалакнинг қорамушкини оқ-кофурга айлантирган, яъни қора сочи оқарган одам экан. Осмондаги ойга ўхшаш гўзал эса, парда ичида бўлиб, аслида шу хожанинг ўз фарзанди экан. Дарё кафтли хожа билан унинг гавҳари (фарзанди) бамисоли фаришта билан паридай эди. Лекин унинг юзи ниқобланган бўлиб, худди булут орасида турган қуёшга ўхшарди. Унинг юзидаги ниқоби оппоқ, худди қуёшни оқ булут қоплагандай эди. Фақат ниқобигина эмас, нима кийган бўлса, ҳаммаси оқ бўлиб, оқдан бошқа нарса киймасди. Бу оқбадан гўзал ҳар куни икки маҳал эрта-лаб ва кечқурун соз чаларди. У парда ичида ўтириб чанг чалар, чангга эса ўз товушини жўр қилар эди. У, созга қўшилиб шундай куйлардики, у соз билан қўшиққа кишилар жон бергудек бўлардилар. У пардада турганида одамлар жонига шунчалар қасд қилса, пардаси очилса, кишилар ҳоли не кечар экан? Парда ичида юзи қанақалиги номаълум бўлгани ҳолда, уни кўришга кишиларда мажол йўқ. Унинг субҳ билан шомдаги таронасини кўриб, халқ беҳудона тарона тузар эди. Шу қўшиғининг ўзи элни нотавон қилар, нотавон кишиларнинг жонига эса қасд этар эди. Бунинг куйини тинглаш натижасида, ғамнок одамлардан баъзиларининг оҳ-нола чекиб, ҳалок бўлмаган куни йўқ. Халқ унинг навосини эшитиш учун шошилар, йўқ, навосини эшитиш учун эмас, балки жон бериб, шунинг ҳузурида ўлиш учун шошилар эди. Ниҳоят, фалакнинг бу каби ҳангома тузаётганини одамлар мамлакат шоҳига ҳам етказдилар. Шоҳ ҳам уни келтириш ҳақида буйруқ беролмади, зеро, хожанинг ўзи ҳам баланд мартабали жаноб эди. Бинобарин, шоҳ ўзининг шоҳона либосларини ўзгартириб, унинг ишқида фақир ҳақир киши қиёфасига кириб, бошқа оддий халойиқ қатори пинҳоний келиб, унинг куйини эшитдида, вола бўлиб қолди. Лекин, санамнинг ҳамдамлари бўлмиш аёллар уни парда ичида сақлар эдилар. Шунга қарамай, шоҳ унинг навосидан ҳам ҳусни ўткир эканига имони комил экан. Шоҳ парда ичига киришни орзу қилса ҳам, васлини кўриш бахтига муяссар бўлолмай, хом тамаъ бўлди. Шу тарзда орзу-ҳавас билан, иложи бўлмагач, маҳваш билан топишини, ўзини хожага фарзанд қилиш умидида орага далоллар ҳам қўйди.



Лекин, шундай ноёб мақсади ҳосил бўлиш ўрнига, шоҳга хожадан тубандагича жавоб келди:

«Қулларига меҳрибон-банданавоз шоҳ биздек камина бандаларига эъзоз-икром кўрсатиб, ўртага шундай сўз ташлади-ларки, бу сўзлари билан гўё қора тупроқни кўкка кўтардилар, заррадек нарсани қуёш даражасида қадрладилар. Давлат-манд шоҳ мени бу даража баланд кўтарар эканлар, у кишининг сўзини қайтаришга не ҳаддим бор? Лекин, у киши бундан ортиқ иззат-ҳурмат қилганларида ҳам, менинг толеим ёр бўлмаса, не фойда? Менинг қизим ҳақиқатан маҳваш-у, аммо эр киши билан жуфтлашиш масаласида бениҳоя саркашдир. Уни ҳақ таоло дунёнинг ягона гўзали қилиб яратгани билан, жуфтлашиб яшаш фазилатидан тоқ қилиб қўймишдир».

Шоҳ бу жавобни эшитгач: «У гўзалнинг шиори шундай бўлиши мумкин, лекин шоҳнинг ҳукм қилишга ҳам ҳаққи бор-ку», деди, яна у ўзининг бу гапида турмай, минг хил хаёл андишага ҳам борди. У, умид ва хижолат билан яна бир неча марта сўз айтгирса ҳам, аммо, хожанинг жавоби аввалгидек битта бўлди. Шу хилда бебок — шафқатсиз ишқ шоҳни мағлуб ва ҳалок қилмоқчи бўларди. Бир тарафдан шаҳват уни беқарор қилиб, ғазабу золимлигини оширар эди. Ниҳоят, нияти бузилмиш шоҳ, ўз одамларига буюриб, Хожанинг пардага ўраб қўйган гўзал қизини ҳам, у ҳурнинг юкларини ҳам орттириб келиб, ҳарамхонасига туширтди. Шу ондаёқ шоҳ қулоғич билан шошилганича санам олдига югурди. У моҳ буни кўриб, гап ниманинг устида эканини тушунди ва чангини қўлига олиб, унга жўр бўлиб куйлай кетди. У шундай бир жўш уриб куйладик, буни эшитган шоҳ ўзини унутиб қўйди. Бунинг ашуласи кимнинг қулоғига кирса, у йиқилиб, ухлаб қоларди. У ердаги одамларнинг барчаси уйқу билан маст бўлиб толгач, шўх ўз уйига қараб кетиб қолди. Шоҳ ва унинг сипоҳлари уйғонаркан, бу аҳволни кўриб ҳаммалари ҳайратда қолдилар. Улар кўзларидаги уйқунни кетказгач, жодугар шўх-ни яна олиб келдилар. У гўзал яна соз билан куйларкан, уларни уйқу элтиб қўйди. Яна санам ўз уйига кетиб, парда ичига кириб ором ола бошлади. Шоҳ уни бир неча марта олиб борса ҳам, барибир, маҳваш шундай ҳунар кўрсатиб, кетиб қолаверди. Оқибат-натихада иффатининг зўри билан, шоҳ-ғиш-ғишасидан қутулиб, хотири жам бўлди. Ниҳоят, шоҳ хожга олдига илтифот билан келиб, юз хил сўз билан узрхонлик қилди ва унинг шарафига зиёфат ташкил этиб, қадаҳда май тутиб, отамсиз, деб унинг гапига қулоқ солди. Ой юзлик олдида

ҳам юзи уятли эканини, қилган ишларидан ўзи хижолат ва пушаймонлигини изҳор этди. Шоҳ парда ташқарисида туриб, у гўзалга узрхонлик қилар, узр айтаркан, ўзини ерга уриб паст тутар эди. Шоҳнинг камтарлигини кўриб, бу ҳам меҳрибончилик изҳор этди. Натижада уни бу дунё-у дунё синглим деб атади. Хожани ота-ю, қизини сингил қилиб олгач, шоҳ уларга кўп меҳрибончиликлар билдирди.

Шундай қилиб, у шўх шоҳнинг дахл-духилидан эмин бўлгач, ўз уйида осойишта яшай бошлади. Хожа ўша ерда беҳиштаникига ўхшаш гўзал бир боғ ва осмон тоқидек қаср бунёд этди. Бундан бошқа, ибодат ва саодат юлдузи учун ҳам алоҳида бир ҳужра қурди. У моҳ кофур рангли узун кўйлак кийиб, ўша ҳужрада худога тоат-ибодат қилиб ўтирарди. Барча кийган кийими тонг каби оқ-нурони-ю, лекин, кўзи тонг отсунча юлдуз сочарди (ёш тўкарди). У, туну кун тангрига муножот қилиб, бировнинг умиди билан вақтини ўтказарди. Лекин, унинг кимлигини ҳеч кимга аён қилмасди, у айтмагани учун, ҳеч ким билмасди ҳам. Тонг отгач, яна фиғон чекиб, ашула айтарди, мусиқий оҳангига қўшилиб наво чекарди. Унинг куйи, бир тарафдан кишининг иштиёқини қўзғаса, иккинчидан, фиғони ҳижрону фироқ аламидан дарак берарди. У ўз нолаю зори билан бир нафас элни зор қиларкан, савти билан тош кўнгилни эритар эди. Сўнгра то шомгача яна ибодат билан машғул бўлиб, шом бўлгач, яна ўша қўшиғини айтарди. Одамлар парда ташқарисида ўтириб, оқ-нола қилар, шоҳ ҳам гоҳо-гоҳо шулар сингари дод-вой қилиб ўтирар эди. Унинг ғаройиб куйини эшитаркан, эс-ҳуш деган нарса кўнгил билан видолашиб қолар эди.

Хожа меҳмонларга шундай ноз-неъмат тўла дастурхон эзиб қўйганки, такаллуфнинг бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Хусусан, у шоҳни юз хил меҳрибончилигу турли-туман ноз-неъмат билан зиёфат қилиб йўлга солар эди. Хуллас, мана шу ака-сингил тутинган икки ажойиб фарзанд хожанинг топдан-тутганига зиён етказиб ётар эди.

Мен у шаҳарнинг музикачи нағмасози бўлганим туфайли, бутун базмларда дostonнавозлик қилар эдим. Бутун умрим қўшиқ ва соз билан ўтгани каби, тирикчилигим ҳам соз ва қўшиқ орқасидан ўтар эди. Қачонки у нозанин соз чалиб, қўшиқ айтадиган бўлгач, мендан бахт-омад кетди. Унинг хонишини эшитган эл-улус менга илтифот қилмай қўйди. Тирикчилигим оғирлашиб қолди. Бирдан турмушимга халал етгач, ўз ишимни ўнглаш учун бир чора кўрдим; яъни шунчалик кофур истеъмол қилдимки, у менинг ҳароратимни бутунлай

пасайтириб юборди. Кейин ҳаётимдан умид узилгач, хожанинг даргоҳига қараб йўл олдим. Хожа эса, маҳваш ҳарамида хурсандчилик қилиб ўтирган экан. Мен уникига яқинлашгач, фарёд кўтариб, ҳамма ёққа дод-вой солиб юбордим. Шунда, фаришта хислатли хожа ва унинг парда ичидаги ҳур мисол нигори мени ўз ҳузуруларига чақириб: «Бу фарёдингнинг боиси нима? Ўзинг кимсан? Сенга ким жабр-зулм қилди?» — деб сўрадилар.

Мен: «Сиз зулм қилдингиз, мана бу қизингдан, унинг отасин сендан менга зулм етди», дедим.

Улар: «Тухмат қилма, эй мазлум! Кимсага зулм қилиш бизнинг расм-одатимиз эмас, дедилар. — Балки бизни танимай гапираётгандирсан, балки бизни бошқа кимсаларга ўхшатаётгандирсан?!»

«Ундоқ эмас, мана, ишонмасангиз бир-бир сўранг, агар гапингизга жавоб беролмасам, янглишган экансан, деб сўзимни ёлғонга чиқазинг. Акс ҳолда, инсофга келиб, менга ёрдам қилинг!» — дедим.

Улар: «Қани, айтиб кўр-чи!» — дедилар. Мен, сўз бошламасдан илгари, улар ҳақиқага дуо қилдим. Сўнгра, шошилмай, аҳволимни баён айладим. Буни эшитгач, улар кулиб, хожа ҳам, сарви лоларуҳ ҳам сўзимни тасдиқладилар. Ниҳоят, сўз шу даражага етгач, мақсадимни тубандагича изҳор этдим:

«Агар, мумкин бўлса, умрим борича вақтимни шу даргоҳда ўтказар эдим! Мен соз чалиб, қўшиқ айтишдан бошқа нарсасига қизиқмайман, ўзга машғулотдан тирикчилигим ҳам ўтмайди. Фариштасифат хожанинг эҳсонларидан озиқланиб, ҳур қизнинг хонишларидан жонимга роҳат етса бас. Мен шундай ҳавасланаманки, бу кишида бўлмиш хонандалик фазилатининг мингдан бирини эгалласам, агар Нуҳ пайгамбарчалик узун умр кўрсам ҳам армоним қолмасди. Мана, мен бечоранинг ҳолини кўриб турибсиз. Лекин, мусиқий фанида мен каби билимдон одам йўқ. Бу мамлакатда ким созанда-хонандаликни ўзига касб қилиб олган бўлса, уларнинг барчаси менинг камтарин шогирдларимдир. Агар Афлотундек зот мусиқийшунос бўлса, у менинг олдимда билимсиздир. Лекин энди сендаги фазл-камолотни кўргач, буни ҳар қандай қалам эгаси тасвир этишдан ожиз, деган қарорга келдим. Куйлаш билан бировни ўлдириб, бировни тиргизгани ким кўрибди? Хулосайи калом, сенинг мўъжизавор куйларинг менинг санъатимни чипакка чиқазди».

Улар менинг ялиниб-ёлворишимни, зорланишимни кўриб,

рахмлари келиб, дилнавозлик билан аҳволимни сўрадилар. Шунда хожа:

«Биз билан ёр-дўст бўлиб, соз чалиб, ғамгусорлик қилсанг, тирикчилигинг ўтаверади, лекин, бир мушкул муддао бор, у ҳам бўлса, сарви гулруҳга хизмат қилиш бўлиб, унинг ёнига номаҳрам кишининг келиши мумкин эмас», деди.

Мен айтдимки: «Сиз бу масалада ғам еманг, мен бу кишига маҳрам бўлиш умидида ўзимни погирон айлаб, эрлигимни йўқотдим. Бунинг учун шу қадар кўп кофур истеъмол қилдимки, бу билан эрлик табиатини ўзимдан йироқ айладим. Ушбу кофурий парда ичида ўтирган ҳамда оқ пардага ўралган нозанинга ўзимни ҳамранг қилиш учун кофурий қасрга бош уриб келдим. Менинг отим Кофур бўлиб, бир камина қул сифатида шу пардадан четга чиқмай, хизматларида ўтирсам, дейман!»

Хожа билан сарви маҳлиқога шу гапларни айтганимдан сўнг улар ҳайратланиб, тафтиш қилиб кўрдилар ва гапларимнинг тўғри эканига қаноат ҳосил қилдилар. Шундан сўнг ниҳоятсиз илтифот ва меҳрибончиликлар кўрсатдилар. Бир қадар оғирлик кўрган бўлсам ҳам, икковлари илтимосимни қабул айлаб, хизматларига олдилар. Шундай хизмат қилдимки, натижада иккаласининг ҳам илтифотига сазовор бўлдим. Гоҳо хожа билан суҳбатлашар ва гоҳо парда орқасидаги ой билан ҳамроз бўлиб сирлашардим. Борган сари муносабатларимиз яхшиланиши туфайли, кўп илтифотлар кўришга муяссар бўлдим. Лекин, моҳруҳ куйлар экан, мени бир ҳайрат мот қилар эди: зеро, унинг айтадиган бутун байтлари ишқ дарди ва ҳажрдан иборат эди. Ҳар бир тараннум қилинган қўшиқ ошиқона нолаларни ўз ичига олар эди. Шуни ҳам англадимки, у нозанин холи жойда яширинча кўпдан-кўп йиғлар эди. Уни ғам ортиқ даражада эзган пайтларида парда орқасида ўтирган ҳолда мен унга маҳрам бўлар эдим. У бирон гапни билмоқчи бўлса, уни мендан сўраб эди. Билганимча саволига жавоб берар, ҳар бир сўзнинг тўғриси айтиб берар эдим. У, тунлари уйқудан бедор бўлиб қолса, «афсона айтиб бер», дер эди менга. Афсона айтаётган чоғимда ишқ, ҳажр, фироқ ҳақида сўзлаб қолсам, дунёнинг ягонаси бўлмиш у нозанин беихтиёр йиғлар эди. Унинг бу аҳволдан хабардор бўлгач, ақл билан ўй ўйлаб, бу зор ва маҳзун париваш бировга ошиқ — мажнун бўлса керак, деган хулосага келдим. Ҳажр тиканаги унинг ичи-бағрини тешиб емирар, фиғон тортиб куйлаганда эса, ичидаги маддалар ташқарига сизиб чиқар эди. Агар куйламаса, ичида яшириниб ётган аланга туну кун уни куйдирса

керак. Унинг аҳволи шу тарзда эканини фаҳмлагач, ундан шу ҳақдаги ҳасратини эшитиш орзусига тушдим. Бинобарин, у ёқдан-бу ёқдан сўз очиб, яхши-ёмон ҳақида гап қўзғар ва ҳикоя қилар эдим. Шу йўсинда уни ўзимга ром қилиб олдим. Ниҳоят, у мендан чўчиб тортинмайдиган ва мен билан суҳбатлашиб овунадиган бўлиб қолди. Шу аҳволга келгач, бир кун:

«Эй маҳваш, тангри доим кўнглингга шодлик бағишласин. хотирингда ҳеч қандай ғам-қайғу бўлмасин, ҳар бир нафасини ҳузур-ҳаловат билан ўтсин! Мен сенга бир мушкул савол бер сам, хафа бўлмайсанми?» — дедим. У «майли», дегач, фил-қол сўз бошладим:

«Бир қанча вақтдан буён сенга қул бўлиб хизмат қилмоқ-даман ва меҳрдек сенинг атрофингда фидойинг бўлиб айланмоқдаман. Ҳар доим қол-аҳволингни сўрайман, хурсандми-хафалигингни суриштираман. Ақлим ҳар нарсага етиб, кўнглим ҳар тарафдан маълумот бериб турибди. Билишимча, сенинг бир пинҳоний ғаминг бор бўлиб, ўшанинг қийноғидан жонинг азобдадир. Бунга ҳам бировнинг муҳаббати боис бўлгани каби, унинг ҳажри азобидан ғам тортсанг керак. Мана шу сабабдан аламзада бўлганинг туфайли, соз чалиб, фиғон чекишни одат қилиб олган бўлсанг керак. Шу жиҳатдан ҳам куй-тарона билан машғул бўлиб, нолайи-зор билан ўзингни овутсанг керак. Юрагингда бўлмиш дарду аламни куйлаш билан, хаста кўнглингни бўшатсанг керак. Мумкин бўлса, шу ғамингни менга айтсанг-у, мени шу сирингга ошно қилсанг! Лекин, шунга амин бўлгинки, то ҳаёт эканман, мендан буни ҳеч кимса эшитмайди. Балки мен саъй-ҳаракат қилиб, дардинга даво топарман ва ҳожатингни раво айларман».

Гулруҳ санам сўзимни эшитаркан, ўйлаб туриб, жавоб берди:

«Сен айтган гапларинг ақлдан узоқ эмас, гапнинг яхши-си — рост гапдир. Аҳволимни сен яхши тушунибсан, аммо, унинг мафҳум ва мазмунини бошдан-оёқ шарҳлаб берсам, ақл олдида номувофиқ бўлмасмикин, деб сендан сўрагим келади. Уни билишдан сенга фойда йўқ, аммо менинг бошимга юз минг бало келиш эҳтимоли бор. Уринсиз бир ишни суриштириш маслаҳатдан бўлмаса керак. Агар сен бу ерда туришни истасанг, тубандаги икки ишдан бирини қабул қил: ё менинг ишимни сўраб-тафтиш қилма ва ёки билгач, бу ердан бошингни олиб кет. Кетганда ҳам бу водийларда турмайсан, балки, тамоман бу мамлакатдан чиқиб кетасан, билдингми?!» — деди.

Гарчи, бу гапдан юрагимга даҳшат тушган бўлса ҳам, лекин васваса ўз ҳолимга қўймас, жонимга қасд этар эди. Бир неча кун бу ҳақда ўйлаб, ғамга ботиб юрдиму, аммо кўнглим бир қарорга келмади ва таскин топмади. Бу фикр ҳам ичимни ғамга тўлатди ва ҳам юрагимни ташвишга солди. Шу хилда сабру қароримни йўқотиб, оқибат-натижада ихтиёрим ҳам йўқолди. Ниҳоят, бир холи пайтни топиб, фойдасиз бўлса ҳам яна шу можарони қўзғадим:

«Хаёлимга ўша фикр ўрнашиб қолиб, ўйлайвериб савдойи бўлаёздим. Яхшиси бошингдаги ғамнинг саргузаштини эшитайин-да, қаёнга десанг, ўша томонга бошимни олиб кетайин», дедим.

Маҳваш айтдики: «Бу гапинг жуда қизиқ: ахир, сен ўзингга-ўзинг бало тилаяпсан. Бўлмаса, шаҳарда турмасликка аҳд-паймон қил-да, бошингни олиб, бу мамлакатдан чиқиб кетишга қасамёд эт!»

Шу гапни эшитгач, у нимани шарт қилса, ҳаммасини қабул қилиб — аҳд этдим. Кўнгилда ҳеч қандай ишончсизлик қолмагач, маҳваш ўз афсонасини бошлади:

«Сен менинг ғамгинлигимни билиб, ғамимнинг сабабини сўрадинг. Гапни бошидан бошламасам, ғамим сенга етарлича маълум бўлмас.

Менинг диёрим Чин — Хитой мамлакатада бўлиб, ўша ерда туғилиб ўсдим. Тақдир ҳукми билан икки хон орасида бўлган уруш пайтида, ҳали бола чоғимдаёқ бировга асир бўлиб қолдим. Шундан кейин хожа менга харидор бўлди-да, мен унинг гўзал қуёшига айландим. Гарчи у мени шунчалик эъзоласа ҳам, барибир, мен унинг сотиб олган каниз-чўрисиман. Лекин, хожанинг фарзанди йўқ экан, шу жиҳатдан у мени ўз фарзандидек меҳр билан парвариш қилди. Менинг овозим ёқимли, тилим ширин эди; дилкаш оҳанг билан куйлар эдим. Хожам, ким мусиқий фанида ҳукамо ва санъатда моҳир бўлса, уни уйга олиб келиб, парваришлаб, унга иззат-икром кўрсатиб, ой-йил демай қунт билан мени ўқитиб, бу соҳада шу каби камолотга етишимга сабабчи бўлди. Натижада, мен соз чалиб куйлаганимда кишиларга шодлик бағишловчи, дардини қўзғаб йиғлатувчи ва маст қилиб ухлатувчи санъатига муяссар бўлдим. Товушимнинг овозаси жаҳонни, чангимнинг овозаси эса, осмонни тутди. Буни эшитган барча катта-кичик: «Бировда шундай каниз бор эмиш», деб мени сотиб олиш учун харидор бўлавердилар, топган молу дунёларини келтириб тўкдилар. Хожанинг фарзандини каниз қилиб олиш умидида ҳар тарафдан моллар йиғилиб келар эди. Харидорим

кўпайган сари, бозорим қизир эди. Чиндан бу хилдаги шўр-ғавғо ҳамманинг бошига савдо солди.

Чинда ажойиб бир наққош бўлиб, у, яратувчи наққошдек оламда машҳур эди. Унинг ижод қилган нарсаси монандсиз бўлиб, сти Моний эди. Ана шу Моний яширинча менинг сувратимни чизиб, сафар қилиб бориб, бир шаҳаншоҳга шу сувратни кўрсатган эмиш. Жаҳондаги қайси мамлакатнинг шоҳи бўлмасин, уларнинг барчаси шу шоҳнинг бандаси, қарамоғидаги хизматкори экан. Мана шу улуг шоҳ сурагимни кўриш билан шайдойи бўлиб қолган эмиш. Ниҳоят, у шоҳ ишончли ва пок зот, синчков кишиларни топиб, мен канизакни сотиб олиш учун Чин халқининг бошига шўр-ғавғо юборди. Менинг харидорларимдан бири Хитой хони эди, шоҳ бундан воқиф бўлиб, уни ҳукм билан хонликдан узоқлаштирди. Сўнгра, хожа қанча тиласа шунча байлашиб, Хитой хирожи бараварига мени сотиб олди. Харидорлар бахтлари очилганидан хурсанд бўлганларича, ўз ватанларига отландилар. Улар, йўлнинг паст-баландини яхши билганлари учун икки бекатни битта қилиб босар эдилар. Шундай суръат билан мени шоҳнинг ҳузурига олиб келдилар ва гўё дурни денгизга топширдилар. Худди зарра меҳри анварга туташгандек, банда ҳам бандাপарвар султонга топширилди. Шоҳ мени олиб келган кишиларни мукофотлаб, мартабаларини янада баланд этди. Мени эса, ўз уйига, уйига эмас, жонига жо қилди. У мендан бир дам айрилмас, айрилса, ёруғ дунё унга қоронғу бўларди. Унинг яшашдан мақсади менинг жамолиму висолим бўлди, биргина илтифотим унинг учун абадий ҳаёт эди. У доим айш-ишрат қилар ва ов билан машғул бўлар, дашту саҳродаги лолазорларни кезар эди. У тоғу чўлларни от билан кезиб, гўр (кулон) деган учқур ҳайвон бўйнига каманд ташлаб, овлар эди. У гўрдай чопқир отини ҳар томонга югуртираркан, отининг югуриклигидан қулон қочиб қутулолмай, ўлар эди. У лола ранг гўрни шикор айлаганда, гўр қонидан ер лолазор бўлар эди. Кейин у, лолазор ичидаги зиёфатда майи ноб ичиб, гўр этидан кабоб қилар эди. Хоҳ шаҳарда, хоҳ даштда бўлсин; хоҳ ором олиб ўтирганда ва хоҳ биёбон кезганда бўлсин, бир нафас мендан ажралмас, балки, унинг менсиз бир дам ороми йўқ эди. Мен ҳамроҳ бўлмасам, у бир қадам босмас, мен ёньда куйлаб ўтирмасам, бир жом ҳам май ичмас эди. Мен қайси куйни тараннум қилмайин; у оҳ чекиб, жонини фидо қилгани-қилган эди. Даштларни саёҳат қиларкан, ёнида мен бўлардим; шаҳар ичида хилват жойларда ҳам яширинча унинг пинжида мен бўлардим. Бир нафас жамолимдан кўзини олмас, висолимга

ҳеч қачон тўймас эди. Хулласи калом, у менга шундай берилган эдики, гўё унинг яшашдан муроди мен эдим. Иш шу даражага бориб етдики, унинг халқи ҳам, аскару лашкарлари ҳам ундан умидларини узиб қўйдилар. Шоҳнинг улар билан иши бўлмай қолган, у кеча-кундуз менинг мафтуним эди. Шоҳ менга қанчалик мойил бўлса, менинг хаста кўнглим ҳам унга шунчалик боғланиб қолган эди. Унинг васлига боқсам, ўзимни йўқотар, бир нафас ажралсам-чи, беқарор бўлиб қолар эдим. Шавқ ўти икки тарафда ҳам алангаланиб, шуъласи гўё осмонни ёндиргудек бўлар эди.

Мағрурланиб кетганимдан бўлса керак, мен шоҳнинг бунчалик илтифотини қадрламадим. Иши олдига босмаган бахти қора ва толеи паст бўлмиш мен канизаги шунинг шунчалик мулозимларча юкунаётганини кўриб туриб, унга яраша меҳрибончилик қилолмадим, унга нималарни айтсам, бари бошдан-оёқ беҳуда ва бемаъни бўлиб чиқди.

Бир кун шундай воқеа юз бердики, шоҳ овга чиққан бўлиб, мен унга ҳамроҳ эдим. У қаттиқ маст эди, бунинг устига-устак яна ичар эди. Мен эса, ўз мағрурлигимдан маст эдим. Шу пайт шоҳ кетаётган бир кийикка қараб, ўқ-ёйни гоҳ чапига, гоҳ ўнгига олиб: «Отимни ўша қийик орқасидан қўйиб, қаеридан десанг, шу еридан уриб берайми?» — деди.

Мен: «Аввал қўлини бук, сўнгра, йироқдан туриб бўғизла», дедим. Унинг пок хотири буни тушуниб, кийикни икки қўлидан отиб, ерга чўккалатди. Шундай қилиб, икки қўлини боғлагач, ўқ отиб, шу онда томоғидан бўғизлади. У шундай бир иш қилган эдики, одамзод қўлидан бундай иш келишига ишонмайсан. Мен унинг шу маҳоратига жон фидо қилишим, ўқининг муздини адо этишим шарт эди. Шундан кейин, у мендан ўзининг кўрсатган ишига муносиб мукофот талаб қилди. Лекин, мен бемаъни, бахти қаро, ақлдан озиб, жоҳилликка берилиб, шу даражада ўринсиз ва беҳуда гап айтибманки, инсоф ва адолат билан қараганда, бу гап учун мени юз пора қилиб ташласа, менинг гапимга яраша жазо ҳам, қилган қилигимга етарли сазо ҳам бўлмас эди. Шундан ҳам у бечора, қаҳр тиги билан чопиб, мени ўлдириб қўя қолмади-да, оёқ-қўлимни боғлатиб, қазоси етса ўлиб кетар, деб бир биёбонга элтиб ташлатди. Ўзи эса, ғазабига чидолмай, шаҳарга қараб жўнаб қолди.

Шу аҳволда икки кеча-кундуз ўтгач, мени фарзанд деб атовчи, кейинги пайтда шоҳга сотиб, мендан ажраб қолган хожа соғиниб, фироқим ғамига чидаёлмай, мени кўриш учун жазм қилиб, Хитойдан келаётган экан. Мен жоҳиллик билан



хатога йўл қўйган пайтимда отам икки манзилга етган экан. Мен шоҳнинг газабига гирифтор бўлиб, икки кундан бери биёбонда ёлғиз ётган вақтимда хожа мени кўриш учун шошилиб, от чопиб келаркан. У тун-кеча демай, шабохун уриб от чоптирар, кеча эса, қоп-қоронғи экан. Шунда унинг оти ҳуркиб, йўлдан четга чиқибди ва бир-иккита қули билан чўлда адашиб, водию биёбонларни бошдан-оёқ кезиб, юз хил машаққатга тушиб, жонидан тўйибди. Шу қора тунда уйғоқ бахти уни мен ётган чўл томонга йўллабди. У тийра тун ичида менга яқинлашиб қолган пайтда, хожанинг кўзини уйқу босибди-да, шу онда отдан тушиб, кўзини очиши билан, тонг отиб, олам ёришиб кетибди. Шунда у, иттифоқо, ўзидан юз қадамча нарида, қора даштда бир қора нарсани кўриб қолибди. У коптокдек қилиб думалатиб ташланган нарса одам бўлиб, бутун вужуди каманд билан боғланган эмиш. Шунини кўргач, нималигини билмай, деб хожа унга томон қадам ранжида қилибди. Етиб келиб қараса, ҳар бир мўйи азобга дучор қилинган бир бечора заифа экан. Уни, ўз чилвир сочи билан ҳам боғлаган эканлар. Бу, ўликми ё тирикми, деган савол билан раҳм қилиб, уни ечиш учун қўлини узатибди. Тезда қўл-оёғини ечиб қараса, лоақал юзида қони йўқ эмиш. Товонига тегадиган қора зулфлари оёғи остида чувалашиб ётар, зақанида ва лабида холлари бор эмиш. Хожа ва гўзалнинг мастми ё соғми эканини ҳам, уйқудами ва ё уйғоқлигини ҳам билолмабди. Бу аҳвол ҳам уни ҳайратга солар ва ҳар хил хаёл уни лол қилар эмиш. Хожа шундай балога мубтало бўлиб турганда, узоқдан ўз карвонларининг қорасини кўриб қолибди. Шунда тездан бир қулини у томонга жўнатиб, карвонни олиб келиб, юкларини шу ерга туширтирибди. Улар орасида меннинг яқин дўст-ёрларим ва меҳрибонларим бўлмиш аёллар ҳам бор экан. Уларни хожа менга хизмат қилсин учун шу карвон билан олиб келаётган экан. Хожа уларнинг ҳаммасини тепамга олиб келиб, менга қаратган эмиш. Улар нишонларимдан мени таниб қолиб, ҳаммалари қий-чув қилиб, йиғлаб юборибдилар. Улар юзларини юлиб, ёқаларини йиртиб, аламларидан дод-фарёд чекиб, ҳалок бўладиган даражага борибдилар. Хожадек доно ва билимдон одам бунга ҳайратланиб, изтиробидан дева-на бўлаёзибди. Бошимга тушган кулфатни кўриб, дард билан нола чекиб, йиғи-зор билан мотам бошлашибди. Лекин ҳеч ким ўзи нима гаплигини, умримнинг қуёши не сабабдан заволга учраганлигини билмабди. Ҳаммалари шу фожиани кўргач, ҳолдан тойиб, мени кўз ёшлари билан ювибдилар-да, ҳарир ва нозик ипакликдан кафан қилиб, у кафан орасига

кофур сепиб, мени ўша шойига ўраб, уни яна анбар билан хушбўй қилиб, бунинг устидан яна дам-бадам гулоб ҳам сепиб турибдилар. Шу пайт ўлган каби бетоб ётган танам ифор ва гулоб ҳидларидан баҳра олиб, заиф димоғим ҳуш топиб, вужудимга ҳаво етиб, нафас ола бошлабман. Шундан кейин улар менинг тирик эканимни билиб, жонларини менга закот-садақа қилиб, оёғимга юзларини суртиб, димоғимга янада атр-ифорлар иската бошлабдилар. Менинг бу аҳволга тушганимни ҳар ким ўз ҳолича ҳар нарсага йўяр экан, шу пайт ўзимга келиб, кўзимни очибман. У бечора меҳрибонларимга кўзим тушиши билан:

«Бу ерда турмай, тезда жўнаб қолинг. Зеро, бу манзил офатли жой бўлиб, киши жони учун гоятда хатарли водийдир!» — дебман. Шу онда у ердан кўчиш ҳақида қўнғироқ чалиниб ва мени бир тахтиравонга ўтқазибди. Улар ҳар дамда менинг оғзимга шарбат томизиш ва ёқимли атр ҳидлатиш билан қувватга киритар эканлар. Шу алфозда икки кеча-кундуз юргач, мижозим озгина сиҳат топди. Шу юрганча йўловчилар бир жазирама жойга етганда, хожа бир чашма тепасида дам олишга ижозат берди. Кейин, бир сабазор устига жой солиб, чиройли бир қора чодир қурилди. Чодир ичига тахт ўрнатиб, ўшанинг устига қалин ўрин солиб, мени шу жойга ётқиздилар. Шундан кейин хожа ёнимга келиб ўтириб, бошимга тушган кунни ипидан-игнасигача бирма-бир сўради. Мен бу ҳақда нимани билсам, яширмай, оқизмай-томизмай, ҳаммасини айтиб бердим. Хожа эшитаркан, бир дам бошини ушлаб қолди ва ундан сўнг, бошини қуйи солиб, сукутга кетди. Мен унга ўз аҳволимни гапириб бўлгач, унинг ҳол-аҳволини сўрадим. У ҳам ўз аҳволи қандай бўлса, шундай айтиб берди, бошидан ўтмиш қиссаларни баён қилди. Замонанинг ғамларига унча аҳамият бермай, тангрининг карамларига шукр қилиш керак экан!

Ниҳоят, у ерда бир кун дам олгач, хожа савол берди: «Ҳамма гапни гаплашдик, эндиги маслаҳат нима бўлади?» — деди.

Мен айтдимки: «Агар шоҳ ўз канизини ғазаблаган экан, худо ҳозир, нима бўлган бўлса, барчасини айтдим. Лекин, мен бунга юз барабар жазога лойиқ эдим. Қаҳр-ғазабга тўлган шоҳ ўлдирмоқчи бўлганда, тангри мени асради.

Энди, бўлар иш бўлиб ўтди. Киши ўлган одамга яна душманлик тиғини солмас, бир ўликни икки марта ўлдирмас. Сиз бу кафанни менга кийгизиб, ўлик либосда мотам тутибсиз. Маслаҳатингиз билан, шу кафанга ўралган ҳолда, шоҳнинг

даргоҳига борсам-да, очик-ойдин бундай узр айтсам: «Мен катта гуноҳ қилдим. Бу гуноҳим учун шоҳ ўлдирishi керак эди, ўлдирмай, адолат айлаб, ўлимга ҳукм этди. Лекин ўлмай қолган бўлсам ҳам, қилмишимга яраша жазо тортдим. Худо менга яна қайта жон бағишлаган экан, бу жонимни ҳам шоҳга фидо қилиш учун келдим. Агар яна қайтадан ўлдирса ҳам, бир ташландиқ одам бўлганим учун розиман ва агар афв қиладиган бўлса, ўла-ўлгунимча унинг қулидирман. Журм — гуноҳим бўлса, шоҳнинг ўзи ҳимоячимдир; лутф-карам қилувчи, узрни қабул этувчидир, десам. Бу қисса юзасидан шундай тадбир кўрганимизда, ҳеч шубҳасиз, оламгир афвкорлик расмини тутиб, бениҳоя карам қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас».

Мен бу фикрни ирод қилганимда, хожа ҳам, бошқалар ҳам кий-чув кўтардилар. Хожа айтди:

«Бу раъйинг хатодир. Ақлингдан айрилдингми? Беҳуда гап гапирма! Эсинг ўзингдами? Ёки ҳаётингдан умидинг йўқми? Шоҳ бир сўз учун киши қонини тўксаю, сен унга яна жонингни фидо қиласанми? Шоҳ деган нарса — бир куйдирувчи алангадир; буниг шуъласи кимга тегса, куйдиради. Уз ихтиёри билан ўт ичига кириш — куйишдан бошқа натижа бермайди. Шоҳнинг дили шунчалик сиқилган экан, ғазабининг ўти ҳали ҳам алангаланиб ётгандир. Ҳозир ундан қочишдан яхши чора йўқ, ундан қанча узоқ бўлсанг, офат хавфи шунча кам бўлади. Унинг ғазаб ўти сўнгач, сенга раво кўрган ғазабнок иши юзасидан ўз жонига ҳам юз бало ортиргани овозасини ҳар тарафдан ўзинг ҳам эшитиб қоларсан. Бу қилган ишидан ўзининг андуҳ-надомати бўлса керак, ёки айшини давом эттираётганмикин? Агар, пушаймон қилаётган бўлса, буни билгач, қайтиб келмоқ қийин иш эмас. Ва агар шу қилган ишидан хурсанд бўлса, ҳаммамиз ҳам ўз жонимизни қутқазиб қолган бўламиз. Яхшиси, ҳозирча биз билан кетвер», деди.

Хожа гапини тугатган ҳамон унинг сўзларини барча катта-кичик маъқуллади. Сўз охирида маслаҳат билан бир тарафга қараб қочиб қолишга қарор қилинди. Энг узоқ мамлакат Хоразм эди, шу тарафга қараб кетишга қатъий жазм эгилди. Мен шундай баҳона билан шоҳдан ажраб қолдим, умр бўйи унинг ҳажрида куядиган бўлдим. Ўзимни ўлган деб ҳисоблайман, зеро, ҳажрга гирифтор бўлиш нима-ю, ўлим нима, ахир! Менга кафандан либос кийгизган эдилар, шу кафан менинг вужудимда сақланиб қолди. Уни кийиб юриш менга одат бўлгани каби, ўликнинг либоси ҳам шу кафан эмасми?

Мен унинг висолининг маҳжури бўлганим каби, кафаним ҳам оқ — кофурий либос бўлди. Азобланган — ранжур таним бот чиримасин учун, кафанимга ҳам кофур атри сепилгандир.

То бу кишвар чегарасига етиб, шаҳар ичида яшай бошлаганимга ва сен биздан четда юрган ва келиб ҳамроҳ бўлган даврдаги ҳамма воқеаларни айтиб, сени бутун сирдан огоҳ қилдим.

Шоҳ қошида ёлгон гапириб, уни юз хил изтиробга солганимнинг сабабини эса, кўнгилнинг истаги билан бўлган, деб ўйлама, йўқ. Аслида бунини валинеъматимга вафодорлик юзасидан қилган эдим.

Мана, мен сенга бутун сиримни ошкор этдим. Энди сен ҳам нимага келишган бўлсак, шунга амал айлаб, қабул қилган шартингга вафо эт, энди бу диёрда турмасдан бошингни олиб кет!»

Мен унинг бу дostonини эшитгач, сарви гулруҳ билан хайрлашдим. Ҳеч ерда тўхтамай, мамлакатдан мамлакатга ўтиб қадам-бақадам йўлни тезлатиб келдим. Аммо, бу розни, то банданавоз шоҳни кўргунимча ҳеч кимсага изҳор этмадим. Сен: «Афсона айт!» — деб ҳукм қилганингда, бундан гўзалроқ афсона тополмадим. Хусусан, мана бу кофурий қасрни кўргач, у гўзал ҳур эсимга тушиб кетди. У фироқ ичида азоблангани туфайли, кофурий рангда бир ҳулла кийган эдики, унинг бу кофурий ранг кийими — кафан бўлиб унга кофур атрини сепишни ҳам одат қилганди. У, оламнинг ажойиб гўзали сенинг мана шу қасрингга жуда муносиб экан.

Қисса айтувчи сўзини охирига етказгунча, Баҳром ўзининг ғойиб бўлмиш ёридан нишона топиб, юз қатла эс-ҳушини йўқотди ва юз қатладан ортиқ ўлиб-тирилди. У шу афсонани эшитиб туриб ўлар ва ҳам шу афсона уни тирилтирар эди. Шоҳ, ўзини, беихтиёр нола чекиб юборишдан асрар, ногаҳон ровий бунинг фиғонидан огоҳ бўлишидан ўзини эҳтиёт қилар эди. Агар ровий ўз ривоятини бир нафас тўхтатса, шоҳнинг хаёлини бошқа йўл ҳаваси олиб қочар эди. Афсонагўй ўз ҳикоясини охирига етказаркан, шоҳ шундай оқ тортдики, унинг ўтли фиғони кўкка чирмашди. Ва у, нукта айтувчини ўз ёнига чақириб, қучоқлади. Унинг руҳ булбули гўё учиб кетди. Қиссагўйнинг ҳаёт шарбатидек сўзидан шоҳ ўлган кишидек ўзидан кетган эди.

Агар бу афсона кимни беҳуш этар экан, у яна ўзига келиб нима қилади?!

*Баҳром ғойибидан нишон топиб, ўзи-  
дан ғойиб ва бенишон бўлиб, Хоразм  
мамлакатига нишон юбориб, доно хожа  
билан ягона гавҳарни чақиртириб, улар  
келгунча ўзи ҳам пешвоз чиқиб, субҳ-  
нинг ҳаётбахш нафасидек ўлук танига  
руҳ келтиргани*

Уша кечаси шоҳ ўзининг ғойиб бўлмиш нишонидан шу хилда нишон топгач, то саҳаргача беқарор ва бедил бўлиб, худди чала бўғизланган овдай типирчилаб ётди. Гўё хас сингари шавқ-завқ ўтига куйиб, ниҳоятда сабрсизлик қилар эди. У изтироб билан шундай безовталанар эдики, гоҳ ўрнидан турар ва гоҳ йиқилар эди. Бузилган мизожи бир қадар тинчланса, мусофирга яна қиссани такрорлашни буюрар эди. У ўзининг мастликда қилиб қўйган ишини билмоқ учун, гоҳ ўлар, гоҳ тирилар эди. Ҳажрнинг ғам-андуҳи уни беҳол этгач, висол умиди яна ўзига келтирар эди. Уша оқшом тонгга улангунча ҳажрдан унинг нелар кўргани ҳақида нималар десам экан? Шоҳ кўп ўлиб-тирилгач, субҳ кулиб — тонг ёришди, субҳнинг кулгиси кўрингач эса, унинг дамидан хуршиднинг шуъласи алангаланди. Бу пайт яна шоҳнинг ороми йўқолиб, Дилором олдига боришни ўйлаб қолди. У Хоразмга боришни мақсад қилган эди. Лекин унинг бу фикрига аркони давлат (давлат бошлиқлари) монелик қилиб, бир неча кун сабр-қаноат этишни илтимос қилдилар:

«У тарафга сафар қилмаганингиз аъло, зероки, жанобингизнинг саломатликлари яхши эмас. Гарчи, фироқ ўти ҳалокатли бўлса ҳам, лекин бу йўл жуда йироқдир. Йўл ранж-машаққатининг шиддати натижасида, саломатликнинг чораси топилмай қолиш хавфи бордир», дедилар. Шунингдек, ҳукамо (табиблар) ҳам келиб, уларнинг гапига қўшилиб, ер ўпиб, шоҳга илтижо айладилар:

«Ишқ шоҳни қанчалик бетоқат қилаётган бўлса ҳам, лекин, тоғ ўз виқори ва тамкини билан салобатлидир. Тоғнинг одати ўз ерида истиқомат қилиб туришдир, агар у қўзғаладиган бўлса, қиёмат кўпорилур. Бир неча кун ғамни ичга ютиб, сабр этиб, шу ерда тур-да, олам тартибини бузма», дейишди. Оқибат-натижада, ҳамма фалак тезлиги ва қуёш табиати билан ўз жойида қолди-да, хожани ҳам, ойни ҳам бу томонга чақирриш ҳақида бир қанча ҳижолат билан хат ёзилди:

«Биз Сизнинг Хоразмда яшашингиз ҳақида аниқ хабар эшитдик. Бу хабардан шундай шодландикки, юз хил бандимиз ешилди, қувончимиз ортиб кетди. Лекин, бизнинг ҳол-аҳ-волимизни билганингиз он у ерда бир нафас ҳам турмай, кечакундуз юриб, уйқуни биз каби ҳаром айлаб, бу томонга келишингизни илтимос қиламиз!» Шоҳ ўз мактубига эса, кўз ёши аралаш пинҳоний бағир қонини томизиб, тубандаги гапларни ёзмиш эди:

«Сенинг ҳажр-фироқинг ичимни қон қилиб, уни кўз йўлидан равон айлади. Кел, сенга жонимни фидо қилай, агар келмасанг, қонимнинг гуноҳи бўйнингга тушади. Фурқат аламда жонимнинг чиқишига сабабчи бўлма, ханжар урмай, азоб билан қонимни оқизма. Кел-да, жоним сенинг ҳузурингда чиқсин, қоним ҳам сенинг йўлингга оқсин. Жонимга ҳажр тигини урма, жон бермасимдан бурунроқ ўлдирма. Шарқ қуёши сингари сайр қилиб, пари сингари тез учиб, менинг ёнимга кел. Сен мени киши ўлдиришни ўзига одат қилиб олган одам, деб ўйладинг. Мана, кел-да, бўйнимга тиг қадаб, эгнимга кафан кийиб олганимни ўз кўзинг билан кўр! Агар ўзим сенинг ҳузурингда бормаган эканман, оразинг билан кўзимни равшан қилмаган эканман, буни қудратим-ҳукмронлигимдан эмас, йўқ, ожиз ва нотавонлигимдан деб бил. Тўғриси, сенинг фироқингга асир бўлганимдан бери, ҳолдан тоя бориб, шунчалик ҳақир бўлиб қолдим. Мен ҳатто ўз қўлим билан сув ичолмайдиган аҳволга келдим, менинг оғзимга сув деб томизганлари қонга ўхшайди. Шунчалик мажруҳ, нотавондирман, жисмим бемажолу хаста жондирман. Келу, ўлган танамга жон бўлғил, жисмимга мояи равон бўлғил. Агар тўхтаб, кечикиб қолсанг, сен келганингда мен кетган (ўлган) бўламан. Агар тақдир мени нобуд айласа, афсусдан не фойда?»

Бу дарду алам мактубини ёзиб бўлгач, мактуб қоғозини буклаб, қосид — элчилар қўлига бераркан: «Нигоримнинг ҳузурига тезроқ боринг!» — деб илтимос қилди. Ундан сўнг, Хоразм шоҳга ҳам хат ёзиб: «Хоразмнинг бир йиллик мол-хирожини йўл харажати учун хожага бериш билан бирга, уни бутун юклари билан бу тарафга жўнатгайсан!» — деб буюрди. Шоҳнинг бу фикрларини тушунгач, элчилар ер ўпиб, йўлга равона бўлдилар.

Улар йўлда ел каби учиб борар эдилар, ҳар қадам ташлаганда бир мил йўлни босаётгандек суръат билан кетар эдилар. Шу даражада тез ва ниҳоятда шошилиш борганлари туфайли, мўлжалларига тез етдилар. Улар худди насим — шамол сингари хожанинг боғини топиб, шоҳ буйруғини унга тақдим

етдилар. Хожа уни олгач, бошини ерга қўйиб, сажда қилиб, хатнинг мазмунини ойга ҳам билдирди. Бу фармондан хожанинг боши осмонга етиб, маҳвашнинг боши осмонга, қуёшдан ҳам баландга кўтарилган эди. Шунингдек, бу фармони олий Хоразмшоҳга етиши билан, филҳол, ҳазинадан бир йиллик нақд пулни берди ва у, ўзининг шахсий хазинасидан ҳам бир қанча маблағ бериб, буларга жуда кўп яхшиликлар қилди. Бундан ниҳоятда шодмон бўлган ҳолда, шоҳ Баҳром томонга қараб равона бўлдилар, улар ҳеч ерда тўхтамай, шошилинич йўл босардилар.

Лекин, Баҳром ҳам буларнинг истиқболига пешвоз чиққан эди. Буларнинг етишига бир манзил қолгач, шоҳ ҳамма гафлат уйқусига берилган вақтида, ҳеч кимга билдирмай, бир тадбир қилиб, моҳруҳ тарафига қараб шабохун уриб қолди. Бутун кечаси ел каби югуриб, субҳидамда сарви гулруҳга яқин бориб етди. Бу пайтда қарвон ҳориб чарчаган ҳолда келиб, энди тўхтаб, дам ола бошлаган эди. Бу, қоронги тонг пайти бўлиб, элнинг кўзи уйқуга кетган маҳал эди. Бир чашма бошига чодир тикиб, уйқусираб қолган наргис гулини шу ерга олиб келиб ётқизилганди.

Бу чашманинг бошида бир баланд чинор бўлиб, чинорда гўрдек бир ковак бор эди. Бу чинорнинг ичини ҳалокатли ўт куйдирган, шу жиҳатдан кўкси ошиқ ичидек чок бўлган эди. Шоҳ ўз отини бир дарахтга боғлаб, кейин чинорга томон азм айлади ва бориб етгач, худди гўрдан бошқа жойи бўлмай, гўр ичида ётадиган кишилардай секингина шу чинор ичига кириб, яшириниб олди. Беҳиштнинг сарвқомат ҳури ҳам шу чашма ёнида бўлиб, беҳишт атрининг ҳиди димоғига кириб ётар эди. Шоҳ шу дарахт ичида ётган чоғда, унинг бахти гўзал ойни уйқусидан уйғотди. У, одатдагидай, тонг ёриши билан ўрнидан туриб, аввало, тангрига сажда қилиб намоз ўқиди. Ибодат қилиб бўлгач эса, чанггини қўлига олиб, чала бошлади. У, ёгочга суянган ҳолда куй бошлаб, ошиқона қўшиқ айтар эди. У, шоҳнинг фироқида нола чекар, унинг иштиёқида оҳ тортар эди. У, паридек чашма томонга қараб юриб, сарчашма бошида тўхтади ва шоҳга муносиб наво куйини чалиб, шоҳнинг мактубидаги сўзларидан қўшиқ ясаб, ҳар сўзни айтаркан, фиғон тортиб, кўзидан қон ёшини селдек оқизиб йиғлар эди. Бу куйни эшитган шоҳ ҳар нафасда ўзини йўқотиб, кўзларидан андуҳ ёшларини оқизар эди. У ой авж билан тарона қилар экан, унинг савтини бундай ҳикоя айлади:

«Бу йўл қандай бало-узоқ эканки, машаққатидан доғим устига яна доғ тушди. Бу йўлнинг ранжи-азобидан жоним

шундай оғзимга келдики, ғам тортишга ҳам имконим қолмади. Умримдан ноумид бўлдим-ку! Ҳажр машаққатидай ўладиган бўлдим-ку! Эй, тубан фалак, менинг шоҳ хизматини қиладиган куним яқинми, мен уни кўраманми? Унинг қулогига сўзимни еткурсанг-чи! Оёғига кўзимни етқизсанг-чи! Агар васлини кўриб, дармонга кирадиган бўлсам, ўлсам армоним йўқ!..»

Унинг бу қўшиғини шоҳ эшитар экан, ёқасини йиртиб, оқ тортиб юборди ва у, ҳолдан тойган, мажолсиз бўлишига қарамай, юз нолаю фиғон билан югуриб чиқди. Унинг нафасидан ўт сочилган ҳолда, худди дарахт ичидан шуъла чиққандек чиқиб келди. У ўзини ёр оёғининг тагига шундай ташладики, қуёш буни кўрса, офтобпараст экан, деб ўйларди. Унинг эс-ҳуши ўзида йўқ эди. У, парига йўлиққан одамдек девона бўлиб қолган эди. Парипайкар, шоҳни шу аҳволда кўраркан, ҳайратидан беҳуд ва лол бўлиб қолди. У кўзларидан шоҳ оёғига дурлар сочгани ҳолда унинг оёғини ўпиб, ўзидан кетди. Гўё бу пайтда осмон ерга тушиб, осмон оёғига қуёш ҳам бош қўйгандек бир манзара ҳосил бўлган эди. Бу пайт қора тупроққа худо соя солгандай, ногаҳон соя устига қуёш ҳам тушгандай бўлди. Шоҳ ерда ўзидан кетиб ётар, моҳ ҳам; шоҳ ўзига келмагани каби, моҳ ҳам ўзига келмас эди.

Ҳажр охири-поёнига етди, энди висолни кўринг! Оллоҳ-оллоҳ, бу ғариб аҳволни томоша қилинг! Субҳ нафаси ўзининг оқ лардасини ёйгунча, иккисида ҳам на нафас ва на ҳуш бор эди. Тонг ўзининг кофурий юзини очиб, меҳр-қуёш оламни нур ҳулласига ўраган пайтда, карвондаги одамлар бундан хабар топиб, у иккаласининг бошига тўпландилар. Хожа бу гаройиб аҳволни кўриб, иқбол қуши яна бошига қўнганини билди. Эл-халқни у атрофдан узоқлаштириб, тезда шу ернинг ўзига бир саропарда — шоҳона чодир келтириб тикдилар. Сўнгра, Ой билан Қуёш парда ичига, йўқ, кофур рангли бўлут ичига кирдилар. Бу икки севишганларнинг эс-ҳуши ўзларига келгач, бир-бирларига нима дейишганини билмадим. Булар шундай бир шабистонга кириб олган эдиларки, у ерда нима бўлганини ҳеч ким билмас, биров у ёқда турсин, тонг насими ҳам у ерга кирмас эди. Бир сўзни бир неча хил маънога йўйиш мумкин бўлгани каби, гоҳо бир гапнинг ростини айтсанг ҳам ғалати бўлади.

Қиссанинг ҳиссаси шуки, ниҳоят, шоҳ ўз мурод-мақсадига етгач, барча амалдорлардан тортиб, ҳамма йиғилди. Бу пайтда шоҳ шавқ-завққа тўлиб хурсанд бўлиб ўтирар эди. Буни кўриб, бошқалар ҳам қувониб кетдилар.



Хожани шоҳ ўзига хос вазир қилиб олди, у ҳам савдогарчилик касбидан қутулди. Бошқалар эса, ўз тирикчиликларидан қолмаслик учун, шаҳарга қараб равона бўлдилар.

### XXXV

*Баҳром Гўрнинг овга чиқиш учун саф тортгани ва ажали етган махлуқларнинг бунинг қуршовида қолгани ва ов пайтида гўр оёғининг тез рафторлиги ва Баҳромнинг гўр домига гирифторлиги ва у яратган салтанатнинг тугаши ва тарихи ва Баҳром афсонасининг тамомланиши ва моҳияти*

Шоҳ сарчашмадан шаҳарга қайтиб боргач, яна май ва мусиқий оҳангига берилди. Эртаю кеч гул атрини ҳидлаши ва шароб ичиши натижасида, мизожидан қувватсизлик ва мажолсизлик буткул кетди. Бунга, ўтаётган ҳафтанинг еттинчи кунини ўзи муқаррар бўлди.

У, етти қасрнинг ҳар бирида бир кун май ичиб, маишат қилар эди. Баҳром у ерда маҳвашлар билан май ичишар эди-ю, аммо, ўз маҳваши билангина ҳамоғуш бўлар эди. Гулчеҳралар унга маҳбуб бўлиб кўринса ҳам, лекин ўз маҳуби уларнинг барчасидан марғуб ва севимли эди. Кийим-кечак, кийимларгина эмас, бутун кўзга ташланадиган нарсаларнинг барчаси айни қаср рангида эди. У, бир неча йил шу тарзда айш-ишрат қилиб, ҳой-ҳуй овозасини фалакка етказаркан, оқибат-натижада, тубан чарх «ҳа» дегунча уни қора гўрга тикди-қўйди.

Баҳромнинг ҳаётига ҳайрат билан боқмангиз, ахир чарх унга ўлчоғлиқ умр берган-да. Лекин киши юз аср подшоҳлик қилиб, тахт-тожлар олиб, жаҳон эгаси бўлганда ҳам; етти фалак гумбазини эгаллаб, чарх Баҳромини (қуёшни) ўзига мулозим қилиб олганда ҳам, охири у барча билан видолашиши, ҳамма нарсани тарк этиб кетиши керак-да.

Шоҳ Баҳром муродига етгач, охирда унинг иши тубандагича тамомланди: у, етти қасрнинг ҳар бирида бир кундан ҳар куни пайдар-пай май ичар, қасрларда эса, сарви гулчеҳра ҳам у билан бирга эди. Чанг чалиб, ўйинни қиздирадиган ҳам, куй билан жўр бўлиб ғазал ўқийдиган ҳам у эди. Баҳром уй ичида ўтиришдан зерикиб дилгир бўлса, ов қилиш учун отлар нар эди. У пайтда ҳам маҳваш ёнидан ажралмас, от устида

ҳам ёқимли куйларини қўймас эди. Куйловчи нағмапардоз ҳам, май қуювчи соқий ҳам шу, умрли узайтирувчи ҳам, абадий умр ҳам шу гулруҳ эди. Гўзал юзи билан базм мажлисига сройиш берувчи, ёқимли овози билан киши дилига осойиш бағишловчи ҳам шу гулруҳ эди. Шоҳ, хоҳ айш-ишрат вақтида ва хоҳ тоат-ибодат фурсатида бўлсин, ундан бир соат ҳам ажрамас эди.

Бир кун шоҳ жуда кенг доирада ов бошлади. Бу овнинг давраси фалак доирасидан ҳам кенг эди. У ерда сайд қилинадиган овлар худди осмон юлдузичалик кўп бўлиб, ҳамма раҳна — ёриқлар беркитилгани туфайли, уларнинг биронтаси учун қочиб қутуладиган жой йўқ эди. Унда отлиқ овчилар ҳаддан ташқари кўп бўлгани каби, ов ҳам сон-саноқсиз эди. Бир осмон сингари кенг ўтлоқ бўлиб, бу ернинг ҳаммаси отлиқ овчилар ва шикор қилинадиган жониворлар билан тўла эди.

Отлиқлар овларни ўртага олган ҳолда, бир-бирларига қарши бир неча қатор саф тузиб, бир-бирига томон юришиб, бутун сайдларни қуршовга олгач, турган жойларида таққа тўхтадилар ва овга қараб ота бошладилар. Овчилар жониворларга ҳаддан зиёда жабр қилдилар. Қуршовнинг атроф-доираси уч ёғоч эди. Лекин овчилар бутун даврада ўн-ўн беш қатордан саф-басаф бўлиб турар, қуршов ўртасида эса жониворлар қаёнга қочишни билмай, бағ-буғ қилар эдилар. Кўпгина сайдлар ўқ еб, ер бағирлаб йиқилиб ётар, марғзор — ўтлоқ эса, овнинг қонидан лолазорга айланган эди. Балки ҳамма ёқ қон селига айланганди; қон сели эса, ҳамма ёққа қараб оқар эди. Ерга қони оққан сайднинг, қон сели билан барабар, жони ҳам чиқиб кетар эди.

Раҳмсиз шоҳ Баҳром Гўр эса, қулон (гўр) отишдан бошқа нарсани унутган эди. Бир бу эмас, қуршовда мингдан ортиқ ўқандоз-мерган бўлиб, барчаси сайдларни уриш учун, қуш парвоз қилгандек от чоптирар эди. Бечора жониворлар ўқ тегиб ўлишдан қўрққан ҳолда, тилларини осилтириб, ҳар тарафга югурар, мерганлар эса, ҳар тарафдан ўқ ёғдириб, сайдларнинг қочиб қутулишига йўл қўймас эдилар. Шу овда бир неча юз туман жонивор ўлиб, ҳар бир овчи бир нечтадан овни қонга беллади. Булар қон тўкишдан чарчамас, қон сачрай бериб, уларнинг бутун кийим-бошлари лолагун бўлиб кетган эди. Қондан у ер гўё гулистонга айланди-ю, у одамларни қон тутгандек бўлди. Марғзор тўла овга айланган, қон эса, нов-нов бўлиб ҳар тарафга оқар эди.

Аслида бу ер сув ва балчиқдан иборат ботқоқлик бўлиб, бунинг юзини қабат-қабат гард босиб, унинг устига ёмғир ёриши

натижасида ўт-ғиёқлар битган экан. Худди ўрмонзордек ўт ва дарахтлар кўкариб, унинг тагини илдизлар ўраб олгани туфайли дарахт илдизлари бир метрга яқин қалинликдаги захкаш тупроқда турар экан. Энди, қондан ҳар томонга ариқ-ариқ сел оқиш билан бирга, ернинг тубига ҳам қон силжий бошлади. Бу нам ернинг пастки қатламига қараб сингиб, сув намигача бориб етди. Натижада, овчилар то белларигача балчиққа ботиб қолдилар. Узларигина эмас, отлари ҳам ботқоққа ботиб, балчиққа ётиб қолдилар. Шу пайтда меҳр ўз юзига ниқоб тортган, қуёш булутдан парда ёпиб олиши натижасида, осмон одамлар устига ёмғир селини қуйиб, гўё Нуҳ тўфони қайта бошлангандек бўлди. Қуйидан сув — юқоридан нам босар; юқоридан сув — қуйидан нам босар эди. Баъзи жойлардаги тупроқни ажриқлар ҳали қаттиқ ушлаб турган бўлса, унинг юзини юз туман қўшун босиб, уларнинг ҳаммаси яна сайд орқасидан чопар эди. Оралиқ ботқоқ бўлгани учун, бир-бирларидан жудо бўлиб, ҳар ер-ҳар ерда жон ҳовучлаб ўтирган овчи ҳам оз эмас эди.

Хулосайи калом, юз ариқ қон оқиб, ҳар бир ариқ ер юзини балчиққа, от оёғи эса, у ерларни ботқоққа айлантириб турганда, осмондан ёмғир ҳам қуяверса, ёққанда ҳам шундай ёғсаки, ёмғирни олам халқи устига дарё каби оқизса-да, фалак ундан хижолатга қолса, одам қаерда қимирласа, ўша ер чўкадиган бўлса, бу пайтда эл-улус ўз ҳаётидан кўзини юмса айб эмас. Ниҳоят, шу айтганларимизнинг ҳаммаси бир бўлиб, бир дамда ов қилаётган одамларнинг барчасини ер ютиб, нобуд қилди-қўйди.

Қуршов доираси халқ билан тўлиб, ернинг юки оғирлашгани сабабли, ер чўкиб кетди. Ер шунчалик емирилган эдики, юз минг одам бир йўла сув қаърига кириб ғойиб бўлган эди. Улар ўз давралари билан ўзлари бунёд этган ов тоғининг атрофидаги хандаққа чўкиб кетдилар. Лекин, сув хандақ қирғоғидан ҳам тошиб чиққан, қирғоққа эмас, ов тоғини ҳам босиб кетган эди. У давра ичидаги бу ҳолатни кўрган одам, ерни сув устидаги ғалвирга ўхшатиши мумкин эди. Бу муҳлиқ аҳволни кўраркан, бир шоҳгина эмас, балки бутун қўшиндагилар у сув билан жонларидан қўлларини ювиб, ҳаётдан умидларини узиб қўйдилар. Бу тўфондан ов қилувчи сайёдлар ҳам, сайдлар ҳам омон қолмай, чўкиб бормоқда эдилар. Овга тузоқ қўяман, деб келган одамлар учун, сайдгоҳ (овлаш жойи) гўё бир тузоққа айланган эди. У ерда шер билан оҳу баб-баравар бир тузоққа илиндилар. Юз туман шер билан жайрон фарқ бўлгач, шер билан жайрон орасида нима фарқ қолди? Ҳамма ошкор

ва яширин ҳолда, қутулиш имконияти йўқлигини билдилар. Шундай фикрга келгач, ҳаммалари ҳозирги дамни ганимат билиб, бир-бирларига ёпишиб қучиштиллар. Булар шундай қаттиқ қучишган эдики, икки дўст битта бўлиб кетган эдилар. Бу ерда шундай бирлик юз бермиш эдики, иккови гўё бир-бирининг шикорига айланган эди. Шоҳ, ўзининг дашт кезувчи аскар ва сипоҳларининг барчаси ботиб, уларнинг гарди ҳам қолмаётганини кўзи билан кўриб, қўшини қаёнга кетган бўлса, ўзи ҳам ўшалар кетидан кетди. Унинг мерганлари орасига чумолилардек бир безовталиқ тушган бўлиб, уларнинг барчаси худди чумолидек ерга кирдилар. Чумолидек ерга кирганлар фақат шу гангиб қолган овчиларгина эмас-да, ҳатто Сулаймон пайғамбардек киши ҳам ерга кирмай қолмаган-ку. Гўрга кирмоқ барча олам аҳлининг қисмати бўлгани каби, ўз исми билан Баҳром Гўр аталган киши ҳам гўрга кирди.

Бу пасткаш дунё бир аждаҳо бўлиб, бунинг шиори ҳам, одати ҳам халқни ютишдан иборатдир. Лекин одам ютишда, у ўз одати бўйича, бир ёки ўнни ютар, ундан ошса юз ва ё минг-ни ютар эди. Бу ерда эса, Баҳром фожиаси шундай ажабланарли бўлдики, халқнинг бошига кўп оғир мусибат тушди. Баҳром улуғ ва мартабаси баланд, лашкарлари оламга сиғмайдиган даражадаги одам бўлишига қарамай, унга бир дам ҳам омонлик бермай, ер деган аждаҳойи дамон уни ўз дамига тортиб, ютди-юборди. Бу воқеани биров билмади ҳам, дунёда унинг асорати ҳам, номи нишони ҳам қолмади.

Оллоҳ-оллоҳ, дунё деган нарса бир аждаҳо экан! Аждаҳо эмас, бир бало экан! Лекин, биров аждаҳодан азоб ва ўлим кўрган бўлса, баъзилар ундан ганж-хазина ҳам топганлар. Дунёда эса, оқибат, вайроналикдан ўзга нарса йўқ, ҳеч ким ундан тирик қутулган эмас. У, жонни олиб қўя қолмайди, танани ютган билан тўя қолмайди. У, жисминг хокини тупроққа қоради, яна унинг гардларини кўкка совуради. У гарднинг таъсири катта, киши ажзосига (аъзоларига) зарари ундан ҳам ортиқчароқдир. Унинг зарарига бир онда йўлиқасан-у, аммо, йиллар бўйи ундан қутулолмайсан. Бировлар бунинг зараридан ўзини четга тортиш учун, фано (йўқлик) тарийқини тутадилар. Ахир, қочгани билан Афридун ҳам бир кун енгилган-ку! Қочганлар ҳам бу Фаридун каби забун бўлган-ку.

Эй Навоий, вужуд-мавжуд деган сўзларни унут, ўзингни ҳам унут-да, фано йўлини тут. Сен агар йўқлик сари юрсанг, йўқ нарсаларга етиш машаққатини тортмайсан. Бу дунёнинг аламини тортмай десанг, ўзингни йўққа чиқар. Сени йўқ деб билгач, яна нима қилар эди?

*Нозимнинг (шоирнинг) бу қимматбах  
 жоҳоҳирлари ва юлдуз каби порлоқ  
 марваридлари назм ипига терилгач, кон  
 қазувчиларнинг машаққатидек машақ-  
 қатдан фароғат топгани ва осойишта уй-  
 қусига кўзини юмгани ва шу пайт шоҳ  
 Баҳром сурати тушда кўришиб, унинг  
 тарихи назмга солингани учун миннат-  
 дорчилик изҳор этгани*

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, иқбол юлдузи яна бахтимни порлоқ қилиб, саодат толеи ёр бўлиб, қаламим дур нисор айлади. Бунн фақат уммон дурлари деб тушунманг, балки бу турли-туман жоҳоҳирлар конидир. Текис қирликларда бу жоҳоҳир юлдузларидан худди осмон бўйи уюм-уюм чўққилар ҳосил бўлган. Лекин, менинг ўзимга қолса, бу жоҳоҳирларни, гарчи соф гавҳар бўлганда ҳам — дўлчалик; ундаги лаъл-ёқутларни эса, лола баргичалик ҳисобламайман.

Қаламим ҳар ён чаққон хиром этиб, тез юришдан чарчади. Агар дашт кезувчи чопар янглиғ бўлса, тер билан гард юзини қора айлайди. Айниқса, жанг майдонида тез югурган чопарнинг бундай даввоси ростдир. Қаламим тез йўл босиб дашт пайкари — юзидан ўтди, дашт юзининг ҳаводори — кўриш ҳақи (асар) бу юзни ғубордан тозалай олади. Мен учун ҳам қаламимнинг саодатли қадами қутлуғ келди, зеро, бундоғ кенг даштни тез фурсатда кезиб чиқдим. Хаста кўнглимни завқнок этдим, юзимни тириклик чангидан пок этдим.

Қилинган иш бахшойиш топди. «Неча кунда бу ишни осойиш этдинг?» — деб сўрарсиз. Таъбимнинг фарзанди ҳориган бўлса ҳам, ул тез чопар бирла бормиш эди.

Ниҳоят, ёза-ёза, зеҳним чарчагач, ухлаб дам олиш учун ҳужрага кирдим. Ҳужрада такка тўшалган нарса эски бўйра бўлиб, ёстиқ унинг чеккасидаги тош эди. Оромгоҳим бўлмиш шу тўшама устига ётиб ухлаш учун бошимни тошга қўйдим. Ҳали кўзимга уйқу келмай, кўнглимдаги фикр-хаёл ҳали тарқалмай туриб, уйқу билан уйғоқлик орасида, ғавғо-тўполон орасида, назаримда бошларига тахтиравонни кўтарган баланд катта бир тўда пайдо бўлди. Бу тахт саккиз қиррали бўлиб, унинг ўртасида кимдир ётар эди. Унинг бошида салтанат тожи бўлгани ҳолда, юзидан адолат нури порлар эди. Яна у осмон сингари тахтнинг саккиз пояси бор эди. Пояларнинг устида

саккизта буржи бўлиб, уларнинг ҳар бири қимматбаҳо дурларнинг қутиси эди. Қутиларнинг ҳар бирида саккизта соф гавҳар-у, буржларда саккиз порлоқ юлдуз бор эди. Пояларнинг ҳар бирига бир қуёш ўрнатилган бўлиб, бу қуёш нурлари буржларни ёритиб турар эди. Шу дабдабали тахт қаршимга келганда, мен на уйғоқ ва на уйқуда эдим. Бу қандай манзара экан, ҳайронман! Бу тушиммикин? Шу пайт у тарафдан биров келиб:

«Эй, сеҳрловчи нутқ эгаси! Бир он ўрнингдан туриб, бу тарафга қадам қўйгил, шоҳ сен билан бир нафас суҳбатлашиш орзусидадир!» — деди. Шу орада яна бир қиз ҳам марҳамат айлаб, менинг ҳузуримга келди ва у ширинсухан шўх бундай деди:

«Сенга саккизта бону-хоним салом айтди, уларнинг еттигаси комрон-саодатманд шоҳнинг маҳрамларидан бўлиб, қолган биттаси эса, у кишининг маҳбубаси, муниси ва ҳамдамидир». Аввалги хабар келтирувчига ўхшаб, бу ҳам сўзини тугатаркан, мен уларга қараб:

«Эй ширин-фасоҳатли тил билан сўзловчи кишилар, иккалангизнинг сўзингиздан ҳам Исо — Масиҳ нутқининг ҳаётбахш ҳиди келиб турибди. Менга аввал бу шоҳнинг отини айтинг, ундан сўнг, саккизта парининг сифатини баён қилинг. Билгач, у тарафга қадам қўяйин, улар билан нима ҳақда гапиришим кераклигини ҳам билайин», дедим. Шунда улар:

«У киши баланд мақом хисрав-шоҳ бўлиб, етти иқлим подшоси Баҳромдирлар. Етти гуландом эса, у кишининг ҳарам хонимларидан бўлиб, барчаси дилбар ва дилоромдирлар», дедилар. Бу сўзларни эшитгач, шодмон бўлиб, ўрнимдан тура солиб у томонга жўнадим. Боришим биланоқ, шоҳ қаршида ер ўпдим. Шоҳ мени ўз ҳузурига чорлади. Сўзини жон-дил билан қабул қилган ҳолда, ҳузурига бордим ва юзимни тахтининг поясига суртдим. Шоҳ эса, ўрнимдан туриб, бирдан мени ўз оғушига тортди ва қайта-қайта бағрига босиб, қучоқлади. Шоҳ билан қучишаётганимизда, у гўзаллар ҳам ўринларидан гуриб, бирин-бирин қўл учларини бериб, ҳаё ва ибо билан кўришгач, кўзларини ерга тикиб турдилар. Шоҳ қўлимдан тутган ҳолда, жойига ўтирди. У менингдек бир заррани қуёш даражасида қадрлади. Мен бир неча марта: «Бу ер менинг жойим эмас, пастроққа тушай!» — деб илтимос қилсам ҳам, шоҳ мени ўз ёнидан қўймади. Пастга ўтишнинг иложи бўлмагач, минг хижолат билан унинг ёнида ўтирдим. Қуёш олдида зарра қанчали заиф бўлгани каби, менинг ҳам жисмим худди симобдек титраб турар эди. Тобу тоқатим ўзимга келиб, эс-

ҳушимни йиғиб олгунимча, доно шоҳ ўзини оғирликка солиб, хомуш бўлиб ўтирди. Ниҳоят, ўзимни босиб олганимни билгач, у шоҳона сўз бошлади:

«Эй, билим мулкини эгаллаган, қалам найзаси билан оламни олган зот! Эй, назм тили билан жаҳонга садо солиб, бу тиф билан бутун дунёни эгаллаган зот! Назм кишварларини забт этган сенсан, назм соҳибқирони сенсан! Сенинг назмингни жонбахш деб таърифлаш — ҳаёт сувини соф ва топ-тоза деб мақтагандек бўлади. Сен бизнинг тарихимизни баён қилиш билан бирга, бутун халққа аҳволимизни аён айладинг. Сен буни шунчалик гўзал таърифладингки, уни тавсиф этишга тил ожизлик қилади. Қаламингда мўъжиза бўлмаса ҳам сеҳр бор. Ўзгалар ҳам қаламни ишга солиб, бу дostonни ёзганлар, саҳифаларни нақшинкор қилиб безаганлар. Лекин, улар ўзларига нимани маъқул кўрсалар, тасвирлаганлар. Улар эшитган гапларини таҳқиқ ва тадқиқ этмай, суриштирмай назмга солганлар. Уша қалам эгалари таҳрир қилиб — ёзайтган пайтларида, бу афсоналар жуда кўп тағйир топиб — ўзгариб кетган. Улар қай бири рост, қай бири ёлгонлигини аниқламай, номаларни манзума қилаверганлар.

Аммо, сен-чи, саъй-ҳаракат қилиб, қиссанинг ҳар ҳарфини ўз маъносида шарҳладинг. Қўлингдан келганча ростини ростга, ёлгонини ёлгонга чиқазиб, ҳар бир воқеани диққат ва эътибор билан тасвирладинг. Шуни ҳам айтиш керакки, улар бу ҳақда ёзаркан, варақларни тўлдириш учун ҳаракат қилдилар. Қиссаларга кўпроқ ўрин беришни ўйламадилар, бу бобда саъй-ғайрат кўрсатмадилар. Аввалгиси назмга нималарни киритган бўлса, кейингилари ҳам шуларни такрорлади. Мана шу сабабдан, кўпгина ажиб воқеалар эл кўзидан яшириниб, четда қолиб кетди. Сен эса, бу ишнинг пайига тушгач, эски китобдафтарларни кўп варақлаб, бир қанча нарсаларни беками кўст топишга, уларни киритиб, бу дostonни янада тўлатишга муваффақ бўлдинг. Яна бунинг устига, уларнинг форси қаламлари форси найидан бўлиб, ундан чиққан савти-садо ҳам форси лафзида эди. Бинобарин, уларни форсичани билган кишиларгина ўқиб, кўп туркий халқлар ундан бебахра қолган эдилар. Сен ўз назмингни туркий тилда ёздинг, форси тилида ёзишдан ор қилдинг. Ҳозирги замон султонларининг кўпчилиги хамсахон бўлиб, ундаги дostonларни мутолаа қилиб турадилар. Дунёдаги шоҳлар ичида ким турк бўлса, у ернинг халқи ҳам туркий тилда гаплашадилар. Сен шу ҳолатни ҳисобга олганинг туфайли, турк улусини ҳам ғоятда хурсанд ва рози қилдинг.

Менинг бу дунёдан видолашганимга икки минг йил бўлди. Шунга қарамай, менинг ҳақимда дostonлар ёзиб, эл орасига кўп маълумотлар тарқатдинг. Номим ва овозим ўчиб кетган эди, уни қайтадан тикладинг. Агар бу ишлар менинг тирик ҳошимда бўлса эди, бу хизматларинг учун сенга ганж-хазиналар бахшиш этган бўлардим. Мен бутун жаҳонни қўл остимга олган пайтимда, ганж-хазиналарни ер тагига кўмиб қўйган эмасман. Қўлимга нимаики тушган бўлса, шоҳу гадога берганман, эл-юрт манфаатига сарфлаб, дунёдан кетганман. Фаридундек ганж тўпласам, Қорундек нақдиналарни ерга кўмасам, шу чоқда роҳатланиб, уларнинг қаердалигидан сени хабардор қилган бўлар эдим. Шоҳлар ўз даврларида қанчадан-қанча ранж-алам чекиб, хазина тўплаб, уни ер тагига кўмар эканлар.

Одам боласи ғайб ишини — эртага ҳаётда нима бўлажагини билмайди. Бинобарин, хазинани ерга кўмиш мен учун айбдек кўринар эди. Гарчи сендан кўп хижолатга қолиб, қуруқ ташаккур айтишга уялаётган бўлсам ҳам, кўнглимда ташвиш бўлишига қарамай, икки жиҳатдан ғоят хурсандман: унинг бири, халқнинг айтишича, сен дунёга қизиқмас эмишсан; дунё ишидан нохурсанд бўлиб, ундан қисилар экансан. хусусан, амалдорлик иши сени қийинар эмиш. Амалдорликка ишқибозлигинг йўқ, мол-дунёга ҳам ҳирсинг йўқ эмиш. Ҳатто, дунё молига нафрат назари билан қарар эмишсан. Бинобарин, нимаики сенга ёқмас экан, уни сенга бериш ҳам яхши эмас. Яна бир гапим шуки, фалакнинг айланиши вужудимни бир ҳовуч тупроққа айлантирган бўлиб, бу ҳам етмагандек, адолатсиз, тентак дунё уни ҳам барбод этиб — елга совурди. Бу оламда осори нишоним қолмади, йўғу борим ҳаммаси барбод бўлди. Лекин, шоҳда шоҳлик нишонаси бўлиши, унинг кафти эса, эҳсон билан дур сочиши керак.

Энди, ҳозирги оламда жаҳон аҳлини сарафроз қилиб, уларга шараф билан хизмат қилаётган одам Шоҳи Ғозидир. Султон Ҳусайн фалак сингари баланд мартабали шоҳ бўлиб, у жаҳонда беназир — тенги йўқ одамдир. Унинг фикри қуёш каби порлоқ бўлиб, қуёш унинг олдида бир заррадан ҳам камдир. Унинг қадри олдида кўк гумбази, осмон чархи олдида Суҳо юлдузи<sup>1</sup> қандай эътиборсиз бўлса, шундай ҳақир ва қадрсиздир. Қанча тавсиф ва таъриф қилган бирлан унинг фазилатини тугатиб бўлмайди. Бундан ортиқ гапирадиган бўлсам, афсона ҳам чўзилиб кетади. Сен ҳозир шу Султон Ҳусайннинг

<sup>1</sup> Ҳулқар тўпидаги юлдуз.



мулозимисан, унинг ҳар қандай хизматига жонинг билан таъёрсан. Агарчи у шоҳ жаҳонга ҳукмдордир, барча ишда унга ҳақ ёвардир. Дунёда шундай шоҳлар бўлганки, улар бутун дунёнинг ҳукмрони эдилар. Хоҳ Жамшиду Фаридун, хоҳ Искандару Ҳорун бўлсин, ўша шаҳаншоҳларнинг ҳаммасининг ҳам улуғлик фазилати бунда (Султон Ҳусайнда) бордир, у шубҳасиз, бахт-саодат эгасидир. Унинг юқоридаги шаҳаншоҳларнинг ҳаммасига ўжаш, хусусан, менга муносиб жиҳатлари кўпроқдир. У, жумладан, шижоат эгаси бўлиб, ҳар бир шоҳ учун бу улуғ фазилатдир. Шоҳликда бу хислат менга ғоятда қўл келди-ю, аммо ҳаёт ҳодисалари менинг қўлимни пастлатиб юборди.

Масалан, Чин хоқони менинг диёримга босиб келганда, унинг қаршисида саф тузиб, жанг қилмоқчи бўлдим. Шунда менинг қўшиндаги сипоҳларим бевафолик қилиб, ҳаммаси мендан юз ўгириб ажраб кетишди. Мен шу пайт кутилмаган аҳволдан мутаҳаййир бўлиб, зарурат юзасидан орқага чекиндим. Лашкарим ҳам, элу юртим ҳам, ҳатто тожу тахтим ҳам унинг қўлига ўтди. Шундай қилиб, хоқон бутун жаҳонга шоҳ бўлиб, мен ҳар ер-ҳар ерда қочиб юрдим. Оқибат-натихада, бахтим ҳидоят йўлига (тўғри йўлга) бошлаб, бахтим эмас, тангрим иноят ва меҳрибончилик айлаб, озгина аскар билан унинг устига юриш қилиб, тўсатдан босдим. Ҳамда у жанг тайёрлигини кўра олгунча, тигим билан бошини узиб ташладим. Яна олам саросар меники бўлди, бутун ер юзи менинг қўл остига ўтди. Мана шу ғалаба шижоатим самараси эди.

Шоҳ Ғозий ҳам худди шундай кунга қолиб, мамлакатни қўлидан чиқиб кетибди. Фалакнинг гардиши билан, унинг бахти ҳам ғафлат уйқусига берилиб, тахти-салтанати душмани қўлига тушиб қолибди. Қўшини ҳам душман тарафга ўтиб, ўзи ҳеч кимсасиз, ёлғизланиб қолиб, оз киши билан бир тарафга қочибди. Кейин, тўсатдан хасми турган жойга босиб бориб, тожи, тахти ва мамлакатини қайта эгаллаб, душманини ўзига бўйсундириб олибди ва ҳамда унинг қони билан ўз тигини бўяб, гул ранг қилиб олибди ва лолагун май ичиб, айш-ишратга берилибди. У ўз душманига шундай иш кўрсатиш билан, менинг ўлган-ўчган номимни тиргизибди. Лекин, инсоф билан айтганда, унинг шижоат билан қилган иши меникидан зиёдроқ бўлган экан. Масалан, мен бундай шижоатни биёбонда кўрсатган бўлсам, у шаҳар ва қўрғонда кўрсатган.

Мен Ҳаворнақ номли афсонавий қаср ҳам бунёд этиб, даҳр боғига (дунёга) бир ҳусн бағишлаган эдим. Уни Ҳаворнақ эмас, Эрам гулистони, Эрам гулистони эмас, балки равза

(жаннат) бўстони дейиш мумкин эди. Султон Ҳусайнга ҳам шундай мақсад насиб бўлиб, дунёда гўзал боғлар бунёд айлади. У боғнинг тупроғи мушк ва анбари соро каби муаттар бўлиб, оти оламга «Жаҳон оро» деб таралгандир. У боғнинг ҳарам ва бўстонлари жаннатникига ўхшаган бўлиб, ундаги бир гулзорнинг ўзи юзта Ҳаворнақдан зебороқдир.

Мен яна еттита қаср бино қилган эдим. Бу қасрларнинг ҳар бири ўз даврининг зийнати эди. У қасрлар ўртасида чаманзор бир боғ бўлиб, уни кўрганда раваз боғининг рашки келар эди. Бу боғнинг ичида ҳам ўндан ортиқ қасрлар — ҳашаматли иморатлар қурилган бўлиб, унинг ҳар бири худди жаннатдаги Эрам боғи сингари гўзал қилиб безатилган эди.

Бундан бошқа, яна мен кўнглимни салтанатга боғлаганим ҳолда, айш-ишрат, ўйин-кулгига берилиб кетиб, ганжу хазина деган нарсаларга аҳамият бермаганман. Мирзо Ҳусайн ҳам ўйин-кулгини хуш кўради, унинг кўнгли ҳам куй ва қўшиқдан завқланади. Мен агар бор хазиналарни нес-нобуд қилиб юборган бўлсам, унинг хазинасида ҳеч нарса ҳам йўқдир. Ҳусайн Бойқаронинг мана шу каби қизиқ табиати ва ажиб фикр-хаёлотли бор. Шу жиҳатлардан уни мен ўзимга тенг кўраман. Ҳатто, у менинг фарзандим, дея оламан. У, жаҳондаги бутун шоҳларга ҳам шоҳ бўлсин-у, қиёматгача жаҳонга раҳбарлик қилсин.

Сен эса унинг бир камина қули ва боғининг хуштарона булбулисан. Сен унинг муддаосидаги ишларни қилиш билан бирга, кеча-кундуз дуоси билан ҳам машғулсан. Унинг умрининг узун бўлиши, давлати ҳам кундан-кунга зиёдаланиши сенинг тилак ва мақсадингдир. Гарчи, унинг ҳар бир ишига тангри ёрлигини билсам ҳам, уни фарзанд деб атаганим тўфайли, руҳим унинг ишидан ҳеч қачон ғафлатда эмасдир. Унга бирон машаққатли иш юз берса, мен ўз руҳим билан кўп мадад бераман. Унинг муроди нима бўлса, сеники ҳам шудир. Мен эса, сизнинг мурод-мақсадингиз йўлида мададкорман.

Ақлимнинг ҳукмига қараганда, сенга ҳам менинг мададим тегар экан. Оллоҳ-оллоҳ, бу менинг нима деганим бўлди! Тангри узримни қабул айласин. Менинг номим хайр-саховат билан машҳурдир. Аммо, бунга ўн баравар саховаткор бўлганимда ҳам, барибир, сенинг олдингда уятлиман. Энди шоҳингга саломимни айтиш билан бирга, тубандаги паёмимни ҳам унга етказгай:

«Бу жаҳон ҳеч кимсага вафо қилмагани каби, уни шоҳлик тарки учун суюнчи қилиб беришга ҳам арзимайди. Шоҳ агар минг йил ҳаёт кечирганда ҳам, ўлганда яқши оти қолмаса,

аҳамияти йўқдир. Ҳаётнинг минг йилга чўзилганда ҳам, ўлдингми, ўша онда ҳамма нарса йўққа чиқади. Агар яхшилик билан отинг қолса-чи, мана шугина фахрланишга лойиқдир. Сенинг умринг хайр-аҳсон қилиш билан ўтган бўлса, отингнинг яхшига чиққани шудир. Умид қиламанки, жаҳонда яхши отинг билан минг йиллаб қолгайсан!»

Шоҳ ўз сўзини шундай тамомлар экан, саккизта сарвқомат, оқбадан ҳам ўринларидан туриб миннатдорчилик билдирдилар ва ташаккур изҳор этдилар. Улар малика ҳақиға ҳам дуо қилдилар. Мен бу гапларнинг ҳаммасини қабул айлаб, сўз айтмоқчи бўлган эдим, оғзимдан илгари кўзим очилиб кетди. Кўзим очилгач эса, бу гапларнинг туш эканлини фаҳмлаб, кўзимни юмиб, яна ухламоқчи бўлган эдим, лекин қанча ҳаракат қилсам ҳам қайта ухлолмадим-у, аммо бениҳоя руҳий файз олишга муяссар бўлдим.

Эй, ҳукмдор хисрав-шоҳ! Эй, фалак қадар баланд мартаба эгаси! Эй, улуғ шараф эгаси шаҳаншоҳ! Баҳром сенинг ҳақингда қандай тилакда бўлса, бу тилагини сўзининг охирида ҳам такрорлади. У нимани сенга панд-насиҳат қилган бўлса, бунга эҳтиёж йўқ эди, дема. У қандай ирода билдирган бўлса, бу ирода сенда уникага нисбатан юз чандон зиёда эканлигини биламан!

То фалак ўз гардиши атрофида айланаркан, етти сайёра кўкда сайр этгани каби, ҳақ етти кўкни ҳам пасайтириб, у етти юлдузни ҳам сенинг қўл остингда порлатсин! Тахту жоҳинг фалакдан юқори-ю, фалак қасри сенинг паноҳинг бўлсин!

## XXXVII

*Сўзнинг сўнги ва назмининг ниҳояси  
ва чегарасиз хижолат изҳори ва бени-  
ҳоя журғат юзасидан узр сўрамоқ ва бу  
афсонани ўқувчиларга панд-насиҳат  
қилмоқ ва ёзувчилар аҳлига оз-моз ўгут  
битиб қолдирмоқ ва бу дoston тарихи-  
нинг баёни ва байтлари адабининг та-  
йини*

Менга раббоний фазилатининг файзи бу ажойиб достонни яратишни насиб этди. Поклик файзининг баракаси биланг бу китобни ёзиб тугатдим.

...<sup>1</sup> Бу еттита зарнигор олий қасрдек («Сабъаи сайёр»дек) қаср ҳали дунёга келган эмас. Мен бу обод кишварни бунёд этарканмай, етти қаср ичига етти ҳурни ҳам киритдим. Шоҳ Баҳром эса, ҳар кечаси бу қасрларнинг бирида сайр қилиб, ўзини овунтирар эди. Кечанинг қоронғилиги ёруғ тонг билан алмашганда унинг уйқуси келар эди. Доно шоҳни ухлатиш учун, кечаси билан бир мусофир афсона айтиб чиқар эди. Бу достоннинг назмлари орасида сўз ўйинлари жуда кўп бўлиб, буларнинг барчаси шу етти ҳикояни тасвирлаш учун ишлатилди. Бундаги ҳикоялар етти мусофир оғзидан ёзилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам сайр-саёҳатда юрган — жаҳонгашта одамлар эди. Шу жиҳатдан, бу достон ёзилиб битгач, отини «Сабъаи сайёр» деб қўйдим. Бу ажойиб манзумани бошдан-оёқ ҳисоблаганда беш минг байт, яъни ўн минг мисраъ эканлиги маълум бўлди.

Бу достонни қайси куни бошлаганим эсимда бўлмаса ҳам, лекин, ёзиш учун тўрт ойдан ортиқ вақт сарф қилганим йўқ. Агар бошқа ишлардан озод бўлган ҳолда ёзганимда эди, тўрт ҳафтада тугатишим ва анча равон ёзган бўлишим ҳам мумкин эди. Аммо бунини ёзаётган пайтларимда машғулотим бениҳоя кўп бўлгани устига, тинчим йўқ, аҳволим ҳам ёмон эди. Бутун вақтим эл-халқнинг можароси ва тўғри-эгрилигини ажратиш қийин бўлган жанжалли масалалар билан ўтар эди. Ейишичиш, ухлаш нималигини билмай, кечаларни ғам, кундузларни ташвиш ва изтироб билан ўтказар эдим. Элнинг ғалва-жанжали мени ҳайрон қилар, дилимнинг озуқаси ҳам, жонимнинг қуввати ҳам ғам эди. Мен бечора шу аҳволда ҳаёт кечирганим ҳолда, яна оз фурсатда бу достонни ҳам ёздим. Ишонаманки, бу асарим унчалик яхшимасдир, лекин ёмон ҳам эмас. Яхши одам, ёмон бўлса ҳам ёмон демайди-ку.

Лекин, кимки бу мавзуда қалам тебратган бўлса, хатоларини ҳақ ўз қалами билан тузатсин. Улар фақат ёзардилар — ёзишдан бўлак юмушлари йўқ эди. Ҳатто, гап-сўзлари ҳам фақат шу ҳақда борар эди. Менинг бу асарни ёзишга сарфланган фурсатимни уларнинг ўндан бир вақтининг ўндан бирига тенглаштириш мумкин эмас. Агар толеим ёр бўлиб, ўшаларчалик кенг фурсатда қалам тебратиш бахтига муяссар бўлганимда эди, осмон табақалари мен ёзадиган назмларнинг варақлари бўлса эди, у пайтда янада дилкаш назмлар ёзар, уларни яна чуқур маънолар билан бойитган бўлар эдим. Мен шунча меҳнат-машаққат ичида бўлганим ҳолда, фурсатдан

<sup>1</sup> XXXVII боб қисқартиб босилди. (Ред.)

фойдаландим; шу фурсат орасида юқоридаги меҳнатларни ҳам қилдим. Бинобарин, шундай шароитда бу сатрларни ёзган эканман, мени маъзур тутсалар ўринсиз бўлмас.

Эй Навоий, кел, афсона айтишни бас қил! Узинг ҳам гапни жуذا чўзиб юбординг.

Ераб, шу қатор-қатор, узундан-узоқ гапларни эринмай-зериқмай ёзиб чиқдим. Хоҳ тўғри гапни айтган ва хоҳ адашган — хато қилган бўлсам, сенинг ироданг ва тақдиринг билан бўлди. Қалам билан қоғозни безаш учун менда ихтиёр бор эканми? Бугун ниманики менинг қаламим қоғозга туширган бўлса, рўзи азалда буни тақдир қалами ёзмиш эди. Ёзганим хоҳ яхши, хоҳ ёмон экан, азалда шундай ёзилган бўлгач, мен нима қилайин? Сен нимани ёзган бўлсанг, мен ҳам шуни ёздим ва лекин, шубҳасиз, хато ҳам қилдим. Ростига, лутф этиб, рост деб ёзиб қўй, танграм! Саҳв-хатойимни эса, ўз қаламинг билан тузатиб, афв этгил. Айтган сўзларимни эл-улус учун марғуб-ёқимли қил; ёзганларимни эса кўнгилларга маҳбуб-севимли қил. Афсонамнинг сўзларини тилга огир қилма, шеърларимни жонга ёқимли айла.

Гарчи, ёзилиб тамомланиш тарихи саккиз юз саксон тўққизинчи ҳижрий йили ва жумодисоний ойининг пайшанба куни (1484 йил, июнь ойи ичида) бўлса ҳам, варақ ҳамда сатрларини ҳисоблаб, беш минг байт (ўн минг мисраъ) эканини аниқладим.

Танграм, халққа буни азиз ва зебо қил; ўқиганга буни муборак қил! Бунга етти фалакни ёр айла, етти иқлим элини харидор ва талабгор айла!

VIII. Етти гулшан ва етти қаср наққошлигининг сабаби ҳақида.	3
XI. Баҳром достониши бошлаш олдидан бир неча сўз.	9
XII. Наққош Монийнинг шоҳ Баҳромга Дилором суратини кўрсатиши ҳақида.	13
XIII. Дилоромнинг ҳусни таърифи ва Баҳромнинг висолга эришгани ҳақида.	20
XIV. Ой юзли Дилором соз чалиб, шоҳни мафтун этгани ҳақида.	24
XV. Баҳромнинг май ҳароратида ақлидан озиб, Дилоромни боғлаб, чўлга ташлагани ҳақида.	27
XVI. Шоҳ Баҳромнинг мастлигида қилган ишидан пушаймон бўлгани ҳақида.	31
XVII. Севгилисидан айрилган Баҳромнинг тортган азоб-уқубатлари ҳақида.	35
XVIII. Бемор Баҳромни соғайтириш учун ҳақимлар маслаҳати билан етти қаср бино қилингани ҳақида.	39
XIX. Ҳафтанинг ҳар куни Баҳром бир қасрда бир қиз билан суҳбат туггани ҳақида.	43
XX. Шанба куни Баҳромнинг қора қасрда қора кўз оҳу билан қора кунни тунга улагани ҳақида.	46
XXI. Аввалги иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг Фарруҳ ва Ахий ҳақидаги афсснаси.	47
XXII. Якшанба куни Баҳромнинг зарнигор қасрда сариғ либослик ҳур билан май ичгани ҳақида.	66
XXIII. Иккинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг Зайд ҳақидаги ҳикояти.	66
XXIV. Душанба куни Баҳромнинг яшил саройда сабза ранг либосли сарвқомат билан ҳаёт сувини ичгани ҳақида.	78
XXV. Учинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг Сайд ҳақидаги афсонаси.	79
XXVI. Сешанба куни Баҳромнинг гулнорий қасрда гул юзли гўзал билан лаъл ранг май ичгани ҳақида.	96
XXVII. Тўртинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг Масъуд ҳақидаги суҳангузорлиги.	97
XXVIII. Чоршанба куни Баҳромнинг мовий ранг қасрда осмон тусидаги либос кийган гўзал билан суҳбат қургани ҳақида.	115

XXIX. Бешинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг Жобир, Сухайл ва Меҳр ҳақидаги достони. . . . .	116
XXX. Пайшанба куни Баҳромнинг сандал ҳидли гулшанда сандал бўйли сарвқомат билан суҳбат қургани ҳақида. . . . .	129
XXXI. Олтинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг Муқбил ва Мудбир ҳақидаги ҳикояси. . . . .	130
XXXII. Одина (жума) куни Баҳромнинг оқ қасрда оппоқ либосли гўзал ила суҳбат қургани ҳақида. . . . .	142
XXXIII. Еттинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг Дилоромнинг кейинги тақдири ҳақидаги афсонаси. . . . .	143
XXXIV. Баҳромнинг йўқотган Дилоромини топгани ҳақида. . . . .	157
XXXV. Баҳром Гўрнинг ҳалокати ҳақида. . . . .	161
XXXVI. Шоирнинг тушида Баҳромнинг миннатдорчилик билдиргани ҳақида. . . . .	165
XXXVII. Достон тарихининг баёни. . . . .	171

На узбекском языке

АЛИШЕР НАВОИ

## СЕМЬ ПЛАНЕТ

Редакторлар М. Маҳмудов, А. Қосимов

Рассом М. Кагаров

Расмлар редактори Н. Кириакиди

Техн. редактор Э. Саидов

Корректор Р. Содиқбекова

ИБ № 12

Босмахонага берилди 28/II-77 й. Босишга ружсат этилди 17/VIII-77 й. Формати 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма л. 11,0. Шартли босма л. 10,23. Нашр л. 10,96±0,42 вкл. Тиражи 75000. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 182—75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 1-босмахонасида № 1-қоғозга босилди, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1977 йил. Заказ № 291. Баъҳоси 1с. 10 т. Мелованый қоғозда баъҳоси 1 с. 80 т.

Навоий Алишер.

Сабъаи сайёр. Насрга айлангирувчи И. Махсум. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. ©

176 б.

«Сабъаи сайёр» Алишер Навоий «Хамса»сига кирган энг йирик фалсафий дostonдир. Буюк шоир хамсанавис салафлари изидан бориб, Ваҳром Ғур ва Дилором образларини яратди. Дostonдаги образлар ва келтирилган етти ривоят фантазияга бойлиги, юксак инсоний ва интернационалистик ғоялари, ўлмас бадий нафосати билан китобхонни ўзига тортиб туради.

Навои Алишер. Семь планет.

Уз1